

TAFAKKUR

ТАФАККУР 3/2024

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

ТАФАККУР 2024

ТАФАККУР

TAFAKKUR



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 3/2024





ISSN 2010-6491



9 772010 649005



ХАТЧЎП



Ўқинг, кам бўлмайсанг!

BO'LVUR

Қоратогнинг баланд боши
Қорли бўлур, қорсиз бўлур.
Бир эр йигит ёт элларда
Молли бўлур, молсиз бўлур.

Хоразмда қолди жойлар,
Чекар бўлдим оҳу войлар,
Тог бошидан оққан сойлар
Селли бўлур, селсиз бўлур.

Карвонлар кечар чўлларда,
Суқсурлар учар кўлларда,
Бир эр йигит ёт элларда
Тилли бўлур, тилсиз бўлур.

Кимга айтай арзи ҳолим,
Кўнгилда кўп қийлу қолим,
Ўтган умр – захру болим
Тотли бўлур, тотсиз бўлур.

Ғариб Зевар ҳар кун йиғлар,
Юрагимда кўндир доғлар,
Ранг-баранг очилган боғлар
Гулли бўлур, гулсиз бўлур.



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош мухаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят

Бош мухаррир ўринбосари
Собиржон ЁҚУБОВ
Бўлим мухаррирлари
Султонмурод ОЛИМ
Нодира ОФОҚ
Шоҳсанам РЎЗИМАТ кизи

Бадий мухаррир
Ольга ЖОЛДАСОВА
Мухбир-мухаррир
Насрулло ЭРГАШ
Техник мухаррир
Наргиза УСМОНОВА

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ
Олимжон ДАВЛАТОВ
Хуршид ДАВРОН
Шухрат РИЗО

Сирожибдин САЙИД
Хайридин СУЛТОН
Абдурахим ЭРКАЕВ
Муртазо ҚАРШИБой
Дилмурод ҚУРОНОВ
Отабек ҲАСАНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино.

@ (55) 508-11-45
(55) 508-11-46

✉ tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Global Color Print” босмахонаси. Тошкент шаҳри, Фозилтепа кўчаси, 22б-уй.

2024 йил 17 сентябрь кунни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70х100 1/16. 8 босма табак. 16/09/2024-буюртма. Нашр адади 6830 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Бир ён маъсият, бир ён маъсумият. *Сиёсатшунос олим Нарзулла ЖЎРАЕВ билан суҳбат* 4



ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Алишер УМИРДИНОВ. Дунёни ўзбекча кўрмак орзуси 16

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Абдурахим ЭРКАЕВ. Неоимпериализм: мустақилликка янги таҳдидлар. *Биринчи мақола* 20

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Аброр ЮСУПОВ. Идрокнинг оғиш нуқтаси 28

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ. Қуллик қасирғаси 36

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Лоқайдлик музтоғлари. *Ёзувчи Жўра ФОЗИЛ билан суҳбат* 44

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Абдуқайом ЙЎЛДОШ. Сусамбил. Ҳикоя 52

ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Темур ЖЎРАЕВ. Инсон аталмиш синаот 68

КУРАШАДИ ИККИ ТЎЛҚИН

Абдулла АЪЗАМ. Билимдон керакми ё топармон? 74

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Жўрабек РЎЗМЕТОВ. Ақл билан меҳнат саломат бўлса... *Эссе* 80



ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Норқобил ЖАЛИЛ, Рўзимбой ҲАСАН. Генерал Жўрабекнинг қотили ким? 90

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Шароф БОШБЕКОВ. Темирийўлдан сўз терган йўловчи 100



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Санобар ТЎЛАГАНОВА. Орзулар ушалгучи манзил 106

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Ойгул КАЖАНОВА. Миллат қандай тарбияланади? 114
Мансур МУСАЕВ. Эътиқод қўғғони 115
Баҳриддин САЛИМОВ. Техника тараққиёти: завоқ ё камол? 116
Ҳусан МУҲАММАДИЕВ. Виртуал дунё сабоқлари 117
Собиржон ЁҚУБОВ. Бир давлат – турфа маданият 119
Гулдона ТАНИЕВА. Олти асрлик жумбоқ 120
Сафар АЛЛАЁРОВ. Азим тоғлар садоси 122
Эркин ЖАББОРОВ. Мўъжаз расмда мўъжиз маъно 123

“ТАФАККУР”ГА МАКТУБЛАР

Фикрлашиш эҳтиёжи 125
Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни 127



BIR YON MA'SIYAT, BIR YON MA'SUMIYAT

*Сиёсий фанлар доктори, профессор
Нарзулла ЖҮРАЕВ билан суҳбат*

– Нарзулла ака, Сиз сиёсатшунос олим сифатида давлат бошқаруви тизими, ҳокимият “анатомияси”ни кўп йиллардан буён тадқиқ этиб келасиз. Шу боис, ижозат берсангиз, асосан сиёсат мавзуси теграсида суҳбатлашсак.

Халқимизнинг сиёсий саводхонлиги аста-секин ошиб борапти. Айниқса, сўнгги йилларда ижтимоий тармоқлар қирқ қулоқли қозондек қайнаган: юртдошларимиз жамиятдаги норасоликларга дадил-дангал муносабат билдираёттир. Лекин мутараққий дунё билан муқояса этилса, чинакам сиёсий фаол халққа айландик демоққа истиҳола қилади киши. Миллат, мамлакат истиқболида тақдируламал аҳамият касб этган сиёсий масалаларга аралашгимиз келмайди. Мақолу маталларимизда ҳам шунга ишора бордек: “Оч қорним – тинч қулоғим”, “Ўйнашмагин арбоб билан...”, “Деворнинг ҳам қулоғи бор”, “Фақир киши панада”, “Катталар нима деса шу”... Сиёсатдан йироқлигимиз, эҳтиёткорлигимизни кўриб, одамзодни “сиёсий мавжудот” деб атаган Муаллими аввал (Арасту)

адашганмикан деган ҳаёлга борасиз. Сизнингча, халқимизнинг сиёсатга ҳадеб бош суқавермаслиги сабаби нимада? Ҳақсўз адиб Шароф Бошбеков таъбири билан айтганда, нега “дунёга чинқариб келсак-да, шивирлаб яшамоқ”ни афзал биламиз?

– Саволингиздаги бир ибора диққатимни тортди: “ҳокимият анатомияси”. Чиройли ибора экан. Касбим тақозосига кўра имкон қадар ҳокимият анатомиясини ўргандим, ўрганияпман. Илмий ва сиёсий тушунча сифатида у кўп замонлардан бери тадқиқ этилади. Ҳатто милoddан аввалги даврда яшаган юнон, хитой алломалари, жумладан, Шарқ донишмандлари бу масалада кўп ва хўб мушоҳада юритган. Демоқчиманки, велосипедни қайта кашф этишимизга ҳожат йўқ.

Ҳокимиятни инсон бошқаради. Назаримда, ҳамма муаммо ана шунда. Инсон – мубҳам олам. Унга ҳеч ким, ҳеч қачон тугал таъриф бера олмайди. Чунки ҳар бир даврнинг ўз одами, ўз дунёқараши, кутилмаган талаблари, қонуниятлари бор.

Дунё тез ўзгармоқда. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқими биз кутгандан кўра шиддаткор, пўртанали. Бу, ўз-ўзидан, инсон ва жамият, унинг истиқболи борасида жиддийроқ ўйлашни тақозо этади. Тўғри таъкидладингиз, кейинги йилларда халқимизнинг сиёсий саводхонлиги ошиб борапти, ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабат фаоллашиб, бефарқлик камаймоқда. “Қирққулоқ қозонлар” ҳам қайнаёттир. Бироқ моҳиятан қараганда, аҳвол қувонарли эмас. Ижтимоий тармоқлардаги чиқишларнинг аксари юзаки айюҳаннослар, майда маиший муаммолар, икир-чикир масалалар атрофидаги қийлу қоллардан иборат. Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида жўяли, конструктив таклифларни кўрмаяпман. Мазмун-моҳиятни теран англаган ҳолда, жиддий муаммоларга оғир-вазминлик билан ечим топиш истаги борми? Афсуски, соғлом ақлдан узоқ, ҳиссиётга таянган чиқишлар кўпроқ. Бундай чиқишларнинг жамоатчилик фикрини ўзгартириб, одамларни давлатнинг стратегик мақсадларидан чалғитгани чатоқ.

Яна бошқа бир тоифа замондошларимиз бефарқлик, лоқайдлик кайфиятида. Сиз санаган мақолларда халқнинг маънавий қиёфаси, интеллектуал салоҳияти, ақлий даражасини кўраимиз. Бу нақллар айти шу кунларимиз учун айтилгандек. “Берсанг ейман, бермасанг ўламан”, “Олма пиш, оғзимга туш” деб яшаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Ваҳоланки, кенг миқёсли ислохотларнинг натижаси аҳоли тафаккури, одамлар дунёқараши билан боғлиқ.

Жамиятда модернизация жараёни чуқурлашаётган, туб ислохотлар амалга оширилаётган замонда давлат тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқади. Парламент ҳуқуқий асосларни яратади. Ижро ҳокимияти уни амалга оширмоққа бел боғлайди. Лекин стратегия, дастурларни ҳаётга татбиқ этадиган асосий куч – халқ. Халқимизнинг кўпдан-кўп фазилатларини тан олган ва ҳурмат қилган ҳолда айтишим керакки, ана шу улкан мақсадларни рўёбга чиқаришда ички рағбат, қалб уйғоқлиги, руҳий қувват ва ташаббус етишмаётгандек. Негадир жамият ва давлат ишига дахлдорлик ҳисси суств.

Йўқ, Арасту бобо адашмаган, инсон бутун моҳияти билан сиёсий мавжудот, ижтимоий ҳодиса. Ҳатто исломда ҳам бу жиҳат ўзига хос тарзда талқин этилган. Оллоҳ Қуръони Каримда “Биз сизни мукаррам қилиб яратдик”, дейди. Мукаррамлик нимада? Азизлик нимада? Мўътабарлик-чи? Муаззам оламни, жумладан, турфа хил жонзотларни яратган Оллоҳ фақат одамгагина ақл-тафаккур, ҳис-туйғу берди, ўз ҳаётини ўзи йўлга қўйиш, ўз саодатини ўзи яратиш қобилиятини ато этди. Биз нодир инъомдан, ноёб имкониятдан фойдалана оляпмизми? Жуда оғриқли савол бу! Ана шу ҳақиқатни юрагидан ҳис этган марҳум адибимиз Шароф Бошбеков “дунёга чинқириб келсак-да, шивирлаб яшаш”имиздан изтироб чекиб ўтди. Бу, аслида, ҳаммамизнинг изтиробимиз.

Бугунги давр ҳар бир фуқародан, у ким бўлиши, касбу кори, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, қалб ва руҳият уйғоқлигини талаб этаётир. Ер юзи бўйлаб ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик вабо каби тарқалмоқда. “Инсониятнинг XX асрадаги буюк фожиаси – унинг қадриятлардан узоқлашганида”, дея муқаррар инқироздан огоҳлантирди БМТ Бош котиби Антониу Гуттериш. Ахлоқий таназзул, маънавий инқироз авж олган даврда инсон ўзини ўзи асраш инстинктини кучайтирмоғи лозим. Ҳар бир одам ўзини ўзи асраса, иллатларини жиловлаб, хулқини камолга етказиш йўлидан борса, миллатни сақлаб қолиш мумкин бўлади.

Жаҳон тажрибаси бизни сергакликка ундаши керак. Америкалик олим Патрик Бьюкенен Ғарб тамаддунининг интиҳоси яқин, бу инқирознинг илдизи ахлоқсизликка бориб тақалади, дейди. Машҳур давлат ва сиёсат арбоби Ҳенри Киссенжер эса совет тажрибасини назарда тутиб, “Бизда эркак ва аёлнинг биргаликда яшаш эҳтиёжи бор – уларда оила деган қадрият бор. Бизда шахвоний эҳтиёж бор – уларда муҳаббат бор. Афсуски, биз ана шу инсоният қўриқхонасига ҳам дахл этдик”, дейди. Бизнинг ҳаётимизга

ҳам ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик, худбинлик, енгилтаклик, яна талай маъсиятлар кириб келмоқда. Бу ҳол умуммиллий фожага ўлароқ қабул қилиниши, ислох учун оқилона чоралар кўрилиши керак.

Буюк олмон файласуфи Фридрих Нитше “Ғолибона ўл!” деган эди. Инсон босиб ўтган умр йўлидан миннатдор ҳолда ўлиши учун ғолибона яшаши лозим. Демак, икир-чикирлар, фиску фасодлардан устун келиб, умрни, ақл-заковатни умуммиллий манфаатни ҳимоя қилишга сафарбар этмоқ керак. Фитнакор неъматлар, нашъу намолар, пасткашликлар, риёкорликлар, бойлик, амал, шон-шухратдан ўзни устун қўйиб яшаш учун эса одамда орият, нафсоният, ички ғурур мустаҳкам бўлмоғи даркор. Ўзбекнинг файласуф шоири Эшқобил Шукур “Мен орсиз яшашдан қўрқаман жуда, / Мен қаттиқ қўрқаман орсиз ўлимдан”, деб ёзади. Бу дардли фарёд ҳар бир қалби уйғоқ зиёлини теран мушоадага толдириши аниқ.

Бир қарашда ғоятда гўзал, бадастир ҳаёт кечиряпмиз. Аммо очик нигоҳ билан қаралса, инсоннинг азиз ва мукаррамлик мақомига доғ бўлувчи иллатлар гирдобиди эканимиз кўринади. Қалбимизнинг кемтиклиги, руҳиятимизнинг мажруҳлиги, ўзимизни инсон сифатида тўла-тўқис идрок этолмаётганимиз оқибати бу...

– Давлат бошқарув низоми мудом янгиланишда, аммо асрлар ўтса-да, ўзгармайдиган собит қоидалар бор. Итальян мутафаккири Никколо Макиавелли “Ҳукмдор” асарида сиёсий етакчилар, арбобларни омма нафрати ва ғазабига гирифтор бўлиш хатаридан огоҳлантираркан, энг ишончли, энг мустаҳкам қўرғон халқ муҳаббати эканини уқтиради. Бугун ҳам сиёсат аҳли учун бирламчи омил раият меҳр-муҳаббатини қозониш бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизда раҳбар кадрларнинг янги авлоди шаклланимоқда. Чет элда таҳсил қўрган, бир неча ажнабий тилда бийрон гапирадиган, тафаккур ва тадаббур қўлами кенг арбобларимиз кўпаяётгани қувонарли, албатта. Аммо давлатимиз раҳбари юритаётган ислохотлар моҳиятини англай олмаётган, халқ муҳаббати эмас, нафратига “ноил” бўлаётган ишбошилар ҳам талайгина. Шу тоифа ҳокимлардан бири муштумзўрлик қилса, бошқаси қўл остидагиларни сўкиб-ҳақоратлайди. Оёғи ердан узилган амалдорларнинг номашру хатти-ҳаракатлари сабаб гоҳо Ўзбекистон номи жаҳон матбуотида салбий бўёқда тасвирланаётгани чандон афсусландир. Замон ўзгарса-да, баъзи раҳбарларимизнинг тафаккури, тутумлари ўзгармаётгани боиси не? Раҳбар кадрларнинг

билими, саводхонлигини оширадиган имижмейкерлик каби замонавий йўналишлар нега бизда ҳалигача шаклланмаган?

– Давлатчилик – минг йиллар мобайнида бир маромда, сокин ўзанда ҳукм суриб келаётган собит механизм эмас. У ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари, маънавий-ахлоқий талаблари, интеллектуал имкониятларига ҳамоханг, уйғундир. Бугун биз барпо этаётган жамият, биз яратаётган тарих ҳам бизнинг ақлимиз маҳсули. Унинг иллатларию фазилатлари, нуқсонларию ютуқлари барчамизники. Зотан, бунёдкор ҳам, бинокор ҳам ҳаммамиз – мен, сиз, бошқалар...

Албатта, Макиавеллининг давлатчилик ва сиёсий етакчилар ҳақидаги фикрлари ҳеч қачон қийматини йўқотмайди. Лекин уларни аниқ маконда, конкрет замонда жорий этишда ўша давр одамлари дунёқараши, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини назарда тутмоқ керак бўлади. Дарҳақиқат, халқ муҳаббати, ишончи ва эътирофи сиёсий етакчи мақом-мартабаси, обрў-эътиборини белгилайди. Замонавий давлатчилигимизда ҳам бу талаб инobatга олинган. “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган ақиданинг ўзи кўп жиҳатларни ойдинлаштиради. Бироқ ҳаёт – ҳаёт-да. Идеал жамият ҳеч қачон бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди. Бу орзунинг рўёбга чиқиши ҳам ҳар қандай жамиятнинг қурувчиси бўлган одамларнинг феъл-атвори, ахлоқи, ижтимоий-сиёсий дунёқарашига боғлиқдир.

Тўғри таъкидладингиз, давлат бошқарувида хорижда ўқиб дунё тажрибасини ўрганган, чет тилларни пухта ўзлаштирган раҳбар кадрларимиз кўпайди. Аммо айрим ҳолатларда уларда ҳаётий тажриба етишмаслиги, миллий ахлоқий меъёрлар, маънавий мезонлардан бегоналик кўзга ташланмоқда. Боз устига, бошқарув салоҳияти, шарқона донишмандлик, ўзбекона тафаккур ва андиша етишмаётир. Афсуски, бу вақт ва тажриба билан боғлиқ бўлган ўткинчи масала эмас. Хусусан, ўрта ва қуйи бўғин бошқарув тизимида муаммолар кўп. Қуюшқондан чиқиш, сўкиниш, ёқалашиш, ахлоққа зид муомала-муносабатлар рўй бермоқда.

Тажрибадан маълум, мансабдор унга юкланган лавозимга муносиб бўлмаса, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам азоб бериб ишлайди, муаммо туғилганда руҳий мувозанатини йўқотади, оқибатда бақир-чақир, сўкиниш, ур-тўполонлар юзага келади. Айрим ёш кадрлар лавозим юкини кўтара олиш ёки олмаслик ҳақида ўйлаш лаёқатидан-да маҳрум. Мутахассислиги, касб-кори ва тажрибасидан қатъи назар, исталган лавозимни таклиф қилсангиз, ўйламай-нетмай ишлашга шайлик изҳор этади. Дангалини айтганда,

биз ўз даражамизни билмаймиз, ўзимизга холис ва ҳаққоний баҳо бера олмаймиз. Бунга худбинлик, манфаатпарастлик, амалпарастлик, шон-шухрат, кибру ҳаво иллатлари тўсқинлик қилади.

Одамзоднинг табиати қизик: мудом ўз имконияти, қобилияти ва билим даражасидан зиёд неъматларни хоҳлайди. Кўзлаган лавозимига муносибми, йўқми, буни ўйламайди. Лавозимни эгаллагач, бирдан донога айланади, ўзини ҳаммадан ақлли деб била бошлайди. Муаммо туғилганда, унинг ечимини тополмагач эса, дўқ-пўписага ўтади. Фикр билдирганларни ёқтирмайди, ҳақини талаб қилганлар билан ёқалашади. Бу ҳол раҳбар шахснинг ўз лавозимига муносиб эмаслигидан келиб чиқади.

Демак, ҳозирги шароитда кадрлар билан ишлаш, ҳар томонлама етук бошқарувчилар захирасини шакллантиришга эҳтиёж катта. Тўғри, давлат бу иллатларга қарши курашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бироқ раҳбар кадрларнинг саводхонлигини ошириш, имижмейкерлик сингари замонавий йўналишларга эътиборни янада кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Яқинда мен Республика Маънавият ва маърифат маркази қошида ташкил этилган “Келажак лидерлари” клуби аъзолари билан учрашдим. Билишимча, бир неча ўн минг ёшлар орасидан онлайн синовлар, савол-жавоблар орқали саралаб олинган йигит-қизлар ушбу клубда бошқарув бобида тажриба орттирмоқда. Йигит-қизларнинг иштиёқи зўрлиги, қалби уйғоқлиги, фикрати тозаллиги, ақли бутунлигидан ҳам қувондим, ҳам умидландим. Бу – жамиятимизнинг, давлатимизнинг ёруғ келажакдан нишона. Бироқ кўнгилда хавотир ҳам йўқ эмас. Улар маълум бир лавозимни эгаллагач, бюрократик тўсиқлар, худбин ва мунофиқ мулозимлар қурбонига айланиб, олмосдай товланиб турган қалблари чилпарчин бўлмасмикан?..

Лидер деганда биз туман, шаҳар, вилоят, мамлакат раҳбари ё сиёсий партиялар раисларинигина тушунмаслигимиз керак. Ҳар бир соҳанинг ўз етакчиси бўлиши даркор. Ҳар бир киши ўз иш жойи, касб-корининг пешқадами бўлмоғи лозим. Шу тариқа турли даража, соҳа ва бўғиндаги лидерлар, ташкилотчилар, ташаббускорлар жамиятини қураимиз. “Ўзинг ўзингнинг ҳокиминг бўл” деб ўғит берган эди Нитше. Мустақил фикрли кишилардан иборат жамият, давлат ҳам чин маънода мустақил бўлади.

Лидерлар қанча кўп бўлса, кадрлар захираси бой бўлса, танлаш имконияти кенгаяди. Баъзан номзоднинг мутахассислиги, босиб ўтган йўли, касбий ва бошқарув тажрибасига қарамай лавозимга қўйиляпти. Бу эса талай муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Хар қандай мутахассис идора, муассаса, туман, шаҳар ё вилоят бошқарувида маълум даражада қатнашади. Лекин бир аччиқ ҳақиқат бор: ҳар қандай мутахассисдан раҳбар чиқиши мумкин-дир, аммо ҳар қандай раҳбардан чинакам арбоб чиқмайди.

– *Ғарблик олимлар Дарон Ажамўғли ва Жеймс Робинсон қаламига мансуб “Мамлакатлар таназзули сабаблари” деган салмоқли тадқиқотда фаровонлик ва камбағаллик илдизлари хусусида баҳс юритилган. Кенг тарқалган илмий қарашга кўра, жуғрофий жойлашув, иқлим, табиий бойликлар ҳамда маданий мансублик мамлакатлар фаровонлиги, халқларнинг тўқис, тўкин ҳаётини кафолатловчи омиллар саналади. Д. Ажамўғли ва Ж. Робинсон бу нуқтаи назарни рад этиб, тараққиёт биринчи галда инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларга боғлиқ эканини таъкидлайди. Айрим халқаро ташкилотлар, экспертлар Ўзбекистонда сиёсий-институционал ислохотлар ўтказиш зарур дея тавсия бераётир. Сизнингча, сиёсий институтларимиз такомили йўлида қандай чора-тадбирлар кўрмоқ керак?*

– “Мамлакатлар таназзули сабаблари” китобини ўқиганман. Муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам илмий-назарий асосга, ҳам амалий аҳамиятга эга экани билан қимматли. Бу масала аввал ҳам талай олимлар томонидан тадқиқ қилинган, хилма-хил хулосалар илгари сурилган. Жумладан, Карл Маркс жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч иқтисод деб ҳисобласа, Шарль Монтескьё табиий географик муҳит дейди. Зигмунд Фрейд наздида эса жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч – либидо, хоҳиш-истак, майлдир.

Жамият равнақида иқтисод муҳим ўрин тутишини инкор этиб бўлмайди. Чўнтагингизда пулингиз бўлмаса, дуруст кийинолмай-сиз, болаларингизни ўқитолмай-сиз, уларга китоб олиб беролмай-сиз (ўзи болаларимизга китоб олиб беряпмизми?). Топармон-тутармон бўлсангиз, ҳаётингиз тўқис, фаровон кечади. Аммо гап фақат моддий неъматларда эмас-да. Ён-атрофимизда моддий жиҳатдан бой-у, маънан қашшоқ одамлар камми? Ҳашаматли уйларда яшаб, қимматбаҳо машиналарда юрадиган, тўй учун миллион-миллион сарфлайдиган, аммо касалманд кўшнисига биттагина дори олиб беришга ярамаётган кимсалар йўқми?..

Монтескьё назариясига мувофиқ, географик омил жамият ҳаётида катта роль ўйнайдиган бўлса, Япония, Швеция сингари давлатлар қандай қилиб турмуш даражаси бўйича дунёда етак-

чи ўринга чиқди? Бинобарин, улар ақл, фан-техника тараққиёти орқали юксак натижаларга эришмоқда.

Фрейднинг либидога устувор ўрин бериши ҳам мунозара уйғотмай қўймайди. Бу телба кўнгил нималарни истамайди?! Одамга мутлақ эркинлик, чексиз ихтиёр берилса, у қай кўчаларга кирмайди дейсиз! Жиноятлар, турли ғайриқонуний ҳаракатлар, ахлоқсизликлар бунга яққол мисолдир.

Президент Шавкат Мирзиёев ғояларига кўра, жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч – маънавият, юксак ахлоқ. Ҳар бир инсон ўзини ўзи ислоҳ қилса, куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтирса, қалб даъвати ила яшаса – жамият ҳам равнақ топади. Иқтисод ҳам, хоҳиш-истак ҳам, жуғрофий жойлашув ҳам ахлоқий қадриятларсиз заиф ва кучсиздир. Шунинг учун ҳам “баркамол инсон”, “баркамол авлод” ғояси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Янгича тафаккур, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар эгаси бўлган авлодни тарбиялаш – узлуксизлик, тадрижийликни тақозо этадиган, қалб, онг, руҳият билан боғлиқ бўлган мураккаб жараён. Биз қийин бўлса-да, ана шу йўлни танлаб тўғри қилдик.

Хулосамни айтсам, тараққиётнинг асоси – ахлоқ, таназзулнинг боиси – ахлоқсизлик. Миллатни уйғотувчи, рағбатлантирувчи, сафарбарлик ҳиссини уйғотувчи куч – маънавият. Бошқа нарса эмас!

– *2016 йили мамлакатимизда сиёсий ўзгаришлар рўй берди, Президент Шавкат Мирзиёев янги платформа билан ҳокимиятга келди. Замон эврилгач, “қаҳрамон” тўнини кийиб кечаги кунни қоралашга тушган, ҳатто ўзидан жабрдийда ясамоққа уринган арбобларимиз ҳақида ҳам фикрингизни билсак. Ҳолбуки, улар биринчи маъмурият даврида ҳам давраларнинг тўрида бўлгани кўпчиликнинг ёдидан чиққани йўқ. Бунисиёсий буқаламунлик деймизми, товусдек турланиш-тусланишми!.. Хўш, кечаги кунни бу тариқа рад этиш тараққиёт талабими ёки яшаш учун кураш усулими?*

– Иккиюзламачилик, вазиятга қараб турланиб-тусланиб туриш миллий менталитетимизга хос десам, ўзим мансуб бўлган миллатни камситган, ҳақорат қилган бўламан. Бундан Худо асрасин. Лекин пешонамизнинг шўри шундаки, бундай буқаламун одамлар орамизда оз эмас. Кўринишидан туппа-тузук, савлатидан от ҳуркадиган, вазоҳати оламнинг тиргаги каби одамларнинг ўзини ҳар кўйга солиши кишини ўйлантириб қўяди.

2017 йилдан кейин жамият ҳаётида ҳам, давлатчилигимизда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу табиий ҳол. Ҳар бир давлат раҳбари ўз характери, феъл-атвори, дунёқараши, мақсадларига кўра сиёсий тизимни ислоҳ қилади, янги тараққиёт йўллари излайди. Ўзгариш палласида эса кимлардир ўзини садоқатли кўрсатмоқ учун ўтмишга тош отишга тушади.

Боя ҳам айтдим, тарихни эл-улус яратади. Давлат ҳам халқнинг умумий дунёқараши, маънавий-ахлоқий қуввати асосида вужудга келади. Аммо уни бир киши бошқаради.

Буюк араб олими Ибн Халдун давлат – халқ маънавий ирода-сининг, ички динамик қувватининг инъикоси, деган ғояни илгари сурган. Алломанинг фикрича, давлатнинг қудрати раиятнинг ақлий салоҳияти, маърифатлилиқ даражасига боғлиқ. Ибн Халдун бунини “асабия” сўзи билан ифода этади. Демак, халқ қандай бўлса, давлат ҳам шундай бўлади.

Ўтмишни қоралаб, ўзини жабрдийда қилиб кўрсатадиганлар бунини англагиси келмайди. Улар бугунини, ҳозирги манфаатини ўйлайди, холос. Ваҳоланки, бу билан ўзимизга тош отаётганимиз, иллатларимизни оламга дoston қилаётганимиз, ўзимизни ўзимиз шармандаи шармисор этаётганимизни тушунмаймиз. Яқин ўтмишимизда хатолар, камчиликларга йўл қўйилган, албатта. Ахир, инсон табиатан хатокордир. Не-не донишманду алломалар, авлиё азкиёлар ҳам адашган, янглишган. Ана шу нуқтаи назардан биз тарихга бирбутун ҳодиса сифатида қарашимиз, уни бутун камчиликларини ютуқлари билан, иллатларини фазилатлари билан яхлит ҳолда таҳлил қилишимиз керак.

Амир Темур жаҳон тарихига улуғ саркарда ва одил ҳукмдор сифатида кирган. “Бир ўспирин бола бир лаган тиллани бошига қўйиб, мамлакатимнинг бу бурчагидан нариги бурчагига пиёда олиб ўтса, биров қўл чўзмайдиган одил салтанат қурдим”, деган эди Соҳибқирон. Мана, сизга, бугунги ибора билан айтганда, эркин фуқаролик жамияти, кафолатланган инсон ҳуқуқлари! Ибн Халдун шаҳодатига кўра, дунё давлатчилиги Амир Темур салтанатидек етук давлатчилиқни кўрмаган. Бироқ улуғ бобомиз айрим ҳолларда ўта шафқатсизлиқ қилгани, ҳукмфармолик бобида гоҳи кескинликлардан қайтмаганини яхши биламиз.

Тарихий ҳақиқат шуки, Амир Темур дунё тақдири билан боғлиқ бўлган, Машриқу Мағрибни бирлаштиришдек буюк миссияни бажарди. Улкан инсонпарвар империя барпо этиб, ислом тамадду-нини янги босқичга кўтарди.

Франция тарихида буюк бурилиш ясаган Шарль де Голль, Туркияда республикага асос солган ва уни тараққиёт йўлига олиб чиққан Мустафо Камол Отатурк қанчадан-қанча қурбонликларга йўл қўйган, кези келганда террор усулларида фойдаланган. Лекин уларнинг ҳар иккови халқ, миллат тарихида янги саҳифа очган сиёсий етакчилар сифатида эъзозланади. Яъни уларнинг инсон сифатида йўл қўйган хато, камчиликлари миллат олдидаги тарихий хизматини инкор этмайди.

Орадан йиллар ўтади. Вақти келиб бугунги кунга баҳо берадиган бўлсак, яна ўзимиз ўзимиздан иллат излаб, айюҳаннос соламизми?! “Бу ишлардан мен четда эдим, ўша вақтда мен кураша олмаганман, муносабат билдиришнинг иложи йўқ эди” дея иддао қиламизми?!

Албатта, кечаги кунга одилонга таҳлил, холисона танқид нигоҳи билан қараш, камчиликлар ва хатолардан хулоса чиқариш тараққиёт талаби. Бироқ ўтмишни қоралаб, ўзимизни оқлаш инсофдан эмас. Шахс сифатида шаклланмаган, қатъий ҳаётини позицияга эга бўлмаган, маънавий-руҳий жиҳатдан заиф одамларга хос усул бу. Биз ўтмиш билан келажак орасидаги кўприқмиз. Алҳол, мозий билан мустақбал ўртасида жарлик пайдо қилмайлик!

Машҳур шоир Расул Ҳамзатов “Менинг Доғистоним” асарига отаси Ҳамзат Цадасанинг “Сен ўтмишга тўппончадан ўқ отсанг, келажак сени замбаракдан тўпга тутди” деган гапини эпиграф қилган. Бутун асарда бир ҳовучгина халқ ўтмишига буюк ҳурмат, аждодларга эҳтиром, ватан ва миллатга садоқат туйғулари ёрқин намоён бўлади. Биз эса... Ана шундай ҳолатларда буюк замондошимиз Абдулла Ориповнинг “Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон!” деган ҳасратли нидосини эслайман. Баъзан эса, шаккоклик бўлса ҳам, ўзи миллатмизми, йўқми ё оломондан халққа айланаётган палладамизми ҳали деган изтиробли ўйларга боради одам.

– Шоир Матназар Абдулҳакимнинг “Арз” деган шеъри бор. Унда баён этилишича, карвонсаройда тилла тўла хуржунини ўғирлатиб қўйган мусофир хон ҳузурига бориб арзиҳол қилади. Хон қўмак бериш ўрнига арзғўйнинг ўзини айбламоққа тушади. Муаллиф ҳукмдор билан мусофир суҳбатини бундай тасвирлайди:

– Шунчалик ҳам қаттиқ ухлайсанми, ғофил!

Қиласан-а яна уялмай ҳасрат.

– Бир қошиқ қонимдан ўтинг-у, лекин

Сизни уйғоқмикан дебман, онҳазрат.

Танбеҳдан сабоқ чиқарган хон мусофирга миннатдорлик билдиради, саройда меҳмон қилиб, ўғирланган хуржунини ҳам

топиб беради. Ибратли ривоят-а, шундай эмасми? Дарвоқе, ўзингиз ҳам “Агар огоҳ сен...” деган китобингизда сиёсий арбоб учун уйғоқлик, огоҳлик бирламчи фазилат эканини таъкидлаб ёзгансиз-ку. Бугун ҳам эл-улус давлат бошқаруви идоралари, айниқса, қонунчилик бўғини вакилларида ана шундай жонсараклик, бедорлик ва тийракликни талаб қилмоқда. Хабарингиз бор, “жўжани санаш” фурсати ҳам яқинлашяпти: 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлиги учун сайлов бўлиб ўтади. Ваколат муддатини яқинлаётган депутатларимиз электрон шончани оқлай олдими? Депутатликнинг туз-намагини тотган сиёсатдон сифатида айтсангиз, парламентимиз қачон чинакам “Халқ уйи”га айланади?

– Халқ ҳокимиятчилиги тамойилига мувофиқ олий вакиллик органи бўлган парламент ўз куч-қудрати, кенг ваколат ва имкониятларини намоён эта билмоғи лозим. Электорат ишонч билдирган вакиллар ўзини фаолларнинг фаоли, фидойиларнинг фидойиси, жонқуярларнинг жонқуяри сифатида кўрсатиши керак.

Мен ҳам маълум муддат (2000 – 2004-йиллар) парламентда фаолият юритганман. Ўша кезлар қулоғимга чалинган бир гап ҳамон эсимда. Олий Мажлис марказий аппаратида доимий фаолият юритадиган ходимлардан бири “Олдинги чақириқдаги депутатлар сизлардан кўра яхшироқ ишлаган эди”, деган эди. Кейинги чақириқдагилар даврида яна шу гап такрорланибди. Мантиқан ўйлаб қаралса, парламент фаолияти йилдан-йилга сусайиб бормоқда, деган хулосага келиш мумкин. Бунинг учун кимнидир айблаш, кимнидир жавобгар қилиш, менимча, тўғри эмас. Бу, аслида, жамиятнинг ялпи саводхонлик даражаси, интеллектуал салоҳияти инъикоси.

Айни чоқда, парламент фаолияти такомиллашиб, депутат ва сенаторларнинг жавобгарлиги ошиб бормоқда. Масалан, биз ишлаган даврда бирорта ҳам вазир ёки ҳоким Олий Мажлис минбарида ҳисобот бермас эди. Ҳозир эса бир қатор вазирлар тик оёқда халқ вакилларининг саволларига жавоб қайтармоқда. Лекин таъкидлаганингиздек, парламентимиз ҳали чинакамига “Халқ уйи”га айлангани йўқ. Вакилларимизда дадиллик, ошкоралик, шижоат, қатъият етишмаяпти. Айрим вақтларда майда масалалар атрофидаги мунозараларга гувоҳ бўламиз. Баъзан куракда турмайдиган таклифлар илгари сурилади. Бу ҳол ижтимоий тармоқларда ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

– Илм, ижод аҳлининг сиёсат ила машғул бўлмоғи – Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Огаҳий каби улуғларимиздан мерос анъана. Сиз ҳам бир муддат Ўзбекистон Президенти давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлагансиз. Журнализмнинг 2008 йил 1-сонида талай йил масъул лавозимларда саъй-кўшиш кўрсатган адиб Мурод Муҳаммад Дўст билан суҳбат чоп этилган эди. Ўшанда Мурод оғамиз ижодкорнинг масъул лавозимда ишлаши ютуқми ё ютқиқи деган мазмундаги саволга жавобан “Орттирган ҳикматим шуки, бир муддат сиёсатга аралашиб, кейин четга чиққан одам “мен тоза эдим” деб айтса, унга ишонмаслик керак”, деган эди. Нарзулла ака, давлат раҳбари қабатида, мамлакат олий девонида ишлаб Сиз қандай ҳикмат орттирдигиз?

– Чиндан ҳам, азалдан олимлар, ижод аҳли салтанат бошқаруви, давлат ижтимоий-сиёсий стратегиясини белгилашда иштирок этган. Буни ижобий ҳодиса деб биламан. Таниқли ёзувчимиз Мурод Муҳаммад Дўст ҳақ гапни айтган экан. Катта даргоҳда ишладингми, салтанатнинг барча ютуқ ва камчиликларига теппа-тенг шериксан. Ҳар қанча баҳоналарни рўкач қилма, барибир ўзингни оқлаёлмайсан...

Мурод ака “четга чиққан одам” деб, менимча, ўзини назарда тутган. Ёзувчи – олам ичра ўз бетакрор оламига эга бўлган шахс. Бу билан расмий идорадан бўшаб, ижодга қайтганини назарда тутгандир. Бироқ мен касбим ва илмий фаолиятим сабаб ўзимни четга чиққан одамман дея олмайман. Маълум йиллар давлат бошқарувида бевосита иштирок этган бўлсам, ҳозир билвосита қатнашяпман. Илгари вазифам расмий эди, ҳозир эса норасмий тарзда, жамоатчилик асосида. Республика Маънавият ва маърифат маркази йўлланмаси билан туманма-туман, маҳаллама-маҳалла кезиб юрибман. Турли нуфузли идоралар, ташкилотлар, муассасалар долзарб масалаларда маъруза ўқишга таклиф қилади. Сираси, ҳозирги ислохотлар жараёнида ҳам фаол иштирок этяпман.

Бугун топган ҳикматим шу: ишим юришса қувонаман, юришмаса хафа бўлмайман. Шахсий ҳаётимни фисқу фасодга тўла дунёдан четда тутаман. Кимдир буни ожизлик деб ўйлаши мумкин. Аслида, бу ички ирода, маънавий қувват! Менинг ҳеч кимга даъвом йўқ. Шундай тақдирни раво кўргани учун Оллоҳга беадад шукр айтиб яшаётирман.

Собиржон ЁҚУБОВ
суҳбатлашди.

Алишер УМИРДИНОВ



DUNYONI O'ZBEKCHA KO'RMAK ORZUSI

Ўзбекистон Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этмоққа бел боғлади. Агар олдинги ренессансларда эришилган ютуқлар миқёсидан қаралса, учинчиси биз ўзбекистонликлар учун оламшумул воқеадир. Илдизлари миллий тарихимизга бориб туташувчи бундай катта ғоянинг “ўзбек орзуси” ўлароқ танланиши таҳсинга лойиқ, албатта. Илло, Ватан зиёлилари, илм аҳли уни сийқаси чиққан шиор деб эмас, ҳаётий мақсад-марра деб қабул қилмоғи лозим.

Асосий масала энди Ўзбекистон илм-фанини ана шундай катта сакрашга тайёрлашдир. Бу борада камина фаолият юритиб келаётган Япония тажрибаси диққатга сазовор. Кунчиқар ўлкада саноат – ҳукумат – университетлар (San – gaku – kan renkei) тарзида мустаҳкам иттифоқ шаклланган.

Ҳукумат ва саноат вакиллари илм-фан ўчоқларига субсидия, грант ажратган ҳолда истеъдодли кадрларни тарбиялашга ҳисса қўшади. Хусусий ширкатлар ҳам Тадқиқот ва тараққиёт бошқармалари (Research and development) орқали университетлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ҳукумат ихтирочилик патентларига даъвогарлик қилаётган истиқболли фирмаларга моддий кўмак кўрсатиб қолмай, ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришда дипломатик ёрдам ҳам беради. Шу тариқа дорилфунунлар “инновациялар инкубатори”га айланган. Хусусий ширкатлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдан тушган даромад орқали давлат ғазнасини тўлдирса, университетлар ҳукумат ва миллий иқтисодиёт бўғинларига рақобатбардош кадрларни етказиб беради.

Alisher UMIRDINOV
Dunyoni o'zbekcha ko'rmaq orzusi

Юксак натижаларни кўзлаган талабаларнинг ғайратини тўғри йўналтиришда эса сифатли дарсликлар, қўлланмалар муҳим ўрин тутати.

Мамлакатимиз равнақи учун ҳам мукамал ўқув адабиётлари сув билан ҳаводек зарур. Ўзбекистонлик талабаларнинг дарсликлар халқаро стандартдан йироқ экани, амалиёт билан мустаҳкам боғланмагани хусусидаги эътирозларига кўп бора гувоҳ бўлганман. Олий таълимдаги устозлар имкон қадар ҳаракат қилаётгани аниқ, уларнинг фидокорона меҳнатини қадрламаслик инсофдан эмас. Бироқ мамлакат илм-фанига ичкаридан туриб қараш билан, Токио каби глобал шаҳардан туриб назар солмоқ катта фарқ қилади. Дарсликларимизнинг глобал стандартлардан қай даражада орта эканини, айниқса, чет элда магистратура ёки докторлик босқичида таҳсил олаётган юртдошларимиз яхши билади.

Ўзбекистонда – хоҳ гуманитар, хоҳ табиий фанлар соҳаси бўлсин – бакалавриятни битирган талаба хорижга ўқишга келса, дарсликлар сабаб ўртада пайдо бўлган жарликни йўқотиш учун камида бир йил кутубхонадан чиқмаслиги керак. Гап шундаки, аксар дарсликларимиз ғоя, мазмун ва савия жиҳатдан саёз. Боз устига, саҳифалари кам, маълумотлари эскирган дарслик рисоладагидек билим бермаслиги кундек равшан. Хорижда табиий фанлар бўйича аудиовизуал материаллардан кенг фойдаланилади, бизда эса бундай китоблар ниҳоятда кам.

Инглиз тили жаҳон илм-фан тили экани сир эмас. Германия ва Япония каби асосий тили инглизча бўлмаган давлатлар илмий таржима борасида катта мактаб ярата олган. Уларнинг бири Европа, иккинчиси эса Осиёнинг технологик драйверларидан ҳи-

собланади. Мазкур икки давлат университетлари фаолиятини кузатсак, улар дунёдаги энг илғор дарсликларни тезкорлик билан таржима қилиб олий таълимда фаол қўллаётганини кўрамиз. Инглиз

тилидаги дарсликларнинг катта кўламда, юксак сифатда миллий тилга таржима қилиниши олмон ва япон талабаларининг фан, технологияларга оид янгилардан орта қолмаслиги омили бўлаётир.

Сиз юртимизда илм қилмоқчимисиз, унда албатта чет тилидаги адабиётлардан фойдаланишингизга тўғри келади. Кунчиқар ўлкада эса кўпгина соҳаларда япон тилидаги манбаларга таяниб изланишлар олиб борса бўлади, чунки миллий контент ўта бой ва ранг-баранг. Япон илмий мўъжизаси сирини мада? Бу борада кўп омилларни санаш мумкин бўлса-да, биттасини алоҳида таъкидламоқ керак – японлар жаҳон олимлари яратган илғор тадқиқотларни синчковлик ва тезкорлик билан ўрганиб, уларни ўз мамлакатига олиб келган. Дунёда қайси соҳада янги тенденция пайдо бўлса, япон олимлари ё таржима орқали, ё оригинал китоб орқали уни ўз миллатига таништиради. Пировардида фаннинг деярли барча соҳасини япон тилидаги манбалар орқали ўрганиш имконияти вужудга келди. Сўнгги чорак асрда кўплаб япон олимлари физика, кимё, тиббиёт каби йўналишларда Нобель мукофотида сазовор бўлди. Бу ҳам мамлакатда илмий фаолият тўғри ўзанга солинганидан далолатдир.



Демак, бир миллатнинг илм-фандаги ютуқлари ўша мамлакатнинг қай даражада илм билан тўйинганига, она тилидаги манбалар захирасига боғлиқ экан. Шундай экан, биз – ўзбек тадқиқотчилари ва олимлари янги илм соҳаларига доир манбаларни юртдошларимизга изчил таништириб бормоғимиз даркор. Илмий янгилик миллат ёшларига қизиқарли шакл ва йўсинда тақдим этилиши керак, токи тадқиқот, изланишга рағбат ортсин. Сираси, биз эмпирик билимларни, фан ва технология, ижтимоий дисциплиналарни тезлик ила, тизимли равишда юртимизга импорт қилишимиз шарт.

Бугун “дунёдан ўрганиш” босқичига ўтишимиз керак. Ўзбекистон таълим тизими етти ухлаб тушимизга кирмаган бой илмий контент таржимасини кутмоқда. Бу сирада сунъий интеллект технологияларидан тортиб электромобилларгача ишлаб чиқараётган, “дунё корхонаси”га айланган Хитой давлати ютуқларини ҳам эслаш мумкин. Чин юрти ўтган асрнинг 80 – 90-йиллари дунёга бағрини очгач, маҳаллий университетлар замонавий илм-фан соҳаларига оид манбаларни хитой тилига таржима қилишга киришди. Шу тариқа хитой тили илмий атамалар билан бойиди. Бошқа томондан эса, чет тилларини яхши билмайдиган талабаларга ҳам ўз лисонида сифатли контент билан танишиш имконияти яратилди. Натижани кўриб турибмиз: ҳозирда Хитой илм-фан соҳасида юксак марраларга даъвогарлик қилмоқда. Бунга эса, бошқа омилар қаторида, академик дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, айниқса, оммавий таржима орқали эришилди.

Бизнингча, жаҳон илм-фани билан ҳамқадам бўлмоқ учун мамлакатимизда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оши-

риш лозим: аввало, илмий адабиётлар таржимасига оид миллий дастур жорий этилиши керак. Пешқадам мутахассисларни жалб этган ҳолда, 3, 5 ва 8 йиллик лойиҳалар доирасида юзлаб китобларни таржима қилмоқ, айниқса, тиббиёт, геология, физика, биология, кимё каби аниқ фан соҳаларига алоҳида эътибор бермоқ даркор.

Қувонарлиси, 2023 йилдан буён Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги “1000 китоб” номли лойиҳани амалга оширмоқда. Унинг доирасида турли фан соҳаларига оид ўнлаб инobatли адабиётлар таржима қилинмоқда. “1000 китоб” таҳсинга лойиқ ташаббус, албатта. Аммо бундай лойиҳалар умуммиллий миқёсда кенг қулоч ёзиши керак. Яна бир гап. Оммабоп китоблар йўналиши хусусий нашриётларга қолдирилиб, давлат бюджети илмий тадқиқотлар, дарсликларга йўналтирилмоғи лозим.

Тажрибамдан маълумки, хориж нашриётидан яхши бир китобнинг интеллектуал мулк ҳуқуқини сотиб олиб, бир неча минг нусхада чоп этишга 10 минг доллар атрофида маблағ кетади. Аниқ фанларга доир китоблар учун кўпроқ маблағ талаб этилиши мумкин. Демак, 10 – 20 миллион доллар эвазига бундай лойиҳани амалга оширса бўлади. Мазкур залварли ишда ҳукумат асосий ҳомий бўлмоғи керак. Талабаларнинг шартнома тўловидан катта фойда орттираётган давлат ва хусусий университетлар ҳам бунга маблағ ажратиши лозим. Айни чоқда маърифатпарвар бойларимиз, илм-фан ҳомийлари, меценатларимиз ҳам бунга ҳисса қўшса, натижа янада салмоқли бўлади.

Мустақил тарзда дарслик таржима қилган устозларни моддий рағбатлантириб, қўшимча мукофотлаш тизимини йўлга қўйиш ҳам муҳим. Китоб нашри, интеллектуал

мулк ҳуқуқини хориждан сотиб олишни эса университетлар ва миллий дастур асосида тузилган жамоа амалга оширади. Ана шунда таржимон устозлар зиммасидаги юк бирмунча камаяди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жаҳондаги нуфузли нашриётлар билан шартномалар тузиб, лицензия олиш ва адабиётларни она тилимизда, керакли адабда чоп этиш билан боғлиқ ташкилий ишларга масъул бўлмоғи лозим.

Ҳозирда илмий мақолалар, монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг асосий қисми инглиз, француз, олмон ва рус тилларида. Соҳа мутахассислари ва чет элдаги ватандош олимларимиз билан ҳамкорликда биринчи навбатда китоблар рўйхатини шакллантириш керак. Таржима борасида сўз борар экан, инглизча – ўзбекча, олмонча – ўзбекча, японча – ўзбекча, французча – ўзбекча каби луғатларни мукаммаллаштириш ва кенг миқёсда чоп этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишни тавсия этган бўлардик.

Ислом Ренессанси замирида ҳам жамият ва раият учун манфаатли илмларнинг чуқур ўрганилгани, илмий асарларнинг оммавий таржима этилгани омили ётади. Маърифатпарвар ҳукмдорлар қийинчиликларга қарамай, моҳир мутаржимларни йиғиб, уларни таржимага сафарбар этган. Қизиқ жиҳати, вақтлар ўтиб Ғарб давлатлари ўша таржималарни қайта инкишоф этган. Ислом Ренессанси манбалари Оксфорд, Кембриж каби университетларда дарслик сифатида ўқитилган. Улар бугун ҳам хорижда кенг тадқиқ этилмоқда. Бизда-чи? Тараққиёт шиддатли тус олгани, ресурс ва имкониятимиз борлигига қарамай, ҳалигача илмий таржимонлик институти шакллангани йўқ. Агар иш тизимли ташкил қилинса, ўн йил

ичида юзлаб китобни она тилимизда ўқишга муяссар бўламиз. Бу мамлакат ривожига кучли туртки беришига аминман.

Таъкидлаш жоизки, бу ташаббусни маъмурий буйруқбозлик усули билан амалга ошириб бўлмайди. Дейлик, тегишли вазирлик китоб таржимаси бўйича режа белгилайди ва университетларга буйруқ беради. Бундай усул самара бермаган, бермайди ҳам. Сабаби оддий: иши шундоқ ҳам ошиб-тошиб ётган профессор-ўқитувчиларда қўшимча таржимага вақт ҳам, тоқат ҳам, имкон ҳам, қобилият ҳам бўлмаслиги мумкин. Бизнингча, миллий дастур доирасида таржима лойиҳаларига жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларга 6 – 8 ойлик таътиллари берилиши керак. Қайта таъкидлайман: барчасини университетлар ва кафедраларга ташлаб қўйиш – масъулиятсизликдир.

Юртимиз олимлари, тадқиқотчилари улкан салоҳиятга эга, фақат уни оқилона бошқарув ва тақдирлаш усуллари орқали тўғри йўналтирмоқ даркор. Шахсан ўзим, дўстларим билан биргаликда, мана, 5 йилдирки, “Ренессанс китоблари” лойиҳасини амалга оширмоқдамиз. Шу кунгача 8 та китоб чоп этилди. Яна қатор таржималаримиз навбат кутиб турибди. Кучли иштиёқ ва мустаҳкам қўллов бўлса, бу каби лойиҳаларни республика миқёсида амалга оширса бўлади.

Таржима, албатта, бир кунлик юмуш эмас – у давомий ва узоқ муддатли жараён. Ўзбекчага ўгирилган илмий китоблар беш-олти йилда эскириб, чет элда янги, тўлдирилган нашри чиқади. Шу боис моҳир таржимонларимиз бошини қовуштирадиган, доимий ишлайдиган тузилма керак. Ўшанда бизда ҳам муносиб кадрлар тарбияланиб, кучли илмий таржима мактаплари пайдо бўлади.



Абдурахим ЭРКАЕВ

NEOIMPERIALISM: MUSTAQILLIKKA YANGI TAHIDLAR

Кўпқутбли дунёнинг қарор топиши ўта зиддиятли кечаётир. Халқаро ҳамжамият трансформацияси – бир босқичдан бошқасига ўтиши оғриқли ва хатарли жараён экани ойдинлашди. Маҳаллий урушлар, минтақавий тўқнашувлар глобал аҳамият касб этиб, жаҳон урушига айланиб кетиш хавфи ортмоқда.

Глобаллашув, кўпқутбли дунёни шакллантириш ва бу жараёни тўхтатишга уринишлар, баъзи буюк давлатларнинг турли минтақаларни ўзи учун “хаётий муҳим ҳудуд” санаб, таъсир доирада сақлаб қолишга интилиши, иқтисодий ва сиёсий санкциялар қўллаш амалиётининг кучайиб бораётгани халқаро зиддиятларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар мисли қўрилмаган кучли босимларга дуч келмоқда. Бу каби геосиёсий жараёнлар маз-

мун-моҳиятини тўғри англамоқ учун неоимпериализм тушунчасини атрофлича ўрганиш лозим бўлади.

Кўш қутбнинг қарор топиши

XIX аср охирлари – XX аср бошларида Европа мамлакатларида империализмга бағишланган кўплаб мақола ва асарлар ёзилган. Улар қарама-қарши ғоявий-сиёсий жабҳаларда турган тадқиқотчилар қаламига мансуб. Муаллифларнинг айримлари империализмни капитализм ривожланишининг объектив натижаси ҳисоблаб, уни муқаррар ҳодиса сифатида талқин қилган. Социалистик таълимот тарафдорлари бу феноменни ўта салбий баҳолаган.

Империализм геосиёсий ҳодиса ўлароқ биринчи навбатда табиий ресурслар ва бозорга эга бўлмоқ учун

тараққиётда ортда қолган аграр мамлакатларни босиб олиш, мустамлакага айлантириш сиёсати эди. Халқаро босқинчилик сиёсати ҳарбий соҳа ва қуролланишни кучайтириб, милитаристик давлатлар сафи кенгайишига олиб келди. Табиийки, ўлжа тақсимоли хамирдан қил суғургандек кечмаган. Қуролланиш, бир томондан, заиф мамлакатларни ишғол этиш учун; иккинчи томондан, ўлжани бошқа тажовузкордан ҳимоя қилиш, қўлдан чиқармаслик учун зарур эди.

Империализм ички стихияли эркин рақобат чекланиб, майда корхоналарнинг йирик корхоналар томонидан қўшиб олиниши, тўлиқ бўйсундирилиши, умуман, ишлаб чиқаришни монополлаштириш асносида вужудга келади. Мавзуни тадқиқ этган олимларнинг аксари монополияларнинг ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатишда рақобатни чеклаши ва бу ҳолнинг пировардида иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатишига эътибор қаратади. 1916 йили инқилобчи Владимир Лениннинг “Империализм – капитализмнинг юқори босқичидир” номли брошюраси чоп этилган. Муаллиф империализмни капитализмнинг монополлашган шакли, чириётган сўнгги босқичи деб таърифлайди. Чириётган капитализм, чириётган Ғарб иборалари шундан қолган.

Гарчи дастлаб Канада (1889), сўнгра АҚШ (1890), кейинчалик барча ривожланган мамлакатларда монополияга қарши қонунлар қабул қилиниб, монополлаштириш иқтисодий тараққиёт ва тенгҳуқуқли рақобат учун зарарли деб топилган бўлса-да, унинг турли ниқобланган шакллари ҳалигача яшаб келмоқда. Буни ишлаб чиқа-

риш ва хизмат кўрсатишнинг замонавий йўналишлари, масалан, электрон ахборот соҳасида кузатиш мумкин.

Империя ва империалистик давлат ўзаро яқин бўлса-да, тенг тушунчалар эмас. Йирик ҳудудлар ва мамлакатлар яккабошлик асосида бошқариладиган давлат империя деб аталади. Буюк Британия, Усмонли турклар, Россия, Австрия-Венгрия империялари шулар жумласидан. Нидерландия, Бельгия, Испания, Португалия каби ўлкалар эса ўз колонияларига эга империалистик давлатлар бўлган.

Империячилик даъволари, мустамлакаларни қайта бўлишга интилиш охир-оқибат Биринчи жаҳон урушини келтириб чиқарди. Россияда икки инқилоб рўй берди. Шунингдек, Германия ва Венгрия муваффақиятсиз якунланган революцияларга гувоҳ бўлди. Буюк депрессия ҳам аслида империализмга хос янги тутумлар, монопол муносабатлар билан анъанавий эркин рақобат ўртасидаги зиддиятлардан келиб чиққан эди. Биринчи жаҳон урушидан кейин гарчи бешта йирик расмий империядан тўрттаси барҳам топса-да, империалистик зиддиятлар тўлиқ бартараф этилмади. Натижада Иккинчи жаҳон уруши юз берди. Урушдан кейин эса халқаро низоларнинг олдини олиш учун БМТга асос солинди. 1940-йиллар охирида социалистик лагерь вужудга келгач, жаҳон ҳамжамияти икки қутбга бўлинди.



XX аср иккинчи ярмида турли минтақаларда миллий-озодлик ҳаракатларининг қудратли тўлкини кўтарилди. Империализм ғояси ва сиёсати инқирозга учради. Лекин империализм ўз позицияларини осонгина бой бериб қўймаслиги аниқ эди. Шу тариқа минтақавий муҳорабалар, Корея ва Вьетнамда билвосита икки қутб ўртасида қуролли тўқнашув, метрополиялар ва уларнинг мустамлакалари ўртасида миллий-озодлик урушлари рўй берди.

Шу тариқа дунё миқёсида ижтимоий фикр ўзгарди, анъанавий империализм ўз мавқеини йўқотди. Иккиқутблилик маълум даражада геосиёсий мувозанатни вужудга келтирди. БМТ Хавфсизлик кенгаши ва тинчликсевар кучлар ҳаракати, халқаро ташкилотларнинг давлатлар сиёсатига таъсири ортди. Жаҳон давлатлари БМТ ва халқаро ташкилотлар қарорлари, тавсиялари, халқаро жамоатчилик фикрини тўлиқ инкор қилолмайдиган, қисман бўлса-да, ҳисобга оладиган бўлди. Бу ўзгаришлар пировардида аста-секинлик билан инқирозга учраган анъанавий империализмнинг трансформациясига олиб келди.

Геосиёсий мувозанат бузилганда

XIX аср охирларида миллий чегаралардан чиқа бошлаган йирик монопол картель ва трестлар XX асрнинг 50 – 60-йилларда йирик трансмиллий компанияларга айланди. Дунё давлатлари ички савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аксилмонополия қонунларини жорий этиб, уларни жиловлашга уринди. Бундан ташқари, янги тузилган Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа тузилмалар халқаро миқёсда монополизмни

чеклашга ҳаракат қилди. Европа комиссиясининг Рақобат масалалари бўйича бош директорати, Халқаро рақобат тармоғи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти каби халқаро тузилмалар, бозор иқтисодиёти йўлига ўтган мамлакатларнинг деярли барчасида миллий аксилмонопол органлар вужудга келди. Протекционизмга қарши курашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Лекин бари қоғоздагина силлиқ бўлиб, амалда қондаларни четлаб ўтишлар, коррупция ва фирибгарликлар барҳам топмади.

Замонавий илмий-техникавий тараққиёт ютуқлари, IT ва бошқа технологияларни ўзлаштириш натижасида мутараққий мамлакатларнинг сиёсати, ички ва ташқи муносабатлари янгича сифат ва мазмун касб этди. Халқаро алоқалар, бошқарув ҳамда трансмиллий тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати, алоқалар ва алмашувнинг ҳаддан ташқари тигизлашуви, ягона ахборот маконининг вужудга келиши оқибатида ижтимоий-иқтисодий робиталар эврилишга юз тутди. Халқаро сиёсий муносабатлар ҳам тубдан ўзгарди. Ҳарбий операциялар, урушлар босқинчилик сиёсати маҳсули, зўравонлик усуллари экани маълум. Иккиқутбли дунё даврида (1950 – 1990 йиллар) намоишкорона куч ишлатиб, жаҳон жамоатчилиги фикрини очиқчасига инкор қилиб, бошқа давлат ҳудудини босиб олиш мумкин бўлмай қолди. (Афсуски, истисно ҳолатлар ҳам мавжуд).

СССР парчаланиб, иккинчи қутб маҳв бўлгач, айрим Ғарб давлатлари кўп масалаларда, айниқса, мустақил сиёсат юритишга интилган ривожланаётган мамлакатларни “жазолаш”да БМТ билан ҳисоб-

лашмай қўйди. АҚШ ва унинг яқин иттифоқчилари “дунё жандарми” вазифасини зиммасига олди.

XXI асрда ҳарбий куч ишлатиш, суверен давлатлар ҳудудига қўшин киритиш XIX асрдаги мустамлакачилик босқинидан тамоман фарқ қилади. Қўшин киритилган давлатда аввалгидек миллий бошқарув институтлари ўрнига колониал маъмурий бошқарув жорий қилинмайди. Маҳаллий гуруҳлардан ишғолчиларга содиқ ҳукумат тузилади. Неоимпериалистик кучлар ички ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ ва суд масалаларига аралашиб ўтирмайди. Аммо ҳукумат фаолияти ва ички сиёсий вазиятни турли “юмшоқ” усуллар орқали қатъий назорат қилади.

Аслида, геосиёсий зиддиятларни жиловлашда БМТнинг ҳиссаси катта бўлиши керак эди. Афсуски, ҳозирги кунда зиддиятлар камайиш ўрнига тобора кўпаймоқда. Айрим Ғарб мамлакатлари халқаро муносабатларда икки хил стандартни қўллаши эса вазиятни янада чигаллаштирмоқда, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч барҳам топмоқда.

Неоимпериализм империализмга хос асосий белгиларни айнан ёки ўзгартирган ҳолда сақлаб қолган, шу билан бирга, у янги шаклларга ҳам эга. Ҳозирда капитал концентрацияси, яъни мол-давлатнинг маълум гуруҳлар қўлида жамланиши ўта кучли. Айрим трансмиллий компанияларнинг маблағи аксар ривожланаётган мамлакатлар ички ялпи маҳсулоти ҳажмидан ортиб кетган, уларни ҳатто қиёслаб бўлмайди. Баъзи соҳаларда ишлаб чиқариш гўё деконцентрация бўлган, яъни йирик ширкатлар ўз корхоналарини турли дав-

латларга кўчириб заифлашгандек. Аслида, трансмиллий компания ўз тузилмаларини ишчи кучи, хомашё ва энергия ресурслари арзон, солиқ ставкалари кам давлатларга кўчириб, бир ўқ билан икки қуёлни уради. Бунда, биринчидан, маҳсулот таннархи пасайиб, фойда кўлами ошади. Иккинчидан, ишлаб чиқариш корхонаси кўчирилган давлатнинг трансмиллий компанияга технологик, иқтисодий, ҳатто сиёсий қарамлиги кучаяди. Шу сабаб, кези келганда унга қайси давлат билан қандай муносабат ўрнатиш “тавсия” этилади. Трансмиллий компания тузилмаларининг парчаланиши – камёб ҳодиса. Компания суд қарори билан мустақил корхоналарга бўлиниб, сотиб юборилса ҳам, мулкдорлар товон пули олади. Ўшанда ҳам компания корхоналари манзилини кўпайтиради ёки ўзгартиради. Масалан, Детройт шаҳри АҚШнинг автомобилсозлик маркази саналади. Эътиборга молик жиҳати, автомобиль ишлаб чиқарувчи трансмиллий компаниялар ишлаб чиқаришнинг салмоқли қисмини Мексика ва бошқа ривожланаётган мамлакатларга, ҳатто Европага кўчирган. Бу билан компания ҳар бир ишчи бошига ойлик маошдан 1-1,5 минг долларгача, ижтимоий ва бошқа солиқлардан эса янада катта фойда кўради. Европага кўчириш эса автомобилларни кемада Атлантика океани орқали ташиш, транспорт ва суғурта харажатлари, божхона тўловларидан халос этди. Бугун Детройт аҳолисининг салкам ярмини йўқотган, баъзи кўчалари ҳувиллаб ётибди. Албатта, бунга маълум даражада япон, хитой, олмон автомобиллари рақобати ҳам таъсир кўрсатган.

Яна бир хавфли тенденция шуки, экологик жиҳатдан зарарли ишлаб чиқариш корхоналари, кимёвий хавфли саноат бўғинлари ҳам ривожланаётган мамлакатларга кўчириляпти. Ишлаб чиқаришни истеъмол бозори ёки арзон ишчи кучи ва ресурслар ҳудудига кўчириш сармоя, ишлаб чиқариш ҳамда банк капитали қўшилишининг янги симбиозини вужудга келтирди.

Инвестиция киритиш ҳар доим ҳам беғараз иқтисодий муносабат бўлавермайди. Одатда, сармоя киритаётган давлат маблағларнинг асосий улушини ўз компанияларига ўтказди. Инвестор маълум мамлакатда корхона қуриб, уни жиҳозлайди. Бунда кўпинча сармоядор асбоб-ускуналар, жиҳозлар, технология қийматини ўзи белгилайди ва у баъзи ҳолларда бозордаги нархдан анча юқори бўлади. Ривожланаётган давлат инвестицияларни жалб қилиш, корхонани барча жиҳозлари ва технологияси билан тайёр ҳолда олиш учун сармоядор шартларига кўнишга мажбур. Сирасини айтганда, инвестиция киритишда ҳам ниқобланган шаклдаги монополизм унсурлари сақланиб қолган. Бу – неоимпериалистик иқтисодий муносабатга бир мисол.

Кўли узун давлатлар

Неоимпериализмнинг белгиларидан яна бири – жаҳон молия-кредит, банк тизими, банклараро ҳисоб-китоб, савдо-сотиқ ва тўлов тизимининг тотал (ялпи) назоратга олишга уринишдир. Жумладан, савдо-сотиқ, иқтисодий алмашувда ягона халқаро тўлов резерв валютаси (АҚШ доллари) ва ҳисоб-китобни амалга оширишнинг замонавий электрон механизми яратилган. Эр-

кин конвертация қилинадиган евро, фунт стерлинг, иена, франк ва бошқа валюта-лар АҚШ долларига нисбатан ёрдамчи роль ўйнайди. Глобал зиддиятларнинг энг кучлиси, таъбир жоиз бўлса, Учинчи жаҳон урушини келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаблардан бири – халқаро ҳисоб-китобларда айрим йирик ва иқтисодий бақувват давлатларнинг АҚШ долларидан воз кечиш истагидир. Бу неоимпериалистик зиддиятларнинг бутун халқаро алоқаларга, геосиёсий вазиятга кучли таъсир кўрсатаётганидан далолат беради.

Миллий ва халқаро тўлов тизими инновацион ахборот технологиялари таъсирида тубдан ўзгарди. Бу – ахборот технологиялари равнақи ҳамда молиявий хизматларнинг жаҳон миқёсида концентрациялашуви натижасидир. Миллий доирада реал вақт режимида ялпи ҳисоб-китоблар тизими (Real Time Gross Settlement – RTGS) жорий этилди. Ҳаммамиз кундалик ҳаётида фойдаланадиган пластик карточкалар шу тизим унсуридир. Агар 1985 йили дунё бўйича фақат 3 фоиз марказий банклар бу тизимни жорий қилган бўлса, 2000 йилга келиб 90 фоиздан ошди. 2020 йили фақат 1 фоиз марказий банклар мазкур тизимни жорий қилмаган эди.

Халқаро тўлов тизимларига келсак, аввало, бош сервери АҚШда жойлашган SWIFT тизимини эътироф этиш лозим. Мазкур қисқартма ўзбекчага “Банклараро тўловларни амалга ошириш ва ахборотни узатиш халқаро тизими” деб ўгирилади. Ушбу тизим кредит карталари орасида Visa International, Master Card Worldwide каби машҳур брендлар мавжуд. Халқаро ҳисоб-китобни қулайлаштириш мақсадида

таъсис этилган SWIFT тизимидан бугун бошқа давлатларга босим ўтказиш мақсадида ҳам фойдаланилмоқда. Катта-кичик доираларда Россия ва Хитойни мазкур тизимдан узиш таклифи янграмоқда. SWIFT бошқа давлатларнинг ички ва ташқи иқтисодий алоқаларини назорат қилиш куралига ҳам айланган. Ҳарҳолда тизим орқали тўловларга оид маълумотлар унинг таъсисчилари қўлида. Ҳозирги даврда ахборотнинг ўзи қудратли капиталга айлангани аини ҳақиқат.

Даромадни миллий макон, миллий солиқ назоратидан олиб чиқиш, “бож-хирож” миқдорини камайтириш учун офшор зоналар яратилган. Офшор ҳудудлар коррупция ва бошқа ноқонуний йўллар орқали топилган маблағларни “ҳалоллаш”да фирибгарлар, қўли эгри тадбиркорлар ва жиноий тузилмаларга қўл келади. 2010 йили молиявий институтлар бошқарувидаги офшор активлар миқдори 7,8 триллион долларни ташкил этган. Анъанавий империализм даврида офшор зоналар бўлмаган.

Ахборот концентрацияси ва ягона ахборот майдони устидан назорат ўрнатишга уриниш неоимпериализмнинг янги аломатларидан саналади. Бу ёғини сўрасангиз, неоимпериалистик кучлар нафақат жаҳон ахборот майдони, шунингдек, уяли алоқадан фойдаланадиган ҳар бир киши устидан ҳам назорат ўрнатмоқда. Тўғри, оддий фуқароларнинг сўзлашувлари тегишли марказларни кам қизиқтиради. Аммо назорат қилувчи дастурларда маълум бир “калит сўзлар” борки, мулоқотда улар жаранглаб қолса, суҳбат автоматик тарзда ёзиб олинади. Бу гўёки террорчилар, жиноий гуруҳлар ва мафия тузилмалари хатти-ҳа-

ратини назорат қилиш учун зарур. Аммо мобиль алоқадан сиёсатчилар, давлат арбоблари, ҳарбийлар, бизнес вакиллари ҳам фойдаланишини ҳисобга олсак, алоқанинг тотал назорати неоимпериализмнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, мафкуравий ва ижтимоий манфаатларига хизмат қилиши аёнлашади.

Кейинги йилларда рақамли технологиялар ёрдамида юз бераётган капитал концентрацияси ва амалиётини баъзи тадқиқотчилар “технофеодализм” деб атамоқда. Бу борада, айниқса, Грециянинг собиқ молия вазири, профессор Янис Варуфакис “Технофеодализм: капитализмни нима ўлдирди?” китобида келтирган мушоҳадалар диққатга сазовор. Тақризчи Максим Семелякнинг мақоласидан иқтибос келтирамиз: “Я. Варуфакис талқинига мувофиқ, биз инерция бўйича капитализм деб ҳисоблайдиган воқелик аслида ундай эмас. Биз тобора уқубатли ўрта асрга ботиб бораётимиз. Варуфакис жорий иқтисодий тузумни технофеодализм деб атайди. Унда даромад ўрнига – рента, унумдор меҳнат ўрнига – қуллик. Муаллиф Amazon ва Google каби техник платформаларни (уларни клаудалистлар деб атайди) товар ва хизматлар тақдим этувчи нуфузли ширкатлар дейиш нотўғри, деб ҳисоблайди. Уларнинг бизнеси бозорнинг ташқи белгиларига эга, бироқ моҳиятан у ёки бу кишининг рақамли феодал мулкидирки, у ерини қароллари (крепостнойлари) ўртасида тақсимлаш ўрнига булутлардаги (яъни ҳавойи, мавжуд бўлмаган – А. Э.) жойларни тақсимлайди ва ундан рента олади. Ушбу неофеодализм тизимда Amazon, Tencent, Alibaba, Facebook, Apple, Google

ва бошқа техногигантлар – янги бошқарувчи синфга; булутларга тўғридан-тўғри алоқаси йўқ қолган компаниялар ва ишлаб чиқарувчилар автоматик тарзда уларнинг вассалларига айланади” (*Максим Семеляк. Новое средневековье: точно ли капитализм превратился в феодализм? // <https://kz.kursiv.media/2024-04-06>*).

Технофеодализм ҳодисаси неоимпериализмнинг ҳозирги IT ва замонавий технологияларга асосланган иқтисодий муносабатлар муҳитида юзага келган шаклларида биридир. Капитал ва ишлаб чиқариш концентрацияси, иқтисодий муносабатларни бошқариш усуллари шу даражага етмоқдаки, уни анъанавий империалистик муносабатлар билан феодализмга хос айрим шаклларнинг ўзига хос синтези дейиш мумкин. Бу ҳодиса монополиялаштиришнинг янги кўринишидир. М. Семелякнинг ёзишича, АҚШ ва Европада кичик ва ўрта бизнес вакилларининг йирик платформаларга қарамликдан шикоят ортиб бормоқда. Дейлик, истеъмолчи сифатли таълим ўрнига онлайн дастур, тиббий хизмат ўрнига соғломлаштирувчи иловалар таклиф этилади. “Amazon ва Google ширкатларига ўсиб бораётган безарар сервис тармоғи деб қараш мумкин, лекин уларнинг хизматлари тобора тоза сувдек муқобилсиз неъмат бўлиб бораётганини сезмаслик мумкин эмас”, деб ёзади муаллиф.

Иқтисодий қарамлик хатари

Буюк давлатларнинг сиёсати моҳиятан ўзгарган эмас: жаҳон мамлакатларини ўзига бўйсундириш, иқтисодий қарам қилиш

ва бойликларига шерик бўлиш. Аммо эски мустамлакачилик тизими емирилгач, янгисини ўйлаб топиш керак эди. Неоимпериалист мамлакатлар, аниқроғи, трансмиллий компанияларнинг халқаро сиёсати шу мақсадга қаратилди.

АҚШлик иқтисодчи Жон Перкинс бутун дунёда шов-шув уйғотган “Иқтисодий қотил иқрорномаси” китобида ёзишича, ривожланган Ғарбнинг турли консалтинг, инвестицион ва инжиниринг компаниялари, банклари, жамғарма ва бошқа институтлари ёш давлатларга гўё қисқа муддатда қолоқликдан қутулиб, мўъжизавий тарзда ривожланиш йўлига ўтиши учун лойиҳалар тузиб беради, уларни амалга ошириш учун йирик кредитлар олишда “холис, беғараз” ёрдам таклиф этади. Асл мақсад эса умрбод қутулиб бўлмайдиган иқтисодий қарамлик домига туширишдир. “Кредит шунчалик улканки, қарздор бир неча йилдан кейин ўз тўловлари бўйича дефолт эълон қилишга, ўзини ҳар томонлама чеклаб, биринчи навбатда ижтимоий нафақалар, пенсиялар, таълим, соғлиқни сақлаш, маданиятга ажратиладиган маблағларни камайтириб, аввал олган кредитлари фоизларини тўлаш учун янги кредитлар олишга мажбур бўлади”, деб ёзади Ж. Перкинс (*Perkins J. Confessions of an Economic Hit Man. Berrett-Koehler Publishers, 2004*).

Google маълумотларига кўра, 2021 йил охирида Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА) мезонларига кўра, кредит олган камбағал ва ривожланаётган мамлакатлар қарзи 9 триллион долларга етган. Уларга тўланадиган маблағ бир йилда 62 миллиард доллардан

ошади. Бу ерда гап давлат ва давлат кафиллигида олинган қарзлар тўлови ҳақида кетмоқда. Қарздорлик умумий суммаси 2010 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ ошган. 2010 йилдан 2021 йилгача ташқи қарзлар тузилмаси кескин ўзгариб, давлат ва давлат кафиллигида даромади паст ва ўртача мамлакатларнинг хусусий кредиторлардан олган қарзи 61 фоизга ўсган (*Бремя обслуживания долга у бедных стран достигло максимального уровня с 2000 года. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2022/12/06>*). Шунга кўра Ғарб банкларидан кредит олишда ўта эҳтиёткорлик, молиявий ҳуқуқни яхши билиш ва меъёрдан чиқмаслик тавсия этилади.

Шу билан бирга ривожланаётган давлатларга кредит берувчи Шарқ давлатлари ҳам пайдо бўлди. Ялпи кредит суммасида Хитой, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, БАА каби давлатлар улуши ўсиб бораётир. Уларни жаҳон инвестиция бозорида Ғарб билан рақобат қилувчи янги ўйинчилар дейиш мумкин. Собиқ империалистик давлатларнинг кўпчилиги ривожланаётган мамлакатларни кредит бериш ва инвести-

ция киритиш, қисман савдо-сотиқ орқали иқтисодий ва технологик қарамликда, жиллақурса, ўз таъсирида сақлаб қолишга интилоқда.

Анъанавий империализм ҳарбий куч ёрдамида қоқоқ мамлакатларни ўз мустамлакасига айлантирган бўлса, неоимпериализм “юмшоқ куч” ишлатиб, молиявий, технологик ва ахборий жабҳада қарам қилиш йўлини танлаган. “Юмшоқ куч” – мустақил давлатларни қарам қилиш сиёсатининг сермахсул усулидир. Нафақат IT, био ва нанотехнологиялар, шунингдек, когнитив технологиялар, жумладан, омма онгини бошқарувчи ғоявий ташвиқот ва амалиёт технологиялари ҳам яратилди. Когнитив технологияларда омма онгини ахборий хуруж, фейк маълумотлар билан чалғитиш, манипуляциялаш усуллари бирлашиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, неоимпериализм анъанавий мустамлакачиликнинг эврилишга учраган, ниқобланган кўринишидир. Унинг мафкуравий иттифоқчиси саналган неолиберализм ғояси ҳақида кейинги мақоламизда батафсил сўз юритамиз.



Аброр ЮСУПОВ

IDROKNING OG'ISH NUQTASI

*Ўзлингни англаш ила машғул бўл, зотан
бошқа ишлар ўзгалардан ортмайди.*

Мен дунёга келиб нима қилдим?..

Бу саволни одам ўзига қачон бериши керак? Ҳаётининг қай палласида: ўсмирликдами, ўрта ёш ёки кексаликдами? Кексаликда кеч бўлмайдами?

Кўпчилик бу саволдан муддао нима ўзи дейиши мумкин. Яна бир тоифа бу саволдан не наф, пешонага ёзилгани бўлади-да, дейди тақдири азал ҳукмига ишора этиб. Ҳа, биз дарҳол мақсадга ўтмоқни истаймиз. Аслида, сарлавҳага чиқарилган сўроқ “Мен дунёга нима учун келдим?” деган саволдан бир оз жўнроқ. Зотан дунёга келишимиз бизнинг ихтиёримиздан хорижда.

Кузатишларимга таяниб айтсам: шу вақтгача бу саволга бирданига, қатъий ишонч билан жавоб берган одамни учратмадим. Савол янграши билан эшитгувчи хушёр тортади, бир оз тин олади, ўйга чўмади, орада ўнғайсиз сукунат пайдо бўлади. Назаримда, бир лаҳзада жавоб бергувчининг кўз олдидан бутун ҳаёти ўтади. Гўёки у дунёда бериладиган саволдек...

Тараддуд боиси не? Наҳот ўз ҳаётимизга дахлдор саволга жавоб қайтармоққа қийналсак?! Шартта-шартта жавоб бериш шунчалар мушкулми?

Аччиқ ҳақиқат шуки, биз ўзгаларнинг ҳаётини “тўғрилаш”га интиламиз, атрофи-

миздагиларнинг умр йўлига “тахрир”лар киритамиз, доноларча маслаҳат берамиз, йўл-йўриқ кўрсатамиз. Ўзимизга келганда эса, нимагадир депсиниб қоламиз, тараддудга тушамиз. Ҳолбуки, бир мардумнинг ҳаёти бошқасига дастуруламал бўлолмаслиги кундек равшан.

“Дунёни ўзгартиришни истасанг, аввало ўзингни ўзгартир”, деган эди буюк қалб эгаси, ҳинд давлат арбоби Маҳатма Ганди. Назаримда, бояги саволга жавобнинг мушкуллиги – дунё биз ўйлагандан, китобларда ўқигандан, фильмларда кўргандан кўра мураккаблигида! Дунё бошқа, ўй-хаёл, мақсад-мўлжалларимиз бошқа, уларнинг йўли доим ҳам кесишмайди. Истагимиз борлиғимиз ила номутаносиб, кутблар ўзга-ўзга.

Қадим замонлардан буён дунё икки кутбга бўлинган: эзгулик ва ёвузлик. Қай томонда бўлиш инсон тафаккури, ақл-идрокининг оғиш нуқталарига боғлиқ. Теран фалсафий, назарий ёндашув бу. Таъкидлаганимиздек, ҳаёт бошқачароқ, илкимизга доим ҳам танлов эрки тутқазилмайди.

Инсоннинг тахайюли саркаш, уни турли томонларга итқитади. Бинобарин, ҳаётда ҳамма йиқилганлар ҳам турмоққа куч топа олмайди ва барини тақдир ҳукмига йўйиб қўя қолади. Дангалига кўчсак, кўпчилигимиз бу ёруғ дунёда нима қилаётганимизни англамаймиз, билмаймиз.

Камина учун саволнинг жавоби оддий: атрофдагиларга (табиат, одамлар) беэтибор, лоқайд бўлмаслик, ўзаро кўмакка интилиш, ҳар дақиқа меҳнат, ижод-лабанд бўлиш, сабр-қаноатнинг этагидан тутиш, мудом ишонч ва эътиқодга суяниш. Инсон бу дунёга келиб қиладиган

кори хайр шу. Ҳарқалай, мен шундай деб биламан. Истаганингча яша, илло ўзгага ёмонлик раво кўрма – ақидам шу. Машҳур қўшиқ сатрларини ёдга олсак: “Бу дунёга келиб не қилдинг деса, // Одамга одамлик қилиб қўйдик биз...” Яна билмадим, ҳар кимнинг ўз дунёси бор. “Яхшилик қорин тўйдирмайди” деган моддиюнча қараш тарафдорлари бутун умр эзгулик қилиб яшаш мумкинлигига ишонмайди.

Бугун дунё ўзгармоқда. Катта авлод хотирасидаги дунё бизникидан афзалроқ туюлади. Олам ёмонлашмоқдами ёки одамзод?! Азалий савдо: ҳамма яхши, дунё ёмон! Ҳозирда курраи арзда манфатпарастлик, “сиздан угина, биздан бугина” тарзидаги ёндашув устунлик қилмоқда. Аслида-ку, доим ҳам шундай, бу хил муносабат фақат ҳар бир даврда турлича намоён бўлади. Шундай даврда яхшиликдан сўз очиш айримларга ғалат ҳодиса бўлиб кўринади. Сизни энг камида ҳаётда омади келмаган файласуфга чиқаришади.

“Аслида нимага ишониш кераклигини ҳеч ким билмайди”, деган эди япон адаби Котаро Исака. Бу фикрда жон бордек, бироқ инончсиз яшашнинг ҳам иложи йўқда! Бошқа томондан эса, Дэн Браун таъбири билан айтганда, “Қанча кутсак ҳам, барибир биров келиб бизга қаҳва дамлаб бермайди”.



Ақллилик балоси

Русларда “безумие разума” деган ибора бор. Буни ўзбекчага “ақллилик балоси” деб ўгирса бўлади. Назаримда, бу нуқтада ахлоқ ва илм зиддияти мавжуд. Ҳаётда кўп учратганимиздек, ақлли, илмли одам доим ҳам юксак ахлоқ соҳиби бўлавермайди. Балки шунинг учун ҳам халқ “Олим бўлма, одам бўл” дейди. Албатта, гап бу ерда “юксак маънавиятли шахс” ёки “етук инсон” тўғрисида кетмаяпти. Бу хусусда кўп ва ҳўб ёзилган. Шунга қарамай, бу мавзу ҳануз ўз долзарблигини йўқотмади. Бизнингча, доимий равишда етукликка даъво қилиш пировардида илоҳийлик иддаосини келтириб чиқаради. Оддийроқ бўлган маъқул.

Сўнгги вақтларда жамиятда башанг кийинган, қўш дипломли, лекин одоб-ахлоқдан йироқ мизантроплар (содда қилиб айтганда, одамларга паст назар билан қарайдиган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни тан олмайдиган тоифа) гуруҳи шаклланаётди. Улар ўзини ўта кибор тутуди, оммадан қочишга интилади, одамлар билан мулоқотдан хавфсирайди, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Бундайлар учун виждон, инсон шаъни ва қадр-қиммати анчайин китобий тушунчалар, холос.



Не тонги, жамиятда ахлоқли инсонларга ўғай қараш кузатилмоқда. Янада ачинарлиси, аксар замондошларимизда мизантропларга ҳавасмандлик, уларни идеал деб билиш, умуман, ҳашамдор ҳаётга ҳарислик оммалашмоқда. Таассуфки, биз яшаётган дунёда алифни калтак деёлмасдан ҳам, ахлоқсизликни тарғиб қилиб ҳам машҳурлик ва тўкин-сочин ҳаётга эришиш мумкин бўлиб қолди. Назаримда, бу ҳол аксар замондошларимизни чалғитаётди. Жамиятда билимли, зиёли ва хушахлоқ инсонларга нисбатан бепи-сандликнинг пайдо бўлиши ҳам шундан. Ўзим гувоҳ бўлган воқеа: бозорда бир харидор сотувчи билан зўр бериб савдолашаётган эди. “Бор барака” чўзилиб кетганидан таъби тирриқ бўлган сотувчи “Намунча савдолашмасангиз, ўқитувчимисиз?!” деди пичинг ва кесатиқ оҳангида. Бир сескандим, ичимда нимадир узилгандек бўлди. Аттанги, биз жуда кўп нарсани бой бердик, йўқотишлардан ҳали ҳам сабоқ чиқарганимиз йўқ. Муаллимлар, зиёлилар латифа қаҳрамонига айланаётганига жимгина рози бўлишимизни нима деб оқлаш мумкин?..

Олий маълумотли киборлар ҳақидаги мулоҳазани давом эттирсак, яна талай саволлар туғилади. Хўш, бизга нима керак: дипломми ёки ахлоқ? Иккиси бир бирини тўлдириши керак эмасми? Таълим ва тарбия орасидаги ришта узилдими; узвийлик, изчиллик йўқолдими? Нега ҳануз “фозил одамлар шаҳри”га эҳтиёжмандмиз? Ўзи қачонгача биз учун тарбия “ё ҳаёт, ё мамот масаласи” бўлиб қолади?

Саволлар бисёр, аммо қалбга қаноат ва қанот бахш этувчи жавоблар қани?!


Гўё дунёда тобора “тафаккур қуёши ботиб бораётгандек”, “чинакам инсоний ҳаётни арзон кийим-кечак сотиладиган бозорда деб тасаввур қиладиган, маърифат аҳли устидан кулиб, уларни телба, овсар, эси паст деб атайдиган” (*Нитше таъбири*) оломон даври келаётгандек...

Алҳол, бугун одамзод чуқур тушқунликда, чорасиз аҳволда. Оғиримизни енгил қилмоғи лозим бўлган фан-техника ривожига акс таъсир қилди, инсоннинг қарамлигини кескин кучайтирди.

“Sapien Labs” ташкилоти экспертлари дунё аҳолисининг руҳий ҳолати бўйича 2023 йили ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, 30 фоиз респондент кучли стрессни бошдан кечириётганини қайд этган. Социологик сўровларга асосланган тадқиқот 71 та мамлакатдаги 500 минг респондентни қамраган (<https://mentalstateoftheworld.report/>).

Натижаларни баҳолашда руҳий саломатлик коэффиценти (*MHQ – Mental health quotient*) қўлланган бўлиб, у қуйидаги олти асосий мезонни ўз ичига олади: 1) инсон дунёқараши ва кайфияти; 2) ижтимоий ўз-ўзини баҳолаш; 3) интилиш ва ҳаракатга ундовчи омилларнинг мавжудлиги; 4) ақл, тафаккур ва жисмоний саломатлик уйғунлиги; 5) билиш / англаш кўникмалари; 6) мослашувчанлик ва бардошлилик.

Тушқунлик ва стресс 35 ёшгача бўлган аҳоли вакилларида кўпроқ кузатилаётгани аниқланган. Мутахассислар бунга смартфонлардан кичик ёшдан ва меъёрдан зиёд фойдаланиш, фаст-фуд ва ярим тайёр маҳсулотларга ружу қўйиш ҳамда оила институти ролининг пасайишини сабаб қилиб кўрсатган.



Дунё бўйича руҳий саломатлик коэффиценти ўртача 65 деб баҳоланган. Демак, руҳий ҳолат “назорат остида”. Ўзбекистонда эса мазкур кўрсаткич 48 га тенг. Бу мамлакатимизда тушқунлик аломатлари мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистонга оид кўрсаткичлар қуйидаги кўринишда: 1) инсон дунёқараши ва кайфияти – 48; 2) ижтимоий ўз-ўзини баҳолаш – 47; 3) интилиш ва ҳаракатга ундовчи омилларнинг мавжудлиги – 73; 4) ақл, тафаккур ва жисмоний саломатлик уйғунлиги – 58; 5) билиш / англаш кўникмалари – 65; 6) мослашувчанлик ва бардошлилик – 74.

Одамзод мудом табиат бағрига, кенглик, эркинликка интилади, дунёларни кучгиси келади. Табиийки, руҳият эркинлиги фикр эркинлигига доялик қиладди. Атоқли рус адиби Фёдор Достоевский ёзганидек, “Тангу тор жойда ҳатто фикрлар ҳам то-

раяди”. Бизнингча, шу боис ҳам аксар жамиятлардаги одамлар асабий, тажовузкор, жоҳилликка мойил, ҳашаматга ўч. Наҳот дунё ақлли одамларга тўйинган-у, Нитшеннинг телбасига муҳтож бўлса?!

Сукрот замонидан мерос жумбоқ

Ёшлар мавзуси донишманд Сукрот замонидан буён муҳокама ва мунозаралар марказида. Дарҳақиқат, бу мавзу барча макон ва замонлар учун долзарб бўлиб қолаверади.

Бугунги кун ёшлари нима истайди? Қайси булоқдан сув ичяпти улар? Ўй-хаёл, қизиқиш, дунёқараши нимага асосланган? Эҳтиёж ва манфаатлари-чи?

Шу сира саволларга жавоб топсак, боя муҳокама қилганимиз “дунёда нима қилганимизу қилишимиз кераклиги” ойдинлашади, келгуси авлод олдидagi мажбуриятимиз ҳам бирмунча енгиллашади. Ёшлар хусусида баландпарвоз чақириқ, шиор ва даъватлар билан чиқиш мумкин, лекин икки ўсмирга тўғри йўл кўрсата олмасак, бундан не наф!

Авалло, айтиш керакки, чаманзордаги турфа гуллар сингари ёшларнинг ҳар бири бетакрор ва ўзига хосдир. Шу боис уларни яхлит, ягона “қолип” асосида тарбиялаш, “комил инсон”га айлантиришга уринишдан тийилиш керак. Ёшларни шахс сифатида тарбиялашда катталар ибрат, намуна бўлиши лозим. Таҳлил ва кузатишлар шуни кўрсатадики, аксар ҳолларда ёшлар салафларининг хатти-ҳаракатини такрорлайди. Бошқача айтганда, ҳар бир давр ёшлари олдинги давр ёшларининг “махсули” ҳисобланади.

Жамиятдаги ўзгариш ва эврилишлар даставвал ёш авлодга ўз таъсирини ўтказади. Таҳлил қила олиш салоҳияти суст бўлгани боис ёшлар ўзгаришларни бориचा қабул қилади. Пировардида катта ва ёш авлод вакиллари ўртасида тушунмовчиликлар юзага келади. Бизнингча, бу ҳолатга катталарнинг муайян ўзгаришларни ёшларга тушунарли тарзда етказиб бера олмаслиги, кўпинча кенжа авлоднинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатлари рад этилиши сабаб бўлади. Охир-оқибат ёшлар янгилашни, ўзгаришларни катталар истагандек ўзлаштиролмайди.

Катта авлод ёшларни доим ўз йўриғида юрғизишга уринади. Ўзимиз эришолмаган марраларни фарзандларимиз, невараларимиз забт этишини хоҳлаймиз. Аслида, бу хайрли ниятда ёмонлик йўқ, бироқ кўпинча орзу-истак кетидан чопиб, боланинг қизиқиш, укув, салоҳият ва интилишларини ҳисобга олмаймиз. Алҳол, аввал-бошда катталар изми билан бирон соҳани танлаб, 35-40 ёшида ўзи хоҳлаган касбга ўтиб кетганлар талайгина. Эҳтимол, ёшларни бир муддат ўз ҳолига қўйиш керакдир?..

Катта авлодга хос хусусиятлардан яна бири бу – ёш авлоднинг ўзига нисбатан *дангаса* эканини бот-бот таъкидлаш ва мудом ўзи билан солиштириш, муқояса этишдир. Мутахассисларнинг фикрича, бу ўринда асосий муаммо катта авлод вакиллариининг замон ва макон ўзгаришларини ҳисобга олмаслиги ёки қабул қилмаслигида (*Куда пропал конфликт отцов и детей* // <https://www.vedomosti.ru/opinion/articles/2018/09/25/782022>).

Замонавий ёшларга келсак, кенжа авлодда ҳамма нарсага тез ва бирданига

эришиш ҳисси кучли. Бунинг илдизини замонавий ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани, тенгдошлар ўртасидаги кучли рақобатдан қидириш керак. Демак, бу интилишни салбий ҳолат деб баҳолаш унчалик ҳам тўғри эмас. Айрим мутахассислар буни ҳатто “ютуқ стратегия”си деб ҳам баҳолайди (*Yusupov A. Youth is a strategic resource of Uzbek society* // www.eureporter.co/world/uzbekistan/2021/10/11).

Сирасини айтганда, бугунги кун ёшларига қўйиладиган талаблар мутлақо янги. Шиддаткор давр ёшлардан тезқадам ўзгаришларга мослашиш, мунтазам билим, малака оширишни тақозо этмоқда.

Янги давр эврилишлари ёшларни ҳайрату ҳаяжонга солган бугунги кунда “бой берилган авлод” (*lost generation*) мавзуси яна кун тартибига қайтгандек. (Асли Америка адабиётига дахлдор бу истилоҳ болалиги Биринчи жаҳон уруши йилларида тўғри келган авлодга нисбатан қўлланган.) Замонавий дунёда бу атама барча соҳаларнинг изчил рақамлаштирилиши таъсирида ёш авлоднинг – катта авлод анъанавий тарзда муҳим деб билган адабиёт, илм-фан, меҳнат кабиларни устувор ҳисобламаслиги билан изоҳланади. Бу, ўз навбатида, оталар ва болалар зиддияти (социологик феномен), авлодлар тўқнашуви каби адабиёт ва илм-фаннинг бир неча асрлик мавзулари теграсида янги баҳс-мунозараларни туғдирмоқда. Аксар мутахассислар буни табиий жараён деб ҳисоблайди. Социолог олим Комил Калоннинг ёзишича, “Авлодлар ўртасидаги ворисийлик ёки ихтилофларнинг вужудга келиши, биринчи навбатда, даврий ҳолат


билан боғлиқ бўлиб, кўпинча у авлодларнинг ўзаро тўқнашуви чоғида содир бўлади. Истиҳола қилган ҳолда, авлодлар ўртасида юзага келадиган тўқнашувларни инкор этсак, биз жамиятдаги долзарб социал муаммоларнинг биридан кўз юмган бўламиз” (*Каланов К. Авлодлар алмашинувининг социал муаммолари: “ўўқотилган авлод” тўғрисидаги баҳс-мунозаралар ҳақида* // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнали. №2 (21), 2018).

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 2 миллиардга яқин одам турли тўқнашувлар ва зўравонлик бўлаётган, беқарорлик ҳукм сураётган минтақаларда яшайди. Уларнинг учдан бир қисмидан зиёди 15 – 24 ёшлилардир. БМТ Бош котиби эса дунёда ҳар тўртинчи ўсмир зўравонлик ёки қуролли низолардан жабр кўраётганини маълум қилган. Бу рақамлар ёшлар масаласи нечоғли долзарб тус олаётганини тасдиқлайди. Тезкор дунёда “шошган авлод” ўсиб вояга етмоқда...

Кун кўриш эмас, яшаш керак

Хўш, биз қачон бой бўламиз? Бу ўринда бойлик деганда фаровон ва бахтли турмуш назарда тутилмоқда. Зотан, инсон мол-дунёга эга бўлатуриб, бахтсиз ва аксинча, катта бойликсиз ҳам ўзини саодатманд ҳис этиши мумкин. Бироқ бугун шундай қусурли одатлар пайдо бўлдики, инсонни ташвишли ўйларга толдиради.

Ҳозирда сайёрамиз бўйлаб 783 миллион киши доимий равишда оч – бу дунё аҳолисининг қарийб 10 фоизига тенг. Шундай



шароитда Ер юзидаги истеъмолга яроқли озиқ-овқат маҳсулотларининг 17 фоизи чиқиндихонага улоқтирилмоқда (*Food Waste Index Report 2024 // www.unep.org/resources/publication*).

БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури (UNEP) ҳисоботида кўра, курраи заминда яшаётган ҳар бир одам йилига ўртача 79 килограмм яроқсиз бўлиб қолган озиқ-овқат маҳсулотларини чиқиндихонага ташлайди. 2022 йилда чиқитга чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий ҳажми 1 миллиард 50 минг тоннани ташкил этган. Бу кунига миллионлаб порция овқатнинг баҳридан ўтилади дегани. Давлатлар кесимида таҳлил этилса, АҚШда йилига кишибошига ўртача 115 кг, Европада 65 кг, Россияда эса 56 кг озиқ-овқат маҳсулоти чиқиндига ташланади.

Озиқ-овқатнинг 60 фоизи якка тартибдаги истеъмолчилар ва уй ҳўжаликлари томонидан исроф қилиниши аниқланган. Қолган 28 фоизи умумий овқатланиш муассасалари ҳиссасига тўғри келса, 12 фоизи эса талаб йўқлиги туфайли дўкон пештахталарида қолиб кетган ва муддати ўтган маҳсулотлардир.

Масаланинг қизиқ томони шундаки, озиқ-овқат маҳсулотларининг “ортиб қолиши” нафақат бадавлат мамлакатлар, балки ривожланаётган давлатларда ҳам кузатилаётир. Мутахассисларнинг фикрича, бу айниқса, иссиқ иқлимли мамлакатларда кўпроқ кузатилмоқда. Табиийки, бундай шароитда маҳсулотларни сақлаб туриш бир оз мушкул ва янги маҳсулотларга талаб катта.

Озиқ-овқат чиқиндилари ҳажмининг ортиб бориши атроф-муҳитга жиддий зарар етказётгани урғуланади. Жумладан, атмосферага чиқарилаётган йиллик парник газларининг 8 – 10 фоизи чириётган озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, озиқ-овқат маҳсулотларининг чиқиндихонага ташланишидан жаҳон иқтисодиёти тахминан 1 триллион доллар зарар кўрмоқда.

Ўзбекистонда ҳам камбағалликка қарши курашиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиш лозим. Бунинг натижаси ўлароқ қисқа муддатда камбағаллик даражаси пасайгани кузатилди. 2021 йили ушбу кўрсаткич 17 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йил якунида 11 фоизга тушган (*Ўзбекистан на пути к искоренению бедности: выводы международных сопоставлений // blogs.worldbank.org*).

Масаланинг нозик жиҳатиға эътибор қаратмоқчимиз. Аҳоли орасида фақирона турмуш тарзига рози бўлганлар ҳам учрайди. Улар ҳаётини ижобий томонга ўзгартиришдан ҳадиксирайди, гўё борини ҳам йўқотиб қўйишдан қўрқади. “Қора қозон қайнаб турибди”, “Оч қорним – тинч қулоғим” каби иборалар уларга хос. Ачинарлиси, бир неча авлод шу тахлит вояга етмоқда... Бундай фикрлаш камбағалликдан қашшоқлик сари етаклаши ҳеч гап эмас. Зеро, камбағаллик бизнинг хатти-ҳаракатларимиз, аввало, тафаккуримизнинг инъикосидир. Демак, камбағаллик якуний ҳукм ҳам эмас.

Бошқа тарафдан эса, нонни ҳамиша эъзозлаб кўзига суртган халқимиз орасида ҳам исрофгарлик иллати пайдо бўлди. Маълумотларга кўра, биргина Тошкент шаҳрида ҳар куни 3 тонна нон чиқиндихонага ташланар экан. Мамлакат миқёсида ушбу рақамни тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат! Шу ўринда атоқли муҳаррир Маҳмуд Саъдийнинг “Кун кўриш эмас, яшаш керак” деган фикри ёдга келади.

Беармон гапирилган яна бир мавзу бу – ўзбекона тўй, аза ва бошқа маросимлар. Назаримда, халқни “камбағалликка элтувчи йўл”лардан бири – тўй. Парадоксал ҳолат: бир томондан, турмуш муштини дўлайтиряпти, яшаш қийинлашяпти; бошқа томондан, одамлар тўйларда янгича одатлар ўйлаб топиш борасида мусобақа қилаётгандек. Пандемия даврида тўйларни ихчамлаштириш, жумладан, сарф-хара-

жатларни қисқартириш, 500 эмас, 200-250 кишини таклиф қилиш, ортиқча дабдабага йўл қўймаслик бўйича қарор қабул қилинди. Натижа нима бўлди дерсиз. “Орзу-ҳавасли” оилалар “Уят бўлади, халқнинг ошини еганмиз” дея зиёфатни икки қисмга бўлиб, кунлаб тўй қилди. Ачинарлиси, бир оз муддатдан сўнг тўй учун олинган қарзларни тўлаш учун ҳали чилласи чиқмаган куёв яна хорижга ишлагани кетади...

Умр шундай ўтмоқда: тўйдан тўйгача, қарздан қарзгача.

Сўзимиз бошида муҳокама қилганимиз “Мен дунёга келиб нима қилдим?” деган саволга жавоб бермоқнинг қийинлиги сабабларидан бири ҳам шу одат, шу иллатда.

Дарвоқе, кейинги йилларда ўзига тўқ боқимандалар гуруҳи ҳам пайдо бўлмоқдаки, улар камбағалларга аталган рағбатларни ҳам ўзиники қилиб олишга интилмоқда. Назаримизда, ҳар иккала тоифада тафаккур ноқислиги, кемтиклиги манаман деб турибди. Биринчисида у қўрқув, ҳадик ортига яширинган бўлса, иккинчисида нафс қутқусига ботган.

Ваҳоланки, Ер юзида камбағал оилада вояга етса-да, улкан натижаларга эришган, ўзини ўзи кашф этган, иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқара олган минглаб инсонлар бор. Бунга тарихда ҳам мисоллар бисёр. Демак, камбағалликдан қутулиш йўлидаги ҳаракатлар, энг аввало, тафаккурни ўзгартиришдан бошланмоғи даркор.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

QULLIK QASIRG'ASI

“Далага ташланган асирларнинг кўпи Сариўзак қуёши тиғида даҳшатли қийноқларга бардош беролмай ҳалок бўлган. Беш-олтита мангқуртдан* битта ёки иккитасигина тирик қолган. Бошқалари очликдан эмас, ҳатто ташналикдан ҳам эмас, каллага қопланган терининг қуёш иссиғида қовжираб, қоқ мияни чидаб бўлмас даражада сиқиши натижасида жон таслим қилар эдилар. Олов пуркаб турган қуёш остида тери қалпоқ шафқатсиз равишда торайиб, қулнинг қирилган бошини темир чамбарак сингари жингиртоб қилиб қисарди. Орадан бир кун ўтиши билан жабрдийдаларнинг тақир бошида соч ниш ура бошлайди. Осиёликларга хос тикандай тик дағал сочлар баъзида хом терини тешиб чиқарди, кўп ҳолларда эса, чиқишга йўл тополмай яна

қайтадан қайрилиб, бош терисига қараб ўсарди ва аввалгидан ҳам баттар азоб берарди. Сўнгги синов давомида тутқунлар эс-хушларини буткул йўқотар эдилар. Орадан беш кун ўтгачгина жунганлар келиб тутқунлардан қай бири тирик қолганини кўздан кечиради. Ақалли битта тутқун тирик қолган бўлса ҳам, мақсадга эришилган ҳисобланарди. Бундай қулни қийноқдан бўшатиб, сув бериб, аста-секин кучга киритиб, оёққа турғизишарди. Бироқ у энди барибир одам саноғидан чиқарди, зўрлаб эс-хушидан жудо этилган қул – мангқуртга айланарди, худди шунинг учун ҳам бундай қуллар ўнта соғлом тутқундан кўра қимматроқ турарди.

...Мангқурт ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, бола-

лик кезларини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, одамлигини ҳам унутиб юборади. ...Қочаман-қўяман деган хаёл унинг тушига ҳам кирмайди. Қулдор учун энг даҳшатли нарсаси – қулларнинг исёни. Ҳар бир қул сиймосида исёнкорлик руҳи яширинган. Ёлғиз мангқуртгина бундан мустасно, исён кўтариш, бўйин товлаш унга бутунлай ёт. Унга соқчи қўйишга, айниқса, бузуқ ниятли киши сифатида ундан гумонсирашга ҳожат йўқ. Мангқурт худди ит каби фақат ўз эгасини танийди. Бошқалар билан иши йўқ. Унинг фикри-зикри қорин тўйғашида... Инсоннинг инсонлик фазилати, яратилганда бирга яратилиб, ўлганда яна ўзи билан бирга кетадиган ва бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган бирдан-бир ноёб фазилати – хотираси, ақл-идроки бўлса-ю, уни тағ-томири билан юлиб олсалар, ахир, бу қандай ёвузлик, қандай бедодлик?!

...Ердан маҳрум этиш мумкин, молдунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто инсонни яшашдан маҳрум этиш ҳам мумкин, – дерди она ўз-ўзича гапириб, – бироқ одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топди экан, бунга кимнинг қўли борди экан?! Ё Раббий!”

Бу ривоят Чингиз Айтматовнинг “Асрни қаритган кун” романида келтирилган. Дарҳақиқат, душман қабиланинг барча одамлари ўлдирилса, муаммо ҳал бўлмайди: хўжалик даромад келтириши учун кимдир ишлаши, чорва молларини боқиши керак. Қирғин уюштирганлар мағлуб қабиланинг барча аъзоларини ўлдирмай, ишга ярайдиган ёш йигитларни қолдириб, уларни шунчаки қул эмас, мангқурт қилишга тушган...

Ҳар бир одам ҳур бўлиб туғилади ва шундай яшашни истайди, дейдилар. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам қатъий таъкидланган. Аммо менга қолса, кўп-ларга эрк эмас, эрксизлик яхши, қул бўлиб яшаш қулайроқ, деб айтган бўлар эдим. Бу фикр ўта кескин ва бирёқлама бўлиб туюлади, албатта. Унга эътироз билдирувчилар ҳам лак-лак бўлса ажаб эмас, лекин бор гап. Нега дейсизми?

Одамлар эркини тортиб олган кимсани кўкларга кўтариб мақтайди, унга сажда қилади. Қадимда қуллар “фалончининг қули” эканидан фахрланган. Қуллигига шукр қилибгина қўймай, ким ўзини шу аҳволга солган бўлса, уни эъзозлайди ҳам. Айрим манбаларда ҳатто исёнкор шоир Машраб ҳам Офокхўжадан норози бўлмагани, балки ўша пуштини маҳв этган ханжарчани бир умр ардоқлаб ёнида олиб юргани ёзилди. Ажабки, инсон руҳиятининг бу хил пучмоқлари ҳали-ҳануз тўлиқ инкишоф этилган эмас.

Хожани, золимни, зўравонни мақташ, унга сиғиниш “Стокхольм синдроми” деб аталади. Хўш, бу синдром қандай пайдо бўлади? Ўз-ўзидан юзага чиқадими? Йўқ, албатта.

Аксар хожалар қулоқ қоқмай бўйсунадиган, ўзича фикр-мулоҳаза айтмай, буйруқни сўзсиз бажарадиган ходимларни яхши кўради. Мустақил фикрли, вақти



* Роман русчадан ўзгаришлари учун бу сўз бизда ҳам “мангқурт” шаклида қўлланади. Қирғизчада – мангқурт. Аслиятга кўра “мангқурт” деб ёзиш тўғрироқ. “Манг” форсий “банг” – нашо сўзига боғлиқ бўлиб, гаранг, ақлдан озган маъносини беради.

келса “бош кўтариши” мумкин бўлган шахсларни чўқилаб-турткилаб, идорадан, ташкилотдан, маҳкамадан, вазирликдан... четлатиш, изини қуритиш пайида бўлади. Бу шароитда эркин фикрли одамлар ҳам кун кўриш учун “бажарувчи”ликка кўнади. Бора-бора, кўпларининг дилидаги ҳаққоният туйғулари ўлиб, бюрократ, олчоқ бир кимсага айланиб кетади. Дунё билан иши йўқ, фақат шу ишхонани, шу раҳбарни билади, холос.

Мисол дейсизми?

Биласиз, мустақилликдан сўнг чорак аср кўшни давлатлар билан алоқа сусайиб, муомалалар таранглашиб турди. Оқилон ишлар ўрнига мантиғини тушуниб бўлмайдиган муносабатлар кун тартибига чиқди. Қўшни эл вакиллари тугул, ўша юртларда азалдан яшаб келаётган ўзбекларга ҳам ишончсизлик билан қарала бошлади. Атрофимизда яшайдиган қарийб беш миллион нафар ўзбекларнинг фарзандини Ўзбекистон олий ўқув юртларига қабул қилиш тўхтади, кимдир бир амаллаб ўқишга кирса, худди итальян ё япон болалари каби ақча тўлаши шарт эди...

Ҳозир шароит ўзгарди, аммо ҳануз айрим амалдорларнинг онги ўзгариши қийин кечяпти. Янгиланишлардан илҳомланиб, “Ўзбекистон – Қирғизистон” дўстлик жамияти ҳар йили юз нафар қирғизистонлик ўзбек йигит-қизларини Ўзбекистон олий ўқув юртларига қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Бу таклиф маъқулланди ҳам, аммо бизнинг олий таълим вазирлигимиз уч йилдан бери ижрони пайсалга солиб келади. Ниҳоят, “муз кўчди” бўлиб, Қирғизистон томони билан келишилгач, бизникилар у ёққа “юз нафар қирғиз аби-

туриенти” юборишни сўраб хат ёзибди. Тушуняпсизми, ўзбек болаларини сўраган эмас! Оқибат, 2022 йилда етти қирғиз аби-туриенти келиб, тайёр ўринга жойлашган, сўнг икkitаси юртига кетиб, ҳозирда беш нафари ўқимоқда экан.

Қирғизистон эса 1992 йилдан бошлаб “Ўзбекистонлик этник қирғиз болалари учун” деб аниқ кўрсатиб, ҳар йили ўттизта ўрин ажратади, бунинг учун Ўзбекистон билан келишиб ҳам ўтирмайди (тўғрида, билим олиш, билим бериш учун ҳам қандайдир шартномалар шартми?). Улар ўқиб битиргач, “Мана, қирғизимнинг боласи, ўқидинг, дипломинг муборак бўлсин, хоҳласанг юртингга қайт, хоҳласанг ўзимиз иш берамиз”, деб эъзоз қилади.

Биздаги ходимларнинг кўпи эса бу гапларни фаҳмламайди, ҳатто қирғизистонлик ўзбекни ҳам қирғиз деб тушунади. Бундай идораларга ариза кўтариб борсангиз, қай бирови ярим соатдан сўнг хўмрайиб чиқиб келиб қабул қилади, аммо гапингизни эшитмай туриб, ақл ўргатишга тушади. Бафуржа гап уқтирай десангиз, иложи йўқ – “қимматли вақт”лари тугаган бўлади.

Чунки... уларда миллий туйғу ўлган. Туғилмай туриб, нобуд бўлган.

Шундай ҳолга дуч келганда (ватанпарварлик... керак албатта, аммо ундан ҳам аввал) ёшларга миллат туйғусини, миллатсеварликни сингдириш лозим экан, деб ўйлар экансиз. Ахир, ватан дегани аввало она халқимиз-ку! Халқ бўлмаган жойда ватан йўқ. Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеъри ҳам шу ҳақда...

Хулосам шундайки, қулда, жўн бир қулда эмас, балки мангқуртликка етган қулда

халқ, миллат сезгиси бўлмас экан. Демак, миллийлик сезгисидан маҳрум одамни мангқурт десак ҳам янглишмаймиз.

Майли, бояги саволга қайтайлик: қулликнинг нимаси қулай?

Қулликнинг “гашти” шундаки, кўплар ўйлашдан, фикр қилишдан қочади. Топширикни бажариш эса ҳам осон, ҳам беғалва. Ўша ишни қилаётганида қийналиб фикрламайди, оқибатини ўйлаб ўтирмайди ҳам. Буйруқни бажардим, тамом-вассалом, энди у жавобгар эмас. Мабоодо иш ўхшамаса – “юқори”нинг хатоси. Шундай деб енгил тартади. Қуллик мана шу, аслида. Қул буюрилган вазифадан четга чиқмайди. Савол берсангиз, хожасига ҳавола этиб қутулади. Ўзининг “тепа”га алоқадор эканини ҳис этиб, яна қувонади.

Кишиларнинг ичкилик, фаҳш, гиёҳвандликка берилиб қолишининг туб сабаби ҳам... бу дунёни унутиш, ҳеч нарсанинг ташвишини қилмай, бир оз бўлса-да, мияни зўриқтирмаслик, дам олиш истагидан бўлса ажаб эмас.

Расули акрам (с.а.в.) – дунёда қулликка қарши курашган биринчи одамлардан. Қулларни озод қилиш қанчалик эзгу амал эканини уқтириш учун йиллаб ҳаракат қилганлар. Улуғ савобли амалларнинг даражаси фалон нафар қулни озод қилган билан тенг деган қиёслар ҳам ўша замонда урф бўлган.

Биллоҳки, айрим одамларгина эмас, бутунбошли халқлар ҳам инон-ихтиёрини ўзгаларга топшириб, уларнинг изни билан яшашга мойил бўларкан. Ўзлигини йўқотишдан хавотир олмаслик, бошқа юртларнинг жирини айтиб, қийимини кийиш, ўшаларнинг тутумини намуна деб билиш,

бўлак эл кишилари билан оила қуришнинг оммалашиши бунга мисол.

Одамнинг табиати ўзи шундай. Миллионлаб немислар фашизм доҳийсининг палапартиш буйруғини эшитиб, “Ҳайл Ҳитлер!” дея қўл сермаб, жангга жўнаганини ёки қаршидан пулемёт ё танк отиб турган паллада минг-минг одам “Сталин учун!” деб кўкрагини ўққа тутиб югурганини эшитганмиз. Ҳозир ҳам Сталин замонини соғинаётган одамлар лак-лак. Айнан унга таассуб қилароқ, юз минглаб одамлар бир умр галифе шим, этик, гимнастёрка кийиб ўтди. Бугун эса айрим элларнинг ҳовлиқма вакиллари Чингизхонни алқаб кўкларга кўтараётганига, у асли мўғул эмас, бизлардан, деб талашаётганига, мислсиз қирғинларнинг бошида турган бу ваҳшийни доҳий деб атаётганига гувоҳмиз.

Бугун ҳам “ўтмишдаги парадокс”лардан узоққа кетганимиз йўқ. Ахир, ҳар бир ташкилот жамоаси камтарин, одамшаванда раҳбарни эмас, аксинча қаттиққўл, дағал “хўжайин”ни кўпроқ яхши кўришини билармиз-ку!

Билими ўрта мактаб даражасида, аммо тақдир ғаройиботларидан бири ўлароқ, миллионлаган халққа бош бўлиб қолган кимсаларнинг босган изини кўзига суртаётган, ўзидан, ҳатто бола-чақасидан, эл-юртидан ҳам андиша қилиб ўтирмай, “Сендан улуғ инсон дунёда йўқ! Буюр, шаҳаншоҳим!” дея тиз чўкиб турган не-не савлатли одамларни телевизорда кўриб қоламиз. Ёки бир имога бўйсуниб, яп-янги туфлиси, оҳорли шими билан ариқдаги сувга тушиб кетадиган валломатлар бор: сув ичида ҳам қўлида ручкаю дафтар – бирон гап айтилса, ёзиб олишга шай. Фикр қилмай-

ди, эслаб ҳам қолмайди, ёзиб олса бўлди. Чунки бу каллалар юқорининг буйруғини қуйига етказишга дастурланган, бошқасига ярамайди.

Айтадиларки, қиёмат куни ҳар бир одам ўзинигина ўйлаб тик тураркан: на ота-она, на бола-чақа, на қавм-қариндош, на дўст-ёр, фақат ўзининг ғамини ер экан. Бу дунёда топган улфат ва анислар у кунда ҳабата бўларкан.

Ёдингизда бўлса, манқурт Жўломон учун энг қўрқинчли нарса – онгининг уй-ғониши. Ундан кўра буюрилганини бажариш қулай, осон. Хожаси амр қилади – ўз онасини отиб ўлдиради. Собитжон – ўша манқуртнинг бугунги нусхаси ҳам “юқори” белгиллаган инструкциялар доирасидан четга чиқмайди, кимдир дадилликка чорласа, душман қатори кўради. Шундоқ донишманд отаси ўлса, уни аждодлари ётган қабристонга элтиб дафн этиш малол келади – бирон дўнгроқ ердан чуқур қазиб, кўмиб кетақолиш пайида.

Кекса темирийўлчи Қозонғани кўмиш учун “Онабайит” қабристонига олиб кетаётган кишиларнинг ғамгин ва тажанг кайфияти тасвир этилган ўринда бош қаҳрамон Эдигейнинг хаёллари тарзида манқуртлар ҳақидаги бояги ривоят келтирилади. Асарда манқурт ҳатто ўз фожиасини ҳам сезмаслиги фожа экани далилланган. Жўломон – қул. Қул бўлганида ҳам онг-шуурдан Мосуво бир тирик жон, шарпа. Хожаси буюрган, ақлига жойлаб қўйган бир зайлдаги ишни қилади: даштда туя боқиб кун ўтказди.

Бизга уқтиришларича, жамият тарихан ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизмдан иборат. Бал-

ки ростдир. Аммо яна, ҳар қандай жамият ҳоким ва тобе кишиларга бўлинади. Қандай аталишидан қатъи назар, ҳар бир даврда, ҳар қандай жамиятда яхши-ёмон, ориқ-семиз, бой-камбағал одамлар бўлгани сингари, икки тоифа – фикрини ўтказувчилар ва ўзганинг фикрига итоат қилувчилар ҳам мудом мавжуд. Ана ўша итоат қилувчилар – ўйламайдиганлар, моҳиятан – қуллар тоифасидир.

Эски бир нақл бор. Қурилишда уч бинокор ишлаётган экан. Биров улардан бирининг олдига бориб, нима қиялпсан, деб сўраса, қараб ҳам қўймай, “Ғишт тер-япман”, дебди. Иккинчиси “Бола-чақамни шу иш орқали боқяпман”, дебди. Учинчи кишига шу савол берилган экан, бошини кўтариб, фахр билан, “Ибодатхона қуряпман”, деб жавоб қайтарибди. Кўряписизки, бир ишга уч одамнинг муносабати уч хил.

Ана шу учовидан ким кўпроқ ўйланиб, кўпроқ қийналади? Албатта, учинчиси. Ёки кимсасиз чўлда карвон кетиб бораётган бўлса, кимга қийин, қисқа, беҳавотир йўл топиб, одамларни манзилга соғ-омон етказишни ўйлаган карвон етакчисига. Чунки у ҳар он иккиланади, мудом мушоҳада қилади. Изланиш – машаққат. Аммо қураётган иморатини, етиб борар йўлини ўйлаган кишигина ўсиб юксалади.

Назаримда, боласини ўз она тилида ўқитмайдиганларнинг руҳиятида ҳам қуллик мавжуд. Улар – ўзга маданият шайдоси. Ўзи ҳам ўша миллат ичида туғилмаганидан афсусда. Улар ҳамма нарсадан воз кечса кечади, аммо қуллигини тарк эта олмайди, чунки бу – уларнинг моҳияти.

Қул буни тарк этиши учун ҳеч бўлмаганда ўзидан каттароқ қул, тўғрироғи, собиқ

қул унга йўлбошчи бўлиб ҳурликка чиқиш йўлини кўрсатиши керак. Ўзбек элининг сўнгги юз йиллик тарихида юзлаб, минглаб катта-кичик мансабдорлар, шоиру олимлар, шифокору муҳандислар ўзининг “содик” эканини кўрсатиш учун байналмилал оила қурган. Бундай дурагай оила болалари эса оти – ўзбекча, руҳи – ўрисча бўлиб вояга етаркан.

Хур инсонни манқуртга айлантириш олис замонлардаги мудҳиш, ёвуз амалиёт эди, аммо у кейин ҳам тамом йитиб кетмай, турли шаклларда давом этаверган. Чунончи, шўро замонида бизда манқуртларнинг бир неча авлоди шаклланиб борган.

Тўғри, манқурт қилинган одам хотирасини йўқотганини ўзи билмай, янги хожалари эътиқодига ўтади, бу жиҳатдан уни айблаш ҳам ножоиздай. Аммо манқурт ожизлиги сабаб ёвузлар қўлида қуролга айланади ва ўзиникиларга қарата ўқ ота бошлайди. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам “Бадоеъул васат” девонида манқуртларни қоралаган:

**Фалак бошингга қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу синжоб.
Ажаб йўқ, одамийлиғни унутсанг,
Ўзунгни буйла ит чармида асроб.**

(Бу фалак бошингга ит терисини қоплаб қўйибди, сен эса жоҳиллигиндан уни кундуз, олмахон пўсти, дейсан. Ўзингни ит териси ичида асраб-авайлай бериб, одамийлик нелигини унутсанг ҳам ажаб эмас.)

Халқ – барча олимлардан доно, донишмандлардан аъло. Неча минг йиллик моҳиятида беҳисоб шўришларни кўриб, бари-дан ибрат олиб, тарихий тажриба тўплаб

келаётган эл манқуртларни фақат қоралаб ўтаверган эмас. “Асл айнимас” дейдилар. Палаги тоза одамларнинг фарзандлари қул этилган бўлса, ҳақиқат барибир тантана қилиб, улар манқуртликдан қутулиши фольклор асарларида тасвирланган. Хусусан, ўзбек дostonларида, бир қанча эртақларда манқуртнинг аслига қайтиб, солим ва озод бир одамга айланганини кўраимиз. Тўғри, уларда айнан манқурт деган сўз ишлатилмаган. Аммо манқуртнинг ўзи бор, уни ҳам илғаб олиш дафъатан мушкулроқ. Мана, “Ёзи билан Зебо” достони. Ёзи – манқурт, лекин бу ҳолат “бадий парда”га ўраб берилган: *“Ёзининг онаси икки тилладан кокили билан туққан экан. Бундан ҳеч ким билмасин деб, бир қўзининг қорнини Ёзининг бошига ёпиб қўйиб, мен кал туғдим, деган экан. У катта бўлганида ҳам бу сирни ҳеч ким билмасин, мени назарга илмасин, чўтқори кал десин, деб бошига жумур – эчкининг қорнидан ясалган тери кияр, пешонасига тупроқ суртиб қўяр эди”*.

Бу ўринда қадим инончлардан яна бирига – янги туғилган болага “қўз тегмасин” учун жулдур латта-путталарга ўраб, бош-кўзи кўринмаслиги учун хунук қалпоқ ёпиб ўстиришга дуч келиб турибмиз. Аммо Ёзи – аввало манқурт эди, Зеболар хонадонидан қул бўлиб хизмат қиларди.

Достонда Ёзи манқуртликдан буткул қутулмайди (чунки қул қуллигидан ўзи озод бўла олмайди). Шунинг учун ҳам асар охирида у тулки терисини бошига ёпиб, ғорга кириб кетади. Унинг ортидан Зебо ҳам етиб боради, иккови бир умр ғорда бирга яшаб ўтади. Унинг ҳур инсонга айланиши учун бир раҳнамо йўқ эди.

Албатта, барча қул мангқурт эмас ва ҳамма мангқурт ҳам овсар эмас. Йиллар оша ақлини йиғиб, хотирасини тиклаб, ўзининг кимлигини англаб етган мангқуртлар ҳам бўлган, албатта. Уларнинг онгида эврилиш юз берган, ўзини бу ҳолга туширган ёвузларга қарши кураша билган.

“Алпомиш” достони персонажи Қалмоқшоҳнинг қули Кайқубод асли Чин-Мочиндан. Боши жумур кал – мангқурт. Алпомиш аввало Кайқубоднинг келажакка умидини тиклайди. Қалмоқшоҳнинг қизи Товка ойимга уйлантиришини айтиб, руҳлантиради. Кайқубоднинг ўзи ҳам асли юракли йигит эди, шу даражадаки, жонини хатарга қўйиб, Алпомиш ётган чоҳ устидан “жуппай бўлиб ирғиб” ўтаверади. Алпомиш ҳатто чўчиб, “Ёзган кал, сен ҳам тушиб кетарсан”, деб хавотирланади. Алқисса, Алпомиш зиндондан қутулади, Кайқубодни тарбиялаб, озод инсонга айлантиради, қалмоқ юртига подшоҳ қилиб, Товка ойимга уйлантиради. Ўша аснода Кайқубоднинг мангқуртликдан қутулиши жараёни юз беради:

*Бул ишларни билди номдор Кайқубод,
Подшо бўлиб муна юртда туради,
Бирон корсон иссиқ сув келтиради,
Бошини корсонга солиб туради,
Қотган жумур ивиб тушиб қолади,
Асли кал эмасди, шундай бўлади,
Жумур қоплаб сурати кал юради,
Асли ўзи Чин-Мочиндан келади...
Товканинг ишқида кал бўп юради,
Жамоли оқшомни ёруғ қилади,
Кокиллари оч белига келади,
Товка ойим кўнмай шундай қаради,
Кайқубоднинг жамолини кўради.
Кўрган вақтда бу ишқибоз бўлади.*

Бошдан жумурнинг кетиши – мангқуртнинг ҳур кишига айлангани рамзи. Бундай

тасвирлар туркий халқларнинг достону эртақларида бисёр. Чунки мангқурт қилиш тарихда кўп бўлган... Аммо-лекин, қул қуллигини тарк этиши учун “озод бўлдинг, мустақилсан энди”, деб уқтиришнинг ўзи етарли эмас экан, унинг ҳаётида оний эмас, доим давом этадиган шодлик ҳолатлари рўёбга чиқиши шарт экан.

Боя, шўро тузуми бир неча авлод мангқуртларни шакллантирди, деб айтган эдик. Хўш, улар бугун фикр ва шуурда ўша ўтмиш исканжасидан қутулиб, озод бўла олдими, оляптими? Бу саволга жавобимиз “ҳа” бўладими?

Невлай! Аввало, ўша бир неча авлодга мансуб кишиларнинг ҳаммаси ҳам руҳан қул бўлган эмас. Қуллик психологиясини эътиқод қилиб олганлар эса ўзининг мангқурт эканидан хабари ҳам йўқ. Қолаверса, бизга ҳуррият иқтисодий қийинчиликлар билан қўша келди ва бу ҳол узоқ чўзилди. Нима қилиб бўлса ҳам яшаб қолиш, кун кўриш учун жон олиб-жон бериб курашиш кишилар дилидаги инсоний туйғуларни аввалгидан ҳам камайтириб юборди – одамлар бозор иқтисодиёти шунақа бўлар экан, деб қолди. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш, ўғрилиқ, порахўрлик оммалашиб, орият ва ҳаё кун тартибидан тушиб қолди. Юз ўттиз йиллик мутеликнинг асорати ҳали бартараф бўлмагани ҳам унинг пилигини баландлатиб турибди.

Ана энди асосий гапга келдик. Мангқурт фақат эртақларда (Жўломон), бадий асарларда (Собитжон) учрайдими ё бугун ҳам борми?

Бу саволга ҳар ким ўзи билганича жавоб беради, албатта. Лекин мен учун бугунги энг катта мангқурт – “катта”ларнинг ҳар

қандай амрига “лаббай” дея қўл қовуштириб, ўйлаб-нетиб ўтирмай бажаришга тушиб кетадиган, бу ишини ватанпарварлик, фидойилик деб ҳаспўшлайдиган, “пастдан келган” кишиларни эса назар-писанд қилмайдиган кимсалардир. Улар учун муҳокама, мулоҳаза деган нарсаси йўқ, фикрлашга чорласангиз, “ёв”га айланасиз-қоласиз. Энг биларманлари эса, қозихонанинг аъламига ўхшаб, ҳар қандай “ташаббус”га фатво топиш билан банд.

Ҳар бир киши ўз мустақил фикрига эга бўлсин. Бинобарин, мустақил фикрга эга бўлган одамлардан ташкил топган юртгина мустақилдир. Ҳақиқий эрк бир декрет ё декларация билан рўёбга чиқиши, амалга ошириб қолиши амримаҳол.


Бизда ҳозир энг катта даъват – шукрона бўлиб қолди. Зиёли аҳли ҳам, дин уламолари ҳам одамларни шукр қилишга ундагани ундаган. Албатта, бизга ҳаёт берган, одам қилиб яратган, фарзанд ва оила неъматини билан сийлаган, соғ-омон асраган Парвардигорга шукримизни айтиб тугата олмаймиз. Аммо жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришга шукр қилаверсак, бизда мустақил фикр деган нарсаси қиёматгача ҳам пайдо бўлмайди. Эътибор қилсангиз, фуқароларнинг фикрлашидан чўчимайдиган, ғояларига йўл очиб берадиган юртлар энг мутараққий мамлакатлардир.

Маънавий тарбия ўссин, ахлоқ тарғиботи таъсир қилсин десак, тадбирбозлик, стадионларда шиор ҳайқариб, байроқ силкитиш билан мурод ҳосил бўлмаслигини ниҳоят англаб етишимиз керак. Ҳалоллик ва адолат жамиятда устувор бўлишига одамларда ишонч пайдо бўлса, ҳокимият эса ваколатини ишга солиб, ҳаромхўр ва золим касларни жиловлаб тура олса, кўп нарсаси жойига тушади.

Одамлар руҳлансин, фозил кишилар жамияти албатта барпо бўлишига ишонсин. Чунки келажакдан умиди йўқ одам ҳалол яшашга интилмайди. Яна бир гап шуки, Худодан қўрқгани учунгина ёмонлик қилмайдиган инсон яхши одам эмас, виждони, дилидаги эзгулик туйғуларини ёвузлик қилишга қўймайдиган, бундай ёмон нарсалар ҳатто ҳаёлига ҳам келмайдиган киши – фаришта. Буни жамият миқёсига кўчириб айтсак, прокурору мелисадан ҳадиқсирагани учун жиноятга қўл урмаётган кимса билан пок ниятли, ҳур туйғули, эркин, ҳалол одам орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Биз юқорида, юз ўттиз йил муте бўлиб яшадик, баъзи одамлардаги фикрий мангқуртлик шунинг натижаси, деб айтдик. Ундан халос бўлиш учун ҳам... афтидан, яна шунча давр ўтиши керакка ўхшаб турибди.

Майли! Ўшанга ҳам розимиз!..



LOQAYDLIK MUZTOG'LARI

Ёзувчи Жўра ФОЗИЛ
билан суҳбат

– Жўра ака, бедор бир зиёли ўлароқ Сиз бугунги дунёнинг паст-баланди, одамларнинг кор-амалини мушоҳада этсангиз, образли тасаввур қилсангиз керак. Агар мен карикатурачи рассом бўлганимда, узун тил, чағир қўз, хўппа семиз қорин, бошсиз тана, юриб кетаётган бўйинбоғ ёки олти бармоқли қўлни чизган бўлардим...

– Бугунги дунё, одамлар ҳақида наникин ижод аҳли, балки ҳар бир уйғоқ фикрли замондошимиз ўйлаши шубҳасиз. Зеро кейинги йилларда кузатилаётган турли офатлар, катта-кичик урушлар, маънавий хатарлар ўзини инсоният тақдирига дахлдор ҳисоблагувчи ҳар бир кишини теран мушоҳадага

ундаётир. Айниқса, адабиёт, сўз санъати замону макондан четда тура олмайди.

Даврнинг энг ёмон иллати порахўрлик, коррупция деган бўлардим. Ўтган йили Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши кураш рамзи сифатида “Очиқ қўл” монументи ўрнатилди. Ўзимча шундай фикр қилдим: маҳобатли композиция фотиҳ Искандарнинг очиқ кетган қўлига ишора бўлса ажаб эмас. ОАВда бот-бот коррупцияда айбланиб қамоққа олинган ёки маҳкамага тортилган судьялар, прокурорлар, ҳокимлар ҳақида хабар берилади. Ана шу тоифага мансуб ҳокимлардан бирини ёшлигидан яхши танирдим. Ўзи чаласавод, маҳмадана бўлса-да, қай бир фазилати

Loqaydlik muztog'lari
Yozuvchi Jo'ra FOZIL bilan suhbat

ёқиб раҳбарлик курсисига ўтирган эди. Ўша йигит (у маҳаллар ҳоким ўринбосари эди) йигирма йилча олдин маънавиятга бағишланган йиғилишда менга сўз бериб, “Домла, битта шеър айтиб беринг...” дея роса хунобимни оширган, ҳамкасбларим “Бу киши шеър эмас, ҳикоя ёзади” деса ҳам, “Наҳотки катта-катта китобларида битта шеър бўлмаса?” дея тиқилинч қилган эди...

Хўш, нафс кўйига кирганларни адабиёт тарбиялай оладими? Менимча, бу мушкул вазифа сўз санъатининг қўлидан келади. Улуғ мутасаввиф Жалолиддин Румий ҳикматига эътибор беринг: “Дори бор, аммо бемор уни ичмаса, вужуд ҳазм этмаса, хасталик ҳеч қачон чекинмайди”. Аҳмад Яссавий умрининг сўнгги йилларини ер остида, танҳоликда ўтказгани маълум. Ул зот золим ҳокимлар, адолатсиз қозиларнинг раиятга ўтказган жабр-ситамига норозилик сифатида шундай йўл тутган дейишади. Яссавий бобо замонамизнинг айрим мансабдорлари қилмишларини кўрса, маънавиятдан, ахлоқдан, инсофдиёнатдан айро тушганимиздан воқиф бўлса, ер бағрига янада чуқурроқ кириб кетармиди денг?!

Камина дунёи ноқиснинг нохуш манзараларидан дилгир бўлганимда, мумтоз куй-қўшиқ тинглайман, дардимни оқ қоғозга тўкиб соламан, табиат қўйнига ошиқаман. Сокин табиат инсонни худди адабиётдек тарбиялай олади.

Ҳа, адабиёт мудроқ қалбларни уйғотиб, юмуқ кўзларни очишга хизмат қилиши керак. Ҳар қандай оламшумул кашфиёт инсон корига хизмат қилсагина буюк аталишга лойиқ. Бироқ... бояги



хаёлий суратларингизда тасвирлаган одамларни фақат китоб ўқитиш билан тарбиялаб бўлмайди, назаримда. Қорин бандаларини китоб ўқишга ўргатиш ҳам осон иш эмас. Яна шундай кимсалар борки, бинойидек китобхон, аммо қилиб юрган ишларини кўриб тавба дейсиз. Мутолаа ҳаётини заруратга айланмас экан, мажбурлов йўли билан нимагадир эришиш мушкул.

Саволингизга жавоб беряпману менинг ҳам хаёлимга турли рамз, тимсоллар келяпти. Масалан, улкан музтоқ. Уни лоқайдликнинг музтоғи деб атаса бўлади. Лоқайдлик гўзалликни, эзгуликни, агар қўйиб берсангиз, бутун борлиқни-да маҳв этади. Бу музликларни меҳр, илм-урфон, китобхонлик, адабиёт қуёши эритишига ишонгим келади.

– Маънавият ҳақида ўйласам, яна бир масала юрагимни ўртайдди. Оналаримиз бизга, айниқса, аёлларимизга ёшликдан “Турмуш уйининг уч девори заҳар, бир девори шакар” деб тарбия берганлар. Бугун ижтимоий тармоқларда айрим юртдошларимиз ўз ҳаддини билмай, шаънини ўйламай арзимас, ўткинчи муаммолар ҳақида ҳам пашшадан фил ясагудек бўлиб айюҳаннос соялпти. Ҳолбуки, озгина сабр, меҳнат, муомала-муроса

қилинса, ҳал бўладиган ишлар. Бугун дунё шиддат билан ўзгариб, глобал муаммолар қўлами ҳам кенгаймоқда. Шундай мураккаб шароитда биз миллат сифатида оилани мустаҳкамламас эканмиз, нажот топишимиз қийинга ўхшайди.

– Албатта, ҳар бир жамиятнинг таянчи, устунни – оила. Инсон боласи оилада кирои тарбия кўрсагина баркамол бўлиб вояга етади. Мен оддий ўзбек оилаларида шарқона ахлоқ-одоб ва тарбиянинг мукамал кўринишларини кўп кузатганман. Шарқона тарбияда эса мусулмон ахлоқи устувор. Бу – ўзаро ҳурмат-иззат, кичикларнинг катталарга эҳтироми, бировни бекорга ранжитмаслик, “чумолига ҳам озор бермаслик” каби қадриятлардир.

Бозор иқтисодиётининг ижобий жиҳатларини инкор этмаган ҳолда айтмоқчиманки, бебилиска даромад, товламачилик, ўғрилиқ, порахўрлик ва бошқа шубҳали йўллар билан пул топиш истаги жамиятни бутунлай ўзгартириб, издан чиқарди. Бел оғритмасдан топилган бойлик айрим замондошларимизни ҳаволантириб юборди. Улар ўзини кўз-кўз қилмоқ учун дабдабали тўйлар, бачкана урф-одатларга ружу қўйди. Каттага ҳурмат, кичикка иззат ҳам унутилаётгандек. Оппоқ соқолли мўйсафидга дўқ ураётган, ҳатто қўл кўтараётган ёшларни кўриб, ичдан зил кетасиз, “Шулар ҳам ўзбек болаларими?” дея ёқа ушлайсиз. Кўча-қўйда ёш-ялангни кузатаман: қўлида смартфон, қулоғида эшитиш мосламаси. Кўзлари ҳеч нимани кўрмайди, қулоқлари ажнабий оҳанглардан бошқасини эшитмайди. На салом бор, на алик... Бу

ҳол учун фақат “оммавий маданият”ни айблаш, менимча, унчалик тўғри эмас. Ўзимизда ҳам камчилик-иллатлар тўлиб ётибди. Аксаримиз хатти-ҳаракатимизни танқидий баҳолашга журъат қилмаймиз. Кўпчилик оилаларда ҳам шу ҳол – ҳеч ким ўзининг, фарзанд-невараларининг камчилигини кўрмайди, тан олгиси келмайди. Айтайлик, сиз радио-телевидение орқали тўғрилиқ, ҳалол меҳнат ва покиза луқма ҳақида гапирсангиз-у, ўзингиз қинғир йўл билан олинган қимматбаҳо хориж маркабида юрсангиз, оилангиз шоҳона қасрда яшаса, қуруқ сафсангизга ким ишонади?! Пулдорларнинг қуюшқондан чиқиши айрим қўли калта, аммо дабдабага ўч кишиларни ҳам йўлдан оздиряпти. Улар қаноатни унутиб ношукрлик қилмоқда. Алҳол, адолатсизлик аламзадаликка, аламзадалиқ эса қаноатсизликка йўл очади.

– *Виртуал макон бошқа иллатларни ҳам урчитяпти: қалбаки бахт, йўқни бор қилиб кўрсатиб, ўзини кўз-кўз қилиш, ижарага машина олиб ота-она, ёр-дўстларга “ҳадя” этиш, тўй (ҳатто аза) дастурхонидаги ижарага олинган неъматлар... Яна бир антиқа ҳолат: қари пулдорга тегиб олиб, тўйда сохта куёв – ёш йигитни тўрға ўтқазиб қўйилишига нима дейсиз! Булар комедиями ё трагедиями – билмайман...*

– Йўлини йўқотган гумроҳларга ачинаман, раҳмим келади. Ёмони шундаки, энди бу иллатларни ачиниш, раҳм-шафқат билан йўқотиш мушкул. Улар билан кенг жамоатчилик, ОАВ, қўйингки, ҳаммамиз курашмоғимиз дар-

кор. Чин ўзбекона одамгарчилик, ақл, фаҳм-фаросатни эса на ижарага олиб бўлади, на харид қилиб! Ижара неъматларга ҳеч эътибор қилмаган эканман, ҳаётдан бутунлай орқада қолиб кетибманми, деган хаёлга ҳам боряпман. Ижарага олинган куёвтўралар ҳақида эса ҳатто гапиргим ҳам келмаяпти.

Ўтган аср ўрталарида никоҳ тўйлари камчиқимроқ бўлса-да, келин-куёв учун либослар, тилла тақинчоқлар, қимматбаҳо буюмлар, уй, палос ва зарур жиҳозлар ижарага олинганини яхши эслайман. Ноиложлик ортидан пайдо бўлган бу удум Бухоро шеvasида “эрати” деб аталар, шу сўз замирида ҳам буюм бировники эканига нозик ишора, қолаверса, андак камситиш маъноси бор эди. Бу нарсалар учун, адашмасам, ҳақ тўланмасди. Келин ёки куёв обрўсини сақлаш учун ўйлаб топилган ёрдам усули эди-да. Бугунгиси эса шуҳратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа нарсасиз.

Эътибор қилсангиз, қариндош-уруғ, ака-ука, опа-сингил, ҳатто фарзанд ва ота-она ўртасидаги муносабатларда ҳам ёлғон, риё, субутсизлик кўпайиб боряпти. Бир-биримизнинг кўзимизга тик қараганча ёлғон гапиримиз, ваъдага вафо қилмаймиз.

Қарз олди-бердидан-ку азият чекмаган одам йўқ ҳисоби. Айтайлик, сиз кимгадир қарз бердингиз, қайтариш муддатини ҳам келишдингиз. Афсуски, йиллар ўтса-да, омонат қайтарилмайди, қарздор қочиб юраверади. Агар олди-бердини ҳужжатлаштирган бўлсангиз, суд пулни ундириш тўғрисида қарор чиқаради, жаноби қарздор эса қа-

малса қамаладики, бир тийинингизни ҳам қайтармайди, вассалом!

Кимдир буларни майда гап деб ҳисоблар. Йўқ, биродар, адашасиз, мана шу икир-чикирлар катта иллатларга доялик қилади!

– *Мамлакатимизда маънавият масаласига давлат даражасида эътибор қаратиляпти. Аммо ҳар қанча куч ва маблағ сарфламайлик, кўнгиштўлар натижага эришолмаётгандекмиз. Юрак ларзага тушадиган хабарлардан безиб қолдик: биров икки қарич ер деб қўшини-сига болта ўқталган, ўғил отасининг, ота ўғлининг умрига зомин бўлган, қай бир жувон бола туғиб дарахт тагига ташлаб кетгану бошқаси эрининг қасдига болалари билан юқори қаватдан сакраган, яна бирови машина олиб бераман деб юзлаб одамларни чув туширган... Киши айтмоққа хижолат бўлади: юртдошларимиз ҳали у мамлакатдан фоҳишалиги, қўшмачилиги учун, ҳали бу юртдан фирибгарлиги учун тутиб келтирилади. Хуллас, бугунги манзара қўлга дастрўмол олиб йиғлагудек... Жўра ака, сиз ҳам, мен ҳам зиёлимиз, маънавият соҳасининг вакилимиз. Бизлар мамлакат бўйича юзлаб-минглабмиз. Баъзан аччиқ ўйга толаман: демак, биз ўз вази-фамизни уддалай олмаяпмиз, нонимизни ҳалоллаб емаяпмиз...*

– Сиз санаган жожеий ҳолатлар аслида ҳар бир миллатдошимизни ларзага солиши керак. Аммо бундай бўлмаяпти-да. Назаримда, жамият бунга кўникиш пайдо қилгандек. Бу сира қабиҳ жиноятларнинг туб илдизини сал олдинроқдан излаган маъқул. СССР парчалангач, кўплаб завод-фабрикалар

фаоляти тўхтади, ишсизлик кўпайди, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўйди. Рўзғор тебратиш қийинчиликлари оқибатида болалар тарбияси бузилди. Ахир, ярим оч-ярим тўқ, уст-боши юпун ўсмирлар, ёшларга тарбия қандай қор қилсин? Қийин иқтисодий аҳволга тушган илмий-ижодий соҳа вакиллари, шоир-ёзувчилар, зиёлилар ҳам амаллаб рўзғор тебратиш билан овора бўлиб қолди. Ижтимоий-иқтисодий бўҳрон, камхаржлик ва бошқа қийинчиликлар одамларни секин-аста бир-биридан узоқлаштирди. Киши кўнглига ваҳм, даҳшат соладиган ҳозирги жиноятлар ана ўша синовли давр оқибати.

Ҳар тур жиноятларга баъзан арзимаган манфаат, рашк, ҳасад сабаб бўлаётгани ҳам кишини ўйга толдиради. Нега айрим одамлар бунчалик қахрли, сержаҳл бўлиб қолди? Нега ўзгаларни, ҳатто ўз яқинларини ҳам кўришга кўзи йўқ? Гап фақат ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардами? Менимча, фақат бунда ҳам эмас. Сабабларни тарбия ва яна тарбиядан излаш керак. Мактаб, оила, маҳалла ва жамоатчилик тарбияси кутилган натижа бермаяпти. Яқинда бир танишим шикоят қилиб қолди: “Неварам мактабга боргим келмайди, деб хархаша қилади. Суриштириб кўрсам, кўп дарслар ўқитилмас, муаллимлар аллақайси тил ўргатиш курслари учун пул йиғиб оларкан-у, дарс ҳам, хорижий тил машғулотларини ҳам ўтмас экан”. Ана холос! Бола илк қадамданоқ ёлғону манфаатпарастликка гувоҳ бўлса, у эртага олим бўладими ёки золим?..

Жиноятлар ҳақидаги ахборотни тарқатишда ҳам эҳтиёткорлик лозим.

Даҳшатли тафсилотлар айрим тажовузкор, ақли ноқис кишиларга, айниқса, ёшлар руҳиятига акс таъсир этиши мумкин. Тўғри, жиноят жазосиз қолмаслиги кенг оммага тушунтирилиши керак, аммо хунук гаплар эртаю кеч такрорланверса, инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатишини ҳам унутмаслик даркор.

– Бир вақтлар “Адабиёт ўладими?” деган савол қизғин муҳокама қилинган, кўпчилик ижодкорлар “Йўқ, асло, ўлмайди!” дея сўз санъати ҳимоясига ошиққан эди. Ҳозир Сиздан сўрасам ҳам шундай дейишингиз аниқ. Адабиёт ўлмас, ижод аҳли ёзаверар, ёзаверар... Лекин уни ўқигувчи топилмаса-чи? Одамлар китоб ўқимай қўйди, ахир! Асар ўқилмаса, инсонни ўзгартирмаса, ҳатто кераксиз бир матоҳга айланиб қолса ҳам, ёзилгани учунгина “Адабиёт ўлмайди” деб бўлармикан?

– Мен “Адабиёт ўлмайди!” дея баралла айтаман. Зеро, адибнинг бунинг тескарисини айтиб обидийда қилиши аскарнинг жангсиз таслим бўлганидай шармандали ҳолатдир!

Адабиётнинг умрбоқийлигига нега бунчалик ишонишимни изоҳлашга ҳаракат қиламан. Йигирма-йигирма беш йиллар муқаддам, аҳли оилам учун бир қоп ун сотиб олишга имконим бўлмаганида ҳам мен ёзишдан тўхтаганим йўқ. “Нима қиласиз бунча ёзиб, уларни чоп этишга қачон улгурасиз?” дея таъна-маломат қиларди айрим ҳамқалам ўртоқлар. Кейин ҳаёт хийла изига тушгач, ўзим ҳам бу ҳақда кўп ўйладим. Шунда муқаддас китобларнинг бирида ўқиганим ёдимга тушди: “Ёзилган нимарса ҳеч қачон тўзимайди”. Ё Худо, мен ана

шу улуғвор ҳикматдан куч олганимни билмаган эканман-да!

Эринмаган одам борки, “Китоб кам ўқияпти” деб ёзғиради. Ҳолбуки, юртимизда хусусий нашриётлар сони юзга яқинлашиб қолгандир. Улар ҳар йили минг-минг нусхада китоб чоп этаётир. Шундай бўлса-да, ҳақиқий сўз санъати намунаси деб атамоққа лойиқ асарлар кўп эмас. Аксар хусусий нашриётлар детективларни чоп қилишга ишқибоз. Китоблар орасида саёз, маза-матрасиз, сеҳр-жодуга бағишланган қораламалар ҳам талайгина. Руҳияти навниҳолдек нозик ёш китобхонга қайси асар фойдали, қай бири зарарли эканини тушунтириб берадиган ҳақиқий адабиётшунос ва мунаққидлар керак. Кейинги йилларда адабий танқидда зарарли бир иллат пайдо бўлди: бадиий асарга унинг моҳиятига қараб эмас, муаллифига қараб баҳо бериш. Муаллиф мабодо унвондор, мансабдор, пулдор, ошна-оғайнисини кўп киши бўлса, китоб деярли ўқилмай, шундоқ бир варақлаб чиқиладию кўкларга кўтарилади.

Адабиётшунослик ва танқидчилик замонавий миллий адабиётга шундай нописанд бўлар экан, саёз, жўн асарлардан қай бирини ўқишни билмай аросатда қолган китобхонни қоралаш тўғри бўлармикан?

Шу кеча-кундузда сунъий онг балоси кириб бормаган соҳа қолмади. Интернетда сунъий онг қурмағур кимнингдир номидан, унга ўхшатиб гапириб, машхур қўшиқчидан ўн минг евро ундиргани ҳақида хабар тарқалди. Қаранг-а, сунъий онг туппа-тузук товламачи ҳам бўла оларкан! Ҳатто БМТ, Жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилоти башариятни сунъий онг хавфидан огоҳлантирмоқда. Сунъий интеллект – “темир одам” чапдастлик билан ҳикоя, қисса, романларни ёзиб ташлаяпти. Биз адабиёт ўладими-қоладими дея мунозара юритар эканмиз, аллақачон сунъий онг адабиёти шаклланаётганини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Бошқа томондан, китобхонлик аҳолининг ижтимоий ҳолати, кайфияти билан ҳам боғлиқ масаладир. “Оч қоринга – аччиқ айрон” деганларидек, бола-чақасини боқа олмаётган одамнинг кўнглига муталаа сиғмайди-да.

Улуғ адиб Чингиз Айтматов дейдики, “Адиб ҳаёт бўладими-йўқми, китобхон албатта бўлади!” Ана шу фикр менга куч, таскин ва умид беради.

– Жўра ака, тарихий мавзуларда “Айрилиқ остонаси”, “Бухоройи шариф элчилари”, “Ошиқ Бухорий қиссалари”, “Ғозиён зиндони” каби асарлар ёзгансиз. Тарихий асарлар ёзувчидан факт ва рақамлар шаклидаги ўтмишга бадиият воситасида жон ва руҳ бағишлашни талаб этади. Қолаверса, бунинг учун юзлаб манбаларни кўриб чиқиш лозим. Масалан, Алишер Навоий ҳаётини қаламга олмоққа азму қарор қилган ёзувчи у даврда чой ҳали Марказий Осиёга кириб келмагани, кўпроқ шарбат ичилгани ёки патқалам эмас, қамишқалам ишлатилгани каби кичик деталлардан ҳам хабардор бўлиши керак. Акс ҳолда, билгичлар олдига уялиб қолиши ҳеч гапмас.

– Тўғри таъкидладингиз, тарихий мавзуга қўл урган адиб ўша макон ва замонни бирбутун идрок этиши, юрак-юрақдан ҳис қилиши, минглаб тафси-

лотларни пухта ўрганиши керак. Боз устига, қаҳрамонлар тилидан баён этиладиган фикрлар тарихий ҳақиқатга тўғри келиши ҳақида кўп бош қотириши лозим. Акс ҳолда, сиз айтганингиздек қовун тушириб қўйиб зукко китобхонлар олдида уялиб қолиш мумкин.

Ҳар бир тарихий-бадий асар – адиб учун янги синов. Профессионал боксчи ҳар бир жангда нимага қодир эканини зарбалари билан исботлашга мажбур бўлганидек, ёзувчи ҳам ҳар бир асарида ўз сўзи, билими, дунёқараши нимага лойиқ эканини қайта-қайта исботламоққа мажбурдир.

Атоқли адиб Константин Паустовский “Тасаввур – бадий ижод устунларидан бири” деб таъкидлайди. Илмий манбаларда бирор воқеа-ҳодиса фалон вақт, фалон жойда содир бўлди, дея мухтасар тарзда баён қилинади. Қолганини сўз санъаткорининг ўзи тахайюл кучи билан тасвирлайди. Қаҳрамонлар қандай кийиниши, қай лаҳжада сўзлаши, аҳвол руҳияси – бари тасаввур маҳсули. Ягона шарт шуки, тасаввур тарихий ҳақиқат сарҳадларини бузмаслиги керак.

“Айрилиқ остонаси” романини ёзишда Ҳазар денгизидан Тинч океангача бўлган ҳудудда империя барпо этган туркий миллат ва элатларнинг бобокалони Ўғузхон ҳаётига доир жуда кўп адабиётларни ўқиб-ўргандим. Жанглarda ишлатилган қурол-аслаҳа ҳақида катта-кичик деталлар қидиришга мажбур бўлдим. Масалан, Ўғузхон ихтиро этган овозли ёй ўқи қандай эканини билиш учун талай манбаларни варақладим. Охир-оқибат, ўқ найсимон шаклда бўлган деган тўхтамга келдим. Ҳали қоғоз ихтиро этил-

маган даврда қаҳрамонлар мактубларни нимага, қандай битгани ҳақида ҳам кўп бош қотиришга тўғри келди.

– *Бадиий таржима билан ҳам шуғулланасиз. Константин Паустовскийнинг “Севги” романи ва талай ҳикояларини, яна Виктор Астафьевнинг “Ғамгин саргузашт” романини ўзбекчалаштиргансиз. Таржима машаққатли, лекин, шундай десак бўлармикан – фойдаси камроқ юмуш. Худди биров учун – ўқувчининг роҳатию муаллифнинг шуҳрати дея меҳнат қилганга ўхшайсиз. Икки ўртада ё озгина қаламҳақи оласиз, ё китобни ўз ҳисобингиздан чиқариб, сотолмай сарсон бўласиз. Ўқувчи таржимани ура-ура қилиб ўқийди-ю, кўп ҳолларда мутаржимнинг кимлигини билмайди, қизиқмайди ҳам. Таржимон ўз руҳига яқин ижодкорни танлайди дейишади. Лекин, назаримда, Сиз таржима қилган муаллифлар билан услубингиз ўртасида уйғунлик сезилмайди.*

– “Сардафтаримни ковлаб” қўйдингиз, Илҳомжон иним. Таржима учун жуда кўп вақт сарфладим, ранжу алам чекдим. Таржима санъатидан йироқ, аммо унинг ортидан бола-чақа боқаётган кишиларнинг қаршилигига дуч келдим. Шу боис таржима камфойда машғулот деган гапингизга қўшиламан. Алҳол, пулни, фойдани ўйлаган одам таржима кўчасига йўламагани маъқул. Бадиий ижод ҳам соҳибига ҳамиша давлат ва шуҳрат олиб келмайди-ку! Начора, сўз санъатини чидаганга чиқарган.

Икки ўртада руҳан ва қалбан яқинлик бўлмаса, таржимага уннамаслик керак. Услубдаги яқинлик эса, менимча, бутунлай бошқа масала. Мен айнан Паустовскийдек ёза оладиган бошқа бир

адибни билмайман. Адиб романтизмининг буюклиги шундаки, у ҳатто ўлим ҳақида ёзганида ҳам китобхон тушкунликка тушмайди. Адибнинг “Инглиз устараси” деган ҳикоясини ўғирганда буни ҳис этган эдим. Мен таржима эшигини қоққан замонда Паустовскийдек забардаст адибнинг китобларини топиш ниҳоятда қийин эди. Тўққиз жилдли асарларига обуна чиптасини туман марказидаги китоб дўконидан харид қилганман. Тўпламнинг ҳар бир жилди Москвадан икки ойда етиб келарди. Қалингина жилдни бир ҳафта-ўн кунда “хатм” қилардим у навбатдагисини кутишга сабрим чидамай, яна қайта-қайта ўқирдим. Ниҳоят, бир йилдан зиёд вақт мобайнида тўққиз жилднинг ҳаммасини қўлга киритганман. Уларни йигирма йил мобайнида, такрор-такрор ўқиганимдан кейингина биринчи роман таржимасига киришгандим.

Паустовскийнинг менга, умуман, ўзбек халқига яқинлиги ҳақида икки оғиз изоҳ. Биз ўзбеклар романтизмга мойилмиз. Паустовский эса романтик адабиётнинг энг йирик, кўзга кўринган вакили. Шу боисданми, таржима қилаётганимда омма уни севиб ўқишига умид қилганман. Лекин... Паустовскийни ўқийдиганлар ҳозир ўтган асрнинг 60-йилларидагига нисбатан анча кам. Айрим зиёлилар, адиблар, олимлар ва ҳақиқий китобхонлар – шу, холос.

Таржима асносида В. Астафьев, К. Паустовскийнинг услуби менга таъсир этмай қолмади. Бу ҳол ёзганларимда

яққол сезила бошлагач, улардан узоқлашишга қарор қилдим. Астафьев асарлари 32 йил, Паустовский роман ва ҳикоялари эса 25 йил ўтиб чоп этилди. Улар “Рус адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигига киритилди.

– *Бизга “Адабиёт – адаб демак”, “Адабиётнинг бори – тарбиядир” деб ўргатилган. Сўз санъатининг тарихи ҳам бу хил ёндашув устувор бўлганига шохидлик беради. Адабиёт бутун жамиятнинг мураббийси ўлароқ майдонга чиққан даврлар ҳам бўлган. Афсуски, бугун ундай эмас. Нима дейсиз, жамият ва инсон руҳиятидаги “йиртиқлар”га адабиёт ямоқ бўла олармикан?*

– Адабиёт тарбия воситаси эканини инкор этиб бўлмайди. Лекин сўз санъати шунчаки дидактика билан эмас, балки рамзлар, нозик ишоралар воситасида тарбиялайди. Яланғоч, қуруқ ғоялар акс таъсир этиб, одамларни эзгуликдан бездириши ҳам мумкин. Улуғ сўз санъаткори Антон Чехов қалам аҳлига бундай ўғит беради: “Сиз инсонни яхши-ёмонга ажратиб ўтирманг, унга ўзини бор бўйи билан, аниқ-тиниқ кўрсатинг. Шунда у ўзи хулоса чиқариб олади”.

Балойи нафс қутқулари сабаб адабиётнинг жамиятдаги ўрни йўқолиб бораётгани аччиқ ҳақиқат. Шундай бўлса-да, сўз санъати жамиятни, одамларни ўзгартиришига ишончим сўнггани йўқ. Инсонни ўзгартириш коинотни ўзгартириш билан баробар, дейишади. Бу муқаддас вазифага пок кўнгил ва тоза қўл ила киришмоқ лозим.

Илҳом ҒАНИ
суҳбатлашди.

Абдуқаюм Йўлдош



SUSAMBIL

Ҳ
У
К
О
Я

...Бизни олқишлаб чапак чалган, узундан-узоқ чапак
чалиб турган болакай ва қизалоқларнинг қўлчаларига
жоним ачиб кетди. Э, бас, жиннивойлар, бас!..

Э. Аъзам

“Чапаклар ва чалпаклар мамлақати”

“Қора қитъа”нинг номини айтишгаям одамнинг тили келишмайдиган, ўзиям тупканинг тубида жойлашган бир мамлакатига хизмат сафарига борадиган бўлдим. Фойдаланишга топширилаётган янги қуёв заводида технологик жараён изга тушиб кетгунга қадар инглизчани биладиган мутахассис сифатида ярим йилча маҳаллий кадрларга кўмаклашиб туришим керак экан. У ёғини ўзлари эплаб кетишармиш.

На илож, сафар бўлса сафар-да, олти ой бўлса олти ой-да, йўриқчилик бўлса йўриқчилик-да. Ҳали уйланмаган бўлсам, шу баҳонада тўйим учун уч-тўрт танга ишлаб келарман...

Ҳайратларим аэропортдан бошланди. Жазирама иссиқ. Кичкинагина, яқин атрофга бир эмас, бир неча ҳайвон бўғизлаб ташлаб кетилгандай қўланса ис уфуриб турган, поли ифлос, қоғоз бўлак-лари сочилиб ётган кутиб олиш зали.

Бирдан қаршимизда новча, гавдали ва – ишонасизми – узун камзулининг ёқасидан то этагига қадар турли-туман сон-саноқсиз ордену медаллар тақиб олган киши пайдо бўлди-да, мана шу сон-саноқсиз нишонларини атай шиқирлатаётгандек гавдасини силкитган кўйи, ўзининг қадрини жуда яхши биладиган одамга хос салобату виқор билан ўзини

1-кун

узундан-узоқ таништиришга тушиб кетди. Шўрлик таржимон унинг гапларини аранг бизга етказиб улгурарди.

– Мен мамлакатимизнинг энг юксак ва шарафли “Асл фарзанд” орденининг, “Ҳавас қилинг” унвонининг, “Намунали инсон” медалининг, “Ибратли хизматчи” кўкрак нишонининг... – қолган атамаларни ўгиришга таржимоннинг ё сўз бойлиги, ё кучи етмади чоғи, ўзига ўнғай йўл тутиб: – ...яна бир унвоннинг... яна бир нишоннинг... яна бир медалнинг... – деб кета бошлади.

Биз ҳаммасини тушунаётгандек бош ирғаб туравердик.

Эсноғимни босиш учун кафтим билан оғзимни тўсиб, атрофга алангладим. Ўттиз қадамча нарида қора кийимли, ингичка бўйинбоғли дароз, бақувват икки йигит бизга фавқулудда диққат билан қараб турарди, баайни ашаддий жиноятчини таъқиб этаётган сергак ходимлардек. Дарров нигоҳимни олиб қочдим.

Ниҳоят унвон-нишонларнинг чорак соатлар давом этган саноғидан сўнг биз қаршимизда ўшаларнинг ҳаммасининг соҳиби ва янги заводнинг бош директор ўринбосари турганидан воқиф бўлдик.

Навбат бизга келди. Нима дердим, қуруққина қилиб исм-фамилияни айтдим. Шеригим ҳам шундай йўл тутди. Мағрур ўринбосар биронта унвоню медали йўқ, таъбир жоиз эса, “шир्यानғоч” биз муҳандисларга ачиниб қараб қўйди.

Дарвоқе, ёнимиздан ўтаётган маҳаллий фуқаролар орден-медалларга кўмилган ўринбосарга ошкора ҳурмат, эҳтиром, ҳавас ва ҳаттоки ғайирлик билан қарарди назаримда. Бир-бирини туртиб, унга ишора қилаётган аёлларнинг-ку,

сон-саноғи йўқдек эди. Буни илғаётган ўринбосар баттар талтаяди денг.

Хуллас, шу “жаранг-журунг” муовин ҳамроҳлигида усти ёпиқ юк машинада йўлга тушдик. Албатта, ўринбосар ҳайдовчининг ёнига ўтирди. Ахир, кўкрагида шунча темир-терсаги бор-а, ёнимизга чиқса уят бўлар...

Ўнқир-чўнқир йўлда гавдамиз отилиб, бошларимиз томга урилиб-сурилиб кетаётган маҳал бир амаллаб ортага қарадим ва изимиздан қоп-қора машина келаётганини кўрдим. Негадир кўнглимдан “Бояги хушёрдан-хушёр йигитлар-ов”, деган гумон ўтди.

Адашмаган эканман. Бир соатга яқин давом этган азоб тугаб, шаҳар биқинидаги завод ёнига келиб машинадан тушганимизда қандайдир менга номаълум тартиб-қоидадан оғишмаган ҳолда биздан яна ўттиз қадамча нарида таниш автомобиль ёнида одатдагидек биз еб, улар қуруқ қолгандай ўшшайиб, бироқ ўта хушёрлик билан тикилиб турган ўша жуфтликни кўрдим. Ҳарқалай, таниш бўлиб қолдик-ку, деган ўйда бу “Ҳасан-Ҳусан”лардан бирининг кўзларига қарадим... Э худо, чин сўзим, ҳис-туйғудан бутунлай холи нигоҳ... пирпирамайдиган кўзлар. Шунча термилдим, қани энди бир марта киприк қоқса!..

Одмигина, талабалар ётоқхонасига ўхшаш меҳмонхонадан жой қилиб бе-



рилди. Иссиқ сувнинг алоҳида, совуқ сувнинг алоҳида келар вақти бўларкан, ўшанинг жадвали билан таништиришди. “Бизга илиқ сув керак бўлса нима қиламиз? Умуман олганда, қандай ювинамиз?” деган саволимизга жавобан эса занг босган ванна ёнидаги пластмасса тоғорага ишора қилишди. Тушунарли, совуғини олдиндан ғамлаб қўйиш керак.

Вақтни зое кетказмаслик учун аввал завод лойиҳаси билан танишиб олмоқчи бўлдик.

Ҳайҳот, оғизни тўлдириб “завод” деганлари... ўртачадан кичикроқ бир цех экан. Ҳатто юртимда мен технологик қилаётган цехнинг ишлаб чиқариш ҳажми бу “завод”ниқидан икки баробар юқори эди. Майли, бунгаям чидаса бўлар, аммо бизга “барча турдаги металллар эритилади ва қуймаларга ишлов берилади” дея тарғиб-ташвиқ этилган корхона бор-йўғи 700-800 градус иссиқлик берадиган электр печлар билан жиҳозланган. Демак, нари борса, алюминий ёки дуралюминийга ўхшаш рангли металлларга кучи етади. Бу ишни, яъни технологик жараёни назорат қилиб туришни энди, жайдарироқ тилда айтсак, кеча институтни битириб келган ёш мутахассис ҳам эплай олади-да.

Ҳай, майли, нияям дердик, така бўлсин, сут берсин...

2-кун

Бугун заводнинг очилиш маросими бўлди.

Аммо бунақанги тадбирни бошлашкан қурғурлар. “Завод” ёнидаги сунъий гуллар билан безатилган катта майдонга

одам сиғмай кетди. Яна деярли бариси “жаранг-журунг” денг. Юриш-туришларида бир олам виқор.

Ҳаммаёқда телекамералар, бўйнига “Press” деб ёзилган боғич илиб олган мухбирлар.

Бари бирдай қора костюм-шим кийган, ингичка бўйинбоғли, қулоқларига тақиб олган бурама симли оқ мосламалари кўриниб турган ўта жиддий махсус ходимлар етовида нишонлилар олдинги, нишонсизлар орқа қаторлардаги стулларга жойлаштирилди.

Бизни ўринбосар ҳамроҳлигида чет эл дипломатлари ва фахрий меҳмонлар учун ажратилган юмшоққина оромкурсиларга ўтқазиб кетишди.

Икки соатча сарғайиб кутганимиздан сўнг ногоҳ майдон ҳаяжонли хитобларга тўлди, ҳамма шоша-пиша ўрнидан турди. Таржимоннинг ишораси билан биз ҳам қўзғалдик ва кўкрагига тўртта олтин рангли, мушт шакли ва ўлчамидаги орденми-нишонми таққан Раҳбарнинг кўриқчиларию мулозимлари қуршовида майдонга шошмасдан, салобат ила кириб келаётганини кўрдик.

Гулдурор қарсақлар то у тепага чиқиб, жойига ўтиргунга қадар тинмади.

Таржимоннинг шивирлаб берган изоҳига кўра, Раҳбар кўкрагидаги нишон энг олий мукофот – “Мамлакат халоскори” ордени экан. Англаганим шу бўлдики, Раҳбар бир мушт ила мамлакатни халос этган, иккинчи мушти ила уни оёққа турғазган, учинчи мушти ила ривожлантирган, тўртинчи мушти ила уни дунёнинг энг ривожланган, барча ҳавас ва ҳайрат билан қарайдиган давлатлари қаторига олиб чиққан.

Ишқилиб, тантанали мажлис бошланди-ей...

Бир даста қоғоз тутган Раҳбар минбарга кўтарилаётган маҳал таржимонимиз биз телевидениега интервью беришимиз кераклигини айтиб қолди. Ҳайрон бўлиб тепага ишора қилсам, таржимон ноиложлигини билдиргандек елка қисиб қўйгач, тушунтиришга уринди: “Раҳбар маърузаси фонида интервью кўримли чиқаркан”. Ноилож ўрнимиздан турдик.

Ёзгандим шекилли, бу юртда тарғиб-бот-ташвиқот тадбирларини бошлашкан деб. Каминага ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилган инглизча матнни тутқазишди. Мендан ёши каттароқ, инчунин, тажрибалироқ шеригим дарров “Инглизчани тушунаман, лекин гапиролмайман. Бунинг устига талаффузим расво”, деб қутулди. Яна ўзим қолдим балого. Гулдурор чапаклар орасида аввал матнга бир кўз ташлаб олишга рухсат сўрадим. Изн беришди. Ўқиб кўрсам... Албатта, оддий муҳандисман, холос. Дунёда шундай мамлакат борлигини ҳам сафар аниқ бўлгандан сўнггина жуғрофия харитасини тита-тита билиб олдим. Шубҳасиз, булар менинг камчилигим. Аммо матнда ёзилганига ишонсам, менинг она юртим, бутун элим жаҳон афкор оммаси қатори мазкур ўлканинг барча соҳаларда ва жабҳаларда эришаётган мислсиз ютуқларидан лол экан. Бугун ишга тушаётган улкан, энг замонавий, ай-ти технологияларга асосланган завод эса ҳайратимизга чандон ҳайрат қўшаркан. Бу мислсиз ютуқларга, албатта, шахсан Раҳбарнинг омилкорлиги сабабли эришилаётган экан ва ҳоказо.

Албатта, меҳмон одам сал ошириб-тошириб гапириши мумкиндир, лекин... эви билан-да.

Аста таржимонга ўгирилдим.

– Муҳтарам таржимон жаноблари. Афсуски, ҳали заводнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, атроф-муҳитга, экологияга таъсири, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннари, унга жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф билан танишишга улгурмадим. Шу боис, агар илжи бўлса, интервьюни кейинроққа қолдириб турсак. Буларни озгина ўрганай, кейин бафуржа, а?

Таржимон менга ойдан тушган ғофил бандага қарагандек ажабланиб қаради-да, бир оғизгина:

– Матн тасдиқдан ўтган, шунинг учун бирон сўзини ҳам ўзгартирмасликни маслаҳат бераман, акс ҳолда қайтадан ёзиб олишга тўғри келади. Ошиқманг, ҳаммасига улгурамиз, – дейиш асносида кўз қири билан ортимга ишора қилиб қўйди.

Ниманидир тушунган бўлдим ва ишқилиб тахминим рост чиқмасин-да, деган ўйда ненидир чуқур мулоҳаза қилаётгандек пешонамни эзғиладим ва аланглаб чор томонга қараган бўлдим. Эвоҳ, худди ўша икковлон, яна ўттиз қадамча нарида ўшшайиб, каминага қадалиб тикилиб турибди-да! Нима бало, уларнинг овоз ёзиш ускунасининг максимал ишлаш масофаси шунчами-кан? Ўйимни тасдиқлагандек, биттасида жон аломати пайдо бўлди: юзининг чап қисми учди. Ҳарнечук, бу яхшилик аломатига ўхшамайди; ким билади, жаҳли чиққанда бу роботсимонларнинг қўлидан нималар келмайди...

Гулдурос қарсақлар орасида экран-дан сузиб ўтиб турган матнни юмалоқ-ёстиқ қилиб ўқиб ташладим. Афсуски, афсуски... бу ишни бир эмас, икки эмас, нақ тўрт марта такрорлашимга тўғри келди. Биринчи гал оператор кассета қўймаган экан; иккинчисида Раҳбарни тилга олаётганим маҳал гулдурос қар-сак янграбдию овозим эшитилмай қо-либди ва ниҳоят, учинчи сафардан сўнг режиссёр келиб, ўктам овозда, дадиллик билан, ички қувончим сезилиб турган оҳангда гапиришим кераклиги, иложи бўлса кўзларим чақнаб туриши лозим-лигини тайинлаб кетди.

Силласи қуриган одамга бундай шартларни бажариш осонми? Бунинг ўрнига цехга бориб, икки смена ишлаганим беҳроқ эмасмиди? Бироқ режиссёр-нинг айтганини қилмасам, ҳаммаси яна бошидан бошланишини сезиб турганим учун ноилож бу талабни ҳам адо этдим. Ҳа, артистлик қилсам ҳам бўларкан ўзи...

Узоқ давом этган анжуман охирига бориб, ким нима деяётганини унчалик англамай ҳам қолдим, устига-устак мин-бардан янграётган кўтаринки руҳдаги гап-сўзлар деярли бир хил эди: "...олам-шумул муваффақият ...фақат ва фақат Сиз туфайли ...шахсан Сизга минг марта, милён марта раҳмат... дунё биздан ҳай-ратда... эҳ-ҳэ, бизнинг ажодларимиз... жаҳон бозорига йўл..." ва ҳоказо. Ён-ат-рофимга қараб, бир неча кекса меҳмон юзи азобдан буришиб, лабини қонсира-тиб тишлаганича, оёқларини бир-бирига жон алфозда маҳкам қисиб олиб ўтир-ганини кўрдим. Шўрликларни заҳартанг қийнаяпти-ёв, деган тусмолга бордим ўзимча, ҳарнечук, йиғинга кириш чоғи-

да яқин-атрофда биронта бадрафхона кабинасига кўзим тушмади. Яна ким би-лади дейсиз...

Айниқса, завод ишга тушиши муно-сабати билан бир гуруҳ... ҳм-м, қандай таржима қилсак экан-а... бир гуруҳ... заҳ-маткаш-фидойиларга мукофотлар бериш маросими аччиқ ичакдек чўзилиб кетди. Давомли гулдурос қарсақлардан осмон ёрилиб кетгандек бўлди-я! Нишонларни шахсан Раҳбарнинг қўлидан олган дунё-даги энг бахтиёр "заҳматкаш-фидойи-лар"нинг қувончини тасвирлаб беришга сўз тополмайман. Мухтасар айтсам, улар гуноҳкор заминда юришмас, парқу бу-лутлар бағрида сузишар эди мукофотла-рини қўш қанот қилиб...

Ҳай, энди битди-ёв деб турсам, ўл-ганнинг устига тепгандек, минбарга кал-тагина, юм-юмалоқ, тепакал, кексароқ "жаранг-журунг" одам кўтарилди ва ҳаяжондан титраб-қақшаганча, оғзидан кўпик сачраган қўйи терга ботиб ашула-га ўхшаган бир нимани бақириб-чақи-риб айтиб кетди-ей... ора-сира минбар-ни муштлаб қўйишини айтмайсизми! "Бу миллий фольклор санъати намунасимиз?" деб сўраган эдим, таржимон дудмалроқ тарзда елка қисиб қўйди: "Бу киши кўп ҳурматли шоир. Завод ишга тушиши му-носабати билан ёзилган янги қасидаси-ни ўқиётир..." Ғофил банда, тилим қичиб, яна сўрамоқчи бўлдимки, "Ўқиётгани шеър бўлса, минбарда нима айб, уни нечун қулочкашлаб бот-бот урадир?" Бироқ вақтида тилимни тийдим, ўзимча яхши гумонга бордимки, балки бундоқ шиддати ила шоири замон заводдаги ишлаб чиқариш жараёнини тараннум этаётгандир...

Бу дунёда ҳамма нарсанинг охири бўларкан. Ниҳоят йиғин тугади-ей!..

Ана энди шак-шубҳасиз заводга бо-рамиз, қуюв ускуналарини, қуймаларга ишлов берадиган дастгоҳларни яхшилаб кўриб оламан деб тургандим... йўқ, ав-вал тушлик қилиб олишимиз керак экан.

Тан олай, булар овқатлантириш тад-бирини ҳам қулинг ўргилсин қилиб ўт-казишаркан. Ресторан ўртасидаги махсус саҳнада миллий қўшиқлар ижро этаёт-ган хонандалар, думба ўйинга уста ним-яланғоч раққосалар. Дастурхонга таом устига таом, аллақайси юртлардан кел-тирилган сархил ичимликлар тортилади. Одам кавшанавериби, ичавериби чарчаб кетади... Ичимликка суяги йўқроқ шеригим вискидан бошлаган эди, сўнг нега-дир ромга ўтди, бироқ бунга ҳам қаноат этмай икки ҳисса текила буюртма қилди.

Энгашиб, қулоғига шивирладим:

– Ака, бас, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Кўтаролмайсиз. Ҳали заводга бо-ришимиз керак.

Шеригим пинагини ҳам бузмасдан дўриллаб жавоб қайтарди:

– Бугун зиёфат куни! Иш қочиб кет-майди. Ўзинг ичмаяпсанми, маза қилиб ичаётганларга ғайирлик қилма, хўпми, ука?

Хўп дейишдан ўзга нима иложим бор эди.

Сўзим самимий чиқмадимки, шеригим кейинги гапи билан мени чандиб олди:

– Ўзи сени нега олиб келдим-а? Хиз-мат қилишни билмасанг, қуйиб-пуйиб туриш қўлингдан келмаса?..

Вой баттол-эй! Қўнглингнинг кўчаси-дан! Уялмай, оғзини тўлдириб "Сени нега олиб келганман?" дейишини-чи! Ўзингга

қолганда-ку, мени яқин ҳам йўлатмас-динг-а, тил билишим қўл келиб қолди-да...

Лекин шу муттаҳамнинг билганича бор экан. Таржимондан бизни ишга эр-тароқ олиб боришни сўраган эдим, у за-вод маъмурияти "Бугун энди кеч бўлиб қолди. Меҳмонлар дам олсин. Ишни эр-тадан бошлаймиз", деганини айтди.

Алҳосил, тушлигимиз билан кечлиги-миз битта бўлди ва бизни вақт ярим тун-га яқинлашганда меҳмонхонамизга олиб келиб ташлашди.

Шеригим каравотга ўзини ташладию шу заҳоти уйқуга кетди. Менинг бўлса сира уйқум келмади. Охири ўрнимдан туриб, ноутбукимга кун таассуротларини ёзиб қўйиш билан машғул бўлдим. Ҳар-на вақт ўтгани...

3-кун

Кечаги шоҳона зиёфат, қаёқларда қолдинг-а?! Кўкариб кетган сосиска, па-лағдароқ тухум, тошдек нон, бир кружка рангсиз суюқликдан иборат нонуштадан сўнг таржимон ваъда қилган машинани нақ қирқ дақиқа кутдим. Қарасам, кун тепага кўтарилиб бўлибди. Энсиз ди-ванга узала тушиб ётиб олганча "Бошим ёрилиб кетяпти! Менга минерал сув керак!" дея фиғон чекаётган шеригим-ни ҳолдан кўчага деярли судраб олиб чиқдим. Узоқда шакл-шамойили кўри-ниб турган заводга қараб пиёда йўлга тушдик.

Жиғибийроним чиқиб, бизни ичка-рига қўймаётган, инглизчани тушуниш у ёқда турсин, бирон оғиз гапимни ҳам эшитмасдан нари ҳайдаётган сербар қалпоқли қоровуллар билан жиқилла-шиб турган пайтим – хайрият, киприк

қоқмас хавфсизлик ходимларисиз – таржимон келиб қолди. Аламимни ундан олдим:

– Қаерларда юрибсиз ўзи? Ваъда қилган машинангиз қани? Кута-кута охири бу ерга пиёда келдик. Иш аллақачон бошланиб кетган. Технологик жараёни қандай назорат қиламиз энди?

Таржимон нимтабассум ила қўллари-ни жуфтлаб кўксига қўйганча узр сўраган бўлди ва бир туки қилт этмасдан, хотиржам садо берди:

– Ошиқманг, ҳаммасига улгураимиз.

Баттар тутақдим:

– Э, сизнинг топган гапингиз шу! Қа-нақасига улгураимиз? Бу конвейер бўл-са. Узлуксиз ишлаб туриши керак, ахир. Бизнинг ишхонамизда бирон ходимнинг беш сонияга ҳам кечикиши мумкин эмас. Шунга ўрганганмиз...

Таржимон қўриқчилар билан бир ни-маларни тез-тез чуғурлашди ва бизни турникетдан ўтказиб юборди.

Барибир, таржимон шу юртнинг ода-ми-да, кўп нарсани биларкан. Унинг ба-шорати тўғри чиқди: ошиқмасак ҳам бўларкан, ҳали ҳаммасига улгурарканмиз.

Қатор дастгоҳлар ўрнатилган кат-тагина цехнинг чап томонида бир хил коржома кийган ишчилар тизилган, бақир-чақир ҳам роса авжига чиққан эди. Бирон ускуна монтаж қилиняптими деган ўйда шу томонга юраётган эдим, таржимон бош чайқади:

– Шарт эмас, жаноб. Ишчилар шош-қол ўйнапти.

Ўнг томонда одам камроқ экан. Разм солиб, булар ҳам ишчилар экани, давра қуриб олганча, берилиб қарта сураётган-ларини кўрдим.

Бирпасда бош директор, ўринбосар ва бош муҳандис – анъанавий “учлик” ҳукуматнинг муҳим йиғилишига кетга-нини аниқлаб келган таржимон илти-мосимга кўра бизни қуёв цехи бошлиғи хонасига олиб борди.

Таржимон томонидан “ўсадиган кадр” дея алоҳида шипшитилган новча, ўта жиддий, кўкрагига бор-йўғи иккитаги-на – ҳозирча бўлса керак-да – нишон осган, сийрак сочи қуёшдами ё металл эрийдиган печкалар тафтидами куйиб, кўнғир тус олган цех бошлиғи тумтайиб-гина ўтирган экан. Олис қитъадан қадам ранжида қилган қўноқларни кўриб ақал-ли бир боргина тишининг оқини кўрса-тиб ҳам қўймади, билъакс, баттар тум-шайди, баайни ёғлиққина ўлжани биз еб қўйиб, у шўрлик қуруқ қолгандек.

Дарвоқе, каминанинг хориж сафа-рию чет элликлар билан мулоқот таж-рибаси йўқ ҳисоби, шу боис ўзимнинг ғариб кузатишларимдан хулоса чиқариб айтадиган бўлсам, назаримда, бу юрт-нинг катта-кичик мансабдорлари бари бирдек жиддий, бари бирдек бадқовоқ ва бари бирдек одамга ишонқирамай-роқ, “Ҳап сеними, барибир ичингдаги-ни билиб оламан!” дегандек синчковлик аралаш беписандлик билан қарайди... Айтгандим-а, таржимонимиз жуда зук-ко йигит деб. “Нега бу ернинг катталари бунақа, а?” деб сўраган эдим, таржимон ҳеч иккиланмасдан жавоб қайтарди: “Чунки улар четдан келган мутахас-сислар ҳеч иш қилмасдан, ялло қилиб юради-юради-да, сўнг бизнинг қоп-қоп валютамизни олиб кетади, деган хуло-сага келиб қўйишган”. Э, ўргилдим ўша хулосаларидан. “Қоп-қоп” эмиш. Беради-

гани бир танга-ю, миннати минг... Энсам қотганини билдирмасликка уриниб, са-волимнинг давомини бердим: “Хўп, биз-ку майли, лекин бу катталарнинг оддий одамларга, ўз юртдошларига ҳам менси-май муомала қилиши, тепадан қарашига нима дейсиз, муҳтарам таржимон жа-ноблари?” Жавоб эса жуда жўн, ортиқча изох талаб қилмайдиган ва буткул тушу-нарли бўлди: “Чунки улар амалдор...”

Таассуфки, бадқовоқ мансабдор би-лан шакаргуфторлик қилиш насиб этма-ди. Кабинетга сўроқсиз, эшикни тақил-латмасдан ҳовлиқиб кириб келган ўша, каминага бағоят таниш бўлиб қолган икки йигит ўзларини кўрган сонияданоқ даст ўрнидан турган, юзига бахт табас-суми ёйилган, шодумонликдан кўзлари чақнай бошлаган цех бошлиғига ваҳима ичида бири қўйиб-бири олиб нималар-нидир тушунтира кетишдики, шўрлик амалдорнинг ранги бўздек оқарганини кўргач, нима бало, ухлаб ётган вулқон уйғонибдими, зилзила бўлармикан ё би-ратўла охирзамон келиб қолибдими де-ган тусмоллардан баданим музлаб кетди.

Хайрият, синхрон ўгиришнинг устаси бўлган таржимон жонимга ора кирди. Аён бўлдики, тез орада телевидениедан келиб, заводнинг ишлаш жараёнини су-ратга олишаркан-да, кечқурун кўрсати-шаркан. Каттаконнинг шахсан ўзи томо-ша қилишидан ташқари, лавҳани махсус келишув асосида етмишдан зиёд мамла-кат ойнаи жаҳонидида намоиш этилиши кутилаётгани боис, менга бошида ўта совуққон кўринган йигитлар айна дамда шайтонлаб қолгудай аҳволда эди.

Бирдан ранги қув ўчиб кетган цех бошлиғининг шеригим иккаламизга си-

новчан кўз ташлаб қўяётганидан ўзимча англадимки, вазият тез орада бизнинг кўчада ҳам байрам бошланажигидан шохидлик бераётгандек. Мана, энди ўзи-мизнинг нақадар керакли мутахассислар эканимизни кўрсатиб қўяйликки, токи цех бошлиғига ўхшаш аллақандай май-да-чуйда амалдорчалар бизга минбаъд ола қарамасин.

Пилдираб йўл бошлаган амалдор ор-тидан цехга йўл олдик. Камера кўтарган шошқин телевизорчилар изимиздан ки-риб келишди.

Нима десам экан... Ҳарқалай, инс-титутда шу ихтисосликка ўқиганман, заводларда амалиёт ўтаганман. Кейин-ги тўрт йил мобайнида ёш мутахассис сифатида мустақил ишлаб келяпман, муҳандис-технологман. Бинобарин, со-ҳанинг оқ-қорасидан анча-мунча во-қифман, ярим кечаси уйқудан уйғотиб сўрасангиз ҳам, технологик жараённинг исталган нуқтасида қай бир қурил-ма ёинки дастгоҳда – амалдаги давлат стандартларининг қатъий талабларидан оғишмаган ҳолда, албатта – қай юмуш-лар амалга оширилишини ёддан айтиб бера оламан.

Бу ерда эса... Майли, сизни зерикти-риб, техник тафсилотларни айтиб ўтир-май. Аслида бир қарашдаёқ бу аҳволда ҳали-бери тайёр маҳсулот ишлаб чиқа-ролмаслигимга амин бўлган эдим. Бироқ...

Яна бир марта иккала қўлимни баланд кўтариб, таслим бўлганимни тан оламан: буларнинг тадбиркорлигию устомонли-гига, йўқни йўндира билишларига гап йўқ. Дейлик, иккинчи қаватда жойлаш-ган юмалоқ бункер ҳали электрга улан-маган, бунинг устига синовдан ҳам ўтка-

зилмаган экан. Бункер айланиб, узлуксиз тарзда тайёрланадиган махсус қоришма конвейер лентаси орқали қолипловчи ишчиларга етказилиши керак-ку. Бусиз иш бўлмайди-да. Нима бало, булар олдиндан шундай муаммога дуч келишларини билганми, оёғи олти, қўли етти бўлиб қолган, ҳаммага бақир-чақир қилиб юрган цех бошлиғининг бир телефони билан иккинчи қаватга катта юк машиналарда тайёр аралашма келди. Аралашмани ишчилар то телевидение суратга олиб бўлгунга қадар конвейер лентасига тепадан белкуракларда ташлаб турадиган бўлди. Токка уланган бўлса ҳам, негадир сира ҳаракатланишни истамаетган лентани эса ўнга яқин бақувват ишчи арқонларда тортиб айлантириб турди... Ана топқирлик! Ана зукколик!

Қолиплар тайёр эмаслиги, қоришмани вибрация, яъни титраш усулида зичловчи ускуналар ишламаётгани... бу муаммоларнинг бари йўл-йўлакай антиқа қўлбола усулларда ҳал этилди. Шунча йил яшаб, ишлаб чиқариш имитациясининг юксак чўққисини шу ерда кўрдим. Қойил!... Барибир, назаримда, энг қийин муаммо – печкада алюмин қуймалар эриётганини намойиш қилиш эди, чунки ҳали хомашё етиб келмаган экан-да. Аммо излаган имкон топаркан: қайдандир келтирилган кўрғошинранг суюқлик қуйилган печка қайнаб тургандек кўриниши учун тагига олов ёқилди. Шифтга ўрнатилган кран ишламаётгани боис, кабинага жойлашиб олган ишчи мурватларни ишлатиб турган бўлди. Кўрғошинранг массани эса катта чўмичларда олиб, қолипларга қуйишди. Кийимига гард юкмаган ишчилар гўё-

ки қуйманинг ортиқча бўлагини олиб ташлаётгандек қандайдир металлари чийиллатиб, атрофга учқунлар сочганча ишлашга тушиб кетди...

Гапнинг қисқаси, алалоқибат конвейернинг якуний қисмидан... деталлар чиқиб келаверди. Тап-тайёр денг! Ҳатто... буниси энди ортиқча-ёв, улар бўялган ҳам эди. Технологик кетма-кетликдан сал-пал хабардор оддий ишчи ҳам бу жараён алоҳида ускуна ва шароитларда, деталлар буткул қурилганидан сўнг амалга оширилишини яхши билади. Лекин ҳозир бунақанги арзимаган майда-чуйдаларга эътибор бериб ўтирадиган фурсат эмасди шекилли. Замон тезкор-да. Ишлаб чиқариш ҳам шунга монанд. Муҳими, маҳсулот конвейердан чиқди!

Ниҳоят, соқолли режиссёрнинг “Стоп!” деган буйруғи янграши билан барча дами чиққан пуфакдек бирдан бўшашди, таранг асаблар ҳам салқиди. Ана шундан сўнг цех бошлиғининг бир имоси билан хизматдаги ходимлар ҳамма-ҳаммани ҳурмат-эҳтиром ила завод ошхонасига бошлади. Яна очилдастурхон! Чарчоқ чиқариш учунми, ранг-баранг майи ноблар ҳам қалаштириб ташланган. Тўрда – муҳтарам раҳбарлар ва ойнаи жаҳон валламатлари, улардан пастроқда бизга ўхшаган инженер-техник ходимлар, қуйироқда ишчилар. “Сен же, мен же” бўлиб кетди...

А-анча давом этган, тушлигу кечлик бир-бирига уланиб кетган зиёфатдан сўнг қўноқхонага қайтдик. Оёғида туролмаётган шеригим одатдагидек газли сув излаб музлаткич эшигини очди ва қувончдан ҳайқариб юборди: ўрта бўлма-

да иккитадан ром, пиво ва вино шишалари терлабгина турарди, ликопчаларда газак...

Оч бўридек ўлжага ташланган шеригимни энди бошқариб ҳам, аҳдидан қайтариб ҳам бўлмаслигини билганим учун, ҳаммасига қўл силтадимۇ энсизгина айвонга чиқиб, бугунги таассуротларимни ноутбукка тушира бошладим.

4-кун

Ана энди, шу бугун кўргазмали томошалар тугаб, ҳақиқий иш бошланади деб хомхаёл қилган эканман. Ўликдек қотиб ётган шеригимни шунча уриниб ҳам уйғотолмагач, заводга бир ўзим келдим, хаёлан енглариمنى шимариб. Бироқ мени яна ичкари қўйишмади, шошиб етиб келган таржимон эса тезликда меҳмонхонага қайтишим, шеригим билан расмий кийимда ва албатта бўйинбоғда кутиб туришимиз лозимлигини айтди. Машина келиб, бизни қанақадир “палас”, яъни саройга олиб бораркан. Бу юқорининг буйруғи экан.

Бевосита зиммамизга юклатилган ва-зифага қачон киришамиз унда, деб сўрамоқчи бўлдим, аммо қаршимдаги бечора ижрочидан яна одатдаги “Ошиқманг, ҳаммасига улгураммиз” жавобини эшитишимни билганим боис, индамай ортга қайтдим.

Силталашу тушунтириш кўринишидаги ҳеч бир усул кор қилмагач, охири жонимдан тўйиб, бошидан муздай сув қуйиб юборганимдан сўнг сапчиб ўридан турганча қўлларини палахса қилароқ палағда сўзлар билан сўкинишга тушган шеригим “юқорининг буйруғи... сарой” сўзларини эшитиши билан туйқус ўз-

гарди, ёйилиб илжайганча кафтларини бир-бирига ишқаркан, мамнуният ила:

– Мана кўрасан, яна отўйин бўлади! – деди.

Ҳа, бунақалар зиёфатнинг исини неча-неча чақирим беридан туриб ҳам билади. Илло бу сафар рисоладагидек машинада бир соатга яқин юриб, дарҳақиқат, ўта кўркам ва салобатли саройга кирган заҳоти димоғимизга ёқимли, иштаҳани қитиқлайдиган таомлар ҳиди урилди. Бироқ шунча атрофга аланглаб ҳам, шеригим зўр бериб қидираётган “швед столи”ни кўрмадик. Аксинча, бизни мулозамат билан одам деярли тўлиб бўлган залга бошлаб кириб, юмшоққина креслоларга ўтқазишди ва... гўёки устимиздан кулгандек, икки соатча қантариб қўйишди. Ҳолимиздан хабар олиб кетган таржимондан бутун зал мартабалироқ амалдорни кутаётганини билиб олдик. Тоқати тоқ бўлган, фиғони фалакка чиққан шеригим вишиллаб узоқ сўкинди.

Алоҳа сарғайиб кўз тутилган каттакон келди чоғи, ҳамма ўрнидан туриб, қарсак чалишга тушди.

Нақ беш дақиқалик гулдурос чапаклардан сўнг қайтиб жойимизга ўтирганимиздан зал чироқлари ўчди ва сахнадаги катта экранда янги заводнинг очилиши ва дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилганига бағишланган фильм намойиши бошланди.

Боплашибди-ку шоввозлар! Бахтиёр чехрали, Ҳолливуд юлдузлари каби ўттиз икки оппоқ тишини намойиш этароқ жилмайишга уста эркак-аёл ишчилару муҳандислар, конвейер лентасида оқиб келаётган қоришма, эритилган алюминий

“билқ-билқ” қайнаётган печь... Шифтдаги осма кран рельсда сузибгина келади ва вулкан чўмичида эритмани олади, қолип-ларга қуяди... дастгоҳлар чархларида кўкка учқунлар сачратиб ишлаётган токарлар... экрандан қаторлашиб ўтаётган тап-тайёр маҳсулотлар... Ва буларнинг ҳаммаси кўтаринки мусиқа жўрлигида... Одам ишониблар кетади-ей...

Орада яна бир зипиллаб келиб-кетган таржимон айна шу дақиқаларда мазкур фильм мамлакатнинг ҳамда етмиш икки хорижий давлатнинг телеканалларида тўғридан-тўғри намойиш этилаётганини таъкидлади.

Майлида-эй, сиёсат билан иши йўқ оддий муҳандис бўлсам, менга нима? Керак бўлса етмиш иккита эмас, юзта давлатда намойиш қилишмайдими “оламшумул” ютуқларини! Бунинг менга на совуғи бор, на иссиғи; вазифамни бажарсам, технологик жараёни йўлга қўйиб кетсам бас, қолгани ўзларига ҳавола.

Фильм намойишидан сўнг шеригимни ҳақиқий оламшумул шодликларга чулғаган қўйи, бизни шу бинонинг ўзидаги муҳташам залга, базм дастурхонида эҳтиром ила бошлаб боришди.

Бу ёғи энди аён...

Тун ярмида шеригимни хонага елкамда ортмоқлаб чиқдим ҳисоб ва ана энди ёзув-чизув билан машғулман.

5-кун

Беш – хосиятли рақам. Ниҳоят бугун албатта ишларимиз “аъло” бўлиб кетади, деган умидда тонг саҳардан ювиниб-тараниб, нонушта ҳам қилмасдан, интиқлик билан юмушга киришмоқ онларини кута бошладим.

Не қилай, ишимни яхши кўраман. Чизмадаги детални аввал-бошдан, бизнинг тилимизда айтганда “нол”дан олиб келишнинг, жараёнларда техник шартлардан заррача оғишмасликка жон-жаҳдинг ила ҳаракат қилишнинг, охир-оқибат тап-тайёр, яқунловчи ишловдан сўнг ҳали иссиғи ҳам кетмаган детални силаб-сийпалаб, салмоқлаб кўришнинг, ўлчамларини яна бир бор текшириш асносида ўз-ўзингдан фахрланиб қўйишнинг бошқача завқи бор-да. Ахир, буюм яратилди, буюм!

Гумгурс ётган, ора-сира хирқираб қўяётган шеригимни бу сафар устидан ўн пақир сув қуйиб ҳам уйғота олмаслигимга кўзим етиб тургани боис хуш кайфиятда юмушга жўнадим.

Ниятинг – йўлдошинг. Яхши тилак барибир яхши экан-да. Куним ҳам хушхабар билан бошланди. Дарвоза ёнида кутиб олган таржимон бир гуруҳ раҳбарлар, инженер-техник ходимлар қатори шеригим билан менга ҳам мукофот ажратилганини маълум қилиб қолса денг. Қаранг, ҳали ҳеч бир иш қилиб улгурмасимиздан, чини билан айтганда, қўлимизни совуқ сувга урмаган бўлсак ҳам бизни рағбатлантиришяпти экан! Бундай ишни қайдан топасан?! Яшасин...

Ҳали айтганимдек таржимон ақлли, закий, хушмуомала йигит. Фақат гап орасида баъзан айрим сўз ё жумлаларни “ўзинг тушуниб ол” қабилида қандайдир алоҳида таъкидлаб, урғулаб айтиши сабабини тушунолмайд юрган эдим. Энди билдим...

Таржимон мени кассага бошлаб бораркан, бир эмас, икки марта “Беш юз” деди яна алоҳида таъкид билан, каминага маъ-

ноли-маъноли тикилиш асносида. Нима дейишим керак эди? Баайни бу рақамнинг бутун сир-синоатинию яширин маъноларини аллақачон ўқиб олган одамдек бош ирғаб қўйиш билан кифояландим.

Таржимон эшик ёнида қолди. Ичкари кириб, каталақдай хонага аранг сиғиб ўтирган хирсдай бақувват, ташқи кўриниши қобонни эслатадиган кассирга фамилиямни айтдим. Ҳар жойнинг ўз одати, расм-русумлари бўларкан, ҳатто мукофот тарқатиш масаласида ҳам. Кассир миқ этмасдан ёнидаги қоғозлардан бирини ажратиб олиб, мен томон сурди.

Бу номимга ёзилган чиқим ордерига ўхшарди. То кассир ручкасини олгунга қадар энгашиб, фамилиямни кўрарканман, туйқусдан вужудимга илиқ бир ҳиссиёт югурди: қоғозда 5000 рақами турарди! Шунча пул-а!.. Шунча пул-а!.. Осмондан чалпак ёғилгани шу эмасми, ахир!.. Яшасин-эй!..

Қоғозлар орасида қолиб кетган ручкани топган кассир менинг нигоҳим қаёққа қаратилганини илғади шекилли, вазоҳати баттар бузилиб, қаҳр билан пишиллаганча йўғон ўрта бармоғини ордердаги рақам устига, янада йўғонроқ кўрсаткич бармоғини имзо қўйишим керак бўлган катакка қўйди-да, менга мислсиз адоват билан тикилиб қолди, баайни қаршисида қаттол ғаними тургандек. Мен шунда бир нарсани аниқ ҳис қилдим. Ҳа, тушунишдан кўра кўпроқ ҳис қилдим. Агар айна дақиқада имзо қўймасам, бу қобон ўрта бармоғи билан кўрсаткич бармоғи орасига бош бармоғини тикиб кўрсатишдан ҳам тоймайди...

Қўл қўйганимдан ордерни юлқиб олган кассир стол ғаладонидан бешта юз

долларлик чиқарди-да, бир-бир санаб қаршимга қўйди ва “кеавер” ишорасини қилди.

Мана нега таржимон “беш юз”лаб қолган экан. Доғули... Ҳойнаҳой, буларнинг шериги... Ахир, ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл-да. Тўқсон фоизиниям юлиб қоласанми? Ҳеч бўлмаса элликка эллик қил, ноинсоф! Қароқчилик-ку бу...

Йўлакка чиққан заҳоти таржимонга ёпишдим. У эътирозларимни мийиғида кулимсираб эшитди. Пул аччиғи – жон аччиғи. Менинг алам устида “Шикоят қилсам бўладими?” деган саволимга жавобан таржимон бундай деди:

– Бўлади. Икки йилча бурун сизга ўхшаган бир мутахассис шикоят қилганди.

Жонланиб қолдим:

– Ҳаммасини ундириб олдимми?

Таржимон бош чайқади:

– Йўқ. Беришганиниям қайтариб олишди.

– Ие, нега энди?

– Яхшилаб текшириб кўришса, аслида адашиб ёзилган мукофот экан. Шундан кейин у берилганига қаноат қиладиган, қайта-қайта раҳмат ҳам айтадиган бўлди.

Тилимни тишладим... Майли, бориға барака. Аслини олганда ҳам...

– Унда... унда нима қилиш керак? – деб сўраб қўйдим азбаройи ўсал бўлганимни билдирмаслик учун.

Таржимон менга диққат билан қаради.

– Мени айтаётган бўлсангиз, бу саволнинг жавобини топиб қўйганман.

– Яъни?

– Суриш керак...

Нима ҳам дердим бу закий йигитчага. Индамадим...

Анави назоратчи йигитлар келиб, бизни телевидениега олиб кетишди. Давра суҳбатида иштирок этишимиз керак экан.

Энди нима қилишим кераклигини анча-мунча тушуниб қолган эдим. Икки соатча давом этган репетициядан сўнг эгизак қўриқчиларнинг синчков нигоҳи остида олдиндан тайёрлаб қўйилган матнни ўқиб бердим. Гапирганларимдан эсимда қолгани мазкур завод “мамлакат оғир саноатида инқилобий олға силжиш” ясагани бўлди...

Суратга олиш залидан чарчаб-ҳориб чиқдим. Таомилга кўра “бир пиёла чой”-га таклиф қилишди.

Ё худо, қайдан хабар топган – қарасам егулик-ичимликлар мўллигидан синиб кетгудай бўлиб турган бир столда... шеригим қўр тўкиб ўтирибди. Кўришаётган маҳалимиз аллақачон отиб олгани сузилиб бораётган кўзларидан сезилиб турган ҳамкасбим минг қўйидан биттасини ҳадя қилган бойдек гердайди:

– Кўрдингми, мен билан юрсанг кам бўлмайсан! Ҳали иш бошламай туриб, беш юз “кўк”идан олдинг-а! Уйга қайтганимизда бир яхшилаб эрийдиган бўлдинг-да лекин!

Зиёфат – одатдагидек – узоқ давом этди. Тун ярмида – одатдагидек – шеригимни хонага елкамда ортмоқлаб чиқдим ҳисоб ва ана энди – одатдагидек – ёзув-чизув билан машғулман. Эгизак кунлар, эгизак тунлар...

6-кун

Бугун юмушга ҳеч бир ҳовлиқмасдан, шошмасдан, бемалолхўжа бўлиб, икки ярим соат кеч бордим. Ёнимга шеригимниям олволганман.

Тўғри қилган эканман. Заводда шан-балик экан...

Девор ортидаги тошлоқ майдонда ер қазиб, илдизли-илдизсиз нимжон, аксари қуриб қолган, ҳаёт асари йўқ кўчат-таёқларни экаётган маҳалимиз таниш жаранг-журунлар қулоғимга чалингандек бўлдию бошимни кўтариб атрофга алангладим. Ҳаттоки шу ердаям аллақанча бўйинбоғли раҳбару амалдор, бўйинбоғсиз муҳандису техниклар, ишчилару хизматчилар кўксиларига нишонларини тақиб олишган. Улар тунука нишонларнинг бир-бирига урилиб, садо чиқаришидан сархушлик туядими, нима бало, гавдаларини ўхшатиб қимирлатгани қимирлатган...

Кўнглимда туғилган саволни таржимонга бергач, қўшиб қўйдим:

– Фақат гапни айланторманг, “Ошиқманг, ҳаммасига улгурамиз”, деб ҳам қутилиб қолманг. Тўғрисини айтинг.

Таржимоннинг пешонаси тиришди.

– Бунга икки оғиз сўзда тушунтириш қийин-да, жаноб. Менталитетга йўйман десангиз, аслида унақа эмас... Гап шундаки... жамиятда шундай тушунча шаклландики, кимнинг унвон-нишони, орден-медали қанчалик кўп бўлса, у шунчалик кўпроқ ҳурмат-этиборга, иззат-эҳтиромга сазовор. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, анча йиллар бўлиб қолди, бизда орден-медаль, унвон-имтиёзлар аукционда – кимошдида сотиладиган бўлди.

Анграйиб қолдим:

– Қанақасига?

– Шунақасига. Талаб ва эҳтиёжлардан ҳамда меҳнаткашларнинг хоҳиш-ирода-сидан келиб чиққан ҳолда. Ахир, аслини олганда ҳам бу яхши-ку.

– Нимаси яхши, нимаси?

– Биринчидан, давлат ғазнасига анча-мунча пул тушади. Иккинчидан, бундай шарафга сазовор бўлган одамларни жамият ҳам ҳурмат қилади.

– Нима учун ахир?

– Нимасини тушунмайсиз? Бу икки карра иккиннинг жавобидек шундоққина кўриниб турибди-ку.

– Миям ишламай қолди. Марҳамат қилиб ҳижжалаб тушунтиринг. Яъни...

– Яъни бу одам ўз ихтиёри билан шунга жазм қилган эканми, демак... демак, бошқа нарсаларни ҳисобга олмаган тақдиримизда ҳам... ҳеч бўлмаганда пули бор-ку, пули!

– Демак...

Нималарнидир англагандек бўлдим, шунгами, бошқа савол бериб ўтирмадим, очиғи, бу масалада ортиқ чуқурлашгим ҳам келмади. Билганларини қилишмайдими, менга нима! Келиб-кетадиган одам бўлсам...

7-кун

Заводда “маҳаллийлаштириш” жараёни бошланди...

Бугун тантанали равишда бўёқ цехи очилди.

Цехга бўяш учун олиб кириладиган тайёр деталлар таҳланган қутидаги ёзувларга қарадим: қўшни давлатда тайёрланган.

Саволомуз нигоҳимга жавобан таржимон шоша-пиша изоҳ берди:

– Ошиқманг, ҳаммасига улгурамиз. Мана, деталлар ўзимизда бўялмоқда. Бу албатта бошланиши.

– Албатта, – дедим истеҳзо билан. – Шу суръатда давом этилса, бирон йи-

гирма-ўттиз йилларда тўлиқ маҳаллийлаштиришга ўтилса керак. Фақат бир истиҳола борки, унгача манави жиҳозлару ускуналар эскириб, чиқитга ташлагулик ҳолатга келиб қолмаса.

– Ундай бўлмас, – дея дудмалроқ тарзда жавоб қайтарди тилмоч.

– Каминани яна бир кичкина савол қизиқтиряпти. Бу тайёргина деталлар қўшни давлатдан олиб келинарсан, йўл, божхона харажатларини қўшиб ҳисобласан, улар “олтин тухум”га айланиб қолмайдими? Яъниким, таннархини назарда тутаямман.

– Гап мамлакат обрўси ҳақида кетаётганида маблағ иккинчи, ҳаттоки тўртинчи даражали масала бўлиб қолади.

Бўш келмадим:

– Аммо бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда...

Бу сафар таржимон шартта гапимни кесди:

– Эътиборингиз учун, бу тайёр деталлар божхонадан хомашё сифатида ўтказилади. Тўлов ҳам шунга яраша!

Э, гап бу ёқда экан-да. Қўлларимни кўтариб, оғзаки муҳорабада мағлуб бўлганимни тан олдим...

8-кун

Бугун ёзишга арзирли ҳеч иш бўлмади. Бордик, кўрдик... ўтирдик. Гуманитар институт талабалари экскурсияга келди. Ёш-ёш йигит-қизларнинг кўпчилиги кўрагини нишонлар безаб турарди. Уларга бўёқ цехини томоша қилдирдик, тайёр, ҳозиргина ранг берилган деталларни қўлимизда тутганча биргаликда расмга тушдик. Сўнг талабалар тайёрлаб келган саҳна асарини кўрдик. Томошадан тушун-

ганим шу бўлдики, мамлакатнинг моҳир ишчилар синфи вакиллари қандайдир халқаро танловда роса машаққатлар билан бўлса ҳам мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, жаҳон афкор оммасининг ҳайрат ва олқишларига сазовор бўлди.

Кечиккан тушлигимиз кечки овқатга уланиб кетди.

9-кун

Афсус, минг афсус, таржимон ваъда-сида туриб, сурворибди. Яхши йигит эди. Ақлли, фаросатли...

Бир қарашдаёқ янги таржимонни ёқтирмадим. Хўппасемиз, кал, картошка-бурун, пишиллаб нафас олади, инглизча сўзларни ғалати, одам тушунмайдиган талаффузда айтади. Қизиги шундаки, тилни яхши билмайдиган шеригим билан янги таржимон бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Қандайдир байрам шарафига – қандай байрамлигини эслолмаяпман – уюштирилган зиёфат чоғи икковлон бир-бирининг пинжиги киргудек бўлиб, қадаҳ кетидан қадаҳ бўшатишга тушиб кетди-ку. Ора-сира тилаклар ҳам айтиб қўйишадими-ей. Таржимон одам зоти тушунмайдиган инглизчада, шеригим ўзимизнинг забонда. Ажабки, улар бир-бирларини бинойидек тушунаётган эди.

Меҳмонхонага ёлғиз ўзим қайтиб, бугунги кундан олган шугина таассуротимни ёзиб қўйяпман. Шеригим келиб қолар, келмаса, ана, энди улфати бор, менга деса тонготар ўтирмайдими...

10-кун...

11-кун...

179-кун

Ниҳоят! Ниҳоят а-анчадан бери қантариб қўйилган ноутбук-кундалигимга ёзишга арзирли янгилик: сафар муддатим тугаяпти. Хайрият-эй!

Тўғри, шу кунлари – нечанчидир марта – қолипдан олинган қуйманинг ортиқча қисмини кесиб ташлаш жараёнини ўзлаштиришга уринишяпти. Аммо... аммо деталлар қўшни давлатдан тайёр ҳолда келса, бу босқичнинг нима кераги бор? Мен бу саволни катта-кичик раҳбарларга қайта-қайта бердим, аммо жўяли жавоб эшитавермагач, охири ҳафсалам пир бўлиб, ҳаммасига қўл силтадим. Билганларини қилаверишсин. Мен учун вақт ўтиши муҳим.

Захирадаги ром, коньяк, арақни ичиб бўлиб, икки ойдан бери тоза спиртага ўтган шеригим билан таржимонга тақвимдаги ўзим қизил ҳалқага олиб қўйган санани қайта-қайта кўрсатиб, кетар пайтимиз бўлганини тушунтиришга уриндим.

– Бирпасда-я? – деб астойдил ранжиди сўзларим маъносини ғира-шира бўлса ҳам англаб етган шеригим. – Бўлиши мумкин эмас!.. Мумкин эмас! Бундай жойни қайси аҳмоқ ташлаб кетади?

Чиндан ҳам унинг аҳмоқ эмаслигининг исботи ўлароқми, самолётга чипта буюртма қилишда чалкашлик юз берибдию шеригим уч кун кейинги рейсда учадиган бўлибди...

Хуллас, ёлғиз учадиган бўлдим.

180-кун

Самолётдаман!..

Ҳаяжонланаяпман. Юрагим ҳаприқиб кетяпти.

Одам барибир ўз юртини соғинаркан. Аввалги таржимонимизга ўхшаб, қайгадир “сурвориш” менга ўхшаганларнинг қўлидан келмас экан.

Тез орада уйда бўламан. Уйимда!..

Парвоз олдидан экипаж командири шахсан кабинасидан чиқиб, бизга оқ йўл тилади. Олти ой умрим ўтган мамлакатнинг нуқси менга урибди: “жангир-жунгур” капитаннинг узун қора камзули бошдан-оёқ орден-медалга тўлганини кўриб, хотиржам тортдим. Демак, ҳаво кемамиз сардори ҳеч бўлмаганда бой одам. Бойлигини эса учувчилик ортидан топган бўлса керак. Бинобарин тажрибали, моҳир, меҳнати қадрланадиган мутахассис.

Тўғри, дастлаб бу ишончимга андаккина соя солгувчи ҳолатлар ҳам бўлди. Чунончи, самолёт белгиланган вақтдан қирқ уч дақиқа ўтгандан сўнггина оғир қўзғалди. Кейин негадир сира кўкка парвоз қилгиси келмаётгандек учиш майдонини бир эмас, икки марта айланиб чиқди. Ахийри, худога шукр, уч-тўрт марта қаттиқ қалқиб-қалқиб кетганини ҳисобга олмаса, эсон-омон осмонга кўтарилиб олди.

Шарафлар бўлсин сенга, қаҳрамон учувчи!..

Билмадим, ҳарнечук, билишимча, самолёт деганлари фазода белгиланган чизиқ бўйича текис ва тўғри учарди. Бироқ нечукдир бизнинг “пўлат куш”имиз сал оғиброқ парвоз қиляпти, биз йўловчилар ҳам қийшайиб, йиқилиб кетмаслик учун ўриндиқларни маҳкам чанглаб олганмиз. Яхши гумонга борайин: бу

моҳир учувчимизнинг самолётни ўзига хос бошқариш усули бўлса керак.

Қийшайиб ўтиравериб, белларим қотиб қолди. Шу битикларимни ҳам базўр ёзаяпман.

Ўзимга тасалли бериб қўяманки, тез орада самолёт тўғриланиб олади, ахир бу аҳволда стюрдесса қизлар чой-пой беролмайди-ку, ҳаммаси устимизга тўкилиб, йўловчиларни ўнғайсиз аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Ўзи осмонда одам сал ваҳимачироқ бўлиб қолади. Менга ҳам самолётимиз нафақат оғиброқ, балки ён томонга қараб парвоз қилаётгандек туюлаяпти. Бўлмаган гап-э...

Учоқ силкиниб-титраяптими? Худди қандайдир маҳобатли куч уни элакка ташлаб элаётгандек. Ие, сариқ чироқ ёниб-ўча бошлади. Бу нимани билдирарди?.. Йўловчилар нега бирдан ваҳимага тушиб қолди? Анави аёл нега жон аччиғида қичқиряпти?

Биз қулаяпмизми?.. Йўғ-э? Бўлиши мумкин эмас! Ахир, экипаж командирининг камзули бошдан-оёқ орден-медалга тўла-ку! Демак, у...”

ХОТИМА

Чегара яқинида қулаб тушиб, ёниб кетган самолёт қолдиқлари ичидан ноутбук ҳам топилди. Унинг экранда сақланиб қолган охириги чет тилдаги ёзувни таржима қилдиришди. Унда шундай дейилган эди: “Биз қулаяпмизми?.. Йўғ-э? Бўлиши мумкин эмас! Ахир, экипаж командирининг камзули бошдан-оёқ орден-медалга тўла-ку! Демак, у...”

Темур ЖЎРАЕВ

INSON ATALMISH SINOAT

Инсон ким ўзи? У не сир-синоат?

Бир қарашда инсоннинг кимлиги аксиомадек аниқ, бу ҳақда бош қотириш кўп ҳам шарт эмасдек. Бироқ бу савол пайдо бўлибдики, унга ҳанузгача тўлиқ жавоб берилмаган, кейин ҳам берилмаса керак. Инсоннинг сувратию сийрати, ташқию ички дунёси, шаклию моҳияти ўртасидаги нисбатни олайлик. Бу хусусда барча фан соҳаларида – тиббиётдан физиологиягача, тарихдан филологиягача кўп-кўп илмий фикрлар билдирилган, жилд-жилд китоблар ёзилган, ёзилмоқда. Сўнгги йилларда фалсафий антропология каби жадал ривожланаётган фан тармоғи ҳам пайдо бўлди. Ҳаммаси дуруст. Демак, инсон ҳақидаги билимларимиз чуқурлашмоқда. Эътиборга молик асосли фикрлар талайгина. Аммо улар шунчалик сочилиб кетганки, тизимлаштириш ўта мушкул.

Баъзан фактлардан кўра илмий гипотеза изланувчилар жонига ора кириши ҳам бор гап.

Одамзодга Ер куррасидан бошқа кўнимгоҳ йўқ. Не тонгики, инсон буни билатуриб ҳам, ошёни ва ўзини асраш ҳақида бош қотирмайди. Башар фарзандининг онг-тафаккури ҳамда фаолиятида ақлдан кўра ҳис-ҳаяжонга таяниш, енгил-елпи йўл излаш, ўзини уринтирмаслик кайфияти устувор. Бу йўл наинки номақбул, балки ҳалокатли эканини одамлар ҳар доим ҳам англамайди. Акс ҳолда, бундан икки минг йил аввал юнон-рим мутафаккири Луций Сенека фарзанди Луцилийга насиҳатида шунчаки ўзгалар босиб ўтган йўлдан эмас, балки ҳаёт учун шарт бўлган йўлдан юришни эслатмаган бўлур эди (*Луций Анней Сенека. Нравственные письма к Луцилию. Москва, “АСТ”, 2012. Стр. 448*).

Темур ЖЎРАЕВ. Фалсафа фанлари доктори, профессор


Temur JO'RAYEV
Inson atalmish sinoat

Одамзод ўз ўзанидан четлашиш, ато этилган илоҳийлигига нисбатан беписандлик бошига абадий сарсон-саргардонликлар ёғдиришини билатуриб билмасликка олмоқда. Комиллик сари интилишни ихтиёр этмоғи учун бугун у қандай йўл танлаши керак? Бундай имкониятнинг ўзи мавжудми?

Бундай қараганда, инсондан донорок, юксакроқ бошқа мавжудот ҳам, у ақл-заковати ила ҳал қилолмайдиган муаммо ҳам йўқдек. У имконсизликни имконга, иложсизликни иложга айлантириши мумкин. Башарият ҳаётининг бардавомлиги учун жавобгарлик инсоннинг ўз зиммасида. Аммо у йўл қўяётган жиддий хатолар, қусурлар одамнинг беназирлиги ҳақида айтилган фикрлар асоссиз экан-да қабилдаги иштибоҳни уйғотади. Аслида, бурч ва вазифа ўртасида улкан жарлик вужудга келган. Одамзод умумбашарий вазифасини ва ўз олдидаги бурчини, жиллақурса, ярим-ёрти бўлса ҳам англаб етиши, виждони олдида ҳисоб бериши учун яна қанча вақт керак экан. Пайдо бўлганидан то бугунгача неча асрлар ўтиб кетди, лекин у идеаллик пиллапоясига ҳануз ёвуқ борган эмас. Олам сир-асроридан унча-мунча хабардор одамзод ўзаро зиддиятлар, манфаатлари дунёқарашлар тўқнашуви олдида ожиз. Индивидуал онг-тафаккур, салоҳият билан умумбашарий интилишни бир-бирига таққосласак, муаммонинг илдизи кўринади-қолади.

Башар зоти ўз томирига болта уряпти, шаккоклик сари боряпти. Моддий ресурсларга эга турли гуруҳлар, фитнесчилар, аксилинсоний интеллект соҳиблари ақлга сиғмас оммавий қирғин воситаларини кашф этмоқда. Глобал руҳий азоб (стресс)

ҳолати оддий воқеликка айлан-ди. Бу муаммога қарши чора-тадбирлар кўрилаётир, албатта. Бироқ уларнинг бари даъвату чақириқ даражасидагина. Инсоният аллақачон боши



берк кўчага кириб қолди. Ундан чиқиш учун тамомила бошқа фалсафа, бошқа тузилмага зудлик билан ўтиши керак – бошқа йўл йўқ. Демак, сўз ибтидо ва интиҳони унутмаган ҳолда, ҳаётининг фаолиятнинг янги қатъиятларига ўтиш ҳақида бормоқда. “Наҳотки, онтологик жиҳатдан эркин одамзод шундай умр ўтказишни, яъни тақдирга тан беришни ихтиёр этган, чексиз имкониятлари, заковатини фаромуш айлаб, шунчаки тирик жонга эврилган, тимсолий қилиб айтганда, бир замонлар ягона кўнимгоҳи бўлган ғорга яна қайтаётган бўлса?!” деган шубҳа бот-бот шууримизда айланыпти. Айрим скептиклар “Бу энди қисмат, инсонга мудом ҳамроҳ объектив, яъни унинг измидан ташқаридаги қонуният” деса, ишонамиз ҳам. Ҳолбуки, воқелик аллақачон ўзгариб кетган бўлса-да, инсонни шунчаки бошқа унсурлар қатори нарсаси деб билиш, унинг экзистенциал жиҳатдан тамомила алоҳидалигига, ўзини ўзи қайта қура олишига ишонмаслик тафаккуримизга маҳкам ўрнашиб улгурган кўринади.

Дунёда муаммо кўп, лекин аксарининг ечими топилади. Чунки инсон ақлу заковати йўқ жойдан йўл топиш хусусиятига эга. Тўғри, қаршисида инсон ожиз қоладиган

воқеликлар ҳам йўқ эмас, албатта. Бу – бошқа масала. Аммо одамзод нега ўзининг бевосита иштироки ила юзага келган нохушликларни сезмайди, нима учун уларни бартараф қилмаслиги керак? Шундай экан, нечоғли буюк бўлмасин, бугун башар зоти гарданига айб юкламоқ жоиз бўлади.

Бани башарни бирлаштиришга қаратилган қанчадан-қанча ғоя, лойиҳа ва таълимотлар мавжуд. Уларни, ўз жонини гаровга қўйиб бўлса ҳамки, беназир мутафаккир зотлар яратган. Айни чоқда, одамзоднинг шаккокликларини кўравериш, кўпларининг охири ҳафсаласи батамом пир бўлганини ҳам биламиз. Бунёдкорликми ё вайронкорликми – барчаси учун фақат инсон ва инсоният маънавий жавобгардир (*Рашковский Е. Гуманитарная глобалистика: из трудов последних десятилетий. Москва, 2022. Стр. 43*). Энди жамият, инсон қусурлардан халос бўлиб, “эркинлик олами” сари юзланиши лозим. Инсон – ибтидодан мажбурловдан холи биосоциогенетик феномен, азалан ва абадан эркин мавжудот. Унга нисбатан сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ҳарбий чоралар қўллаш ақлдан эмас.

Одамзод тобора чуқурлашаётган умумбашарий нохуш трансформацияларнинг олдини олиш, аслига қайтиш йўллари фақат ва фақат ўз ички дунёсидан излаши лозим. Бундай омиллару имкониятлар сон-саноқсиз, уларни излаб топиш, инсон хизматига йўналтиришда интеллект, илм-фан, рационал яратувчанлик кучидан фойдаланиш керак. Афсуски, бугун илм-фандек беназир куч турли-туман диний конфессиялар, миллий-этник хусусийлик, фақат моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ ўткинчи жараёнларга бўйсундирилган ва

парчаланган, у миллиардлаб одамларни бирлаштирувчи, аслига қайтарувчи воситага айланмаган. Башарият муаммолар ечимда илм-фандан фойдаланиши шарт. У бошқарув муассасалари ва фан ўртасида изчил ҳамкорлик ўрнатиши лозим.

Инсоният аслига қайтиши учун “глобал ўзаро сидқидиллик”ни маънавий кодекс, метанойя, яъни тавба-тазарру қилиш даражасида англамоғи лозим. Олис хомхаёл бўлиб туюлса-да, инсоният Парвардигор ато этган азалий ва абадий ўзаро самимият сари юзланиши учун онтологик асослар, таянчлар мавжуд. Улар жаҳон донолик хазиналарию илмий манбалар қаърида асрлар оша мавридини бедор кутмоқдаки, баъзиларини ҳавола этишни лозим топдик. Одамни бошқа жонзотлардан ажратиш, чин инсонийлик даражасига кўтариш мумкин, шу туфайли инсоният ҳаётийлик, яратувчилик сари юз тутар, деган умиддамиз. Ўртага ташланаётган фикр-мулоҳазалар тахминий характерда, шунинг учун уларни етарли фактологик илмий-назарий асосга эга, дейишдан йироқмиз.

Аввало, одамзоднинг ибтидоданоқ ўзаро тандош-қондошлигини англай олиш салоҳиятига тўхталсак. Бу феномен нафақат табиий фанлар, постноклассик ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий адабиётларда ҳам аллақачон эътироф этилган. Илм аҳли томонидан одамзоднинг шунчаки ўзаро биологик айнанликдан тандош-қондош эканини англаш босқичига ўтиши билан боғлиқ фикр шу контекстда тушунилса, тўғри бўлади. Эътиборли жиҳати, бу гипотеза тарафдорлари тобора кўпаймоқда. Рационал тафаккур ва жамоавий ишлаб чиқариш ҳаётни фаровонлик томон йўнал-

тирди. Бу ички биологик трансформация ва социомаданий императивлик пировардида муттасил ҳаракатдаги “Инсон – социум – космос” яхлитлигини юзага чиқарди. Бундан икки минг йил аввал яшаган улуғ файласуф Арья Нагаржуна битикларида ҳам биқиқликдан холи бундай ҳайратомуз ўзгаришга ишоралар борлиги диққатга сазовор (*Цонкапа. Океан аргументов: большой комментарий к тексту Нагарджуны. Улан-Удэ, Издательство БНЦ СО РАН, 2020. Стр. 295 – 298*).

Инсон моддий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий ва руҳий ҳолатлар, уларни турли хил баҳолаш туфайли борлигини, наслини, онтологик “чин бурчи”ни унутгандек. Бироқ жисму жонга йўғрилган чин ахлоқ ва чин бурч, чин қалб ва чин хулқ-атвор руҳиятни тамомила тарк этмайди. Ҳатто бебурдлик ва вайронкорлик шароитида ҳам чин қалб инсон жонини сақлаб қолар экан. Бунга ҳаётий далиллар, илмий асослар етарли.

Мавриди келиб, барчанинг фитратидан азалий жой олган инсоний бурч туйғуси уйғониб, инсоният яна аслига қайтиши ва улкан маънавий бирбутунлик юзага келиши мумкин. Бу тасаввурга сигмас феноменни “ички маънавий синхронлик” деймиз. Бу йўлда постноклассик дунёқараш бағрида кучайган “олам ва одам” уйғунлигига доир ғоя тасодиф эмас, балки азалий эканига доир энг янги таълимотларга суянамиз (*қаранг: Скворцова Е. Киотская философская школа и нигилизм. “Вопросы философии”, 2023, №7. Стр. 203-213; Битинайте Е. Между Божеским и человеческим. Размышления над книгой “Ведомый любовью. Воспоминания Винобы Бхаве”. “Вопросы философии”, 2022, №12. Стр.*

192-200). Бу кўламли ички ботиний трансформация, гарчанд аниқ фанлар нуқтаи назаридан қараганда, абстракция бўлиб туюлса-да, метафизик жиҳатдан англаниши қийин, аммо тўлақонли реаллик сифатида яшашга ҳақли экани исботланди.

Инсон эркин мавжудот экан, унинг ҳаётий фаолияти айнан чин эркинликдан бошланган. Шу асосда ўзаро самимият, фаровонлик ҳамда инсонийликка эришилган. Бироқ ижтимоийлик турлихиллик касб этган сари асл табиий эркинлик ўрнини ижтимоий мақом, имтиёзга асосланган “қўлбола” эркинлик, жамоавийлик сингари нотабиийликлар эгаллади. Пировардида асл эркинлик тегишли тузилмалар манфатларига мутлақ зидлиги боис минг йиллар давомида бани башарни парчалади. Тандош-қондошлик ўзаро душманликка дўнди. Инсонни инсон қилиб турган социал константалар, таянчлар ўрнига сунъий эркинлик чуқур илдиз отди. Ғарбдаги нохуш, хавфли трансформацияга эътиборсизлик айрим мутафаккирлар қалбини яралади. Испаниялик атоқли файласуф Хавьер Субирининг кечинмалари шундан далолат беради (*қаранг: Амелина Я. Метафизика Хавьера Субири: вечный поиск между Богом и человеком. “Вопросы философии”, 2021, №6. Стр. 131 – 148*).

Одамсиз олам – олам, оламсиз одам – одам эмас. Булар бир-бирини асрашга маҳкум. Ислом оламининг забардаст мутафаккири Ибн Арабий “Инсон дунёни асрагувчидир. Зеро инсон туфайли дунёнинг таркибий қисмлари мукамаллик, бардавомлик касб этади. Дунёнинг абадулабад сақланиб туришида инсон Оллоҳ Таолонинг ворисидир” деганида ҳақ эди.

Шундай экан, маънан аслига қайтиш, тавба-тазарруга юз тутиш одамзодни азалий яқдилликка олиб келишига оид ғоя утопияга ўхшаса-да, кучли асосга эга. Зеро чуқур тафаккур соҳибларига кўриниш берган сон-саноксиз ҳодисалар теграсидан “қўним топган” идеаллар, мавриди келиб, объективлик касб этади, реаликка айланади (қаранг: Шопенгауер А. *Мир как воля и представление. Антология мировой философии в 4-х томах. Т. 3. Москва, “Мысль”, 1971. Стр. 691-692*). Англичани қийин, аммо шу феномен одамзодни яна бирлаштириши мумкин ва шарт десак, хато қилмаган бўламиз.

Бани башарни бирлаштиришга қодир, аммо, афсуски, ҳозирча аксарият кишилар тасаввурига сиғмайдиган яна бир буюк ботиний қудрат бу – комиллик феномени. Дунёнинг қай пучмоғида умргузаронлик қилаётганидан қатъи назар, комил инсонлар ғойибона бир-биридан хабардор ва ўзаро ҳамнафасдек. Шу тарзда улар даъвати умумбашарий доирада бани башарни ҳалокатли парчаланишдан асрайди. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Мен етмиш уч мазҳаб ила бирдурман” деган сўзларида улуғ инсонларнинг бани башар яқдиллиги йўлида азиз жонини ҳам аямагани аёнлашади. Нажмиддин Кубро (Ўзбекистон), Лао Цзи ва Конфуций (Хитой), Нагаржуна ва Ганди (Ҳиндистон), Мандела ва Лумумба (Африка), Боливар ва Че Гевара (Лотин Америкаси), Жанна д’Арк (Франция), Достоевский (Россия) каби тарихий шахсларнинг инсоният олдидagi хизматини тўлиқ сарҳисоб этишга қурбимиз етмаса-да, улар сиймоси туфайли бани башар келажакка умид кўзи билан боқаётганини яна бир бор таъкидлаш фойдадан холи эмас.

Биз турли объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра бир-биридан йироқлашган инсоният аслига қайтиш, жондош-қондошлигини чуқур ҳис этишга маҳкумлигини тақозо этувчи ички асосларнинг баъзилари хусусида сўз юритдик. Уларга доир маълумотлар тарқоқ ҳолда илм соҳалари қатламларида яширингани боис бунини яхлит бир тизимга тушириш мушкул. Демак, инсоният заковати изланишдан тўхтамаслиги лозим. Шундай йўл тутилсагина у ҳам ўзини, ҳам коинотни асраб қолиши мумкин.

Инсониятнинг ўз сарчашмасига ички интилиши, хоҳиш-иродасига айтирлик боғлиқ бўлмаган, лекин бунга бевосита дахлдор экзоген ташқи императивлар ҳам талайгина. Илмий фаразлар мукамалликдан анча йироқ, узук-юлуқ бўлса-да, баъзиларини баҳам кўришни лозим топдик. Улардан бири – хронологик қисқа кесимда бўлмаса-да, одамзоднинг геотарихий турли координаталарда ўхшаш шароитда туғилгани билан боғлиқ синхронлик назарияси. Мазкур ҳулосанинг теологик ҳамда илмий-фалсафий манбаларда аллақачон мавжудлигининг ўзи эътиборга лойиқ (қаранг: Соловьёв Э. *Прошлое толкует нас. Москва, Политиздат, 1991. Стр. 47*). Кейинчалик у ўз тасдиғини топади-йўқми – бошқа масала.

“Космос – табиат – инсон” триадасидек азалий ва абадий мувозанат-мутаносиблик ҳолати қайтарилмайдиган феномендир. Инсон дунёга келиши биланоқ ўз ўзанига тушгани ҳақида жўяли фикрлар етарли. Хаос космосга айланди. Одам оламга, олам эса одамга йўғрилди. Буддизм фалсафаси ўзак концепцияларидан бирига кўра, “ўзаро боғлиқликда ўзаро туғилиш” содир бўлди (қаранг: Урбанева И. *Введение в трактат*

Чже Цонкапы “Океан аргументов: Большой комментарий к тексту Нагарджуны “*Maadamadhyamakakarika*”. “Философия и культура”, 2020, №11. Стр. 44 – 58).

Муқаддас китоблар ҳамда битикларда инсоннинг ёруғ дунёга келишига доир ҳайратомуз ўхшаш сюжетлар мавжуд. Жумладан, инсоният Фу ва Шэнь (даосизмда), Машна ва Машяне (зардуштийликда), Чакравартин (ҳиндуизмда), Одам Ато ва Момо Ҳаво (самовий динларда) аталмиш илк одамлардан тарқалгани, улар “абадийлик бешиги”ни тарк этиб, фоний дунёда қўним топгани нақл этилган. Энг қизиғи, уларнинг юзлаб йиллар яшагани ҳақидаги маълумотлар бир хил. Шу аснода беихтиёр “Балки муқаддас битиклардаги сюжетлар бир-биридан кўчирмадир?” деган шубҳа ҳаёлдан ўтади. Гап шундаки, муқаддас китоблар, битиклар бир-бирига ўхшаш бўлмаган қадимги санскрит, қадимги хитой, яҳудий, юнон, оромий, араб, дравиди ва бошқа тилларда хатга туширилган. Бу лисонлар тарқалган ҳудудлар географик жиҳатдан ўзаро анча узоқ жойлашган. Илоҳий китоблар нозил бўлган даврлар ҳам тарихан ҳар хил. Бугунга келиб, хусусан, табиий фанларда рўй бераётган анъанавий қарашларни қайта идрок этиш, теологик илмдаги ижобий бурилиш, қолаверса, интеллектуал кузатувлар шунчаки шубҳаларга ўрин қолдирмаётир.

Одамзоднинг дунёнинг турли координатларида деярли бир вақт кесимида, “буюк бурилиш нуқта”сида яратилгани жумлаи жаҳон хотирасидан, керак бўлса, илмий тафаккурдан жой олгани ҳам бор гап. Шундай экан, “чегаравий вақт”нинг қуввати инсониятни қайта бир жон ва бир тан бўлишга “мажбурлаши” эҳтимоли катта. Бун-


дай радикал эврилишларнинг тўсатдан юз беришидан кекса тарих хабардор.

Инсоннинг имконияти чексиз, лекин ҳамма амалларнинг чегараси, меъёри бор. Одам фарзандлари ўша “охирги чизик”ни ҳатламасдан маънавийликнинг бошқа уфқи томон юзланмоғи, жузъий мақсад-мўлжалларни тарк этиб, юксак чўққилар сари бурилиши лозим бўлади. Одамзод хоҳлайдими-йўқми, эзгуликни танлашга мажбур ва маҳкум.

Бурч ҳақидаги мулоҳазаларни яқунлар эканмиз, одам психологиясидан жой олган турли-туман иллатларнинг ҳамон юзага чиқаётгани, ижтимоий, маънавий ва руҳий деформация одатий воқеликка айланаётгани, инсоннинг ўз қавмдошлари билан бирлаштириб турган туб илдиздан тобора йироқлашаётгани, нафсу манфаат қутқуси, имтиёзхўрлик каби иллатлар авж олаётганини қайд этишга тўғри келади. XX асрнинг атоқли мутафаккири Макс Вебер таассуф ила ёзганидек, индивид моддиюнчилик балоси сабабли жамоавийлик, ҳамнафасликдек азалий қадриятларни тарк этиб, сунъийлик сари юзланмоқда. Инсон зотининг шафқатсиз агрегатга айланиш хавфи тобора ошмоқда, ҳамдардлик ўрнини яланғоч интеллект эгалламоқда (қаранг: Вебер М. *Аграрная история Древнего мира. Москва, 2001. Стр. 35 – 39*).

Юксалиш ва инновациядек бир-бирига елкадош тамойилларнинг ўзаро муносабати доирасида инсонни тамоман бошқа мавжудотга айлантириш эҳтимоли кучаймоқда. Унга ато этилган заковат, табиийлик, самимийлик ҳақида айтилган барча эзгу фикрлару орзу-умидлар саробга айланмаслиги учун одамзод, қандай бўлмасин, ўз аслига яна қайтмоғи даркор!

Абдулла АЪЗАМ



BILIMDON KERAKMI YO TOPARMON?

Астероиддан ҳам хатарли

Бирор киши гравитация қонунини рад эта оладими? Йўқ, албатта. Ҳарқанча қўлини силкисин – қушга ўхшаб парвоз қилмоққа ожиз. Бирор киши электр қонунларини инкор этадими? Йўқ, акс ҳолда уни ток уриб ўлдиради.

Табиатнинг ана шундай қонунларидан яна бири “табиий танланиш” деб аталади. Унга кўра, табиат жонли жонзотларни саралайди, айрим турлар кўпаймайди, ҳатто қирилиб битади. Масалан, улкан астероид Юкатан яриморлига урилиб Ер қуррасида содир бўлган кескин ўзгариш натижасида динозаврларнинг аксари қирилиб кетган,

фақат синовдан ўтганлари – тимсоҳлар, қушлар яшаб қолган. Бундан бир неча ўн минг йил аввал муз даври бошланганида онгли одамлар (оловдан фойдаланишни ўрганганлари) жон сақлаб, қолган қабила-лар йўқ бўлиб кетган.

Бугун инсоният астероид урилишидан ҳам, музлик даврдан ҳам кучлироқ бир синов қаршисида турибди: ғарбча маданият! Бу синовдан оила қадриятларини сақлаб қолганлар омон чиқади, бошқалари камайиб-камайиб, охири йўқликка юз тутади. Табиий танланиш қонуни ҳозирнинг ўзидаёқ ўз кучини яққол кўрсатмоқда, туб европаликлар кескин камаймоқда. Муҳи-

Abdulla A'ZAM
Bilimdon kerakmi yo toparmon?

ми, бундай танлов нафақат қабилалар ўртасида, балки қабила ичида ҳам юз беради: оила қадриятларини асрайдиганларнинг фарзандлари кўпаяверади; ҳаётни еб-ичиш, ўйнаб-кулиш деб тушунадиганлар ўзидан кўп зурриёт қолдиришни истамайди ва буни онгли қарор деб ҳисоблайди. Йўқ, аслида бу – Яратганнинг табиий танланиш қонуни зимдан кучини кўрсатаётганидан. Исломни қабул қилаётган оқтанлилар сони ортиб бораётганининг асосий сабабларидан бири – улар бу диннинг оила, никоҳ, ҳаё қаби қадриятларни қаттиқ ҳимоя қилишини англагани туфайлидир.

Тарих бирёқламаликни хушламайди

Бобурнинг Навоийга муносабатини фақат “Бобурнома”га таяниб ўрганиш хато. Бобур томонидан “Мезон ул-авзон” рисоласининг танқид қилиниши, “Девони Фоний” ҳақидаги салбий фикр “Бобурнома”нинг шу боби ёзилган вақтдан кейин яратилган “Аруз” рисоласида тузатилган: “Мезон ул-авзон”дан 6 рубоий келтирилган, унинг бекаму кўстлиги таъкидланган. Бобур форсий девонга ҳам юксак баҳо берган, умуман, Навоийни устод дея алқаган. Фақат бугина эмас, Бобурнинг Навоийга муносабатини ўрганишда унинг “Девон”ига ҳам мурожаат қилиш керак. Зеро, “Девон”да Навоийнинг таъсири ниҳоятда кучли. Илмий тарих бирёқламаликни хушламайди, билъакс, мукаммал ёндашувни талаб этади.

Замони ўтган истилоҳ

“Чигатой адабиёти” атамаси туркологлар учун одатий бўлса ҳам, принципа-

хато истилоҳдир. Навоий ўз тилини “турк тилининг Чигатой улуси лаҳжаси” деб атаган. Чигатой улуси аслида Навоий давридаёқ эскириб бўлган эди.



“Чигатой тили/адабиёти” атамаларини XIX асрда рус туркшунослари фанга тикиштирган, уни ўзимизнинг зиёлилар негадир ҳеч бир маълумсиз қабул қилган эди (“Чигатой гурунги” ва бошқалар). Мазмун-моҳиятига кўра, “турк тилининг Турон лаҳжаси/адабиёти”, “мумтоз ўзбек тили/адабиёти” атамалари мақбулроқ.

“Қумурсқалар бўлди сафардош...”

Ўзбекнинг энг улкан истеъдодларининг армони, балки фожиаси – қумурсқалар билан овора бўлиш.

Тескари пропорция

Актёр ва режиссёр Александр Ширвиндт ёдномаларини ўқиганда ҳаёлга келган фикр: “Давлатнинг дурустлиги, халқнинг бахти баланд деворлар, темир панжаралар ва тиканли симлар узунлигига тескари пропорционал”.

Китоб ва кино

Когнитив нейрофизиология аниқлаган қонунлар: 1) китоб ўқиш билан кино, ТВ, умуман, видео томоша қилиш ўртасидаги асосий фарқ: томоша қилганда кўриш қобилияти ишлайди – воқеалар кўз олдида

юз беради, китоб ўқиганда тасаввур қобиляти ишга тушади; 2) тафаккур қобиляти ишлаши учун кўрган ва ўқиган устида фикр юритмоқ лозим. Китоб муталааси жараёнида фикр юритиш осон, томоша қилганда қийин. Агар кўрсатувда воқеалар тез, лип-лип қилиб ўтса, тафаккур кучи ишга тушмайди.

Хулоса: клиппар, тасвир жуда тез алмашадиган фильмлар одамнинг фикрлаш қобиляти ривожланиши йўлида ғов.

Ижод аксиомалари

- ✓ Ижод соҳаси муттасил илгарилама ҳаракатда бўлмайди – истеъдодлар зилзила каби вақти-вақти билан, кутилмаганда бўй кўрсатади.
- ✓ Буюк асар вакуумда туғилмайди, у аввалгилардан ибрат олиш, ўрганиш, айна вақтда, улардан ўзишга интилиш ҳосиласидир. Буюк асарлар туғилишида ижодий мусобақанинг роли катта: нафақат замондошлар – ўтганлар билан ҳам, нафақат атрофидагилар – узоқдагилар билан ҳам.
- ✓ Ижодда “миқдорнинг сифатга ўтиш” қонуни амал қилмайди.
- ✓ Ижодкорнинг фожиаси – ижоди билан ҳаётий принциплари уйғун эмаслигида.
- ✓ Тажриба, изланиш, новаторликни тақиқлаш, қоралаш, менсимаслик тўғри эмас – у рағбатлантирилиши керак.
- ✓ Ҳеч бир жанр эскириб, чиқитга чиқмайди, балки мудраб, уйғотувчисини кутиб ётади.
- ✓ Шаклнинг ҳам аҳамияти бор. Буюк асарларда шакл ва мазмун уйғун – униси ҳам, буниси ҳам мукамал бўлади. Шакл – дейлик, қизнинг ҳусну жамоли,

қадди-қомати, мазмун – характери, кўнгли, одобидир.

- ✓ Ўзидан қониқмаслик – бамисоли ижодкорни юксакка кўтарувчи ракета.
- ✓ Авваллари истеъдоднинг 99 фоизи меҳнат дейилар эди, энди 999 промилеси меҳнатдир.
- ✓ Афсуски, буюк асарлар билан ўртамиёна асарлар ўртасида “хитой девори” йўқ.
- ✓ “Ижодкор бўлишингиз шарт эмас, инсон бўлишингиз шарт”. Ижодкор ҳам инсон, инсонга хос ожизликлардан холи эмас.
- ✓ Истеъдод ўрмондаги энг баланд дарахтга ўхшайди – шамолнинг ҳамласига энг аввал у йўлиқади, яшин ҳам биринчи бўлиб уни уради.

Отни жиловлаш вақти

Бугунги Ғарб – истеъмол цивилизациясидир. Унинг эришган ютуқлари истеъмол омили туфайли. Айна чоқда фожиаси ҳам. Одам бойиган сари истеъмол туйғуси ошиб боради. Тасаввуф фалсафасининг бош ғояси нафсни, хусусан, истеъмол туйғусини жиловлаш экани бежиз эмас.

...биз эса, нафсимизни жиловламоқ ўрнига, Ғарбга эргашиб, отни қамчилаяпмиз: яна, яна, яна...

Театр тили

1960-йиллар. Тошкент. “Олтин давримиз”. Ҳамза ва Муқимий театрлари гуллаб-яшнаган кезлар. Хонадошлар билан ҳар стипендия олган куни спектакль кўришни одат қилганмиз. Олим Хўжаевнинг Гамлети, Шукур Бурҳоновнинг Ғофир, Сора Эшонтўраеванинг япон онаси,

Амин Турдиевнинг “Оғриқ тишлар”даги роли ҳамон ёдимда. Томошабинлар ҳам ҳозиргига қараганда соддароқ, ишонувчанроқ эди. Айтишларича, “Фарҳод ва Ширин” спектаклида бир омироқ милиционер саҳнадаги воқеалардан таъсирланиб кетиб Ёсуман ролини ижро этаётган актрисага қарата ўқ узган экан. “Гамлет”га тушганимизда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса бўлган: бош қаҳрамон отасининг руҳи билан учрашадиган саҳна шундай жиҳозланган эдики, одамнинг эти жунжикарди. Саҳнанинг орқа томонидаги қора рамкада бирдан арвоҳ пайдо бўлганда томошабинлардан бири қичқириб юборган эди.

...Ломоносов номидаги МДУ театрига авангард труппа гастролга келди. Спектакль театр ва кинонинг синтезидан иборат экан. Актёрлар саҳнада роль ўйнаб, унинг четига борар эди-да, экранга кириб кетар, шу тариқа спектакль кино тарзида давом этар, сўнг актёрлар яна саҳнага қайтар эди. Бунақа спектаклни бошқа кўрмадим.

1984 йили Пермь шаҳрида илмий анжуман бўлди. Ўша даврда Пермь опера ва балет театри анча машҳур эди. Меҳмонхона театрга яқин экан, кечки спектаклга бордим. “Маликаи Турандот” қўйилаётган экан. Аншла! Иши чиқиб қолиб, чиптасини сотадиганлар ҳам йўлиқмади. Таваккал қилиб, артистлар ва ходимлар кирадиган хизмат эшигини тақиллатдим. Навбатчи қоровул аёл киши экан. Тошкентдан келганимни, театрга тушмай кетсам ўзимдан хафа бўлишимни айтдим. У “Ташкент?!” дедию мени эшикдан киритиб (қиш, ташқарида 30 даража совуқ эди), кутиб туришга ишора қилди. Бир оздан сўнг

бошқа бир аёлни етаклаб келди. У театрнинг бош маъмури бўлиб, қарангки, болалиги уруш йиллари Тошкентда ўтган экан. Олиб бориб ложадаги ўз жойига ўтқазиб қўйди.

Ҳозиргача кўрган спектаклларим асосида шундай хулоса қиламан: агар спектакль саҳнада ўзига хос муҳит, кайфият (руҳият деса тўғрироқ бўлар) яратиб, томошабинни ўз қаърига тортиб кета олса – чинакам санъат, акс ҳолда ундан ёмони йўқ. Санъатнинг бошқа жанрларидан фарқли ўлароқ, ўртача саҳна асари бўлмайди. Зўр спектакль бир томондан – драматург, режиссёр, актёрлар маҳорати, бошқа томондан, томошабин савиясига боғлиқ.

Турк бойлари қандай тўй қилади?

1993 йили бир ойлик маданий алмашув дастури бўйича Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлдик. Меҳмонхонамиз шаҳарнинг Лаванд деган донгдор даҳасида жойлашган. Ҳар ҳафта бой хонадонларнинг тўйи бўлади. Суннат тўйида йигирма-ўттиз меҳмон қатнашади. Тўйбола пошо (генерал) формасида, елкаси оша тасма боғланган. Меҳмонлар келади-да тасмага медаль тақиб қўяди. Биринчи сафар қизиқиб сўраймиз. Тушунтиришади – медаль соф тилладан ясалган, махсус дўкондан сотиб олинган. Йиғилган медаллар (бир килоча тилла) банкка қўйилар, тўйбола вояга етгунча кўпайиб турар экан. Катта бўлгач, университетда ўқиш, тадбиркорлик қилишга сарфларкан. Никоҳ тўйи ҳам шундай: меҳмонлар қирқ-эллик чоғли, деворга гулчамбар осилган, қариндош-уруғ, дўст-ёр

унга медаль тақади. Йиғилган салмоқлигин олтинни келин-куёв мустақил ҳаётни йўлга қўйишга ишлатади.

Қизиги, бой хонадонларнинг тўйида ҳам дастурхонга фақат мева-чева, шарбат, пишириқ тортилади, иссиқ овқат қўйилмайди. Меҳмонлар қўлларини бир-бирларининг елкасига ташлаб, ватанпарварлик руҳида қўшиқ куйлашади. Артист – рестораннинг штатдаги қўшиқчиси, қистир-қистир, варанг мусиқа, рақс-пақс йўқ.

Турк қардошлар топганини фарзандларининг келажига сарфлайди, биз эса исрофга, дабдабага...

Бир кунлик севги

Невараларимнинг бувиси телевизорда ўзбек каналларидан бирининг дастурини кўраётган экан, бинойидек хусн ва қадди-қоматли уч қиз навбат билан қўшиқ айтяпти. “Мени бугун севасанми, ёр?” деган нақарот билан куйлади бири. Шеър муаллифи нимани назарда тутса тутгандир, ҳозир ким кўп – сўз бойлиги ҳаминқадар шоир, аммо дастурни тайёрлашда иштирок этган ўнлаб одамдан “Нега энди бир кунлик севги?” дейишга наҳот бирортасининг фаросати етмаган?..

Мусофир бўлмагунча...

Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида ташкил этилган илмий анжуманда қатнашдим. Шаҳарнинг жануби – яйдоқ тоғ, қолган уч томони – қум барханлари. Нафи тегиши мумкин бўлган кузатувлар:

1. Сой тугул жилға ҳам йўқ, аммо ҳаммаёқ дарахтзор, бутазор, гулзор – томчилаб суғориш учун ҳар бир туп остига ре-

зина ичак тортилган. Денгиз суви чучуклаштириб олинади.

2. Шаҳарда битта йирик жоме (Масжиди Халифа) бор. Бошқа ҳаммаси кичик, аммо бир-бирига яқин – намозхон ортиқча вақт сарфламайди, автотирбандлик йўқ, чунки кўпчилик пиёда боради.

3. Саҳрода бунёд этилгани учун кўчалар, хиёбонлар, тураржойлар ниҳоятда кенг. Биз ҳам экинзорларни шаҳарга айлантирмай, экин экилмайдиган майдонларда янги маҳаллалар, шаҳарлар барпо этсак тўғрироқ бўлар.

4. Қандай эришилган – билолмадим, атроф саҳро, ёмғир тақчил бўлса ҳам, чанг йўқ, ҳаммаёқ озода.

5. Дубай аэропорти Ислон Каримов номидаги “ҳамкасб”идан камида юз марта катта, аммо йўловчилар учун ниҳоятда қулай.

Дарҳақиқат, мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмаймиз.

Бузма маърифат Каъбасин

Агар архитектура ёдгорлиги бизнес маркази, бозор, ресторан каби сердаромад соҳалар қуришга ўнғай жойда бўлса, ҳарқанча тарихий аҳамиятга молик бўлмасин, нафси аждарҳо, шайтонга қўл берганлар уни бузмай қўймайди.

“Турон” кутубхонаси халқимизнинг мўътабар масканларидан эди – жадид ҳаракатининг маънавий ўчоғи бўлган. У даргоҳда Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби улуғлар руҳи кезиб юрар эди. Бузиб ўрнига бачкана (спирал) бино барпо қилинди. Сифатсиз қурилган экан, устини ёпишга мажбур бўлишди – архитектура ғариб, бенаво чиқди. Бундай мисоллар ўнлаб...

Яна таълим, яна маориф

Таълим сифатини баҳолашнинг халқаро PISA тест синови натижалари бўйича 81 та давлат орасида Ўзбекистон жуда паст натижа кўрсатди (2022). Бу ҳар бир ватандошни ўйлантириши лозим.

PISA тест синови ҳар уч йилда 15 яшар ўқувчилар ўртасида ўқиш малакаси, математика ва табиий фанлар бўйича ўтказилади. Ўзбекистон ўқувчилари математика бўйича пастдан 10-ўринда, табиий фанлар ва ўқиш саводхонлиги бўйича охиридан иккинчи ўринда. Математика ва табиий фанлар бўлганича бўлар. Дод дейсизки, ўқиш саводхонлиги бўйича ҳам аҳвол йиғлагудек! Гап Навоийни, Толстойни, Қодирийни эмас, соддагина матнни ўқиб тушуниш ҳақида кетмоқда.

Барака топкурлар, бу ҳолга фақат дастур, дарслик, ислоҳот, таълимга эътибор, ажратиладиган маблағ, ўқитувчилар малакасини ошириш, аттестация ва ҳоказоларгина сабабми? Ахир, болаларимиз ўқимаяпти-ку! Ўқишни хоҳламайди, ўқишни билмайди. Ўтган асрнинг 20-йиллари мезонида айтсак, чаласавод. Бугунги кун ўлчовида – ғирт саводсиз. Ўқийдиганлари

бор, аммо кўп эмас. Назаримда, мактаб ўқитишни эплай олмаяпти. Ота-оналар болам ўқисин демаяпти, халқ таълими тизимидаги айрим масъуллар маошини ҳалоллаб олмаяпти, улар таълим эмас, бошқа ўй-хаёллар билан банддек.

Ташхис: таълим сифати билан шуғулланиш “соққа” келтирмайди, турган-битгани ташвиш, тер тўкиб қора меҳнат қилиш керак. Ислоҳот, дарслик, мактабларни жиҳозлар билан таъминлаш, таъмир... булардан эса миллиардлаб даромад қилса бўлади. Мана, муаммонинг ўқилдизи!

Иккинчи илдизи – миллатнинг менталитети (қони) бузилганида. Бир оила турмуш аравасини аранг тортиш билан овора – боласининг саводхонлиги ҳақида қайғурадими? Бошқа бири бой, аммо боласини билимдон эмас, топармон бўлишини (ҳалол ё ҳаром эканининг аҳамияти йўқ!) ўйлайди.

Мени шу савол қизиқтиряпти: минглаб халқ таълими масъуллари, юзлаб мутасаддилар, ўнлаб юқори мансабдорлар орасидан халқаро рейтингда Ўзбекистон охириги ўринларни эгаллагани сабаб истеъфо берадиган мард топиладими?..



Жўрабек РЎЗМЕТОВ



Эссе

Aql bilan mehnat salomat bo'lsa...

Икки мингинчи йилнинг кузи... Ўша кезлар биринчи ўзбек профессионал театр режиссёри Маннон Уйғур номи берилган Тошкент давлат Санъат институтининг Юнус Ражабий кўчасидаги 77-уйда жойлашган биносида ўзгача ҳаёт қайнар, бегона кимса шаҳри азимнинг суронларидан айри, ўзига хос ижодий муҳит ҳукмрон бу масканга келиб қолса ҳайратда қолиши табиий эди. Камина, мактабни битириб келган ўспирин ҳам, босқичма-босқич имтиҳон топширар эканман, манзилда адашдим-ов,

деган иштибоҳга борганим рост. Театрга бўлган муҳаббат жуфтакни ростлаб қолишимга йўл қўймаган.

Ўша йили режиссёрлик гуруҳидан имтиҳонни Ўзбекистон халқ артисти, профессор Анатолий Қобулов олган эди. Сухбат чоғи у киши менга кутилмаган савол берди: “Ўғлим, жуда ёш экансиз, тўрт-беш йилда битирсангиз... йигирма яшар режиссёрни қаерда кўргансиз? Масалан, мен бунақасини билмайман...” “Мана, биз бўламиз-да!” дея катта кетиб, гапни чўрт кесдик. Очиғи,

санъат институти биринчи курс талабаларига теккан касал бу. Битирар чоғи эса ҳеч ким эмаслигини англаб, кибр-ҳаводан асар ҳам қолмайди, ичдаги пуфак ёрилади ва ҳақиқий меҳнатга, усталар таъбири билан айтганда, “чанг ютиш”га сафарбар бўлади. Айниқса, каминанинг курсдошлари орасида истеъдод соҳиблари талайгина эди: бири вилоят театрида спектакль қўйган, бири МХТда тажриба орттирган, бири олти йил имтиҳон топшириб, еттинчи йилигина омади чопган, бошқа бири ҳуқуқшуносликка ҳавас қўйган-у, машҳур режиссёрнинг сулоласи меросхўрсиз қолиши хавфи туғилгач, бизнинг сафимизга кирган, яна бошқаси “ойдан тушган”. Хуллас, ораларида мактабдан тўппа-тўғри институтга келгани – фақат мен.

Ўқишни бошлаганимизга уч ойдан ошдики, гуруҳимизнинг бадиий раҳбари йўқ эди. Қобулов домланинг актёрлик ва режиссёрлик курслари бўлгани учун бизга вақт ажрата олмас экан. Маҳорат дарсларига домлалар галма-галдан кириб турди. Ўша кезлар сезмаган бўлсак-да, қандайин санъат дарғалари билан учрашганимизни энди-энди билияпмиз. Уларнинг кўпи бугун орамизда йўқ. Улуғ кинорежиссёр, собиқ Иттифоқ халқ артисти, профессор Шуҳрат Аббосовнинг сабоқларини тингладик. Бироқ менга малол келадигани – уч соатдан ортиқ чўзиладиган дарслар нуқул рус тилида ўтиларди. Гуруҳдош валлакатларнинг бари русча тушунади ёки ўзини тушунган кўрсатади. Устоз дастлабки дарсдаёқ огоҳлантирган эди: “Режиссура – профессия русскоязычная!”. Илож қанча, русча бўлса русча-да... Устознинг майин овози мени аллалайди. “Разбудите пацана!” де-

ган хитобдан уйғонаман. “Онанинг эркаси, бир кеп-қопсиз-да!..” дея домла қўқонча оҳангда кесатади.

Шунда й кунларнинг бирида Драма ва кино санъати кафедраси мудир, халқ артисти, профессор Турғун Азизов устахонамизга бир кишини бошлаб кирди. Тўлқинсимон тимқора сочлари орқага таралган, ноёб жинси шиму чарм камзули ўзига ниҳоятда ярашган, елкасига қора сумка илган аломат бир инсон. Турғун Турсунович гапни олисдан бошлади, бу киши кўп йиллар Фарғона рус театри, Сирдарё вилоят мусикали театри бош режиссёри бўлиб ишлагани, шу гуруҳга раҳбарлик қилишга базўр кўндиргани унинг педагог ва режиссёр сифатида катта тажрибага эга эканини таърифлаб, таништирувни бундай якунлади: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валихон Умаров!

Устоз билан илк учрашувимиз шу зайл кечган. Турғун Азизов хонани тарк этиши билан Валижон аканинг илк жумласи бундай бўлди: “Так, ребята...”

Беихтиёр пешанамга шапатиларим: эҳ, бу ёғи неча пулдан тушди?!

...1998 йилнинг баҳор ойлари Миллий театрда Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган янги





спектакль сахналаштирилганини эшитди-му шуни томоша қилиш истаги ҳеч тинчлик бермай қўйди. Адабиёт ва санъатга ихтисослашган мактаб ўқувчиси эдим, ахир. Бунинг устига, гап Чўлпон ҳақида кетаётир... Театрга томоша бошланишидан олдин етиб бордим. Одатда бу даргоҳга ўқитувчиларимиз тез-тез олиб келарди. Баъзан ёлғиз ўзим келиб, чиптасиз кирган пайтларим ҳам бўлган. Бу гал ундай бўлмади. Янги спектакль, премьераси яқинда ўтган, томошабин кўп бўлса керак, деган ўй билан томоша залига кирдим, чиптада кўрсатилган ўриндиққа бориб ўтирдим. Залда мендан бошқа беш-олти киши бор, холос. Спектакль бошланишига бир неча

дақиқа қолганда назоратчи аёл томошабинлар ўн икки нафарга етмаса томоша қолдирилиши ҳақида огоҳлантирди. Учинчи кўнғироқ чалинди ҳамки, бошқа томошабин келмади. Ҳафсалам пир бўлиб ўрнимдан турдим. Мухлислардан бири назоратчи аёлга яна ўн дақиқа кутайлик, дея илтимос қилди. Раҳбариятдан сўрайчи, дея ортига ўгирилган аёл “Замминистр сахнага чиқмоқчи бўлиб турибди-ю, одам келмаганини қаранг”, деди ўзига ўзи. Кетишга чоғланиб турганимда зал эшигининг иккала тавақаси ланг очилиб, маъмур ўн беш-йигирма чоғли томошабинни бошлаб кирди. Педагоглар малакасини ошириш институти тингловчилари экан. Хайрият,

деганча ўриндиққа жойлашдим. Чироқлар ўчирилиб, парда олдида Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов шам ушлаганча Чўлпон қиёфасида пайдо бўлди. Унинг “Адабиёт яшаса – миллат яшар” дея бошланувчи монологидан кейин парда кўтарилди. Сахнада ажиб бир муҳит намоён бўлди. Бу муҳит бизни сахнага олиб чиқдимиз ёки томоша залига тушиб бизни қўшаб олдимиз, айтолмайман. Бу расом маҳоратимиди ёки бастакор, ё чироқ устасинингми, бу ҳақда ҳам бир нима демоғим қийин. Лекин мен ўша лаҳзалар томоша залида эмас, балки Чўлпоннинг Тошкентдаги ҳовлисида эдим гўё. Спектакль сўнгидан янграган ўқ овози мени ларзага солди. Чироқлар ёнгачина томоша залига қайтганимни ҳис қилдим. Театр мухлиси сифатида доим спектакллар томоша қилиб юрадиган ўспирин руҳиятида гўё “Мана, театр дегани қандай бўлади!” деган овоз акс садо берди. Театрдан гарангсиб чиқарканман, режиссёри ким экан дея кўрimsизгина афиша ёнига бордим. “Муаллиф: Усмон Азим. Сахналаштирувчи режиссёр: Валихон Умаров”.

Устоз билан ғойибона танишувимиз ана шундай кечган эди.

* * *

Валихон Мирвосилович драма режиссёрлиги курсига бадиий раҳбар бўлиб келганида қишки имтиҳонларга оз фурсат қолган эди. Даставвал кузатувлар, этюдлар бўйича вазифа берди. Асосий талаб “ҳаракатлантирувчи сўз” ҳамда “табиий сукунат”ни акс эттиришимиз лозим. “Таъзия” этюди сахналаштирилаётир – жараённинг ўзи табиий сукунатни талаб қилади. Бутун

гуруҳ қатнашадиган бўлди. Мен яна жамоага бегоналашдим, сабаби – бу ҳолатга кўниқолмадим. Боз устига, гуруҳдошим сахнада мусибатни расмана бошидан кечиргандек йиғлаб, “отаси вафоти”дан ўқсиб таъзия қабул қилмоқда. Ҳарчанд уринмайин, кулгидан ўзимни тиёлмайман. “Она сути оғзидан кетмаган гўдак, юрибсан-да эркаланиб, туш сахнадан!” деган танбеҳ эшитдим. Табиийки, бу “сийлов” рус тилида янгради.

Гуруҳимиз устоз бошчилигида тахминан икки ҳафта актёрлик маҳоратидан имтиҳонга тайёрланди. Изоҳ тариқасида айтиб кетай: режиссёрлик бўлими талабалари уч йил актёрлик маҳоратини эгаллаб, диплом спектаклида роль ўйнаб, кейин режиссура сабоқларига ўтади.

Имтиҳонга қайтсак, камина кўп ҳам имтиҳон дастурига аралашмай, устоз ёнида ташкилотчилик, аниқроғи, “дастурхончилик” билан машғул бўлдим. Имтиҳондан кафедрамизнинг казо-казо домлалари кўтаринки кайфиятда чиқди. Ора-орада, “Это же Валихон!”, “Просто прелесть!”, ҳаттоки “Шедевр!” деган хитобларни ҳам

Режиссёр жасоратли бўлиши шарт. Унинг жасорати – принципида, тўғри деб билган зояларига бошқаларни ишонтира олишида! Ҳақман десанг-у, биров сенга ишонмаса ёки шубҳа билдирса, демак, қаердадир хато қилинган...

эшитдим. Биров эътибор бермаса-да, ўзимча талтаяман: “Бизнинг домла-да!” Шунча мақтовлардан кейин муҳокама-да сўнгсўз олган мўйловдор домла “Сиз ҳаммани лақиллатиб, профессионализм қоидасини буздингиз!” деса бўладими! Кескин янграган бу айбловдан ҳамма ҳайрон. Мўйловдор домла биринчи босқичда талабалар предметсиз ишлашни ўрганиши лозимлиги, ҳозирдан сахнада роль ўйнаш тартиб-таомилга зидлигини даъво қилди. Шунда устоз “Агар актёрларни ўқитганимда шундай йўл тутардим. Булар режиссёр, улар энг аввало сахнада ўзини топа билиши керак”, деди босиқлик билан... (Устоз билан Мўйловдор домла ўртасидаги зиддият биз институтни тамомлагандан кейин ҳам давом этди. Устоз басма-бас муваффақиятли курслар чиқарди, ўнлаб спектакллар сахналаштирди. Мўйловдорни эса онда-сонда кўриб тураман, ҳалиям институтда ёппасига ҳаммани Станиславский системасига хиёнатда айблаб юради. На илож, режиссура қарама-қаршиликни хуш кўради.)

Кейинги семестрга таътилдан қайтганда камина аудиторияга виқор билан кирдим: худди устоз каби жинси шим, чарм куртка кийиб олганман, сумкани елкага илиб, қуюқ ўсган қўнғироқ сочимни орқага тараганман... Шундай қилсам катта режиссёр бўламан, деб ўйлагандирман-да.

* * *

“Режиссёр жасоратли бўлиши шарт. Унинг жасорати – принципода, тўғри деб билган ғояларига бошқаларни ишонтира олишида! Ҳақман десанг-у, биров сенга ишонмаса ёки шубҳа билдирса, демак, қа-

ердадир хато қиялпсан...” Бу – устознинг бизга берган ўғитларидан бири. Устоз гуруҳимизнинг ҳар бир аъзосига феъл-атворига қараб муомала қиларди. Мен гуруҳда энг ёши кичиги бўлганим учун баъзан эр-калаб кўяр, аммо барчага бирдек меҳр кўрсатар эди. “Бизнинг касбда институтни тугатдинг – бўлди, деган гап йўқ. Диплом олдинг – режиссёр бўлиб қолмайсан. Умр-бод устоз-шогирд муносабати сақланиб қолади, доимий алоқа, ижодий маслаҳатлашувлар давом этади” деганида у нечоғли ҳақ экан! Ҳозир ҳам йўлдош сайёралар каби айланиб, у кишининг атрофидан кетолмаймиз.

Дарвоқе, режиссёр жасоратидан сўз очдим. Институтни тамомлагунимга қадар устоз кўплаб театрларда спектакль сахналаштирди. 2002 йилдан Ўзбек Миллий академик драма театрига бош режиссёр этиб тайинланди. Шу жараёнларда деярли доим ёнида бўлиб кўп сабоқлар олганман. Муқимий театрида “Алпомишнинг қайтиши”, Миллий театрда “Бир қадам йўл”, “Ўтган замон хангомалари”, “Адибнинг умри”, “Аёлғу”, “Дарахтлар тик туриб жон беради” каби ўнлаб асарлар яратилди. Бугун ҳеч истиҳоласиз айтиш керакки, номи зикр этилган спектаклларнинг ҳар бири ўзбек театр санъати тарихида катта ҳодиса бўлган. Йигирма йиллик кузатишларимга таяниб айта оламankи, театршунослигимиз асосий тадқиқот объекти сифатида айнан шу асарларни ўрганаётир.

* * *

2002 йилнинг ёзи. Усмон Азим қаламига мансуб “Бир қадам йўл” асарининг жамоатчилик кўриги бўляпти. Муҳокама-



да инобатли идоралардан каттаконлар қатнашмоқда. Мўйсафид театршунослар спектаклни маъқул деб турибди. Сиёсий арбобларга эса мавзу ҳассос, нозик туюлди. Машваратни бошқараётган амалдор домламиз вазиятни юмшатиб, ижодкорларни спектакль талқини хусусида ўйлаб кўришга кўндирди. Шу тариқа кетма-кет олтита кўрик ўтказилди. Сўнггиси ёпиқ ҳолда кечди: театрнинг ҳукумат аъзолари учун ажратилган хонасида кескин руҳда муҳокама бошланди. Муаллиф жиғибийрон бўлиб, билдирилган таклифларни инкор этди. Асабий ҳолатни юмшатиш учун гўё танаффус эълон қилинди, бир амалдор ёзувчи акамиз Усмон Азимга тоза ҳавога чиқиб келишни таклиф қилди. Валихон ака ёлғиз қолиши билан бутун бошли сахна кўриниши, қалтис саналган диалогларни қисқартириш талаби қўйилди. Устоз агар суҳбат шу оҳангда давом этса, хонани тарк

этаман, спектакль шу ҳолида қабул қилинса қилинди, мен унга бошқа ўзгартириш киритмайман, деди шартта кесиб. Бугун бу воқеани қулибгина, “Шунга шунчами?” деб эслаш мумкиндир, аммо йигирма йил аввал бундай қатъият билан иш тутиш тасаввурга сиғмас оқибатларга дучор қилиши ҳеч гап эмас эди. Амалдорлар иложсиз қолди, чунки театр арбоблари, мутахассислар олдинги кўрикларда спектакль томошабинга кўрсатилсин, дея тавсия берган. Маданият вазири вазифасини бажарувчи катта санъаткор ҳам “Ҳеч қандай сиёсий хато кўрмаяпман”, деди ғудраниб. Билдирилган мулоҳазалар инобатга олиниб, “Томошабинга кўрсатиш мумкин” деган мазмунда мужмал баённома тузилди. Дарвоқе, шу муҳокамани мўъжазгина камерада ўзим тасвирга олган эдим.

Орадан бир йилча ўтди. Ғафур Ғулум таваллудининг 100 йиллиги муносаба-

“Инсоннинг ҳамма жиҳати гўзал бўлиши керак: хусни ҳам, либоси ҳам, қалби ҳам, тафаккури ҳам!”

Чеховнинг “Ваня тоға” асари қаҳрамони тилидан айтиладиган ушбу сўзлар томошабин қалбига кириб бориши актёрнинг ақли ва маҳоратига боғлиқ.

ти билан адиб асарлари асосида Усмон Азим ёзган “Ўтган замон ҳангомалари” комедиясининг якуний тайёргарлиги, яъни “прогон”и кетаётган эди. Хизр қиёфасидаги подшо “Шоҳлар – Худонинг ердаги сояси, уларнинг ҳақиқа дуо қиласизми?” дея сўрайди, шунда Ҳасан Кайфий “Соядан нимадир умидвор бўлган одамнинг ўзи аҳмоқ”, деб жавоб қайтаради. Танаффус чоғи подшо роли ижроси, халқ артисти Эркин Комилов устознинг ёнига келиб, “Валихон, ростдан шу спектаклни топшира оламизми?” деб сўради. Саросимали бу саволга Валихон ака кулиб, Ҳасан Кайфийдан иқтибос келтириб жавоб қайтарди: “Ақл билан меҳнат саломат бўлса бас!” “Деворнинг қулоғи”дан эҳтиёт бўладиган замонлар эди-да. Қарангки, шу спектакль узоқ йиллар Миллий театр репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллади. Мен ана шунда режиссёр жасорати нима эканини тушунганман.

Драматург ва режиссёр ҳамкорлиги, дўстлиги, бир ёқадан бош чиқариши де-

ганга ўхшаш таъриф-тавсифларни эшитсангиз, асло ишонманг, сафсата бари! Икковлон дўст бўлиб бир дастурхон бошига келдими, билингки, натижа расво бўлади. Бу борада ҳам устоз тажрибаларидан мисол келтираман.

Ойбек таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланадиган бўлди. Миллий театр, таомилга кўра, юбилей кечаси янги сахна асари билан томошабини хушнуд этмоғи лозим эди. Драма ёзиш Усмон Азимнинг, сахналаштириш Валихон Умаровнинг чекига тушди. Бир ёқда Усмон ака сюжетга хамиртуруш қидирмоқда, бошқа томонда Валижон ака спектаклнинг умумий композицияси ҳақида бош қотирмоқда. Театр бош рассоми Бахтиёр Тўраев ҳам сахна кўринишининг бир нечта вариантини яратаёттир. Бир-икки актёр Ойбек домла ролини ўйнайман деб олд сочини жингалак қилиб, дўппи кийганча “Наъматак” шеърини ўқиб юрибди. Хуллас, иш авжида. Усмон Азим оз фурсатда манбаларни ўрганиб, илк қораламани тақдим этди. Вақт тигиз эмасми, театр бадий кенгаши ҳам ишни тезлатиш учун асарни қабул қилиб, “ишлаб чиқариш”га туширди. Асосий балогардон – муаллиф билан режиссёр! Атрофда маслаҳатгўйлар ҳам бор. Барига кўз-қулоқ бўлиб юрган эдим-у, андак ғофил қолибман. Бир вақт Усмон ака бош режиссёр хонасидан асабий чиқиб келдию нигоҳларини менга қадади:

– Менга қара, Жўра, (мен шундоғам у кишидан кўз узмай турибман) шу устозинг умрида пьеса ўқиганми, драматургияни тушунадими? (Очиғи, ўттиз йиллик режиссёрга нисбатан бу расмана ҳақорат эди.) Нуқул матнда диалоглар катта, воқеа

йўқ, дегани деган. Ўзи эга билан кесимнинг фарқига бормайди-ю, менинг диалогларимдан қусур топганига ўлайми! Бўлди, бас! Мен энди бармоғим учини ҳам қимирлатмайман. Шуни ўзи сен қўйсанг бўлмай-дими-а, ҳарҳолда адабиётни унча-мунча тушунасан...

Ўлай агар, шу чоққача эга-кесимни фарқлаб спектакль қўйган бирорта режиссёр борлигини эшитмаганман. Боз устига, бу жараёнда мен чой-пой дамлаб, дастурлик қилиб юрган бўлсам! Нима ҳам дердим, сукут сақладим.

Усмон ака шу “темпо-ритм”ни бузмай шитоб билан ташқари чиқиб кетди. Мен эса Валихон аканинг хонасига ошиқдим. Бу ёқда устоз ҳам жиғибийрон бўлиб, кимга “ёрилиш”ни билмай турган экан.

– Усмон акангга ҳам ҳайронман, кечаси билан тунчиноқ ёқиб ёзиб чиқибди. Жонли воқеа йўқ, диалогларни эшитган томошабин ухлаб қолади, интригани-ку гапирмаса ҳам бўлади. Айтсанг – тушунмайди. Жўра, кел, шу асарни мен сахналаштирмай қўяқолай...

Лом-мим деёлмай нигоҳим билан сўрадим: “Бошқа ким сахналаштиради?” Жавоб бўлмади.

Икки кундан кейин адабиётшунос Шухрат Ризаев ёзган тақризни олиб келиб икки устозга ўқиб бердим. Домланинг таҳлили, жўяли маслаҳатлари иш берди шекилли, кейинги кундан муроёна мадорага борилди. Мен қоғоз-қалам олиб мирзоликка ўтдим. Усмон Азим ёзган бирор диалог ўзгармади. Ўрни алмашди, холос. Режиссёр топилмаси, композиция тўғри қурилгани, актёрлар ижроси сабаб муаллифнинг ҳар бир сўзи сахнада ўзгача янгради. Асар катта олқишу эътирофларга сазовор бўл-

ди. Премьера куни сахнада навбатдаги муваффақиятли ҳамкорлик мевасини кўрдик. Бу драматург ва режиссёрнинг юзхотирлардан холи ҳамкорлиги маҳсули эди. Шу тариқа талай ўлмас асарлар дунёга келди. Камина эса ҳамон “эга-кесим” ҳақида бош қотириб юраман...

– Героя определяет его поступок! (Қаҳрамонни қилган қилиғи танитади!) Бу – драматургиянинг асосий, ўзгармас қоидаси. Гарчи муаллиф батафсил ёзмаган бўлса-да, қаҳрамоннинг гап-сўзи, тутуми, персонажларнинг муносабати унинг таржимаи ҳолига ойдинлик киритади. Хўш, Ҳамлет ким?

Устознинг саволига бирин-кетин, ўйлаб-ўйламай жавоб қайтарилди. Биз охириги курсда Шекспирнинг бир неча шоҳ асарини таҳлил қилганмиз. Шулар орасида энг кўп баҳс-мунозара, тортишувга сабаб бўлгани “Ҳамлет” эди. Гувиллаб кетган гуруҳни тинчлантириш учун иккинчи савол ташланди:

– Орангизда ким “Ҳамлет”ни сахналаштиришни хоҳлайди?

Деярли бутун гуруҳ қўл кўтарди. Ҳатто асар воқеасини дарс бошланишидан бир оз олдин билагон гуруҳдошимиздан сўраб олган дўстимиз ҳам. Шу ўтган йиллар давомидаги кузатишларимдан яна бир нарсга амин бўлдим: режиссёр зоти борки, “Ҳамлет”ни сахналаштираман дейди. Аксарият актёр Ҳамлетни ўйнаш учун шу соҳани танлаган. Ҳатто биздан бир курс юқори ўқиган сочлари фатила-фатила қиз ҳам “Ҳамлет”ни аёл киши ўинамасин деган қонун қаерда бор?!” дея жиддий даъвони

илгари сургани ёдимда. “Шекспир бобо асар ибтидосидаёқ Ҳамлет Дания шаҳзодаси эканини аниқ ва лўнда қилиб битиб кетган, ахир!”

...Бизнинг шекспиршунослар “Ҳамлет”-ни саҳналаштириш талабгори сифатида қўлларини янада баланд кўтаради. Бу сафда камина билан “аразчи” курсдошим йўқ эдик, холос.

Ҳамлет – қасоскор, Ҳамлет – аламзада, Ҳамлет – қотил, Ҳамлет – адолатпарвар, Ҳамлет – Клавдийнинг ўғли ва ҳоказо талқинлар янгради.

– Ҳар бир режиссёрнинг ўз Ҳамлети бўлиши шубҳасиз. Муаммога Ҳамлет нуқтаи назаридан жавоб излаш учун, аввал унинг саволларига ўзингиз жавоб топа олишингиз керак. Ана ўша кун “Ҳамлет”га қўл урсангиз бўлади.

...Орадан йигирма йил ўтди. Устоз Рус академик драма театрида “Ҳамлет”ни саҳналаштирди. Саҳнадаги бош роль ижроси томошабинни ўз ҳақиқатлари ортидан эргаштирди. Актёрнинг хатти-ҳаракати, саҳнадаги муҳит бизни нафақат воқеаларга ишонтирди, балки қаҳрамон дардига шерик қилди. Спектакль сўнгида Ҳамлет тақдирига ачиндик ҳам. Демак, устоз “Ҳамлет”нинг саволларига жавоб топа билган. Аммо ўтган йигирма йил давомида аудиторияда қўлини баланд кўтарган талабгорлардан ҳеч ким бу ишни уддалай олмади.

* * *

– Актёрни ортиқча муҳокама, баҳс-мунозараларга кўмиб ташламаслик керак. Одатда биз, режиссёрлар асарнинг ҳар бир бўлагига алоҳида тўхталамиз ва қаҳрамонлар хусусида басма-бас изоҳларни қа-

лаштириб, ижрочининг бошини қотирамиз. Бу актёрни ўз вазифасидан чалғитади.

– У ҳолда актёрга қандай вазифа юкланиши керак, устоз?

– Қаҳрамони ким экани, қандай вазиятда нима дейиши кераклигини яхши англаган актёр саҳнадаги вазифасини қойилмақом бажаради. Саҳнада энг муҳими – тушуниб роль ижро этиш!

– Масалан?

– “Инсоннинг ҳамма жиҳати гўзал бўлиши керак: хусни ҳам, либоси ҳам, қалби ҳам, тафаккури ҳам!” Чеховнинг “Ваня тоға” асари қаҳрамони тилидан айтиладиган ушбу сўзлар томошабин қалбига кириб бориши актёрнинг ақли ва маҳоратига боғлиқ. Беўхшов интонация, ҳиссиз талаффуз барини чиппакка чиқаради.

Назаримда, актёр ва режиссёр ижодий муносабати борасида ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

* * *

Битикларимнинг шу ерига келганда, “Нега энди мен устоз ҳақида бундай эркин, мутойиба билан ёзяман?” деган истиҳола кечди кўнгилдан... Аслида, қоғозга тушмаган хотираларим яна талайгина. Устоз билан ўтган кунлар менга катта мактаб бўлди. Баъзан ҳаётда ўзим дуч келган муаммоларга устоз тажрибасидан фойдаланиб ечим топганман.

...Биз гуруҳда ўн нафар талаба эдик, бу дегани – ўн хил феъл-атвор. Домла бизга эринмай, сидқидилдан сабоқ берди, биз ялқовлик, дангасалик қилдик. Кези келганда қаттиққўл бўлди, жаҳон адабиёти дурдоналарини мажбурлаб ўқитди. Моддий томондан қийналиб қолганларга иш топиб

берган, шартнома пулини тўлаган, касал бўлганга қарашган, биз учун ёнидан харжа-лаб ижара уй ёллаган вақтлари ҳам бўлди. Эпсизроқ шогирдларига диплом ҳимояси учун ўзи саҳналаштирган спектаклларни шунчаки тўхфа ҳам қилиб юборди. Шунга ўхшаш яна талай жўмардликлар... қайси бирини айтай!

Ҳозир ҳам домлани тинч қўймаймиз, дўппи тор келиб қолса, “устоз, устоз” деб ёнларига чопамиз. Ота-она учун фарзанди неча ёшга кирса ҳам бола бўлганидек, устоз учун ҳам шогирдлар худди шундай экан. Камина Сирдарё, Самарқанд театрларида спектакль саҳналаштиради эканман, Валихон ака томоша залининг орқа қаторида ўтириб далда бўлган.

Кўп йиллардан бери институтда дарс бераман. Баъзан ҳамкасб домлалар ўзаро суҳбатларда “Иқтидорлиси нари турсин, ҳатто рисоладагидек талаба йўғ-а!” деб нолиймиз. Ўзимиз-чи, Валихон Умаровдек жонкуяр, талабчан домла бўла олдикми?

Яқинда устоз билан гаплашганимизда Сирдарё театрига “Алпомиш” спектаклини қўйгани кетаётганини айтиб қолди. “Нима қиласиз ўзингизни қийнаб?” дедим ажабланиб. Жавоб бундай бўлди: “Ўзимни қийнаётганим йўқ, кўлимдан келадиган ишни қиляпман, холос”.

Очиғи, ҳозирги замонда ҳамма ҳам ўзи биладиган иш билан машғул эмас. Кейинги қисқа фурсатда Валихон ака нафақат пойтахт, балки вилоят театрларида ҳам ўндан ортиқ турли жанрдаги спектакл-

ларни саҳналаштирди: Самарқанд вилоят мусикали драма театрида “Кўчки”, “Қирол Лир”, “Танҳо юлдуз”; Бухоро театрида “Ричард III”; Қашқадарё театрида “Абу Муин Насафий”; Андижон театрида “Бобур Соғинч”; Рус академик драма театрида “Алишер Навоий”, “Танҳо қайиқ”, “Ҳамлет”, “Пушкин. Сўнгги кунлар”; Миллий театрда “Чўлпон” ва ҳоказо... Ижодий жараён ушбу театрлар актёрлари учун катта мактаб бўлгани аниқ. Чунки Валихон ака шунчаки саҳналаштирувчи режиссёр эмас, моҳир театр педагоги ҳамдир. Ёшулли устознинг ғайрату шижоати ҳамкасбларию шогирдларига ўрнак бўлгулик!

Қарийб 25 йилдан буён театр санъатида режиссура муаммосига ечим қидирилади, илмий анжуманлар, давра суҳбатлари уюштирилади. Маърузачилар, барака топсин, режиссёр қандай бўлишию нима иш қилиши лозимлиги хусусида нутқ ирод қилади. Аммо мен ҳали маълум меъёрларга “сиғиб”, йўриқнома асосида ишлаган режиссёрни учратмадим. Режиссура – санъат, режиссёр – шахс! 110 йилдан буён профессионал фаолият олиб бораётган ўзбек театри кўплаб санъат намояндаларини элга танитди. Бир асрдан зиёд давр мобайнида етишиб чиққан уста режиссёрлар саналганда эса ўнта бармоғимиз базўр букилади, холос. Театрда режиссура энг муҳим масала, режиссёр энг катта шахс. Инчунин, Ўзбекистон халқ артисти Валихон Умаровдек катта шахсларга эҳтиёж ҳамиша кучли.



Мудҳиш тун

Ўша йили Тошкентга қор ҳар йилгидан кўпроқ ёққан, ҳаво совуқлигидан эриб битмас, юрганда этик остида ғижирлаб ажиб саслар берар, айниқса, тунда кўчада кета-

ётган одамнинг қадам товушини бир чақиримдан эшитиш мумкин эди.

Эгнига қоратус қалин матодан тикилган оврупоча пальто кийган, мўйна телпагини қошигача бостирган, пайғамбар ёшидан

Абдулла Қодирий ҳазратлари бир мақоласида аҳволотини ушбу мазмунда баён қилади: “Юрт бузилган замонларда яшаш пешонасига ёзилганлар тақдири шундай кечиши табиий — орзулари армонга, ёруғ кунлари қора тунларга, ҳақ айтмишлари бўҳтонларга айланган, айлантирилган бандаларга осон тутманг!..”

Биринчи ўзбек генерали, жадид ҳаракатининг фаол аъзоларидан бўлмиш Жўрабек Қаландар қори ўғли 1906 йилнинг январида Тошкентнинг Қорасув даҳасидаги далаҳовлисига ваҳшийларча ўлдирилган. Ушанда у 66 ёшда эди.

Генерал Жўрабекнинг ҳаёти жанги жадаллар, мураккаб ва зиддиятли воқеалар, фожиалар ичида кечган десак янглишмаймиз. Ул адоқсиз кўргиликлар, сўнгсиз изтироблар учун ким жавоб беради? Не тонгки, эрксевар ва маърифатпарвар бобомизнинг муборак хоки қаерда экани-да маълум эмас.

Манглайига қалтис замонларда яшамоқ битилган жўмард зотнинг аянчли тақдирига доир манбалар кўп, аммо аксари чала-ярим, мавҳум ва мубҳам.

ошиб кетган бўлса-да, ҳалиям гавдаси тик, қадамлари залварли одам хуфтон маҳали Эскишаҳарда ўтган ихчам машваратдан уйига қайтаётган эди. У ўша кун эрталаб вақтли йиғинга жўнарган, остонада деворга илиниб турган беқасам тўнига бир кур назар ташлаган, бир хаёли пальтони ечиб, тўнни елкасига илмоқчи ҳам бўлган эди. Аммо чор маъмурларию сон-саноксиз айғоқчилар биринчи навбатда шаҳарда тўн кийган одамларга эътибор қаратишини ўйлаб, фикридан қайтди. Ҳарқалай ташқи кўриниши овруполликка ўхшайди. Ўзимизники деб эътибор беришмас, манзилга хавотирсиз етиб оларман, деб ўйлаган. Аслида уни, неча кунки, қаттиқ кузатаётганларини қайдан ҳам билсин?

Аёли илҳақ бўлиб ўтиргандир. Ҳовли тўридаги хонада алоҳида яшайдиган жияни Усмон ҳам ҳамisha сергак ҳолда тоғаси келишини кутади, ўтган кун ҳақидаги гурунгини эшитмагунча ухламайди; ҳозир ҳам дарвоза очилишига қулоқ солиб йўлини пойлаётгандир. Лекин вақт қора хуфтонга оғиб кетгани боис уйдагиларни уйғотиб юбормаслик учун эшикни очаётганда овоз чиқармаслик-

ка ҳаракат қилди. Даҳлизга қадам қўйдию икки шарпага кўзи тушди. Ғира-ширада талмовсираб турган бу кимсалар негадир юзларига ниқоб тақиб олган эди.

Жўрабекни бир лаҳзагина ғафлат босди шекилли, қўйнидаги тўппончасини олгани ҳаракат қилмади. Бу кимсалар кунда-кунора уйига уни қора тортиб келиб, ўз муаммоларини дастурхон қиладиган арзғўйлардир, деган хаёлга ҳам борди. Юзидаги ниқобни ҳам кўчадан келаётганида ўзини танитмаслик учун таққандир, деб ўйлади.

Икки нотаниш кимса гўё уй эгасига пешвоз чиқиб, салом бермоқчидек гавдасини олдинга ташлади. Орадаги масофа икки қадам қолганида Жўрабек улардан бири эски пальтоси баридан алланимани илдам суғуриб олганини кўрди. Даҳлизнинг очиқ эшигидан кирган хира нурда нимадир ялтираб кетгандек бўлди. Иккинчиси унинг ён томонига ўтмоқчи бўлган чоқда шериги кўлидаги нарсани баланд кўтарди. Ана шу оний лаҳзада ниқобли нусханнинг кўлидаги болта эканини кўрдию бир қадам ортга чекинди.

У ёғи девор эди...

Ҳақиқатнинг илдизига етаман десангиз, қарама-қарши фикрлар гирдоби сизни домига тортиб кетади.

Ниҳоят, бир неча ўн йиллар мобайнидаги изланишларимиз ҳосиласи ўлароқ “Генерал Жўрабек: давр ва қисмат” деган китоб ёзиб тугалланди. Қимматли манбалар, тарихий маълумотларни (қўлимиз етмоғи мушкул бўлган махфий манбалар мавжудлигини инкор қилмаймиз) ўрганиш, таҳлил қилиш, ўтмишга янги замон нуқтаи назари ила қараш, “улуғ оғалар” битган ёлғон-яшиқ тарихнинг сарасини саракка, пучагини пучакка чиқариш истаги бош мақсадимиз бўлди.

Армонли, аламли замонлар ортда қолди. Энди ўтмиш хатоларидан оқилонга сабоқ чиқармоқ ва ҳаққоний ҳулоса қилмоққа шошилайлик. Шундай эзгу ниятлар ила севимли журналимиз муштарийлари ҳукмига янги китобдан бир бобни ҳавола этмоқдамиз.

Муаллифлар

Қотиллар аниқ, буюртмачилар-чи?

Рус армиясининг истеъфодаги генерали Жўрабекнинг тунда ўлдириб кетилиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Тошкентда чоп қилинган газеталар бу ҳақда шошилишча хабарлар берди. Маърифатпарвар инсонларнинг ҳамдардлик номалари эълон қилинди.

Жўрабек Қаландар қори ўглининг жанозасига йиғилган тумонат одамни Қорасув даҳаси кўчалари сиғдира олмай қолди. У ўзининг далаҳовлисига дафн қилинди. Кейинчалик яқинлари ва унга ихлоси баланд одамлар ўзини шу қабр ёнига қўйишларини шараф деб билди. Орадан ўн беш йил ўтгач эса, мард ватанпарварнинг сўнгги манзили катта қабристонга айланиб кетади...

Маҳаллий нашрлар қотилликда гумондор сифатида уч шахс ҳибсга олингани ҳақида ёзган. Жумладан, “Туркистон вилоятининг газети”да (1906 йил 6 февраль) қуйидаги маълумот берилган: *“Марҳум генерал Жўрабекни ўлдурган босмачилар ичида уч нафари топилиб, маҳбус бўлинибдур. Чунончи, бир армани Нерсес Осипов, иккинчиси Бухорога тобе Жўрабой Ортиқбой ўғли, учинчиси Самарқанд шаҳрининг фуқароси Қодир Худойберди ўғлидур”*.

Таниқли адиб Набижон Боқий 1988 йил “Ёшлик” журналида чоп этилган “Генерал Жўрабекни ким ўлдирган?” сарлавҳали мақоласида илк бора ушбу қотиллик буюртмачиларини топиш билан боғлиқ турли тахминларни ўртага ташлайди. Унда “Туркестанские ведомости” газетасида ўша вақтда босилган мақоладан иқтибос келтирилган: *“Марҳумнинг душманлари йўқ эди. Шубҳасизки, қотиллик талончилик мақсадида содир этилган: генерал Жўрабек жаноби олийлари Бухоро амирига ажойиб*

боғини ижарага бергани учун кун кеча бир неча минг сўм пул олган эди. Жинойтчилар жавондаги барча буюмларини, ёзув столи ғаладонларини, гардеробни ағдар-тўнтар қилиб ташлашибди, лекин, чамаси, фақат пулларини ўғирлаб кетишибди. Қимматбаҳо буюмларга, жумладан, жавонда турган ўқланмаган тўппончага (ҳозирги замонда қимматбаҳо ҳисобланадиган ашё) қўл теккизилмаган...”

Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий нашрида чоп этилган мақоланинг эътиборни тартадиган томони шуки, атайин бўлса керак, Бухоро амирлиги эсланмоқда. Чор маъмурлари Жўрабек амир билан ҳеч қачон келиша олмаганини яхши билади. Боғ ижараси ким томонидан таклиф қилинди ва Жўрабек нега бунга рози бўлди, деган саволнинг жавобини энди излаш бефойда. Агарда ҳақиқатан ҳам бир кун олдин амир ижара учун пул берган бўлса, буни билганлар ҳали Тошкентда бўлиши керак эмасмиди? Ана ўшаларнинг ўзи қотил ёлламадимикан?

Хулоса қилмоққа шошмайлик, фурсати билан тафсилотларга ўтамыз.

Энди Н. Боқий ўз мақоласида ўртага ташлаган яна бир тахминни кўриб чиқамиз. Муаллиф ёзади: “Расмий ҳужжатларда генерални чакана ўғрилар ўлдирди, деб қайд этилган. Лекин, ўша кезлардаги сиёсий вазиятни назарда тутсак, генерал Жўрабек тасодиф туфайли ҳалок бўлганига ишонил қийин: у миллий қасоскорлар томонидан инқилоб номи билан қатл қилинган бўлиши мумкин”.

Адиб талқинини шунчаки фараз деб қабул қилган ҳолда бунга қўшила олмаймиз. Биринчидан, Жўрабек чор армияси билан Қўқон хонлигини босиб олишда иштирок

этган, холос. Бунда ҳам балки Худоёрхонга нисбатан қасоси борлиги учундир, у ёғини Худо билади. Ўшанда бирорта ҳарбий нишон олмани унинг жангларида қандай урушганини кўрсатади. Яна бир марта, яъни 1880-йилларда русларга қарши воқеада кўтарилган кўзғолонни бостиришда қатнашгани айтилади, аммо яна тақдирланмайди.

Унга илк ҳарбий орден янги тайинланган генерал-губернатор Михаил Черняевга муҳолифлиги, унинг устидан оқподшога қадар норозилик хатлари ёзгач, Черняев Петербургга чақириб олинганидан кейингина берилади. Бу аслида маҳаллий аҳоли орасида катта обрўга эга шахсни тан олиш эди. Қолаверса, Жўрабек ўша икки юришда қатнашганидан буён чорак асрча вақт ўтган эди.

Чор Русиясидаги беқарор вазият: рус – япон уруши, биринчи инқилобий чиқишлардан сўнг Жўрабек ўлкани озод қилиш учун фурсат пишиб етилди деган ўйда аҳоли орасида мустамлакачиларга қарши норозилик кайфиятини уйғотиш ҳаракатига тушган эди. Ўз уйида бу масалада тўрт марта яширин йиғилиш ўтказгани маъмурларга етказилган чақувларда акс этган.

Афсуски, қўлга олинган уч нафар қотил устидан юритилган тергов ҳаракатлари баёни, айблов хулосаси ва суд жараёни муҳокамалари матбуотда очиқланмаган. Устига-устак, ҳужжатлар архивларида ҳам сақланиб қолмаган. Бу эса қотиллар тергов ва суд жараёнида ҳақиқий буюртмачилар кимлиги ҳақида “гуллаб” қўймадимикан, деган мулоҳазага ундайди.

“Туркистон вилоятининг газети” хабарида яна бир шубҳали ўрин бор: “уч нафари...”. Нима, қотиллар кўпчиликимиди?

Қотиллар орасида Бухоро амирлигига тобе шахс бўлганини тушунамиз. Лекин биринчи бўлиб эслатилган армани Нерсес Осипов кимнинг одами ўзи деган савол туғилади.

Шу ўринда чор маъмурлари (кейинчалик шўролар ҳам) бошқа халқларни итоатда тутиб туришда ўзга миллат вакиллари билан фойдалангани масаласига тўхталсак. “Дашноқцутюн” миллатчи партиясининг бош мақсади туркий халқлардан қасос олиш бўлган. Буни яхши билган чор ҳукумати, Ўрта Осиёни забт этаркан, маҳаллий миллат ойдинларини доимо кўрқувда ушлаб туриш учун айнан ушбу миллатчилардан фойдаланган бўлиши эҳтимоли катта. Қизиғи, улар асл исм-фамилиясини ўзгартирган ва маҳаллий халқ орасига сингиб кетган.

Эсингиздами, Туркистон озодлиги ҳаракатида фаол қатнашган Усмонли саркардаси Анвар пошони ҳам унга ёрдамчилик қилиб юрган кимса ўлдирди. Ғирт мусулмонча исм-шарифли ва яна ислом фарзларини бекаму кўст бажариб юрган бу қотил чекистларнинг айғоқчиси, дашноқ бўлиб чиқади.

1918 йили Қўқон мухториятини тугатишда шўролар айнан дашноқлардан фойдалангани, улар ўн мингдан ортиқ тинч аҳолини қирғин қилгани ҳам тарихдан маълум.

Генерал Жўрабекнинг қотиллари орасида биринчи бўлиб зикр қилинган ўша Нерсес Осипов марҳум хонадонига талончилик учун келмагани аниқ. Чоризм ва шўролар даврида бу миллат мансублари бошқаларга қараганда тўқ ва фаровон яшаганини биламиз.

Яна бухоролик, самарқандлик ва яшаш манзили тайинсиз шахс биргаликда қо-

тиллик режасини тузгани шубҳали. Балки, Нерсес Осипов икковлонни “генералнинг уйида пул кўплиги”га ишонтиргандир? Бош қотилнинг ёрдамчилари бўлган маҳаллий миллат вакиллари унга ишонган, у тузган режага учган бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, қотиллик сиёсий асосга эга эмас деб ўйлашлари учун генералнинг уйдан пул олингандир?!

Айнан Нерсес Осипов қотиллар бошлиғи бўлгани генерал Жўрабек чор маъмурлари томонидан ўлдирилди, деган тахмин ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди.

“Туркистон вилоятининг газети”да босилган “фақат уч нафар қотилликка алоқадор шахс ушлангани” ҳақидаги хабар Жўрабекнинг яқинларини бефарқ қолдирмаган. Улар барча қотиллар ва уларнинг буюртмачилари топилишини истаган. Марҳумнинг рафиқаси Иқлимбиби ва ўғли Оллоқулибек бу масалада Туркистон генерал-губернатори номига бир неча марта арз қилган, аммо мурожаатлар жавобсиз қолдирилган. Бу ҳам кўнгилдаги шубҳаларимизни кучайтирадиган жумбоқдир.

Таъзиянома ортидаги сир

“Туркестанские ведомости” газетасининг 1906 йил 17-сонида Жўрабекнинг ўлими муносабати билан таъзиянома чоп қилинган. Унда генерал-майор Жўрабекнинг Китоб беги бўлгани, сўнг “чор маъмурлари хизматига ўтгани ва садоқат кўрсатгани” бадий бўёқларда тасвирланган. Асосий урғу Жўрабекнинг Михаил Скобелев қўшини сафида Қўқон хонлигини тугатишдаги иштирокига берилиб, “унинг отряди Андижонни қўлга киритишда Маҳрам қишлоғи ёнида “жасорат кўрсатгани” ва бу “хизматлари учун подшо олий ҳазратла-

ри Жўрабекка полковник унвони бергани” қайд этилади.

Шу ерда бир зум тин олиб, тарихий саналарга аниқлик киритиб кетамиз. Таъзиянома муаллифлари Жўрабек Андижонни олиш учун Маҳрам қишлоғидаги жангларда жасорат кўрсатди, шунинг учун подшо томонидан ҳарбий унвонга лойиқ кўрилди, деяпти. Мазкур жанг 1876 йил 1 октябрда бўлиб ўтган, Жўрабекка полковник унвони эса 1882 йили берилган. Унинг “жасорати”, наҳотки, орадан олти йил ўтгач эсларига тушиб қолган бўлса?

Таъзияноманинг яна бир жойида Жўрабекнинг 1880-йиллари Фарғонада рўй берган тўполонларни тинчитишда жонбозлик кўрсатгани, айти шу хизматлари учун полковник унвонига сазовор бўлгани айтилган. Қайси бирига ишониш керак? Умуман, ўша “Фарғона тўполонлари” (таъзияномада ўрисча “смута” дейилган) қандай воқеа ўзи? Аниқ қайси санада рўй берган? Мавхумлик очикланмагани ортида ҳам қандайдир сир бор. Бу вақти келганида Жўрабекка “ўз халқига қарши курашди” деган тамғани босиш учун ўйлаб топилгандек туюлади.

Таъзияномада Жўрабек “халқ кўзғолонларини бостиришда фаол қатнашгани” идао қилинса-да, унинг муаллифлари бир нарсани унутгандек. Гап шундаки, 1882 йил 24 июнда Тошкентда тарихга “Вабо исёни” номи билан кирган кўзғолон рўй беради. Ўша йили баҳор адоғида шаҳарда вабо тарқалади. Чор маъмурлари вабога қарши бир қатор чора-тадбир белгилаб, уларнинг ижросига маҳалла-мавзеладаги оқсоқолларни масъул қилиб тайинлайди. Ўшанда Матёқуб оқсоқол деган киши адолатсизликка йўл қўйиб, шаҳар маъмурияти ажратган пулни ўз танишларига бериб юборади, до-

ри-дармон тарқатишда ҳам холис бўлмади. Хасталик кенг ёйилиб, одамлар “Вабодан ўлгандан кўра, адолат учун курашиб ўлайлик!” дея уюшган ҳолда кўзғалади. 600 нафардан ортиқ исёнчи полиция бошқармасига бориб, шаҳар бошлиғи Путинцевдан Матёқуб оқсоқолни топиб беришни талаб қилади. Маҳалладошлари ғзабига учрашдан кўрққан оқсоқол полиция маҳкамасига яширинган эди.

Путинцев халқ талабини рад этади, шундан сўнг ғзабланган исёнчилар уни калтаклай бошлайди. Бу орада казак отлиқлари келаётгани хабари етиб, кўзғолончиларнинг бир гуруҳи Матёқуб оқсоқолнинг уйига боради ва унинг мол-мулкни вайрон қилади. Исён катталашидан кўрққан генерал Гродеков қўшин билан уларнинг ортидан боради ва қуролсиз халққа ўқ узишни буюради. Отишмада 10 киши ҳалок бўлади. Аскарлар қуролсиз кишиларни дўппослаб, анҳорга улоқтиради. Кейинчалик анҳордан 80 кишининг ўлиги топилади. Кечқурун исёнчилар яна тўпланади ва Матёқуб оқсоқолнинг қолган иморатларини вайронага айлантириб, катта боғини тамом пайхон қилиб ташлайди. Кўзғолон эртаси куни казак отлиқлари ёрдамида бостирилади. 60 киши судга тортилиб, улардан 8 нафари ўлимга, 17 киши маҳбуслик роталарига ҳукм қилинади. Кейинроқ шаҳарнинг таниқли кишилари талаби билан ўлим ҳукми сургунга алмаштирилади. Талабномани генерал-губернаторга шахсан Жўрабек олиб боради.

Бу маълумотни нега келтиряпмиз? Чор маъмурлари Жўрабекнинг таржимаи ҳолини сохталаштирар экан, уни “халқ кўзғолонларини шафқатсиз бостирувчи” сифатида кўрсатишга уринган. Маҳаллий халқ ва-

кили сифатида Жўрабек неча юз чақирим узоқдаги кўзғолонни бостиришга юборилган экан, нега унда беш қадам жой, шундоққина шаҳар маъмурияти бурни остидаги ғалаёни тинчитишда ундан фойдаланишмади? Ахир, исёнчилар шаҳар полиция идорасини қамал қилганда бошқарма ёнгинасидаги генерал-губернаторлик маҳкамасида Жўрабек ишлаб ўтирган эди-ку!

Билмадик, балки вазият жиддийлашиб кетишдан ҳадиксираган босқинчилар шундай илтимос билан Жўрабек ёнига келгандир. У рози бўлмай, “ўзлари пиширган ошни ўзлари ичишлари кераклиги”ни айтгандир... Бу ҳақда расмий ҳужжатлар сукут сақлайди.

Яна таъзияномага қайтамиз. Унинг тенг ярми “Жўрабекнинг чоризмга хизматлари, офицер қасамига ҳамиша содиқ бўлгани, унда рус зиёлиларига хос хислатлар намоёнлиги” кабилардан иборат. Ҳатто “у умри охиригача чоризм сиёсатини ёқлаб, ўз халқи тинч ва фаровон яшаши учун ҳаракат қилди” деган жумлалар ҳам тиқиштирилган.

Таъзиянома Тошкентдаги чор маъмурияти томонидан пухта ўйлаб тайёрлангани аниқ. Ундаги асосий урғу қотилликда чор маъмурларининг мутлақо алоқаси йўқ, деган хулосани аниқ кўрсатиб турибди. Некрологда Жўрабек истеъфога чиққач, умрининг сўнгида чоризм сиёсатига қарши тургани, биринчи рус инқилоби даврида намойишларда қатнашгани, уйида яширин йиғинлар ўтказгани, чор сиёсатини мўғуллар юритган сиёсат билан тенглаштириб, бу ҳақда рус олимларига ҳеч иккиланмай, кўрқмай гапиргани ҳақида бир оғиз жумла йўқ. Ҳа, бундай маълумотларни таъзияномага қўшиб бўлмаслигини уни тайёрлаган-

лар яхши биларди. Ҳатто ишора қилинганда ҳам, қотиллик изи қай томонга тортиб кетиши очилиб қоларди.

Аслида, чор маъмурлари расмий нашрида чоп қилинган таъзиянома тарих суди маҳкамасида уларнинг ўзларига қарши айбномадир! Ярми ёлғон, ярми нисбатан чин некролог чоризм юритган иккиюзламачилик сиёсатини фош этиб қўйган.

Талончилик эмас

Генерал Жўрабек талончилик мақсадида ўлдирилмаганини қотилликдан сўнг унинг уида ўтказилган тинтув хулосалари тасдиқлайди. Генералнинг тўппончасини нега олишмади? Талончилар учун ҳар қандай қимматли буюм аҳамиятли-ку! Бу тоифа қўлга илинган, бозорда ҳемири турадиган нарсаси борки, олади. Ўша вақтда генералнинг тўппончаси “қора бозор”да ўғрилар, турли жиноий гуруҳлар учун ўта қимматбаҳо мол ҳисобланган. Ҳатто одамини топиб, Бухоро амири ижарага берган пулдан кўпроққа пуллаш мумкин эди. Хўш, нега олинмаган?

Балки буюртмачилар пулдан бошқа буюмларга тегмасликни тайинлагандир? Негаки, пул – ўғри учун ўша замонда осон ўлжа. Муомалага киритилганидан сўнг рақамлари орқали пулнинг ким томонидан кимга берилганини аниқлаш тергов органларида кейинчалик русумга айланди. Тўппонча эса саноқли бўлади. Яна унинг рақами мавжуд. Тўппончани сотиб олган одам қачондир қўлга тушса... ана унда кимдан олгани ойдинлашади – қотилларни топиш, энг асосийси, уларнинг буюртмачиларини “сув юзига чиқариш” мумкин бўлади. Бу каби деталлар қотиллик ортида касбий маҳоратга ва тажрибага эга кучлар турга-

нини кўрсатади. Бизнингча, Бухоро амири буюртмачи бўлганида масаланинг бу жиҳатларига эътибор бермасди.

Амир кимдан қўрқарди?

Амир Музаффар отаси каби кенагаслардан кўп бора зарба еган ҳукмдор эди. Жўрабек ҳам мудом унинг йўлида тўғаноқ бўлган. Кенагаслар Китоё ва Шаҳрисабз бекликларини амирликдан мустақил қилиб, салкам ўн йил ўзлари бошқарган. Отаси таслимчилик йўлини тутгач, ўғли Абдумалик тўра ёвга қарши уруш эълон қилганида, амир қўшинини енгиб, ҳатто Самарқандни қамал қилганида уни қўллаган ҳам Жўрабекнинг эркесвар кенагаслари эди. Ўшанда Константин фон Кауфман истаса, амирни тахтдан ағдариб, ўрнига ўғлини қўйиши, у билан сулҳ тузиши ҳам ҳақиқатга яқин келарди.

Амир Музаффарнинг қўрқуви Жўрабек ва Бобобек ўз юртини тарк этиб, Тошкентда яшаган даврда ҳам аримаган эди. Улардан ҳамиша ҳайиққан, ўрнимни эгаллашади, деган ўй тождорни ҳеч қачон тарк этмаган. Бунинг исботини қуйидаги воқеада кўриш мумкин. Полковник Бобобекнинг қизи Тўхтабийнинг Шаҳрисабзга кетиши билан боғлиқ ёзишмалар сақланиб қолган. Тўхтабийи Тошкентда Саййид Мирак Музахўжа ўғлига турмушга чиқади. Қиз туғилган вақтидаёқ шу йигитга “бешиккертти” қилинган эди. Ёш келин-куёв Шаҳрисабзга бориб яшаш учун кўп оворагарчиликларни бошдан кечиради. Негаки, Бухоро амири Бобобекнинг ҳатто қизи ҳам Шаҳрисабзга келишини истамас эди.

1897 йил 31 мартда Бобобек Туркистон генерал-губернаторига талабнома ёзади. Унда қизи Тўхтабийи бир йилки эри билан

Тошкентда яшаётгани, улар боболари юртига бориб, муқим яшамоқчи экани баён қилинган. Чор маҳкамасининг элчилик бўлими талабномага жавобан барон Александр Вревский имзоси билан чор Россиясининг Бухородаги агенти Владимир Игнатъевга қуйидагича мактуб йўллайди: “Полковник Бобобекнинг қизи Тўхтабийнинг Шаҳрисабзга кўчиб боришига эътирозим йўқ деб ҳисоблашим ҳақида Бухоро ҳукуматига хабар беришингизни сўрайман!”

Жўрабекнинг илтимоси билан ўрис маъмурлари яна бир бора масалага аралашади, аммо ўша вақтда Ялтада дам олаётган амир Музаффар руҳсатисиз бу иш амалга ошмас эди. Хабар амирга етказилганида, у розилик бермайди.

Бу орада маъмурлар амир барибир ижобий жавоб беради деган умидда Бобобекнинг қизи ва куёвиги йўлга чиқишга руҳсат беради. Ушбу можаронинг тафсилотлари узун. Мухтасар айтсак, келин-куёв бир муддат Шаҳрисабзда яшайди, амир Музаффарнинг шахсан генерал-губернаторга ёзган мактубидан кейин эса Тошкентга қайтишга мажбур бўлади.

Ажабо, оддийгина фуқаролик иши, ёш эр-хотиннинг боболари юртида яшаш масаласи генерал-губернаторлик ва Бухоро амирлиги ўртасида жаҳоншумул сиёсий воқеага айланиб кетгани нимани англатади?

Жавоб аниқ: полковник Бобобекнинг қизи ва куёви Шаҳрисабзда муқим яшар экан, Жўрабек ва Бобобекни яхши билган, шу икки жўмард фарзанди Тошкентда мажбуран “маданий сургун”да юрганидан хабардор кенагаслар улар атрофида яна тўпланиши мумкин эди. Бобобек ёки Жўрабек бирор тўй-маросим баҳона келин-куёв ёнига келса... ана унда бир кунда катта

қўзғолон кўтарилиши ҳеч гап эмас эди. Жўрабекнинг номи кенагасларни бир лаҳзада бирлашишга ундар эди. Хўш, агар шундай бўлса, Жўрабек кенагаслардан катта қўшин тўплаб Бухоро сари юрса нима бўларди?

Амир Музаффар чор мустамлакасини тан олгач, илгари илқида бўлган кўп сонли мунтазам қўшин сонини кескин қисқартирган. Қўл остидаги шаҳар ва кентларни ўрис маъмурлари кўмагида ушлаб тургани учун ғазнага ортиқча чиқим бўлган аскарлари сони камайган, фақат амир саройи ва бошқа далаҳовлиларини қўриқлайдиган бир қисм қўшин қолган. Амир Музаффар ўрислар ёрдамида салтанатда тинчлик ўрнатгач, маишатга берилган, ҳарамдаги канизаклар сони икки юздан ошиб кетган эди...

Ҳар қандай қўшин тез-тез уруш бўлиб турсагина жанговарлигини сақлайди. Жанг кўрмаган, дангаса бўлиб қолган амир қўшинини Жўрабек бирор ўн минг кишилик кўнгиллилар билан тор-мор этиши ва Бухорони қийинчиликсиз эгаллаши мумкин эди.

Шундай қўзғолон рўй берганида чор маъмурлари нима қилар эди? Улар Самарқанддаги гарнизонни амирга кўмакка дарров юбормас, икки туркий қавмнинг ўзаро урушишини кузатар эди. Бундай исён босқинчилар фойдасига ишлар, сара йигитлар бир-бирини маҳв этиб, қаршилиқ қиладиган ватанпарварлар сони камаярди. Башарти Жўрабек Бухоро тахтига ўтирса, уни маҳаллий халқ қўллаши аниқ эди. Улар Жўрабекнинг адолатли сардор эканини билар, боз устига, амирнинг маишатбозлиги, элнинг чиройли, ёш қиз-ўғилларини ҳарамига тортиши, солиқларни ҳаддан оширгани раиятнинг жонига теккан эди.

Бухоро тахтига ўтириши мумкин эди, дея фараз қилганимиз Жўрабекка нисбатан чор маъмурлари қандай йўл тутарди? Аввало ўзлари “икки қарши томон низосини тинчитган, юртда осойишталик ўрнатган, ёввойи осийликларни келиштирган” бўлиб майдонга чиқар, “Қаранглар, бизлар бўлмасак булар бир-бирининг гўштини ейди!” деб дунёга жар солар эдилар. Бухоро халқи иродасига қарши бормай, уларнинг талаби бўйича Жўрабекни амир деб эълон қилиб, у билан музокара олиб боришарди.

Мана, амир Музаффар нимадан кўрққанини энди англадингизми?

Жўрабекнинг қотиллари орасида Бухоро фуқароси бўлгани бежиз эмас. Бу жинойт ким томонидан уюштирилганини чалғитиш учун атай қўлланган усул бўлса керак. Қотилларнинг бири бухоролик эканини эшитган одамлар орасида “Ҳа, Бухоро амири охири азалий душмани Жўрабекдан қасдини олибди-да!” деган миш-миш тарқаш мумкин эди. Худди шундай бўлди ҳам.

Бек кундалик юритганмиди?

...Генерал Жўрабекнинг ваҳшийларча ўлдириб кетилгани хабари шу ондаёқ бутун шаҳарга тарқалади. Маҳаллий полиция изқуварлари тонг маҳали етиб келганида, қонга беланган эри жасади устида сочларини юлиб йиғлаётган мусибатзада аёлни кўрадилар.

Изқуварлар ишга киришади: жасад синчиклаб кўздан кечирилади, атрофда шубҳали кўринган нарсалар суратга олинади, кўча бошидан, дарвоза олди ва даҳлиздан бегона оёқ кийим излари ахтарилади.

Бу орада шаҳар бош полицмейстери ва чор маҳкамасидан бир генерал ҳам етиб

келади. Уйда, кўча бошида машҳур инсон таъзиясига одамлар тўплана бошлайди...

Изқуварлар Жўрабек яшаган хонани ҳам кўздан кечиради. Сўнг унинг кутубхонасига ўтишади ва айни шу ерда кўпроқ ушланиб қолишади. Жавондаги китобларни бирма-бир олиб кўришган, ҳатто айрим китоблар саҳифалари орасини ҳам силкиб-силкиб нималарнидир излашган. Кутубхонадаги уй эгаси фойдаланган ёзув столи усти, ғаладонларидаги ҳар бир варақ қоғоз эътибордан қочирилмайди. Бу ёқда майит эгалари марҳумни дафн қилиш тадоригига киришган, кутубхонада изқуварлар нима иш билан бандлиги ҳеч кимни қизиқтирмаган...

Генерал Жўрабек кундалик юритганмиди? Ўз юрти тарихи, бошидан кечган воқеалар тўғрисида қораламалар қилганмиди? Балки у умр хотираларини тизимли равишда ёзиб боргандир? Афсуски, буни билмаймиз. Билганимиз шуки, ўша куни унинг иш столидаги кўпгина қоғозлар, дафтар ва қўлёзмалар терговчилар томонидан “қотиллик сабабини аниқлаш ва қотилларни топишда асқатади” деган баҳона билан олиб кетилган.

Ҳеч бўлмаганда, маҳаллий аҳоли Жўрабекка ўз муаммолари юзасидан ёзган аризалар, уларни ўрганиш учун тўпланган ҳужжатлар бўлгандир иш столида?

Чор маъмурларини марҳум жасадидан кўра айнан қўлёзмалар кўпроқ қизиқтиргани аниқ. Туркистон генерал-губернаторининг энг яқин одами бўлмиш академик Василий Бартольдга “чор маъмурлари мўғул маъмурларидан фарқ қилмаслиги” ҳақида очиқ-ойдин гапиришга журъат қилган инсон кундалигида бундан ҳам кескин фикрлар билдирган бўлса ажаб эмас. Иш столи-

дан топилган ҳар бир саҳифа марҳумнинг кимлигини, сиёсий нуқтаи назарини ифода этар ва чоризм тузумига қарши асосли айблов бўла олар эди.

Кейинчалик яқинлари ўша машъум кун Жўрабекнинг кутубхонасидан қандайдир қоғозлар олиб кетилгани ҳақида эслайдилар. “Тергов учун олинган” ҳужжатларнинг бир қисми кейин қайтариб берилган. Ҳаммаси эмас, албатта! Қайсидир илмий, бадий китобдан кўчирма тарзида олинган аҳамиятсиз қоғозлар қайтарилган бўлиши мумкин. Жўрабекнинг шахсий қарашлари, чор маъмурлари, уларнинг зулми, порахўрлиги ҳақидаги қайдлари, шу мазмундаги фуқаролар мурожаатлари битилган қоғозлар қайтариб берилмаган, уларнинг кейинги тақдири бугунги кунгача номаълум бўлиб қолмоқда.

Жўрабекнинг кундаликлари ҳақида ўрис миссионери Николай Остроумов билиб билмай оғзидан гуллаб қўйган. Унинг гувоҳлигига қаранг: “Жўрабекнинг ёндафтаридagi қайдлар Туркистоннинг келгуси тарихчилари учун аҳамият касб этажак!” Демак, бир вақтнинг ўзида “маърифатпарвар”, яна “ношир ва шарқшунос”, аслида айғоқчи ва миссионер бўлган Остроумов генерал Жўрабек билан узоқ вақт “дўст бўлиб” унинг суҳбатларини олган, уйда меҳмон бўлган кезларда ёндафтарини кўрган, ундаги қайдларни ўқиган. Ўша дафтардаги қайдлар фақатгина тарихий воқеалар силасидан иборат бўлмай, ҳар бир ҳолат ва воқеага муаллифнинг ўз нуқтаи назари, қарашлари, сиёсий баҳоси акс этгандирки, Остроумов уни ўта муҳим деб баҳолайди. Жўрабек шунчаки стенографист эмасди, фақат қайд этиш билан чекланмасди. У Туркистон бошига тушган мусибатни ари-

тиш, оммани уйғотиш, қадим анъаналарни қайта жонлантириш устида кўп бош қотирган. Бинобарин, бу борадаги фикр-мулоҳазалари, мақсад-режаларини изчил ёзиб боргани аниқ. Олим Рашид Бойтуллаевнинг қуйидаги фикри бунга исбот бўла олади: “Жўрабекнинг довюраклиги, ҳамиша ҳақиқат юзига тик боқиши, подшо амалдорлари ҳақида танқидий, айни пайтда, ҳаққоний фикрлар билдириши Фурқатда унга нисбатан кучли меҳр-муҳаббат, ихлос уйғотган эди”.

Манбашунос олим, профессор Шариф Юсуповнинг ёзишича, Тошкентда 1905 йил ноябрь-декабрь ойларида Жўрабек бошчилигида йиғинлар ўтказилиб, ўлкани чидаб бўлмас оғир аҳволдан қутқариш масаласи кун тартибига қўйилган. Қаҳрамонимизнинг бу ҳаракатларига босқинчилар кўркув, хавотир билан қарагани маълум. Ш. Юсупов архивдан айни ўша кунларда Петербургга жўнатилган бир махфий хатни топганини қайд этган. *“Ерлилар орасида ўзларининг турмушини яхшилаш мақсадида ҳукуматга ариза бериш учун ҳаракатлар бўлиб турибди. Шу сабабли ерли халқ ўзининг мақсадида эришиш учун чор ҳукуматининг ҳозирги қийин аҳволдан фойдаланмайди деб бўлмайди”*, дейилади номада.

Бунақа махфий хатлар қанча юборилган экан? Уларнинг қанчасида генерал Жўрабек эсланган экан? Чор маъмурлари ўз сирларини очадиган ҳужжатларни архивга топширмаган. Топширилган тақдирда ҳам унга ҳаммининг қўли етмаган.

Жўрабекнинг ёндафтари ҳозир Россиянинг қай бир махфий фондида сақланаётган бўлиши мумкин. Келгусида уни топиш, тадқиқ этиш тарихчиларимиз олдидаги муҳим ва муқаддас вазифадир.

Шароф БОШБЕКОВ

TEMIRYO'LDAN SO'Z TERGAN YO'LOVCHI

Мен учун Ватан тушунчаси тил ва диндан иборат. Шу икки-сидан бири бўлмаса Ватан ҳам йўқдир.

Бу дунёга не-не олиму фузалолар, не-не буюк зотлар келиб-кетмаган дейсиз. Лекин уларнинг биронтаси “Бу адолатсиз замон экан, бекор туғилибман” деб ортига қайтган эмас. Орқага йўл йўқ! Одам боласи туғилдими – яшашга маҳкум. Минг

Улуғ инсонлардан ҳикмат териб юрадиган одатим бор. Яқинда ғаладонимни титкилаётим, жасоратли адиб, ўзи ва сўзи бир зиёли Шароф Бошбековнинг нақлларини топиб олдим. Ўқиб кўргач, муаллиф руҳидан ижозат сўраб, бир-икки жойига қалам урганимни айтмас, журналга тайёр материал экан. Бугун Шароф оға орамизда йўқ, аммо у яратган адабиёт, айтиб ва ёзиб кетган ҳикматлар барҳаёт! Мен уларни адибнинг оммавий ахборот воситаларидаги суҳбатлари, ижтимоий тармоқлардаги битикларидан саралаб олганман. Демак, омонатни ўқувчига қайтармоқ фурсати етибди.

Насрулло ЭРГАШ

адолатсиз замон бўлса ҳам биров чидайди, биров мослашади, биров курашади...

Ҳақиқатни айтишга уриниш бўлмоқда, уни баралла айтмоқ учун эса жасорат керак.

Мен кўпинча ҳажвий асарлар, кинокомедиялар, юмористик пьесалар ёзаман. Ростини айтсам, йиғлаб юбормаслик учун куламан.

Истеъдодларни қуруқ мафкурага хизмат қилдиргувчи амал – талант кушандаси.

Ҳали мактабга бормаган вақтим поезд остида қолиб кетганман. Одамлар қимирламай ётавер деб бақирган. Темирйўлга қапишиб жимгина ётаверганман. Устимдан қаторасига олтмиш-етмиш вагон ўтган. Кейин ҳам устимдан не-не поездлар мени эзолмай гулдираб-гулдираб ўтиб кетди...

Ўқимишли одам ўқимаганлардан яхши яшаса, халқ машина совға қилмаса ҳам китоб ўқийверади.

Ёзувчида икки муҳаррир яшайди: бири бошда, бири юракда.

Ёзувчининг қорни тўқ, қўшиқчиники оч бўлмоғи керак. Бизда бунинг тескариси.

Бадиийлик ошиб кетса – қуруқ томоша, ғоя кўпайиб кетса – публицистика бўлади.

Унвон эмас, истеъдод бирламчи. Унвон бўлса яхши, бўлмаса фожиа эмас, у талантга талант қўшмайди.

Ўзбек тилини ҳимоя қилиш эмас, қутқармоқ керак.



Ватанпарвар одам шахматчи Нодирбек Абдусатторов чемпи-
он бўлганда қувончдан йиғлаши, Россияда танини пуллаётган
миллат қизлари ҳақида эшитганда нафрат ва ғазабдан тепа сочи
тика бўлмоғи шарт.

“Қабул қилинмаган асарлар” деган китоб ёзмоққа
киришдим.

Сира пул учун ёздадим десам, ёлғон бўлади. Баъзан катта-
кичик нарсалар ёзишга мажбур бўлдим.

Қаламҳақи ўлган. Китоб чиқаришга эса пул йўқ. Уловимни
сотсаммикан?!

Мени яхшилик йиғлатади.

Ўқувчи дидсизлигига ёзувчигина эмас, муҳит ҳам айбдор.

Ёзувчи бўлмоқ ҳаммавақт қийин бўлган, ҳозир икки баробар
оғир.

Норизолик – тараққиёт локомотиви. Афсуски, бизда норизо
одамни сотқин дейдилар.

Ижод билан ҳокимият кўпда эл бўлмайди.

Йиғлаб кўрмаган йиғлаётганни юпатомайди.

Бировга пул берсангиз қарзга эмас, эсдаликка беринг, тинч
ухлайсиз.

У адабиётнинг эшигидан оёғини артмай кириб келди.

Ёзувчи учун ҳеч ким билмайдиган, мутлақо янги гап айтиш-
дан кўра ҳамма биладиган, лекин ҳеч ким айтолмайдиган гап
айтиш муҳимроқдир.

Порахўрликда жабрланувчи бўлмайди, иштирокчи бўлади.

Душманингга бахт тила. Токи, у ўз бахтига ўралашиб, сенга
ёмонлик қилишга на вақт топа олсин, на хоҳиш.

Бўлажак турмуш ўртоғинг сени севиши шарт эмас, Оллоҳни
севса кифоя.

Бу дунёда бахтли одамлар йўқ, ўзини бахтли қилиб кўрсата-
диганлар бор.

Ўзбек характери

Бир куни кичкина қизчамни етаклаб бозорга тушдим. Узум ол-
моқчи бўлдик. Бир баджаҳл, кўрс одам узум сотяпти. Қовоғи ме-
никидан ҳам баттар осилиб кетган. Яқинлашиб нархини сўрадим.

– Кўрмаяпсизми, ёзиб қўйибмиз-ку! – деб жеркиб берди.

– Ҳа энди, бу бозор, харидор дегани савдолашади, тортишади.

– Сиз билан тортишиб ўтиришга вақтим йўқ! Олсангиз
олинг, бўлмаса товарни тўсманг!

Барибир савдолаша кетдик. Мен у дедим, у бу деди, хуллас,
ўн сўмлик узумни саккиз ярим сўмга келишдик. Қараб туриб-
ман, ҳалиги амаки тарозининг палласини тарақлатиб жаҳл би-
лан узум тортяпти. Бир маҳал қизчамга кўзи тушиб, бутунлай
бошқа оҳангда сўради:

– Ие, бу яхши қизалоқ экан-ку! Исминг нима? Ма, манави
сенга... – деб салкам ярим кило келадиган узум бошини қи-
зимга узатди. Ҳайрон бўлман, мен билан шунча тортишгани

нима-ю, шунча узумни текинга бериб юборгани нима? Беришга берди-ю, лекин огоҳлантириб қўйишним унутмади: – Буни ўзинг егин, хўпми? Даданга берма, шундоқ ҳам у мени қароқчидай қақшатиб кетяпти!..

Қарасам, бошқа сотувчилар ҳам унга жилмайиб қараб туришибди. Улар бу одамнинг сирти қўпол, лекин ичи нечоғли ёруғлигини билишар, у савдо қилаётганида доим кузатиб туришар экан. Уйга қайтаётиб эътибор қилсам, ўзим ҳам жилмайиб кетаётган эканман...



Ленин мамлакатни коллегиял, яъни кўплашиб бошқариш мумкинлигини кўрсатиб берди. Сталин давлатни битта одам бошқарса ҳам бўлишини исботлади. Брежнев эса ҳукуматни ҳеч ким бошқармаса ҳам бўлишини намоёниш этди.



Бундоқ ўйлаб қарасам, ўзимдан ўтадиган душманам йўқ экан.



Унда ёш эдим... Ёзган пьесаларимда агар шарт кетиб парти қолган, тўкилиб кетай-тўкилиб кетай деб турган, қариб-қартайиб, эртага ўладиган чол образи бўлса, “иштирок этувчилар” деган жойига “60 ёшда” деб кўрсатар эдим. Бўлди, гўё эртадан бошлаб ҳаёт қуёши сўнадигандай.

Мана, 70 га ҳам кирдик... 60 дан кейин ҳам ҳаёт бор экан!..



Архивимни титкиласам, ўша йиллари “қутуриб” ёзган эканман. Кўча-кўйни тўлдириб турган ажнабий тилдаги сўзлар денгизида ғарқ бўлаётган она тилим ҳақида “Ўзбек тили” номи ҳажвий анча шов-шув бўлгани эсимда. Ваҳоланки, у кезлар тил ҳақида қонун йўқ эди, лекин виждон бор эди. Миллат ойдинлари шўро замонида ҳам жим турмаган!



“Ёшлар орасида гоёвий ножўя асарлар яратилапти, уюшма раҳбарияти қаёққа қараяпти?” деган баҳона билан раисимизни ишдан олиб, ўрнига “етовга юрадиган” бошқа бир одамни ўтқа-

зишар эди. Халқимизда “Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр” деган гап бор. Бизнинг ҳам баъзан катта сиёсий ўйинларда “эчки” ролини ўйнаган вақтларимиз бўлган.



Мен ҳам АЭС қурилишига қаршиман. Чунки бизда қуриш, бино-иншоотлардан фойдаланиш маданияти етишмайди. Озгина инсоф ҳам... Ўғрилиқ кўп. Илгари жаҳон энергетика танқислигини назарда тутиб Ўзбекистонда АЭС қуриш тарафдори эдим, аммо Сардоба фожиасидан кейин ўйланиб қолдим...



Мустақилликка эришганимиздан кейин шундай вақтлар бўлдики, “советларники” деган тамга остида шаклланиб бўлган, туппа-тузук ишлаб турган бутунбошли тизимлар супуриб ташланди. Бундай “супуриндилар” ичида театр, хусусан, драматургия ҳам бор эди. Шундай қилиб, драматургия кўчада қолди. Жумладан, мен ҳам. Ёзган нарсаларим ҳеч кимга керак бўлмай қолди.



Актёр учун кино билан театрнинг фарқи шундаки, театр бу – оила, ота-она, ака-ука, опа-сингил, кино эса жазман – ҳар замонда бир бориб қўясиз, пакет-макет кўтариб. Лекин жазман (кино) қурмағур жозибали-да – жуда тез машҳур қилиб юборади. Бир томони борки, у фақат сизни ўзи хоҳлаган вақтдагина қабул қилади. Кинодан таклиф бўлишини кутиб, тошбақа тухумига тикилгандай, телефондан кўз узмай кутиб ўтираверасиз, ойлар, йиллар ўтиб кетаверади. У алақачон сиздан ёшроқ, сиздан чиройлироқ бошқаси билан топишиб олган бўлади. Оилангизга (театрга) эса қариб-қартайиб, сочингизга оқ ораласа ҳам, юзингизни ажин қопласа ҳам керак бўласиз. Театрда ишолмайдиган киноактёрларга менинг раҳмим келади.



Бир орзум бор: “Темир хотин”дан ҳам яхшироқ асар ёзиш.



Гапирганда эмас, ёзганда тилимиз бурро бўлсин.



ORZULAR USHALGUVCHI MANZIL

*Adabiyotshunos Sanobar TO'LAGANOVA
mutolaa qiladi*

КИТОБ ОРТИДАГИ САКИНАТ

Отам 41 ёшида вафот этди, етти жон – қўлида касб-хунари бўлмаган онамизга омонат бўлиб қолдик. Энам “жесир” деган номни олганда 29 ёшда бўлган – куюкнинг зўридан момом “бети қора жесир” деган сўзни кўп ишлатардики, ҳар эшитганимда елкамга биров ургандай энкаярдим. Бизга сағир деган “ёрлиқ” ёпиштирилди, ёши катталар “Панжи бечоранинг сағирлари” деб ачиниб қарарди. Бу сўзнинг маъносини унчалик тушунмасдим, аммо ич-ичимда оғриқ пайдо бўлар эди. “Еттовига бир қатор қилиб жой солиб, томоша қиламан, кўзга уйқу келмайди, буларга нима едираман, нима кийдираман?” деб қайғуларкан энам. У вақтларда Меҳрибон Зотнинг ҳар бир бандасига атаб қўйган насибаси борлигини на волидам, на биз билар эдик...

Эсимни таний бошлаганимда бу дунёда яшаш бир ташвиш бўлиб кўринди. Энамнинг ҳорғин қиёфаси, чорасизликдан унсиз йиғлашлари ичимдаги норозиликларни ошириб юборар, ожизлигим ортар, қўлимдан ҳеч иш келмаслиги алам қилар эди. Онажоним тирикчилик машаққатларидан қийналиб кетса-да, “Болам, ўқишинг керак, китоб-дафтарни ўйлама”, “Ўқинглар, одам бўлинглар, сағирлар қорнидан ортмабди демасин, отангизнинг изини босинглар, менинг ўрнимга ҳам ўқинглар” дейишни қанда қилмасди. Бошқалар билан суҳбатлашганимда мендаги кемтиклик баттар кучайиб кетарди. Бахтли болалик, пионер лагерлари, тўғарақлар, шаҳарларга саёҳатлар – буларнинг ҳеч бири менинг болалик дафтаримда йўқ эди-да. Ўйлаб қарасам, уларга ҳасад ҳам, ҳавас ҳам қилмаганман. Етимлигимни биров юзимга солмаса, ачинмаса бўлди, деган ҳадик бўлган. Одамларнинг раҳм-шафқат, мурувват кўзи билан қараши гашимни келтирар, ғурур кўзгалар эди. Сағирлигимни ҳеч ким билмайдиган бир маскан қидирардим. Бахтимга, менга қувонч ва умид берувчи бир жой бор эди: кутубхона. Жами ўқиклик ва армонлар унут бўладиган, орзулар юз очадиган макон! Бу ерда ўзимни кирои одам ҳисоблар эдим. Мансурова деган татар аёл мудирлик қиладиган туман кутубхонаси уйимизга жуда яқин эди. Мени доим шу ердан топишарди. Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”сидаги болакай билан қандайдир яқинликни ҳис қилар, боланинг мактаб портфели билан суҳбатларида учинчи томон бўлиб иштирок этар эдим. Гўё ёзувчи менгинани овутиш учун асар ёзгандай. Толстойнинг болагигидаги сертамизлиги, Горькийнинг аччиқ ҳаётий кечинмалари, Чехов ҳикояларидаги меҳрга ташналик – булар барчаси менга таскин бергандай бўларди. “Болалик”даги Мусанинг хархашаларига сабр қилган бобосига ҳавас қилар, “Ўтмишдан эртақлар”даги отасига нисбатан ҳис-туйғусиз болакайнинг кечинмаларини тушуна олмас эдим. “Кечмиш-кечирмишларим”даги қаҳрамон менга жуда яқин одамни эслатарди. Кутубхонада қаҳрамонга айланар, онажонимга дунёларни олиб берар эдим. Кейинчалик Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссасидаги Момоқизнинг кечмишлари бу хотираларни қайта янгилагандай бўлди. Энг муҳими, кутубхонада биров етимлигимни пеш қилмас, Мансурова опа “Энанг, укаларинг омонма, отанг жуда яхши одам эди” деб кўнглимни кўтарар, истаган китобни олишимга рухсат берар эди. Кутубхона бекаси “Сенга яна янги кинижка тутаман-да, бунисини ҳам тўлдирдинг”, деб қўярди енгилгина қойиб. Африка, рус, хитой эртақларидан тортиб, Гулливер, Том Сойер, капитан Грант... бу ёғи Алпомиш, Гўрўғли, Авазхон... Барчин, Қалдирғоч бекагача... Бир кун шомонларга қўшилиб олов атрофида ўтирар, бир кун музликларда, бир кун ўрмонда... ишқилиб, китоб ортига беркинар эдим. Мен малика эдим гўё, қаҳрамонлар ўзи ҳақида сўйлаб берар эди. Китоб ортидаги сокинлик армон ўрнига орзулар йўлаги томон бошлади. Китоб камимни тўлдирди, йўғимни бор қилди. Болагигимнинг ёрқин ранги кутубхона ва китоб билан боғлиқ бўлган экан.

Таниш бир аёл ёлғиз ўғлидан ажралиб, жигарлари кетма-кет вафот этса-да, ҳар кимга тақдирдан шикоят қилиб йиғламади, қандайдир ички хотиржамлик бор эди унда. Бир куни ўзи айтиб қолди: “Яхшиям китоб бор экан, бўлмаса мен аллақачонлар куйикдан ўлиб кетган бўлардим, китоб мени оутди, ғамдан чалғитди”. Дарҳақиқат, китоб – руҳга малҳам, қалбга ҳамдам...

НАФС ИЧИДАГИ НАФС

Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.

“Ўткан кунлар”нинг “Кутилмаган бахт” фаслида бундай эпизод бор: “Кумушбидан ваколат олиш ҳам жуда қийин бўлди. Домланинг “Сизким Кумушбиби Мирзакарим қизи, ўз **нафсингизни** (таъкид бизники – С. Т.) тошкандлик, мусулмон Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлига бағишламоқ ваколатини амакингиз Муҳаммадраҳим Йўлдош ўғлига топширдигизми?” деган сўроғи олти, етти қайтарилгандан кейин, шунда ҳам янгалар кистоғи остида аранг унинг ризолиғи олинди”. Нафсни бағишлаш... қизиқ-ку! Ҳар бир топилмада романнинг янги умри бошланади. Асар кўп бора чоп этилган, кўрсатилган нашр Хондамир Қодирий томонидан андак таҳрир қилинган. Бошқа нашрни кузатамиз: “...Сизким Кумушбиби Мирзакарим қизи, **ўзингизни** тошкандлик, мусулмон Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлига бағишламоқ ваколатини...” (*Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий бирлашмаси, 2018. 33-бет*). 2008 йилги нашрда ҳам айнан шундай...

“Нафс” сўзи бежиз ишлатилмагани аниқ. Устоз Сайфиддин Сайфуллоҳ фикрига кўра, никоҳ хутбасида “нафс” сўзини қўллаш ҳали ҳам айрим жойларда сақланиб қолган. Демак, никоҳ хутбасида бундай сўров шакли янгилик эмас, таомилда бўлган. Кейинги нашрларда “нафс” сўзи нега “ўзингиз”га алмаштирилгани бизга қоронғи. Энди савол туғилади: қайси бири ёзувчи назарда тутган маънони ўзида жамлайди? Бағишламоқ сўзи ҳада этмоқ, борини бермоқ, сарф қилмоқ маъноларига тўғри келади. Кўникиб улгурганимиз “ўзини бағишламоқ” маъноси “нафсини бағишламоқ”дан кенгроқми ёки тор? Манбаларда ўз сўзи туркий бўлгани, у арабий *нафс* сўзига синоним шаклида ишлатилгани қайд этилади. Романни асл манба асосида қийслаб бир оз таҳрир қилган Хондамир Қодирийнинг матн билан ишлашда катта малака ва тажрибага эга экани ҳисобга олинса, нафс сўзи ўз ўрнида қўлланганига амин бўламиз.

Абдулла Қодирий нафс тушунчасини жуда кенг тушунган ва қўллаган. Ислон маърифати нафс илмига, нафсни поклаш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади. Кумушнинг нафсини бағишлаши нимани аңлатади? У орзу-ҳаваси ва кўнглини, инон-ихтиёри ва ишончини Отабекка топширади. Оила икки томонлама розилик асосида тузилган мақсад ва ният, ҳавас ва майллар бирлашувини назарда тутди. Ўзини бағишлаш борини бермоқ бўлса, нафсини бағишлаш ҳавас ва истак бирлигига эришмоқдир. Ёзувчи сўзга ёндашувда тасаввуф ҳамда мумтоз адабиётимиз анъаналарига таянган. Адиб яшаган даврда нутқда арабий, форсий сўзларни қўллаш урф бўлган. Эҳтимол, бугунга келиб “*ўзини бағишламоқ*” сўзи жисм билан боғлиқ ҳолда тушунилгани учун ҳам “*ўзингизни танмахрамликка бағишламоқ*” шаклига айлангандир?..

Нафс тушунчасининг руҳий-маънавий асоси, даража, хусусияти ва маъно қамровида ўта нозик илғамни талаб этадиган айирма бор. У қайсидир даражасида ҳайвоний, қайсисида инсоний, яна қайси бирида қудсий... Шаҳват ҳам нафс, ғазаб ҳам нафс, муҳаббат ҳам нафс, адоват, кибр, риё ҳам нафс. Ўзликнинг ўзаги “ўз” бўлиб, туб асоси, аввалида бори аңланса,

нафсда беқарорлик, тугал бўлмаган руҳий ҳолат, ўзгаришга мойил ҳислар назарда тутилади, чамамда. Нафси билан имтиҳон қилинган Юсуф алай-ҳиссалом қиссаси инсониятга сабоқ беради, ўрнатқучи хизмат қилади. Улуғларимиз нафс мужодаласини энг катта жиҳод, инсоният қавмининг қиёматга қадар давом этадиган азалий муаммоси деб билганлар. Мавлоно Румий ҳазратлари “Эй, Ҳақ йўлчиси! Ҳақиқатни билмоқчимисан, унда эшит: Мусо ҳам, Фиръавн ҳам ўлмаган! Улар сенинг ичингда яшамоқда. Улар сенинг борлигинг ичига яширинган. Қалбингда ўзаро урушаётир. Шу сабаб бир-бирига душман бўлган бу иккисини ичингдан чиқариб ташлашинг керак!..” Алқисса, ҳар биримизнинг ичимизда Мусо ва Фиръавн бор, нафсимиз нафасимиз ичида яшаётир.

ШАХСИЯТ КИРЛАРИДАН ХОЛИ БИТИКЛАР

Абдулла Қодирий. Диёри бакр. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2007.

Теранроқ назар солинса, Қодирийнинг кичик ҳажвий асарлари ва романларида услубий фарқланиш бор. Кичик асарларига хос ифода ўқувчини сергаклантирса, роман тилидаги улғуворлик оҳанрабодай ўзига тартади. Услубдаги тафовут ижодкор дунёқарашидаги тебранишлардан дарак беради. Қодирий шахси ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш учун йирик ва мўъжаз насрий асарлари, журналистик фаолияти ҳамда таржимаи ҳолига доир ёзишмаларини бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим. “Диёри бакр” мажмуасида ёзувчининг кичик асарлари жамланган.

Турли жанрларда ижод қилган ёзувчининг журналистик фаолияти ўзбек танқидий тафаккурида алоҳида босқич саналади. “Биз жасорат сўрар эдик. Лекин бериш қаерда – жасоратимизнинг қолган-қутганини ҳам олмоқ муддаосида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни тек-тугидан кесмоқчи эдилар. Жасорат биткан эди, тил кесилган эди... Юрагимиздаги бир оз умидни истисно қилганда бошқа нарсалар юлнуб-юлқинган эди”, деб ёзади “Жасорат айб эмас” мақоласида. Муаллиф зиёлилар орасида “шахсият кирларидан” холи муносабат зарур эканини алоҳида уқтиради.

“Давосиз дардлар” мақоласида шўроларнинг ёлғон сиёсатга асосланиб иш юритиш услуби киноя, қочирим воситасида танқид қилинади: “Дард кўб – давоси йўқ, ҳасрат узоқ – кечалар қисқа, манзаралар ажиб – кўзлар кўр, жарт-журт зўр – натижалар кичик, манзил узоқ – роҳила оз, ваҳима катта – тўй бедарак...”.


Матбуот майдонида “фельетонлар қироли” бўлиб танилган ёзувчининг шахс сифатидаги адабий сийрати ҳар бир мақолада, ҳар бир сатрда чўғдек йилтиллаб ўзини намоён этади. “Муштум” журнали ёзувчи ижодида янги саҳифа ўлароқ Қалвак маҳзум, Тошпўлат тажанг сингари бетакроп қаҳрамонларни сўз майдонига олиб кирди.

“Йиғинди гаплар” деган мақола Қодирий шахсиятини очиқлашда алоҳида ўрин тутди. Адиб ҳаётидаги бурилиш айнан шу материалда акс этган. У ўша даврдаги мамлакат раҳбарларидан бири Акмал Икромовга хитоб қилади: “Мен ҳар куни худога тўққиз мартаба осий бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман. Исёним бепоён бўлганидек,



истиғфорим ҳадсиз ва лекин исёнсиз қолган соатимга жуда оз учрайман! Бас, онглағилким, эй Акмал, тавбага бўйин буккан банда – бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик бунёд қилган расво – расволарнинг яна ашаддий расвосидир. Ўз бутунлигини сақлай олмаган бошқага эн бўла оладир, деб ҳеч бир китобда учрата олмадим. Ҳақиқат олдида бўйин эгиш тавбадир, ўзгаси ғавғодир!”

Ёзувчининг суддаги нутқи ҳам характерли. “Банда ҳақиқатни тушуниб эмас, кучланиб, ожизланиб бўйин букадир. Бас, бу ҳолатдаги тавба тавбамас, балки шахсий ихтиёрни, муҳокамани қўлдан бериб одамгарчиликдан чиқишдир. Ўзинг бир ҳақиқатка қониқмай туруб ва ўзингнинг хатоингга тушунмай туруб, фақат ожизликдан қилинган тавба тавба эмас, ҳам ўзингни, ҳам ўзгани алдаш” билан баробардир дейди у. Қодирий бир неча саҳифали нутқида “шахс” сўзини бир неча маънода қўллайди: “шахсий адоват”, “шахсий роҳати йўлида элни эмиб”, “баъзи устолпараст, танпараст шахсларимиздан киноядир”, “шахсиятига чўқиниб”, “шахсий ҳазил”, “шахсий бутунлик”, “муस्ताқил шахс”, “шахсини кўра олмайсиз”, “мен турлик бўхтон, шахсият ва сохталар” билан “бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим”. Ёзувчи маҳкама жараёнида ўзига қўйилган айблов мақола туфайли эмас, балки шахсиятига қаратилганини яхши билган ва эътиборни шахсий муносабатлар масаласига қаратган. Қуйидаги фикр ёзувчини янада яқинроқ танитади: “Шахсий бутунлик, муस्ताқил шахсият қуллик билан зиддир. Шахсий бутунлиги бўлмаган, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучини тополмаган ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалиқ ва чин ағзо бўла олмаслар”.



ТЎРТ ТОМОН ҚИБЛА

Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.

Бугун ёшлар орасида шўро даври ёзувчиларини танқид, маломат қилиш, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Комил Яшин, Ҳамид Олимжон сингари ижодкорлар адабий меросини менсимаслик кайфияти пайдо бўлмоқда. Ёзувчи яшаган давр билан ҳисоблашмаслик ёки асар тағмотидаги ишораларни ҳисобга олмаслик бирёклама муносабатни юзага келтиради. Бундай кайфиятнинг пайдо бўлишида адабиётшунослар ҳам айбдор. Зеро, бугун тарихийлик кесимида улар ижодига янги ракурсда, ҳолис ёндашиш талаб этилмоқда.

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”си “Тўрт томоним – қибла, лекин қаёққа қараб йўл олсам экан?..” деган жумла билан якунланади. Ҳар сафар уни ўқисам, шу жумла эътиборимни тартади. “Тўрт томони қибла” бирикмаси асарда бир неча бор такрорланади. Бунда қандайдир ишора бормикан?

Ғафур Ғулом – фавқуллода истеъдод эгаси, йирик ижодий феномен. Шундай катта ёзувчи мафкурага анчайин дастёр бўлиб қолмагандир, истеъдод қаердадир ўз кучини намойиш этган чиқар. Муаллиф қибласини йўқотган, сигинар меҳробидан айрилган, борар манзили аниқ бўлмаган халқнинг руҳий ҳолатига ишора қилдимикан?.. Шўронинг асл моҳиятини англаб етмаган, динидан айро тушган, қадриятлардан узилган, аросатдаги миллатнинг аҳволига айнан “тўрт томон қибла” ибораси мос келадигандек.

Манбаларда “Шум бола” қиссаси 1936 йили ёзилгани қайд этилган. Миллат тарихида ўчмас из қолдирган қатағон арафасида шундай асарни ёзмоққа чоғланишнинг ўзи жумбоқ. Унинг дастлабки варианты “Довдираш” деб номлангани ҳам бежиз эмас. “Довдираш” фақатгина асар мазмунига эмас, балки ёзувчининг ўзига, жамиятга, одамларга ҳам тааллуқлидир?..

Қисса ёзилган кезлар пичир-пичир, шубҳа-гумон, таҳдид, ижодкорларнинг тўсатдан йўқолиб қолиши, қутилмаганда сўроққа қақирилиш хавфи, қақимчилик, хиёнат авж олган эди. Ижод хатарли машғулотга айланган эди. Шундай таҳликали замонда адиб “Ёдгор”, “Шум бола” сингари бетакрор асарларни ёзишга ижодий қувват ва ишончни қаердан олди? Қатағон машинасининг шовқини ижодкорни эҳтиёткорликка ундагани аниқ, аммо қалтис лаҳзаларда Ғафур Ғулом йўлсизликда йўл топа билдими?..

Қодирий, Чўлпонларни такрорлаш ақлга сиймас эди. Ижодкор фақат янги йўл, янгича ёндашув заруриятини қалбан ва ақлан ҳис этади. Қолаверса, ижодий салоҳияти ва истеъдод кўламини яхши билган шоир ўзгаларга тақлид қилиш, бошқалар юрган йўлдан юришни ўзига раво кўрмасди ҳам. Муаллиф “Шум бола” асарини эълон қилган вақтда қалами мафкура қолипларига анчагина мослашиб бўлган эди. Аслида, сиёсий талатўплар кучайган, ёлгон авж олган муҳитда санъат асари пайдо бўлиши қийин. Аммо адиб кўрқувга тобе бўлиб қолмади, “Шум бола”ни санъат асарига айлантира билди.

Қиссада етимлик Қоровойни асрагучи тумор каби хизмат қилади. Оғир вазиятларда болакай “етимнинг ҳаққини еб бўлмайди”, “етимга озор бериш – гуноҳ” каби қадриятга айланган тушунчалар билан омон қолади. Етимликнинг сўқмоқлари қалтис ва хатарли бўлгани боис қувлик ва шумлик, айёрлик ва тadbиркорлик билан бирга меҳрибонлик, бағрикенглик, мурувват унинг ҳаётий формуласига айланади.

Қисса муаллиф томонидан қайта-қайта таҳрир қилинган. Илк варианты “Довдираш” (1936), кейингиси “Шум бола” (1938) номи билан нашр этилган. “Танланган асарлар”да қисса (1941 йилги вариант) бундай хотима топади: такяхонадан чиққан болакай, ювиниб покланади, чунки у янги ҳаёт остонасида. Бозорда муҳтожликдан чорасиз турган бир косибдан этик сотиб олади, ўзига ўхшаган юпун болани меҳмон қилади, озроқ пул билан сийлайди. Эътиборга молик жиҳати, бош қаҳрамон бозордан ҳавас ва умид билан китоб сотиб олади. “Фурсат келганда айтарман, бу китоб “Хамса”и Алишер Навоий экан”, деган сўзлар билан якунланади асар. Афсуски, кейинги нашрларда хотима ўзгаришга учраган.

Дарвоқе, мана бу парча ҳам қизиқ: “Ўша йиллари Тошкентда шунақа ҳам жинни кўп эдики, санаб сановига ета олмайсиз: Малла жинни, Карим жинни, Майрамхон, Холпаранг жип-жинни, Тожихон, Жуфт каптар, Олим жинни, Эшон ойи, Аваз жинни ва бошқалар...” Ёзувчи уларга алоҳида-алоҳида изоҳ беради. Уларнинг ҳеч бири онасидан жинни бўлиб туғилмаган, замона зайли билан дардга чалинган ёки ўзини шу йўл билан ҳимоялаган. Карим жинни чит чиқиб, бўз ўтмай қолганидан, Эшон ойи – эрининг хиёнатидан, Холпаранг дастгоҳига ўт тушгандан сўнг ақлдан озган. Жуфт каптарга “ҳукуматдан теккан”. Улар орасида Аваз жинни каби “ҳаваскор” тентаклар ҳам йўқ эмас. Бу ерда бир гап бор. Назаримизда, муаллиф ҳам қатағон йилларида омон қолиш учун йўл қидирди. Дунё

бозоридан ўзини жиннига солиб ўтаётган қаҳрамонлар руҳияти муаллифга ҳам бегона эмасдек...

Ғафур Ғулум бурч ва шаънга хиёнат қилган сохта уламоларни “бир ёлғондан қирқ ёлғон” усулида фош қилади. Болани ёлғон ишлатишга мажбур қилган сабабларга назар солади, жамиятнинг алдов ва зулм-зўравонлик асосига қурилганига ишора этади. Қиссадан ҳиссага кўра, “илмни воситаи жоҳ” айлаганлардан кўра саводсиз камбағал болакайнинг ҳаётий тутумлари афзал. У бировнинг ҳақидан, ўзгага тухматдан кўрқади, ҳалол-ҳаромни фарқлайди. Қаҳрамон табиатидаги бу хислатларга ёзувчининг ўзи “донорлик” қилган бўлса ажаб эмас.

ХУРРИЯТ ВА АДАБИЁТ

Сирожиiddин Аҳмад. Миллий ҳуррият адабиёти. Икки империя асоратида. 1-2-жилдлар. Тошкент, “Info Capital Group”, 2018.


Сирожиiddин Аҳмад – кўлёмаларни синчиклаб ўрганадиган, бирламчи манбаларга таянадиган, тағмоти сирларини пухта билган заҳматкаш олим, жаид даврининг улкан билимдонларидан бири. У умрини Туркистон тарихининг энг мураккаб даврини ўрганиш, юрт ойдинлари фаолиятини ёритиш, маърифат-парварлар ҳаётини чин мазмун-моҳияти билан очиқ беришга бағишлади.

“Миллий ҳуррият адабиёти” ва “Икки империя асоратида” китобларининг композицияси анъанавий мундарижалардан фарқланади. Шаклдаги ўзига хослик мазмунда ҳам аксини топган. Уларда давр муаммолари, тарихий-адабий жараён бўй-басти билан кўрсатилган.

Икки жилддан иборат тадқиқот Туркистон мустақиллиги йўлида жон олиб, жон берган юрт қаҳрамонлари ҳақида. Муаллиф асл манбаларга таяниб “қизил террор” сиёсати даврида 15 мингдан зиёд уламо қатл қилинганини аниқлаган, уларнинг миллат маънавий ва маданий рағнақи йўлида олиб борган хизматини кўрсатиб берган. Ўша кезлар босқинчилар юртда динга бўлган эҳтиромни кўриб, энг аввал диний уламоларни қириш, бадном этишни мақсад қилгани маълум.

С. Аҳмад Туркистон ойдинларидан Тоҳир Шокирнинг “Танланган асарлар”ини ҳам нашр этган. Тоҳир Шокир (Чигатоӣ) ҳазрат Навоӣ ижодига бағишланган мақолаида Туркистонда турк мафқураси ҳамда Алишер Навоӣ ижоди ва туркий тафаккур масалаларини кўтарган. Олим Навоӣ феноменини очиқ беришда туркий тафаккурнинг қадим илдишларига назар солади. Туркистонда туркликнинг Навоӣгача бўлган маданий ва адабий даврини тадқиқ этади. У “Қутадғу биллиг”ни миллий руҳ ва миллий тафаккурнинг тимсоли деб баҳолайди. Туркий қавм араб ва форс тили босими остида ўз руҳидан узоқлашиб кетаётган паллада Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавийлар кураш байроғини кўтариб чиқди. Кейинроқ Навоӣ “турк руҳи, турк ранги, турк фикр адабиёти”ни яққалам қилди...

Сирожиiddин Аҳмаднинг Туркистон тарихи ва жаид ҳаракатига бағишланган асарлари билан танишиш ҳар бир ўзбек зиёлиси учун манфаатлидир.



РУҲНИ ТАРБИЯЛАБ БЎЛАДИМИ?

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия. 3 жилдлик. 1-жилд. Покланиш. Тошкент, “Hilol-nashr”, 2016.

Инсоннинг ўзини англашида диний-маърифий китобларнинг ўрни катта. Исломи оламининг етук уламоларидан бири, улўф шайхимиз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзидан катта илмий мерос қолдирди. Олимнинг фалсафий-маърифий ҳарактерга эга “Ҳадис ва ҳаёт” рукнидаги 40 жузга яқин асари, “Мукаммал саодат йўли”, “Бахтиёр оила”, “Одам ва олам, дин ва илм”, “Тасаввуф ҳақида тасаввуф” китоблари миллат тафаккуридаги маънавий бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилмоқда.


Олим ҳар не масалага вазмин ва холис ёндашуви, мавзуни кенг қамровда шарҳлаши, фикр ифодасида халқона усулдан фойдаланиши, муомала-муносабатда авомнинг дидини ҳисобга олиши билан ўрнатган эди. У киши ҳар бир масалага мантиқан ёндашиб, фикр ифодасида эҳтиросга берилмай, улўворлик ва салобатни маҳкам тутарди.

“Руҳий тарбия” китобининг номиёқ фикр уйғотади. Руҳни тарбиялаб бўлармикан? Руҳ тарбиясида нафс етакчи муаммо саналади. Баъзи адабиётларга кўра, нафс ва руҳ айни маънони англатади. Бу икки тушунча психология билан боғлиқ тадқиқотларда ҳам алоҳида ўрин тутарди. Арабларда психология – “илмун нафс”, яъни нафсни ўрганиш илми деб аталади. Ҳозир психологияни руҳшунослик деб аташ урфга кирди, аммо нафс аслида руҳ эмас. Руҳ – Оллоҳ тирик коинотга жойлаган илоҳий сирдир. Инсон маърифатда ҳар қанча юксалмасин, руҳ сирини очишга ожиз. Одамлар Расулulloҳдан (с.а.в.) руҳ ва унинг моҳияти ҳақида сўраганида, қуйидаги оят нозил бўлган: “Ва сендан руҳ ҳақида сўрарлар. Сен “Руҳ Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир”, деб айт” (Исро, 85).

Жилдларнинг тартибланишида ҳам теран қонуниятга риоя этилган: “Покланиш”, “Тикланиш”, “Хулқланиш”. Нафси амморани жиловлаб покланган инсон кейинги босқичда ўзини тиклайди, сўнгисиде эса гўзал сифатлар ила хулқланади. Инсоннинг комилликка етишув босқичлари шу тарика содда ва гўзал кўрсатилган.

Муаллиф муқаддимада бундай ёзади: “Исломи дини инсоннинг жисми ва руҳига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Руҳий-маънавий қисм “тазкия-тун нафс” – “нафсни поклан” деб аталиб, унда мўминларнинг нафсларини, яъни шахсиятларини поклан, уларга фазилатларни касб қилдириш ва разолатлардан холи этиш қиради. Бу борада “нафс” сўзи билан бирга “қалб”, “руҳ” деб аталадиган маънолар катта аҳамият касб этади. Қалб раббоний, руҳоний ва латиф нарсаси; руҳнинг ҳақиқатини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди. Аммо Қуръони каримда нафсни поклан ҳақида кўп сўз кетгани учун “қалб”, “руҳ” сўзларидан айнан “нафс” сўзини ишлатиш кенг тарқалган”. Демак, олим руҳнинг сирлигини эътибордан қочирмаган ва уни нафс сўзига синоним сифатида қўллаган.

Глобаллашув даврида инсониятни ахлоқий қадриятларига таназзулдан сақлаб қолиши мумкин. Бу жиҳатдан шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг ижодий меросини илмий-фалсафий кўламда ўрганиш муҳимдир.





Millat qanday tarbiyalanadi?

Таълим-тарбия маънавиятни шакллантирадиган муҳим омиллардан саналади. Маънавий тарбия эса инсон шахсини шакллантириш, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган таъсир йўллари, тадбир, ҳаракат ва интилишлар йиғиндиси. Маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш учун ўқувчилар онги, ҳиссиётлари ва мақсадларига тизимли таъсир этиш керак. Ўқимларда тизимли асосда ва узвий тарзда маънавий-ахлоқий онги шакллантира бориш, ҳис-туйғуларни тарбиялаш, мақсад сари интилиш, ҳулқ-атвор кўникмаси ва одатларни таркиб топтириш зарур. Бинобарин, яхши одатларнинг нақадар қимматли ёки ёмон одатларнинг қанчалар зарарли экани беш-ун йил ўтгач яққол кўринади.

Кундалик одатларга риоя қилиш натижасида ўқувчида масъулиятни ҳис этиш, онгли тарзда интизомга бўйсунуш кўникмаси шаклланади. Одат аста-секин шахсиятнинг феъл-атвори айлана боради. Инсонда фазилат ҳам, иллат ҳам шу тарзда юзага келади. Мисол учун, бола ҳар куни дарсга кеч қолаверса ёки уйқудан уйғониши билан телефон уйнаса ва бу ҳол такрорланаверса, иллатга айланади. Агар тарбиявий тадбирлар режаси тўғри тузилиб, кунига уч-тўрт бет китоб ўқиш, бадантарбия қилиш, тил ўрганиш ёки тозалик ишларига машғул бўлиш каби одатлар меъёрга айлантириб борилса, ўқувчи ўз ҳаётига бефарқ бўлмасликка ўрганади, унда вазиятни таҳлил этиш, тўғри баҳолаш қобилияти пайдо бўлади. Муттасил ўқиб-ўрганиш инсонни янгитдан шакллантиради. Ўқилган ҳар бир китоб эски ғояларга янгича қарашни ўргатади. Маънавий жиҳатдан чинакам ўсиш жараёни аста-секин, яъни мунтазам амалиёт билан юз беради.

Бир мисол келтирамиз. Бамбук дарахти дастлабки беш йил ичида бўй кўрсатмайди. Чунки у

зўр бериб илдиз отаётган бўлади. Олтинчи йили эса кўкка шундай бўй чўзадики, олти ҳафтада нақ ўттиз метргача ўсади. Шу каби, фазилатлар ҳам аввалига шахсда ҳеч қандай ўзгариш ясамагандек туюлади. Бесабрлик кўпчилигимизга хос – дарров натижа кутамиз. Тарбияда ҳам кўзга кўринарли самара, яъни ўсиш кўрмагач, тарбиячининг ҳафсаласи пир бўла бошлайди. Ҳолбуки, тарбия масаласида жўжани кузда санашга тўғри келади.

Тарбия – буюк иш. Барча буюк ишлар кичик қадамлардан бошланади. Ҳар бир одат жажжигина қарордан келиб чиқади. Бу қарорлар ҳар куни такрорлангани сайин илдиз отиб, кучайиб боради. Бу одатлар замирида эса мақсад ётиши керак. Аниқ мақсад сари интилиш орқалигина натижага эришилади. Ёш авлод онгида аниқ мақсадни шакллантириш учун, аввало, унинг кун тартибини ўрганиш лозим. Шу мақсадда бир академик лицей ўқувчилари орасида “Менин кун тартибим” деган сўровнома ўтказилганда, 22 нафар боладан китоб ўқишини – 3, дарс тайёрлашни 9 нафари қайд этган. Кўринадики, кенжа авлодни ҳавойи гаплар билан китобхонликка ўргата олмаймиз.

Японияликлар кунни мутолаа билан бошлар, агар нонушта дастурхонида янги келтирилган газета ёки журнал бўлмаса, ўзидан кўнгли тўлмас экан.

Ўтказилган тадқиқот ўқувчиларда бўш вақтини бекорчи ишларга сарфлаш кўрсаткичи юқори эканини кўрсатди. Номмақбул усул, ҳулқ-атворга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олмаслик оқибатида ижобий одатларни ўзлаштириш қийин кечади.

Инсоний фазилатларни шакллантиришнинг асл ўчоғи – оила. Бу борада асосий дастак ота-она қўлида, бола тарбияси учун, аввало, улар жавобгар. Боланинг яхши ё ёмон бўлиши ота-она томонидан тузилган маънавий-тарбиявий

тадбирлар режасига боғлиқ. Шу боис ҳам буюк рус адиби Антон Чехов “Фарзандларингизга тарбия берманг, улар барибир сизга ўхшаб улғаяди. Шу сабаб, аввало, ўзингизни тарбия қилинг” деганида ҳақ эди.

Яхши одам бирданига ёмон, одобли бола ўз-ўзидан бадхулқ бўлиб қолмайди. Демак, қаердадир тарбия занжири, узлуксиз таълим, меъёр, мувозанат бузилган. Нимагадир эътибор сусай-

ган ёки ҳаддан зиёд кучайган. Ёки тарбияда та-наффус рўй берган...

Ёшларимизнинг маънавий комил инсон бўлиши, гўзал фазилат эгасига айланиши босқич-ма-босқич амалга ошади. Бунда таълим тизими ҳамда муҳитнинг ўрни беқиёсдир.

Ойгул КАЖАНОВА,
мустақил тадқиқотчи

Etiquod qo'rg'oni

Диний радикализмнинг кўринишлари маълум бир дин билан чегараланиб қолмайди. Жаҳон тарихида эътиқодий ксенофобия сабаб келиб чиққан урушлар ҳам кам эмас. Бунга VII – VIII асрлардаги араб юришлари, қасос олиш мақсадидаги реконкистлар, XI – XIII асрлардаги салиб муҳорабалари, сўнгги ўрта асрларда Европадаги католиклар ва протестантлар ўртасидаги тўқнашувлар, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги зиддият, XX асрда авж олган ва ҳозирги кунгача давом этаётган Фаластин ва Исроил ўртасидаги қуролиш можаро, Исроил ва Эрон орасидаги тафовут, исломдаги шиалар ва суннийлар ўртасидаги келишмовчиликлар яққол далилдир.

Мустақиллик йилларида диний радикализмнинг айрим кўринишлари, бузғунчи диний оқимларнинг салбий таъсири кўпмиллатли, кўпдинли Ўзбекистонимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Тарихдан биламизки, асрлар давомида халқимизнинг аъёнавий қадриятлари ва ислом қонунлари ўзаро уйғунлашиб, бугунги кунгача яшаб келмоқда. Аммо олий неъмат ҳисобланмиш тинчликнинг қадрига етмай ўзга юртдан бахт излаётган, уруш давом этаётган ҳудудларга бориб террорчи гуруҳлар сафига қўшилаётганлар орасида баъзи фуқароларимиз ҳам борлиги одамни ташвишлантиради. Масалан, сўнгги ўн йилда “динни ҳимоя қиламиз” баҳонаси билан олис Сурияга, нафақат ўзи, балки оиласи, фарзандларини ҳам олиб кетган ватандошларимиз сони кўпайди. Бу салбий сиёсий характердаги диний мафкура билан заҳарланиш оқибатидир.

Мамлакатимизда қонунчиликка зид ҳаракатлар олиб бораётган ташкилотлар, жумладан, христианликнинг протестант йўналиши тарғиботи билан шугулланаётган гуруҳлар ҳам пайдо бўлди. Улар юртдошларимизни турли йўллар билан ўз эътиқодига жалб қилди. “Республикада

диний соҳада қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг талабларини бузиш аксар ҳолларда “Иегова гувоҳлари”, “Тўлиқ инжилчи христианлар”, “Еттинчи кун христиан адвентистлари”, “Евангел христиан баптистлар черкови”, “Голос Божий” черковлари, корейс-протестант черковлари, шунингдек, баҳоий диний жамоалари ва Кришнани англаш жамиятининг айрим расмий ва норасмий жамоалари вакиллари томонидан амалга оширилмоқда” (Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. Тошкент, Ислон университети нашриёти, 2014. 119-бет).

Ўз динидан воз кечиб, ўзга эътиқодни қабул қилган шахслар, яъни прозелитларнинг аксари – диний онги шаклланмаган, дин тўғрисида тўлақонли фикрга эга бўлмаган фуқароларимиз. Улар миссионерлар томонидан пухта қўлланган кучли тарғибот усуллари таъсирида ўз эътиқодини ўзгартирмоқда.

Хорижлик миссионерлар турли диний китоблар тарқатиб, ёш авлодни тўғри йўлдан чалғитиб, улар онгини заҳарламоқда. Уларнинг асосий мақсади ёшларни миллий заминимиз, боқий қадриятларимиз, бой маънавиятимиздан маҳрум қилиб, манқуртга айлантиришдан иборат.

Сир эмаски, айрим хорижий давлатлар идоралари, хайрия жамғармалари, нодавлат, нотижорат тузилмалар, молиявий гуруҳлар миссионерлик ташкилотларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, улар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хориж молиявий ва миссионерлик гуруҳлари ва кучлари бошқа дин ва секталарга кириб кетган фуқароларимиздан бизга қарши мақсадларда фойдаланмаслигига ким кафолат бера олади?! Бу таҳликали ҳодиса бир кун келиб миллатимиз, юртимиз илдизларига

зарба бериши мумкин. Ёш авлод тақдирини ўйласак, бу масалага бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Демократик давлат фуқароларнинг диний эътиқод қилиш эркинлигини тан олади ва баъзи диний масалаларни қонун билан тартибга солади. Аммо айрим дунёвий давлатларда “асосий дин” ёки “давлат дини” мавқеи сақлаб қолинган. Масалан, Грузия Конституциясида “Православ черковининг алоҳида роли эътироф этилади” деб таъкидланган бўлса, Болгария Асосий қонунида “Шарқий православлик анъанавий дин ҳисобланади” деган банд мавжуд. Германияда иш ҳақидан олинадиган солиқнинг маълум фоизи черковга ўтказиб берилади. Аҳолининг 60 фоизи мусулмон бўлса-да, Малайзияда ислом “давлат дини” деб эълон қилинган. Ҳатто дунёвий давлат ҳисобланган Италияда ҳам католик дини давлат дини сифатида тан олинган.

Дин – маънавиятнинг таркибий қисми. У инсонларни эзгуликка, биродарликка чорлаб, тарбиялайди. Бироқ дин қонун-қоидаларидан ғарзли мақсадларда фойдаланиб, инсонлар онгини манипуляция қилишга, жамиятнинг ўрнини йўлдан оздиришга интилаётган кучлар оз эмас.

Инсоният асрлар давомида диний радикализмдан азият чекди. Диннинг радикал табиати унинг тури ёки номига боғлиқ эмас. Бу диндан ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлган айрим гуруҳлар ва шахсларга боғлиқ.

Глобаллашув жараёни, иқтисодий инқироз даврида дунёда гегемонлик қилишга интилиш тобора кучаймоқда. Бир неча аср олдин мус-

тамлакалаштириш христианликнинг шиорига айланган бўлса, ҳозирги вақтда “жаҳонга кириб бориш”да ҳам айнан миссионерлик ҳаракатлари тобора авж олмоқда. Халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб, геосиёсий рақобат ошиб бораётир, ғоявий-мафкуравий экспансия фаоллашмоқда.

Жаҳондаги ушбу вазиятни теран англаган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, “...бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан ҳатто мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилмоқда. Баъзи гуруҳлар орасида диний қарашларни Конституция ва қонунларимизга қарши ва улардан устун қўйиш ҳолатлари кучаймоқда. Диний эътиқод ниқоби остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳолатга ундаётган кишилар пайдо бўлмоқда” (*Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. Президент Ш. Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. // Янги Ўзбекистон, 2023 йил 23 декабрь*).

Ана шундай мураккаб шароитда мамлакат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигига, унинг манфаатларига, миллат келажагига раҳна соландиган ҳар қандай кучга қарши курашда биз халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб иш кўришимиз лозим.

Мансур МУСАЕВ,

сиёсий фанлар доктори (ДС)

Texnika taraqqiyoti: zavol yo kamol?

Техника – узоқ давом этган ижодкорлик ва илмий билимлар ҳосиласи. Файласуфлар техникани ўрганишда муаммонинг маданий, тарихий ва ижтимоий томонларини ҳисобга олади. Техника фалсафасининг алоҳида йўналиш сифатида шаклланишининг ҳозирги босқичида “Техника фалсафасининг предмети нима, у жамиятда қандай ўрин тутати?” каби саволлар туғилади.

Техника фалсафаси соҳадаги фаолият тараққиётининг умумий қонуниятлари ва техник фаолият; дизайн; техник фанларнинг замонавий инсоният маданиятида тутган ўрни; техни-

ка ва инсон; техника ва табиат муносабатлари; ахлоқий, эстетик, глобал ва бошқа муаммолар ечимини замонавий техник-муҳандислик нуқтаи назаридан ўрганади. Техника фалсафаси, биринчидан, техникани ўрганадиган бошқа фанлар билан махсус солиштириб текшириш, иккинчидан, техниканинг ўзи нима эканини кўриб чиқиш орқали тадқиқ этади.

Шундай қилиб, техника фалсафаси, аввало, фалсафага бир бутун ва ажралмас бўлим сифатида киритилган техник билимларнинг муайян қисми бўлиб, у фаннинг ривожланиш чорраҳаси-

да жойлашган ва кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берадиган ўзига хос йўналишдир. У техник дунёнинг маънавий ва мафкуравий томонлари, онтологияси, аксиологияси, гносеологияси ва методологиясини ўрганади. Техник дунёқараш, техник ғоя ва уни амалда қўллашнинг тарихий ўрни, ролини ўрганиш ҳам унинг вазифалари сирасига киради.

Техника фалсафаси техниканинг тузилиши, вазифалари, ишлаш принциплари ва бошқа техник тавсифларини ўрганмайди. У техника мавжудлиги ва ривожланишининг универсал тамойиллари, ғоявий асосларини таҳлил этади. Бунда, биринчидан, техникага ҳодиса сифатида қаралади; иккинчидан, техниканинг ички бардошлик хусусиятлари ва ривожланишининг умумий қонуниятлари ўрганилади; учинчидан, техниканинг ижтимоий тараққиёт таъсири ва тарихий истикболи ҳисобга олинади.

Техника фалсафасида “технооптимизм” ва “технопессимизм” деган атамалар муҳим ўрин тутати. Булар саноатнинг инсон ва жамият ҳаётига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатишидан келиб чиққан тушунчалар ҳисобланади. Биринчиси техника тараққиётининг инсон ҳаётини фаровонлаштиришга хизмат қилиши, иккинчиси эса одамзодга салбий таъсир этишини англатади. Демак, техника инсониятга бир вақтнинг ўзида ҳам дўст, ҳам душмандир.

Техникани яратувчи ва ишлатувчи инсоннинг у билан ўзаро муносабати муаммоси техника фалсафасининг яна бир муҳим тадқиқот объектларидан саналади. Техниканинг маданият билан ўзаро боғлиқлиги муаммоси ҳам шу сирага киради. Чунки замонавий инсон табиий муҳитдагина эмас, маданий муҳитда ҳам яшайди. Бу соҳа табиатга, техниканинг ўзига нисбатан

жавобгарлик масаласини ҳам, фан ва техника, илмий-техникавий тафаккур, илмий-техник билимлар ўртасидаги муносабатларни ҳам таҳлил қилади.

Бугун дунёнинг технократик ривожланиш моделига ўтиш шароитида иқтисодийни қайта қуриш йўлида инсониятнинг омон қолиши кўп жиҳатдан муҳандисларга боғлиқ бўлиб турибди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада асосий шахсга айланган муҳандислар илм-фанга таянган ҳолда ақлли технологияларни яратмоқда. Бироқ барча муҳандислар билиши керакки, бугунги кунда техник инновацияларнинг салбий оқибатлари глобал муаммоларга олиб келиши мумкин.

Инсоният ва саноат қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни асосида бир-бирига диалектик боғлиқликда ривожланади. Саноат ва фан-техника тараққиётининг табиат ва биосфера мавжудлиги қонуниятларига зид келадиган жиҳатлари қайта кўриб чиқиши лозим. Негаки, табиатни биз яратмаганмиз, унинг мавжудлик ва ривожланиш қонуниятлари биздан олдин, бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган. Шундай экан, у қонуниятларни ўзгартира олмаймиз.

Замонавий саноат ва фан-техника тараққиётининг баъзи жиҳатлари табиат, биосфера ва инсоният келажаги учун номақбулдир. Демак, саноат ва техника тараққиёти қонуниятлари табиат ва биосфера қонуниятларига мослаштирилмоғи лозим. Шундай йўллар топилиши керакки, улар одамзоднинг заволи учун эмас, аксинча, истикболи учун хизмат қилсин. Бу эса техникани инсонпарварлаштиришни тақозо этади.

Баҳриддин САЛИМОВ,

Тошкент давлат Транспорт университети доценти

Virtual dunyo saboqlari

Ҳозирги замонда ахборот технологиялари ва глобал тармоқлар шиддат билан ривожланмоқда. Бу виртуал реаллик шаклланишига олиб келди. Айни жараён болалар дуёқараши, таълим-тарбиясига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир ўтказяпти.

Компьютер ва интернетга бўлган даврда ўсиб-ўлғайган ота-оналар ва муаллимларнинг катта қисми “Бола интернетдан истифода этишининг фойдасидан кўра зарари кўпроқ” деб ўйлайди. Болани компьютер ёки интернетдан чалғитиш

ҳаракати замирида, аслида, катталарнинг масала моҳиятини теран билмаслиги ётибди. Яъни бу ҳолат болани ахборот технологияларидан ажратиб қўйишга баҳона бўлмаслиги керак. Чунки айнан катталарнинг тутган йўлидан келиб чиққан ҳолда ёш авлодда кибернетик дўстига нисбатан муносабат шаклланади.

Шубҳасиз, интернет билим ва керакли ахборотни олиш учун улкан имкониятлар яратади. Бироқ тармоққа жойланган катта ҳажмдаги контентнинг барчасини ҳам ишончли ва манфаатли деб

бўлмайди. Фойдаланувчилар маълумотларнинг тўғрилигини аниқ ажрата билиши учун танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши лозим. Болалар шурида “Интернетга киритилган бўлса, демак, тўғри” деган фикр шаклланиб қолмаслиги шарт. Уларга интернетда хоҳлаган инсон ўз саҳифасини яратиши, унга ҳар қандай маълумотни жойлаштириши ва бунда унга ҳеч ким тўсқинлик қилолмаслигини ўз вақтида тушунтириш зарур. Шу тариқа болани кенг доирадаги манбалардан фойдаланишга йўналтириш, фактларни фикрлардан фарқлашга, тўғрилиги тасдиқланмаган ахборотдан ҳимояланишга ўргатиш мумкин (*қаранг: Ахборот асрида таълим-тарбия. Тошкент, “Akademnash”, 2012. 176-бет*).

Маълумки, оламни билиш ҳиссий қабул қилишдан бошланади. Кейин образ ва тасаввурлар шаклида абстракт (мавхум) тафаккур босқичига ўтилади. Ҳиссий-конкрет образлар абстракт тушунча ва умумлаштириш учун асосдир. Бу ерда абстрактлик виртуал ҳолатни ифодалайди.

Таълим – абстракт тушунчаларда ифодаланган билимнинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши. Бундай ҳолатда билиш, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларда ҳиссий қабул қилишдан бошланиши шарт эмас. Чунки бу ерда предметни ўрганиш назарий тушунчалар мазмунини тушуниш ва тушунтириш орқали содир бўлади. Табиийки, бу ўқитувчиларда маълум қийинчилик туғдиради. Кўпинча, ўқитувчи бирон бир ижтимоий мавзунини тушунтирганда баъзи бир мавхум маънони ўқувчилар аниқ-равшан қабул қила олмаслиги мумкин. Шундай вазиятда кўргазмалар курол таълим жараёнини фаоллаштиради, образ ва виртуал моделларни шакллантиради ҳамда ғояни конкретлаштиришга ёрдам беради.

Таълим жараёнида ҳиссий-конкрет образлар (виртуал образ), виртуал модель ва тасаввурлар бўлмаса, тафаккурда ҳаракат юз бермайди. Таълимда кўргазмалилик мавхум фикрлаш қобилиятини ўстиришга олиб келадиган конкретлик ва абстрактлик ўртасидаги алоқани таъминлайди. Бу эса ўқувчи онгида виртуаллик ва реаллик ўртасида ўзаро боғланиш мавжудлигини кўрсатиб беради.

Педагогикада кўргазмалилик тамойили янгилик эмас. Лекин ҳозирги замонда кўргазма ёрдамида таълим бериш тобора мураккаблашмоқда. Соҳа вакиллари энг янги техника воситалари билан куролланмоқда. Бошқача айтганда, плакат ва суратлар ўрнини энди компьютерлар ва интернет эгаллапти.

Ижтимоий-гуманитар фанларни виртуал кўргазмалар куроллар асосида ўқитишда бола тасаввур компьютер технологиялари асосида ҳаракатлантирилади. Виртуал кўргазмалар куролни таълим жараёнида ишлатиш ўқитувчига катта ёрдам беради, унинг дарсини тушунарли қилади, исбот ва асослашни кучайтиради, жараён ва ҳодисаларни кераклича тезлатиб, секинлатиш, орқага қайтариш имкониятларини беради.

Виртуал кўргазмалар жараёнларни ифодалашда асосан компьютер ва интернетдан фойдаланилиши маълум. Буларнинг таълим жараёнига кириб келиши “виртуал таълим”, “виртуал лаборатория”, “виртуал кутубхона”, “электрон дарслик” каби янги тушунчаларни шакллантирди.

Компьютер воситасида ҳар хил вақт ва маконда туғилган ғояларни бир-бири билан таққослаш, асосий мазмунга урғу бериш, сўз ва тасвири органик, яъни оқилона боғлаш имконияти пайдо бўлади. Бунда турли виртуал модель ва схемалардан фойдаланиб, янги ғоя ва назариялар яратиш мумкин. Интернетни татбиқ қилиш эса масофавий таълим технологияси – виртуал таълимга пойдевор бўлди. Бу тизим орқали умумтаълим мактаблари ўртасида виртуал фикр ва ғоялар алмашинуви юқори босқичга кўтарилади. Виртуал таълим жараёнида қатнашчилар ўртасида виртуал макон шаклланади.

Аудиторияда виртуал кўргазмалар асосида дарс ўтишининг асосий мақсади ўқувчига виртуал оқимни тасаввур шаклида кўришни ўргатиш эмас, балки бир вақтда бўладиган ҳар хил воқеалар, товуш шакллари эмоционал ҳис қилишни сингдириш, назарий таҳлил даражасини кучайтиришдан иборат. Бу ўқувчининг “ички экрани”га – онгига келадиган ҳар хил маълумотларни образли синтезлаб, янги фикрларга доялик қилади.

Виртуал кўргазмалар воситалар инсоннинг олдин юз берган, ҳозир юз бераётган ва келажакда юз берадиган вазиятларни виртуал эсга олиши ва фикрий таҳлил қилишига кўмаклашади. Ўқувчи нарс ва ҳодисалар ҳақидаги яққол кўзга ташланиб турадиган образларни мужассамлаштирибгина қолмай, уларнинг ифодаланиши, вужудга келиши, олдин учратмаган янги реалликни, янги қиёфаларни умумлаштириб, ижодий фикрлай бошлайди. Шу тариқа виртуал кўргазмалар таъсирида ўқувчи онгида ижодий тасаввур илдиз отади.

Ҳусан МУҲАММАДИЕВ,
ТАТУнинг Самарқанд филиали
катта ўқитувчиси

Bir davlat – turfa madaniyat

Инсоният бошига мислсиз кулфат ёғдирган Иккинчи жаҳон уруши миллатчилик куткуси сабаб рўй бергани маълум. Уруш якунлангач, дунёнинг тараққийпарвар олим ва сиёсатчилари этник ихтилофларни бартараф этиш йўллари кидирмоққа бел боғлади. БМТ Бош ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида турли миллат ва элатларнинг тенглиги тамойили белгиланди. “Барча инсонлар қадр-қиммат ҳамда ҳуқуқлар борасида эркин ва тенг бўлиб туғилди. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин, бир-бирларига биродарлик руҳида муносабатда бўлмоқлари лозим”, дейилади унинг илк моддасида (<https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>).

XX асрнинг иккинчи ярмида Шимолий Америка ва Ғарбий Европа давлатларида амалга татбиқ этилган мультикультурализм сиёсати ҳам миллатлараро низоларни соғлом тафаккурга таяниб ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар маҳсули саналади.

Замонавий давлатлар тил ва маданият борасида устун мавқега эга бўлган (доминант) миллатлар томонидан тузилган. Бундай муҳитда кам сонли этник гуруҳларнинг ўз тили, маданияти ва қадриятларини сақлаб қолиши қийин кечади. Мультикультурализм (инглизча “*multiculturalism*” сўзидан олинган бўлиб, кўпмаданиятчилик маъносини билдиради) таълимоти айнан этник, миллий ва диний хилма-хилликни ёқлаши билан аҳамиятлидир.

Дунёда сўнгги асрларда ҳукм сурган ассимиляция сиёсати кам сонли этник гуруҳларнинг титул миллатга қўшилиб-қоришиб кетишини кўзда тутди. Масалан, XX аср бошларида АҚШда кенг тарғиб-ташвиқ қилинган “эритувчи қозон” (*melting pot*) моделига мувофиқ турли этнос ва элатлар қўшилган ҳолда инглиз тилида сўзлашувчи ягона миллатни вужудга келтириши керак эди. Аммо турфа миллатларни “бир қозонда қайнатиш”, жамиятни яқранг тусга киритиш сиёсати ўзини оқламади. Билъакс, бу модель қора танлилар, ҳиндулар ва Осиё давлатларидан борган муҳожирлар ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишига олиб келди (*The Myth of the Melting Pot: America’s Racial and Ethnic Divides // The Washington Post. February 22, 1998. P. A1*).

Этномаданий ассимиляция ғоясига муқобил ва муҳолиф таълимот сифатида вужудга келган мультикультурализм “Кам сонли миллатлар ҳам ўзлигини сақлаб қолишга ҳақли” деган қоидага таянади. Мазкур сиёсий модель тарафдорлари муайян бир давлатда яшаётган турли миллат ва маданият мансублари ўртасида тотувликка эришиш, этник озчиликларнинг ўзлигига дахл этмаган ҳолда уларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш ғоясини илгари суради.

Мультикультурализмнинг яловбардорларидан саналган сиёсатшунос Уилл Кимлика фикрича, ҳар бир этник жамоа бетакрор тил, қадрият ва анъаналарга эга. Мамлакатда кам сонли миллатлар учун бағрикенглик муҳити яратилиши етарли эмас. Давлат турли этник гуруҳлар вакилларининг она тилида таълим олиши, ўзлигини сақлаб қолиши учун зарур шарт-шароит яратиши, кам сонли элатлар вакилларига қонунчилик ва ижроия идораларида квота ажратиши лозим (*Kymlicka W. Multicultural Odysseys. Navigating the New International Politics of Diversity. New York, Oxford University Press, 2009. P. 16*).

Фаранг ва инглиз колониялари негизда ташкил этилган Канада мультикультурализм сиёсатининг ватани ҳисобланади. Айирмачилик ва миллий низолардан кўп жабр чеккан Канада ҳукумати 1971 йилда мультикультурализмни давлат сиёсати деб эълон қилди. “Бир давлат, икки тил, кўп миллат ва маданиятлар” деган шиор остида миллий, ирқий ва диний хилма-хилликни муҳофаза этишга қаратилган чора-тадбирлар қўрилди. 1982 йили қабул қилинган Ҳуқуқлар ва эркинликлар тўғрисидаги хартияда кўпмаданиятчиликка асосланган қадриятлар устуворлиги белгиланди. 1988 йили Канада парламенти дунёда илк бор “Мультикультурализм тўғрисида” қонун қабул қилди (*Dewing M. Canadian Multiculturalism. Ottawa, Library of Parliament, 2009. P. 5*).

Канаданинг қарийб 40 миллион аҳолисида 8,3 миллиони ёки 23 фоизини кейинги ярим асрда кўчиб келган муҳожирлар ташкил этади. Давлатчилик асосини ташкил этган инглиззабон ва фарангзабон ҳудудларда яна ўнлаб миллатларга мансуб аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Канада тажрибаси миллатлараро робиталарни оқилона йўлга қўйиш усули сифатида тан олинган.

1980 – 90-йиллардан “бир давлат – кўп маданият” тамойили Фарбий Европа, жумладан, Германия, Буюк Британия ва Францияда амалиётга жорий этила бошлади. Аммо “янги дунё” давлатларидан фарқли ўлароқ “кўҳна қитъа”да мультикультурализм кутилган натижани бермади. Кўп миллионли муҳожирилarning мезбон давлат тилини ўрганмагани, жамоавий қобикни ёриб чиқа олмагани оқибатида Европа давлатларида “параллел жамият”лар (олмон социологи Вилхелм Хайтмаер таъбири) вужудга келди.

Колумбия университети профессори, сиёсатшунос ва файласуф Жованни Сартори кўпмаданиятчилиги ҳоясини Европа сиёсий давлатчилиги модели ва ўзлик концепциясига таҳдид деб атайди. Миграция сиёсати, хусусан, мусулмон муҳожирилари мурасасиз кайфиятда бўлган олим мультикультурализм Европа давлатларини маданий жиҳатдан парокандаликка олиб борганидан баҳс этади (*Sartori G. Pluralism, Multiculturalism and Foreigners: An Essay on Multiethnic Society. Editura Humanitas, 2007*).

2001 йил 11 сентябрь кунин Фарб цивилизациясининг юраги саналган Нью-Йорк шаҳрида рўй берган терактдан кейин дунё геосиёсатида туб ўзгаришлар рўй берди. Бу ҳодиса сиёсий доираларда кўпмаданиятчилик таълимотига нисбатан эътирозлар кучайишига ҳам сабаб бўлди.

Мультикультурализмнинг муҳолифи бўлган олимлар ҳамда сиёсатчилар Европа, Шимолий Америка давлатларида кўним топган муҳожирилар Фарб тамаддуни қадриятларини тўлиқ қабул қилмаётгани, ҳатто мезбон давлат тилини

ҳам ўрганмаётганини танқид қилади. Жумладан, америкалик сиёсатшунос Патрик Бьюкенен турли ирқ, эътиқод ва маданиятларга мансуб кишиларнинг оммавий иммиграциясини Фарб тамаддуни учун жиддий хатар деб баҳолайди. У фикрини далиллаш учун “Тамаддунолар тарихи” китобидан ушбу иқтибосни келтирган: “Рим варварлар босқини туфайли ҳалокатга юз тутмаган. У империяда варвар аҳолининг кўпайиши оқибатида инқирозга учраган. Жадал суръатлар билан кўпайиб бораётган варварлар мумтоз маданиятни тушунишни ҳам, қабул қилишни ҳам, тарқатишни ҳам истамас эди” (*Бьюкенен П. Фарбнинг ўлими. Тошкент, “Илм-Зиё-Заковат”, 2021. 238-бет*).

Сиёсатшунос У. Кимлика мультикультурализм ҳояси ишончини оқламагани ҳақидаги фикрларни рад этади. Унга кўра, Канада, Австралия ва Янги Зеландиядан фарқли ўлароқ Фарбий Европа давлатлари кўпмаданиятчилик концепциясини амалга татбиқ этишда хатолаарга йўл қўйди, жумладан, муҳожирилари жамиятга интеграция қилиш бора-сида керакли чоралар кўрилмади. Олим муаммо мультикультурализм мафкурасининг ўзида эмас, балки уни янглиш тушунишда деб ҳисоблайди (*Кимлика У. Взлет и падение мультикультурализма // Дискурс-Пи. 2013. №11. Стр. 71 – 82*).

Дунё бўйлаб миграция кенг қулоқ ёзган ҳозирги даврда кўпмаданиятчилик концепцияси теграсидаги баҳслар ҳам тобора кучаймоқда.

Собиржон ЁҚУБОВ,
мустақил тадқиқотчи

Olti asrlik jumboq

Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни аниқлаш масаласи узоқ йиллар давомида кўплаб олимларни қизиқтирган бўлса, бинонинг тузилиши, унда ишлатилган асбобларни аниқлаштириш ҳам худди шундай узоқ чўзилган баҳсли масалалардан бири бўлиб келган. Улардан бирини ҳал қилиш ЎзФА академиги, тарих фанлари доктори Дилором Юсуповага насиб этди. Д. Юсупова 1963 йилда Тошкент давлат университети Шарқшунослик факультетининг Эрон-афгон бўлимида тахсилни тамомлагач, фанлар академияси ҳузуридаги Шарқшунослик институтида иш бошлайди. Олима то ҳозирга қадар шу даргоҳда фаолият юритаётир.

Ҳали илмий даражага эга бўлмаган ёш тадқиқотчи форс тилини мукамал билиши, қўл-ёзмаларни қийналмай ўқий олиши, ўз ишига ўта масъулиятли экани билан академик Яҳё Ғуломовнинг эътиборига тушади. Устоз олим 1972 йили Дилором Юсуповага ўзини кўпдан бери ўйлантириб келаётган масаладан гап очади ва унинг қўлига бир қўлёзманинг фотонусхасини тутқазади. Бу – расадхонада Мирзо Улуғбек билан бирга фаолият юритган, расадхона қурилиши ва ишида бевосита иштирок этган Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг Самарқанддан Кошон шаҳрида яшаган отасига 1420 – 1421-йилларда ёзган форс тилидаги тарихий мактуби эди (Юсу-

пова Д. *Ғиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга, отасига ёзган мактуби // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996. 266-бет*).

Я. Ғуломов кичик илмий ходимнинг салоҳиятига, бу қўлёзма таржимасини аъло даражада уддалай олишига катта ишонч билдиради. Д. Юсупова бу мактуб таржимаси Улуғбек расадхонаси қурилиши, бинонинг тузилиши, унда фойдаланилган астрономик ускуналар, асбоблар ва атамалар билан боғлиқ узоқ давом этиб келаётган баҳсли мунозараларнинг ечим топишида катта ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидлайди. (Мазкур мақола муаллифи томонидан 2024 йил 8 февралда Тошкент давлат Педагогика университети Тарих факультетида академиклар Аҳмадали Асқаров ва Дилором Юсупованинг талабалар билан учрашуви ташкил этилди. Юқоридаги маълумотлар ана шу учрашувда олима томонидан айтилди.)

Шу ўринда Ғиёсиддин Коший ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Риёзиёт, фалакиёт илмида пешқадам аллома Жамшид ибн Масъуд ибн Маҳмуд Ғиёсиддин Коший Техрон ва Исфаҳон орасида жойлашган тарихий Кошон шаҳрида туғилиб ўсган. Таваллуд топган вақти номаълум, ҳаётининг сўнгги даврида Самарқандда яшаган, тахминан 1429 йили вафот этган. У Эрон, Юнонистон, Ўрта Осиё олимларининг асарларини таржима қилган ва шарҳлар ёзган. Отасига ёзган мактубидаги маълумотлар нафақат Ўзбекистон тарихи учун, балки дунё астрономия фани учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Д. Юсупова мактуб таржимасига киришади. Дастлаб мактубдаги геометрия, астрономияга доир атамалар ва турли сўз бирикмалари таржимада қийинчилик туғдиради. Ёш олима бу муаммонинг ҳам ечимини топади: ЎзФА Астрономия институтига қатнаб, у ерда сақланаётган астрономияга оид турли асбоб-ускуналар, уларнинг номланиши, тузилиши, бажарадиган вазифасини синчилаб ўрганади.

Кўп ўтмай, тарихий мактубнинг таржимаси якунига етади. Таржимоннинг Астрономия институтида астрономик ускуналарнинг номланиши, тузилиши ва бажарадиган вазифасига доир олиб борган изланишлари натижаси ҳам таржимага илова қилинади. Д. Юсупова мактуб таржимаси орқали тарихчиларга Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий шахси, расадхона қурилиши, унинг тузилиши ҳақида янги тарихий маълумотларни маъ-

лум қилган бўлса, иловадаги изоҳлари билан осмон жисмларини кузатишда қўлланган қадимий астрономик асбоблар, уларга оид атамаларни фанга тақдим этди.

Шунингдек, мактубда Улуғбекнинг атрофидаги олимлар ичида тенги йўқ экани, араб тили, фикҳ, мантиқ, адабиёт, риёзиёт, фалакиёт илмини мукамал эгаллагани, ўзи қурдирган мадрасада риёзиётдан маъруза қилгани, кучли хотира соҳиби экани, расадхона деворида осиглиқ турган қуёш соатида оид маълумотлар ҳам бор. Устурлоб, судси фаҳри, секстант, квадрант, зот ул-халқ, зот ул-лақ, зот ул-маст, зот ул-ҳадафа каби астрономик асбоб-ускуналар ҳақида ҳам ёзилган. Д. Юсупова расадхонадаги ана шу номларга мос келадиган асбобларни аниқлаштириб берган. Хусусан, ўша вақтгача олимлар орасида давом этган “Улуғбек расадхонасининг бугунги кунгача сақланиб қолган қисми секстантми ёки квадрант?” қабилдаги мунозарарага чек қўйилди. Олима иншоот квадрант эканига ойдинлик киритди.

Дунё олимлари мактубнинг катта аҳамиятга эга эканига таржимадан анча аввал эътибор қаратган эдилар. Жумладан, мактуб 1940 йили форс тилида, айрим парчалари 1960 йили турк тилида, ўша йили инглиз тилида, 1963 йили араб тилида, 1972 йили рус тилида нашр этилган.

Олиманинг айтишича, қўлёзманинг таржимасини нашр этиш бир оз вақт академик Я. Ғуломовнинг ҳам, Д. Юсупованинг ҳам эътиборидан четда қолган. Таржима 1979 йили яна бир академик, математика фанлари доктори Саъди Сирожиддиновни қизиқтириб қолади. У Мирзо Улуғбек даврида астрономия, математика, география ва тарихга доир илмий мақолалар жамланган “Из истории науки эпохи Улуғбека” номли махсус тўпламни тайёрлаш жараёнида унга Ғиёсиддин Кошийнинг мактубини ҳам киритишни таклиф қилади. Шу зайлда бу таржима Ўзбекистонда илк бор кириш сўзи, изоҳлар билан бирга С. Сирожиддинов таҳрири остида рус тилида нашр этилади (*Юсупова Д. Письмо Гийас ад-дина Каши к своему отцу из Самарканда в Кашан / Из истории науки эпохи Улуғбека. Ташкент, “Фан”, 1979. Стр. 245*).

Мактубнинг ўзбекча матни эса кириш сўзи, изоҳлар билан 1996 йили Бўрибой Аҳмедов илмий таҳрири остида тайёрланган “Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида” номли тўпламда чоп этилади. 2009 йили мазкур тўплам лотин алифбосида қайта нашр қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, Василий Вяткин ёзма манбалар ва археологик қазилмалар натижа-сида Улуғбек расадхонаси жойини топиб катта кашфиёт қилган бўлса, ҳали илмий даражага эга бўлмаган ёш ўзбек қизи Дилором Юсупова Ғиёсиддин Кошийнинг тарихий мактубини рус ва ўзбек тилларига таржима қилиб, расадхонанинг бу-

гунгача сақланиб келаётган қисми секстант эмас, квадрант эканига аниқлик киритиб, олимлар орасида узоқ давом этиб келган баҳсли мунозарага якун ясади.

Гулдона ТАНИЕВА,
тарих фанлари доктори, профессор

Azim tog'lar sadosi

Шоир Азим Суюн (1948 – 2020) ўзбек шеър-иятида янги шаклга қўл уриб, қайирма жанрига асос солган эди. Бу тажриба Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов томонидан ҳам эътироф этилган: “Кейинги йилларда адабиётда, хусусан, шеър-иятда янгилик яратишга, яъни ҳар хил услуб ва шаклларни янгилашга бўлган интилиш кучайди. Бундай қизиқиш нафақат ёш қаламкашлар, балки бир қадар суяги қотган ижодкорлар орасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда” (А. Орипов. *Қайирма — мустақил жанр* // А. Суюн. *Эй дўст ёхуд Азимно-ма. Тошкент, “Akademnashr”, 2018. 3-бем).*

“Қанақа янги жанр?! Янги жанр яратса, Навоий яратарди!” дея писанда қилгувчи шоирлар ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам йўқ эмас. Адабий жараёндаги бирхиллик, эски қолиплар янги-ланаётган жамият вакиллари, айниқса, ёшларни қониқтирмай қўйган эди. Шунинг учун “ҳар хил услуб ва шаклларни янгилашга бўлган интилиш кучайди”. Анъанавийлик инкор қилинмади, балки унга ёндош ирмоқ пайдо бўлди.

Мумтоз шеър-иятимизда тўрт сатрли рубоий ва туюқ жанрлари бор. “Рубоий жанрига мансуб бўлган шеър-ий асарлар аксар ҳолда а а б а тарзида, яъни 1, 2, 4-мисралари қофияланади. Баъзан шоирлар рубоийнинг тўртала мисрасини ҳам қофиядош қилиб ёзганлар. Бундай рубоийлар тарона деб аталган” (Ҳожиаҳмедов Анвар. *Мумтоз бадиият малоҳати. Тошкент, “Шарқ”, 1999. 208-бем).* Туюқлар эса асосан тажниси қофияга эга бўлади, а а б а ёки б а в а тарзида қофияланади. Арузшунос Анвар Ҳожиаҳмедов келтирган маълумотга кўра, Лутфий 70 та, Алишер Навоий 13 та, Бобур 17 та, Оғаҳий 8 та, Ҳабибий 9 та туюқ яратган. Шу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, туюқ ёзиш осон эмас. Чунки унда тажнис, ийҳом сингари бағоят нозик лафзий санъатлар қўллангани боис бу ихчам, лекин мураккаб тўртликни ҳам-ма шоирлар ҳам ярата олмаган.

Замонавий ўзбек шеър-иятида ҳам тўртликлар яратилган. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг машҳур тўртлиги бор: “Шеърнинг сози — тўрт сатр. // Тўрт ажойиб — зўр сатр. // Шоир одам ўзини // Тўрт сатрда кўрсатур (Сайланма. 1-жилд. Тошкент, “Шарқ”, 2000. 83-бем). Муаллиф “Садоқат”, “Соддалик”, “Қисмат”, “Бизнесмен сўзи”, “Қўғирчоқлар”, “Тайёрада”, “Грипп бўлган ошнамга” сингари тўрт сатрдан ташкил топган бир қатор шеърларига сарлавҳа ҳам қўйган.

Абдулла Орипов ҳам 1963 йили иккита тўртлик ёзган. Уларнинг бирига сарлавҳа қўйган, иккинчиси эса номсиз: “Гоҳо ер меҳрини ўйлар-кан, // Эсга тушар дорнинг сиёғи. // Ажаб ҳик-мат, одам ўларкан // Ўзилганда... ердан оёғи” (Танланган асарлар, 1-жилд. Тошкент, Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 57-бем). Шоирнинг 2000 — 2001-йилларда нашр қилинган тўрт жилдли “Танланган асарлар”идан “Сахро сўқмоғида бошин эгиб жим”, “Тингла, бу абадий садо бўлади”, “Коинот гултожи инсондир азал”, “Самода юрибди хануз ёлғиз ой”, “Шукр айтай, кўп яхши умр кўрдим мен”, “Бир вақт бо-шоқ эдим, қирларда ўсдим”, “Оқшомдан бошлан-гай одатда тонглар”, “Соч ҳам тўқилмоқда, омон-натдир тиш” деб бошланувчи кўплаб тўртликлар ўрин олган.

Новаторлик қобилияти ҳар кимда учрайвер-майди, ижодий янгилик ҳар қадамда пайдо бўла-вермайди. “Қайирма” сўзи обдан етилган, тобига келган нарсаси, иш, ҳаракат, амал маъноларини англатади, — деб изоҳлайди бу янги шаклни атоқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдош. — Жумладан, қайирма патири ўзбек қишлоқла-рида тажрибали кайвониларгина ёпа олади. Барча қизу келинлар ҳам бу ишнинг уддасидан чиқавермайди. Қайирманинг ўзагида “қайиш”-лик, яъни пишиқлик, пухталиқ маъноси ҳам бор.

“Қайирма” жанрининг Азим Суюн томонидан айнан энди яратилгани ҳам шу билан изоҳла-нади. Муайян ҳаётий босқичдан ўтиб, етарли турмуш тажрибаси ва керакли поэтик маҳоратга эга бўлгандан кейингина шеърда ҳам ёниқ юрак ҳароратини, ҳам фалсафий фикрчанликни уй-ғунлаштириш мумкин бўлади” (Йўлдош Қ. *Сўз ёлқини. Тошкент, Ф. Фулом номидаги НМИУ, 2018. 10-бем).*

Шоир Азим Суюннинг 2018 йили “Академ-нашр” нашриётида чоп этилган “Эй дўст ёхуд Азимнома” китобида 1077 та шеър-ий қайирма берилган. Мана, улардан бири: “Эй дўст! // Та-биятда ўлим энг қудратли куч, // Ундан ҳам қудратли, шаксиз, бу аёл. // Ўлим — тирикликка урилган қилич, // Аёл — шу қиличга қалқон бе-тимсол!”

Шоирнинг айрим қайирмалари, бир қарашда, Умар Хайём рубоийлари оҳангига эврилади: “Биз олам бўлсак гар, удир меҳвар!”

Синчи олим Қозоқбой Йўлдош жанрнинг алоҳида жиҳатлари хусусида бундай ёзади: “Диққатга молик жиҳати шундаки, шоир қайирма-

ларнинг ҳаммасида бирдай такрорланган икки бўғиндан иборат олти товушли “Эй дўст!” тарзи-даги ундаланнинг ҳар бир шеърда ўзгача маъно ифодалашига эришган. Шоирнинг аслида тўрт-лик шаклидаги шеърлари шу сўзлар туйғули бешликка айланган. Лекин “Эй дўст!” унданмаси шунчаки шаклий оригиналлик мақсадида қўллан-ган эмас, балки ҳар бир шеърда акс этган туйғу-нинг залварини, фикрнинг салмоғини оширишга йўналтирилган поэтик унсурдир. У айрим ўрин-ларда завқ, баъзан афсус, баъзида алам, гоҳи-да мурожаат, гоҳо чорлов бўлиб янграйди” (Ўша манба, 10-бем).

Қайирма жанрида ҳозирча бошқа шоирлар қаламини синаб кўрган эмас. “Шоиримизнинг бу янгилиги адабиётда албатта эътироф этила-ди. Азим Суюнга эргашиб бу йўлни давом этти-ришга бел боғлайдиганлар ҳам чиқишига шубҳа қилмайман”, деб умид билдирган эди Абдулла Орипов.

Сафар АЛЛАЁРОВ,
мустақил тадқиқотчи

Mo'jaz rasmda mo'jiz ma'no

“Миниатюра” — французча “miniature”, лотинча “miniut” сўзларидан олинган бўлиб, “қизил бўёқ” маъносини англатади. Истилоҳий маънода эса бадиий усуллари ўта нафис бўлган кичик ҳажмли, мўъжаз тасвирий санъат асарларини билдиради. Бунда, асосан, ўрта аср қўлёмалари-ни зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расмлар, баъзи ҳолларда суяк, пергамент, тош-қоғоз, чинни, ашёвий буюмлар, яъни тамакидон, соат, узук ва бошқаларга ишланган кичик ҳажм-даги рангтасвир намуналари тушунилади.

Миниатюра санъатининг асоси нақшдан бош-ланган. Шунинг учун Эронда бу санъат “нақши нигор” деб аталади. Унга шеър-ият, мусиқа, рақс ва театр санъати кучли таъсир кўрсатган.

Бу мўъжаз санъат намуналаридаги компози-цион қурилиш масаласи ҳам ҳалигача кўпчилик мутахассисларни қизиқтириб келади. Ф. Кова-лев таърифича, “Композиция тасвирий санъат асарининг шаклан қурилиши бўлиб, у муаллиф тасаввурини очиб беришга қаратилади. Компози-

ция — бадиий асарнинг идрок этилишини белги-лаб берувчи, мазмуни, характери ва мақсадига асосланувчи тузилмасидир” (Ковалев Ф. *Золотое сечение в живописи. Киев, 1989. Стр. 40).* Олим композициянинг яхлитлик, нисбат, симмет-рия ва ритм каби тўрт қондасини таҳлил этади. Унингча, композиция табиатан мавжуд ва агар рассом композиция қоидаларига бўйсунмаса, унинг асари мукамаллик касб этмайди.

Сўфийлар қарашларига кўра, “Ҳақиқий дунё-да мавжуд бўлган уйғунлик, симметрия, тартиб, нисбат, ёруғлик ва ранг кабилар Оллоҳ камолоти инъикосидан бошқа нарсаси эмас” (Курбанмамадов А. *Эстетическая доктрина суфизма (опыт критического анализа). Душанбе, 1987. Стр. 13).* М. Назарлининг фикрича, сўфийликда рассом ижоди илоҳий жараён сифатида тавсифланади. Тадқиқотчи Шарқ миниатюрасидаги композиция-ни тасаввуф ғоялари билан уйғун ҳолда очиб бе-ришга ҳаракат қилади. Хусусан, миниатюра ком-позицияси бир қанча марказларнинг мавжудлиги

билан характерланиши, ундаги ҳар бир марказ ўзига хос тугал мазмунга эга бўлган композициянинг ибтидосини ифодалашини ёзади (қаранг: Назарли М. *Два мира восточной миниатюры*. Москва, 2006. Стр. 194).

Мовароуннахрда миниатюра санъати XVI – XVII асрларга келиб ўзига хос тарзда ривожланган. Бу даврда Эрон ва Ҳиндистон билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг кучайиши миниатюра санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Шарқ миниатюра санъати орқали миллий либослар тарихини ўрганган санъатшунос З. Раҳимова ҳам миниатюрада композиция қоидаларининг Ҳиндистон ва Эрон санъати таъсирида ривожланганини таъкидлайди (қаранг: Раҳимова З. *К истории костюма народов Узбекистана. Костюм Бухары и Самарканда XVI – XVII веков*. Ташкент, “Санъат”, 2005. Стр. 15).

Миниатюра санъати мамлакатимизда, айниқса, мустақиллик йиллари жадал ривожланди. Миллий уйғониш, миллий ўзликни англаш ғояларининг кенг тарғиб этилиши тасвирий санъат соҳалари, жумладан, миниатюра ривожига ҳам туртки берди.

XX аср охири – XXI аср бошларида ўзбек расомлари ўзига хос мактаб яратди. Ш. Шоёқубовнинг ёзишича, “Ўзбек миниатюрачи расомларининг асарлари услубий бирликнинг ривожланган, шахсий, индивидуал асосда шаклланишига мисол бўлиб, уларнинг асарларига хос эмоционал бойлик ва яхлитлик шу билан изоҳланади” (Шоёқубов Ш. *Замонавий Ўзбекистон миниатюраси*. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2006. 11-бет).

Р. Фатхуллаевнинг қайд этишича, Шарқ миниатюрасида чизиқ асосий тасвирий воситалардан бири ҳисобланади. У образни яратиш, ҳаракатларни ифодалашда асосий эстетик элемент

сифатида намоён бўлади (Фатхуллаев Р. *Рукописная книга и искусство миниатюры Востока*. Ташкент, 2021. Стр. 11).

Махсус лўғатда композицияга қуйидагича таъриф берилган: “Композиция – бадий асарнинг тузилиши, асарда тасвирланаётган нарсаларнинг образлари ва бадий воситаларнинг муайян мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашуви ва уларнинг мувофиқлиги” (Иброҳимов А., Сулаймонов А. *Китобат санъатига оид атамаларнинг изоҳли-иллюстратив лўғати*. Тошкент, “Академнашр”, 2018. 58-бет).

П. Шобаротов композицияни миниатюрадаги тасвирий унсурларни мутаносиб равишда маълум бир қоидаларга бўйсунган ҳолда жойлаштириш дея таърифлайди: “Мусаввир ўзи чизмоқчи бўлган лойиҳани юзага тўғри жойлаштира олиши лозим. Композицияда барча унсурларни тўғри жойлаштирилмаслик натижасида асоси бўш санъат асарлари вужудга келади. Асар мавзусидаги унсурлар тўғри жойлашса, композиция шунча мукамал бўлади” (Шобаротов П. *Миниатюра*. Тошкент, 2011. 5-бет).

Тадқиқотчи А. Раҳматуллаева сюжет ва образларни бадий ва илмий асарларга ишланган миниатюралар мисолида ўрганган. Б. Ҳожиметов эса XX аср 30-йилларидан мустақилликкача бўлган даврдаги ўзбек миниатюра санъатини тадқиқ этиб, унинг ривожланиш йўналишларини кўрсатган.

Юқорида келтирилган фикрлардан миниатюрада композиция ниҳоятда муҳим ўрин тутиши, ушбу ҳассос санъатнинг руҳи маъно бўлса, унинг тани композиция экани ойдинлашади.

Эркин ЖАББОРОВ,
Қарши давлат университети
доценти

FIKRLASHISH ENTIYOJI

(Нодира Офоқ. “Орзу ҳуқуқи”.
“Тафаккур”, 2024 йил 2-сон)

1990-йилларнинг ўрталари. Тасаввуф мавзуси матбуотда кўриниб, айрим рисола ва китобчалар чоп этилган, жамоатчилик орасида олқиш устига олқиш янграй бошлаган эди. Бир илмий ходима билан танишиб, суҳбатлашиб қолдик. Ҳали оила қуришга улгурмаган оддий ўзбек қизи. Мутахассислиги – шарқшунос. Тортинибгина, қимтинибгина бир гапни айтди: “Ҳозир бизда чиқаётган аксар мулоҳазалар, қарашлар тасаввуф таълимоти ҳақидаги катта илм уммони юзасидаги тасодифий, тахминий ва узук-юлуқ кузатишлар, ҳолос”.

Назаримда, тасаввуф билан абсурд бир-биридан узоқ тушунчалар эмас. Ҳар икки таълимотнинг бош-адоги йўқ ҳисоби, ҳар икковини англаб етишидаги мураккаблик вазидан уларни ҳаётга татбиқ этишга уринишлар кўпинча бесамар. Шарқ сўфийлик деб куйдиради, Ғарб абсурд деб бошни қотиради. Шарқ билан Ғарбнинг мувозанати ҳам, муаллақлиги ҳам, фикрдош ё мухолифлиги ҳам шу икки таълимот теваарида тажассум топмаганмикан, деб ўйлаб қоламан баъзан...

“Тафаккур”да эълон қилинган “Орзу ҳуқуқи” мақоласи кўнгилнинг аллақайси нуқмоғида биқиниб ётган шу хил ўй-мулоҳазаларни уйғотди...

Ҳар бир жамият, жамият ойдинлари вақти-вақти билан ана шу каби боқий таълимотлар доирасида фикр юритиб турмоғи зарур. Бир неча мақола билан масала ҳал бўлиб қолмайди, азалий жумбоқ ечим топмайди, албатта. Лекин ФИКРЛАШИШ муҳити вужудга келади. Айниқса, долзарблик деган балои азим – бурга десак ҳам хато бўлмайди – бошдан оғимизгача талаб, ке-

мириб ётган бир вақтда, дейлик, тасаввуф ёки абсурдга доир қарашларимиз янгилаб турилса, миллий фикр жонланади, одамийлашади, салмоқ ва мароқ касб этади.

“Орзу ҳуқуқи”да тарихга экскурс, ҳаётий асосларни излаш бор, талқинлар тафсилоти бор. Иттифоқо савол тугилади: абсурд не сабабдан адабиёт мавзуси бўлиб қолди? Фалсафани инкор этмаймиз, албатта, аммо азал-азалдан адабиёт бу мавзунини “ўзлаштириб” олмаганмикан? Шунинг ўзи алоҳида фикрлашга туртки беради...

Яна бир чекиниши. 80-йилларда “Нигох” деган қиссам чоп этилган эди. Қиссача тафсилоти бундай: йиллар мобайнида бир хил, бир хил, бир хил тарзда яшайвериши трамвай ҳайдовчиси Бекнинг шу қадар жонига тегадики, бир марта кўнглидан “Нима бўлса бўлар!” деган фикр йилт этиб ўтади. Вассалом! Трамвай олдинда бораётган “Волга”нинг ортидан бориб уради. Ҳаётий ҳангама бошланади!..

Қисса воқеаси швед адабининг “Ватандошлар майдонидаги Сизиф” ҳикоясига ўхшаб кетар экан. Юсуф Расул таржимасини топиб ўқирман, лекин ҳозирча мақола муаллифи айтган сюжетдан фавқулудда янгилик топмадим. Мен ўзим “Нигох”да Франц Кафкага тақлид қилганимдек бир машқ-ҳикояга ўхшади. “Жараён” ҳам, “Қалъа” ҳам (“Қўрғон” десак тўғрироқ бўлармиди? Олмон тилидан ўзбекчалаштирган қизимиз шу номни танлаган) “Эврилиш”нинг оқовалари. Кафка ижодининг сарчашмаси, бош тугуни – “Эврилиш”!

Кафка ҳикоя, романларида фавқулудда манзаралар яратган, бу ёруғ дунёнинг ақл бовар қилмас ҳақиқатларини кайф этган ҳамда ўша ҳақиқатларни одамлар билмай қўяқолсин деган ўйдади, ҳаммасидан воз кечган. Ёқиб ташла, деб илтимос қилган дўстидан. Чунки абсурд деб аталмиш лабиринт бўйлаб сайр этиш нечоғли мароқли бўлмасин, бу саяҳатнинг охири вой! Бесамар, боши берк кўча! Кафка учала романни охирига етказмаганининг сабаби ҳам шунда. Чунки бу гурбат “КўЧА”нинг адоги, ҳулосаси йўқ...

Абсурднамо йўналишидаги машқлар баъзан ҳаёлни олиб қочади. Қизиги, ўттиз йил бурунги эмас, уч кун бурунги қарашларингиз ҳам буткул ўзгача талқинларда ёзишга ундайди. Чунончи, “Донишманд Сизиф”ни исталган саҳифасидан бошқача... абсурд ўйларни ёзишим мумкин.

Абсурд ана шундай беадоқ, бетизгин ва жозибаларга бой ЖУМБОҚ!

Илоҳим, “Тафаккур” кам бўлмасин, бу каби мақолаларни, мушоҳадаларни кўплаб-кўплаб чоп этсин.

Камоли эҳтиром ила

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

SUMMARY

Interview with Doctor of Political Science, Professor Narzulla Jurayev. pp. 4-15.

In Uzbekistan, a new generation of leaders is emerging, many of whom have international educations and multilingual capabilities. However, Dr. Jurayev points out that some leaders still struggle with the concepts of openness and transparency, inadvertently earning public disfavor through actions such as using force or mistreating subordinates. This raises questions about why, despite changing times, the mindsets of some leaders remain unchanged.

Alisher Umirdinov. The Dream of Seeing the World in Uzbek. pp. 16-19.

Uzbekistan has decided to lay the foundations of the Third Renaissance. Professor A. Umirdinov, actively engaged in scientific activities in Japan, states that preparing Uzbekistan’s scientific community for a significant advancement is a crucial endeavor. He highlights the necessity of systematically translating leading international scientific resources – including textbooks, manuals, monographs, and articles – into Uzbek to truly revitalize the nation’s scientific landscape.

Abdurahim Erkaev. Neo-imperialism: new threats to independence. pp. 20-27.

Today, a new form of colonialism known as neo-imperialism is emerging globally. According to the author, neo-imperialism retains many characteristics of traditional imperialism, either unchanged or modified, while also taking on new forms. "A key aspect of this phenomenon is the attempt to exert comprehensive control over the global financial and credit systems, including banking, interbank settlements, trade, and payment systems. Unlike traditional imperialism, which relied on military force to colonize less developed countries, neo-imperialism employs 'soft power' to create dependencies in the financial, technological, and information sectors," concludes Professor A. Erkaev.

Norqobil Jalil, Ruzimboy Hasan. Who killed General Jurabek? pp. 90-99.

Jurabek Kalandar ugli, born in 1840 and deceased in 1906, was a significant figure during a tumultuous period in history. He was a statesman, military leader, and educator. Historians are divided about his legacy. Some view Jurabek as a hero who fought for Turkestan's independence, while others see him as a traitor who served Tsarist Russia with loyalty. General Jurabek met a violent end in Tashkent in 1906, and there are various theories about his death. This article supports the theory that he was murdered by agents of the Tsarist Russian secret service.

